

ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ



Маънавиятимизни инқироз исканжасидан олиб чиқдик: аждодларимиз, шу муқаддас заминда яшаган, башарият тарихида улкан из қолдирган алломалар, олимлар - бобокалонларимиздан қолган меросни асраб авайлаб, эъозлаб, халқимизнинг миллий мафкурасини шакллантириш, дину иймонимизни, анъаналаримизни қадрлаш, обрўимизни, урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Ислом КАРИМОВ

Олам, инсон ва маънавият тушунчалари ниҳоятда қадимий бўлиб, ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Одам Ато ва Момо Ҳаво фарзандлари бўлган Инсон яратилгандан буён ўзини жамики борлиқнинг мукамал мавжудоти деб ҳисоблайди. Зотан, фақат инсонгина ақл, онг, тафаккур эгаси эканлиги, билим, маърифат, маънавият чашмасидан баҳрамандлиги билан ажралиб туради.

Тарихга назар ташлаймик. Юртимизга бостириб келганларнинг барчаси биринчи навдатда маънавий меросимизни йўқ этишга ҳаракат қилишган.

Эрамиздан аввалги III асрда юртимизга келган Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) якка худочиликни тарғиб қилувчи зардуштийлик дини арбобларини қириб ташлаган, унинг муқаддас китоби «Авесто»нинг барча нусхаларини тўплаб, ўз юртига жўнатган. Мўғул босқинчилари ҳам ана шундай ёвуз ишларни бажаришган: масжид, мадраса, кутубхона, Куръон ва Ҳадислар ёқилган; ислом уламолари йўқ қилинган. Туркистон ўлкасини босиб олган чор Россияси ҳам

халқимизни маънавий қашшоқликда сақлаш бўйича барча чора-тадбирларни кўрган. Шўролар тузуми даврида ана шу сиёсат давом этди. Узоқ йиллар тарихимиз, тилимиз, маданий меросимиз, динимиз, шарқона ахлоқ-одобимиз, миллий урф-одат ва қадриятларимиз топталди. Қалб чироғи хиралашди, ўзлигимизни унутгаёздик. Оқибатда одамлар орасида меҳроқибат, ҳалоллик, поклик, тўғрилиқ фазилатлари сўна бошлади. Аксинча, мол-дунё, зеб-зийнат, ҳашамдорлик, манманлик, майшатбозлик, порахўрлик иллатлари илдиз отди. Она тилимизни қўйиб, ўзга тилда сўзлашишни давр

талаби деб ҳисобладик. Яқин жигарларимизнинг жанозасида қатнашишдан воз кечдик. «Куръон», «Ҳадис» қандай китоблар эканлиги ҳақида ўйлаб кўрмадик. Буюк аждодларимиз, ота-оналаримиз руҳига тиловат қилишни эскилик саркити ҳисобладик.

Халқимизнинг фидойи фарзанди Абдурауф Фитрат 1917 йилда юрак дардларини ифодалаб: «Туркистон номуси, эътибори, имони, эътиқоди, виждони оёқ остида қолди, туркнинг юрти, ўчоғи ёт қўлларга тушди», дея ўксиниб ёзган эди.

Мустақиллик шамоли маънавият хазинаси эшикларини очиб юборди. Асрлар давомида яширилган, топталган бой ва бебаҳо маданий меросимиздан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлдик. Қоронғи дилларимизни маънавият машъали ёрита бошлади.

Истиқбол ва маънавият сўзлари чамбарчас боғлиқдир. Маънавият - бу ўзлигимиз, тарихимиз, имон-эътиқодимиз, эл-юрт олдидаги бурч-масъулиятимиз, ўтмишимизга ҳурматимиз, келажакка ишончимиздир.

Президентимиз Ислом Каримов «Маънавият инсонга

она сути, ота намунаси ва аждодлар ўғити билан бирга сингади. Маърифат инсоният боғининг гўзал дарахти, маънавият - одамийлик хазинасининг гавҳаридир», - дея жуда тўғри таъриф берганлар. Инсон тарбиясини маърифат-маънавиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир инсон учун ҳам моддий, ҳам маънавий озик жуда зарур; моддий омиллар жисмоний кучкуват берса, маънавият унга руҳий озик бағишлайди. Маънавият билим, маърифат, маданият, фалсафа, ахлоқ ва дин тушунчаларини ҳам қамраб олади. Маънавият айрим бир киши ёки миллат, ҳатто жамиятнинг ички ҳаёти, ахлоқ-одоб фазилатини ифодалайди.

Билим бобида жуда илгарилаб кетиб, маънавият бобида ортда қолган одам олдинга эмас, орқага кетаётган бўлади...

Арасту (қадимги юнон донишманди)

Тарбия ва маънавиятни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўзига хос тарбия усули мавжуд. Ўзбек халқининг ҳам минг йиллар ичра шаклланган, турмуш синовларидан ўтиб, зийнатланган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ажойиб урф-одатлари, анъаналари, удумлари, кадриятлари, тўй ва маъракалари, ниҳоятда бой тили ва тарихи ҳамда маданияти мавжуд. Уларни чуқур ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш, ёшларни ўргатиш ўзлигимизни чуқурроқ эгаллаш учун ниҳоятда муҳимдир.

Маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавий баркамол инсонларсиз жамиятни ривожлантириш амри маҳол. Айниқса, **ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш** шу куннинг долзарб масаласи сифатида ўртага қўйилди. Дарҳақиқат, юқори малакали ва маънавияти юксак бўлган мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мамлакат истикболини белгилаб берувчи бош омиллардан биридир.

Буюк Истиклол тўғайли миллатимизнинг бебаҳо кадриятлари - кадр-қиммат, оқибат, аҳиллик, меҳр-мурувват каби фазилатлар ҳаётимиздан тобора мустаҳкам ўрин олмоқда. Ижтимоий-сиёсий ва маънавий тафаккуримизнинг, халқимиз дунёқарашининг ривож учун раво йўللари очилди.

Дарҳақиқат, ёш мустақил давлатимизнинг ривожланиш тараққиёти ҳар томонлама билимли, юқори малакали, демократик давлат қурилишининг фаол аъзолари бўла оладиган ёшлар қўлидадир. Бунинг учун ёшларимиз юксак ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятга бўлишлари лозим. Ҳуқуқий маданиятга ёшлар қонунни ҳурмат қилади, ўзини қонун ҳимоя қилишини биледи, ҳар бир қонун ким учун, нима сабабдан қабул қилинганлигини тушунган ҳолда унга итоат этади.

Аммо ёшларимиз ҳуқуқий маданиятни қарор топтиришда бир қатор муаммолар ҳам мавжуд.

Биринчидан, ҳуқуқий тарбияни оиладан бошлашимиз керак, бунинг учун аввало ота-оналарнинг ҳуқуқий маданияти ва самарадорлигини шакллантиришимиз лозим.

Иккинчидан, ўқув юртлари, оила, маҳаллалар ҳуқуқий тарбия соҳасида ўзаро ҳамкорликни таъминлашлари зарур. Нега энди, билиб-билмай қонунни бузишса, жиноятга қўл уришса «маҳалла, оила, ўқув юртлари қаерга қарашди?» деб югуриб қоламиз. Улар эса айбни бир-бирига юклашиб қолишади. Ҳамкорликни вақтлроқ амалга оширишса бўлмасмиди?

Учинчидан, умумтаълим ва олий таълим тизимида ҳуқуқий таълимни ўқитишга эътиборни янада кучайтириш лозим. Ёшларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири. Бунинг учун умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия тизimini сифат жиҳатдан қайта қуриш, дарс соатларини кўпайтириш лозим. Олий таълим

тизимда эса ҳуқуқий таълимни ўқитишга эътиборни кучайтириш, алоҳида кафедралар ташкил этиб, шу кафедралар қошида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича марказлар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўртинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кенгроқ йўлга қўйиш лозим. «Маънавият ва маърифат» марказлари, «Камолот» ёшлар жамғармаси, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотларини ишини бу соҳада жонлантириш керак.

Бешинчидан, ёшлар билан ҳуқуқ-тарғибот ходимлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтириб, мунтазам равишда учрашувлар ташкил этиб, ёшларда қонунга бўлган ҳурмат руҳини шакллантириш лозимдир. Шунингдек, талаба-ёшларда шакллантиришимиз лозим бўлган энг юксак эътиқод, энг юксак туйғу - бу Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси.

Ўзбекистон барчамиз учун она Ватан ҳисобланади. Ўзбекистонни идрок этишни ҳар бир бўлажак мутахассис онгига синдиришимиз лозим. Ахир, Ватанни севиш, уни мадҳ этиш барча аждодларимизга хос хусусият бўлган.

Шундан келиб чиқиб, бу борада мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур» талаблари асосида маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш вазифасини уддалаш муҳимдир.

Юксак маънавият - миллий равнақимизнинг бош омили эканлигидан келиб чиқиб, одоб-ахлоқли, юксак илму маърифатли, миллат кадриятларини ўзида чуқур намоён этувчи, истиклол масъулиятини теран англаган, она-Ватанни чексиз севувчи ва унинг гуллаб-яшнаши учун фидойи бўлган баркамол шахсни шакллантириш йўлида ҳар бир жамоаси томонидан маънавият-маърифат ишининг мақсади, йўналишлари ва вазифаларини мукамал белгилаб олиш яхши самара беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясида Президент И.Каримовнинг «**Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур**», - деган сўзлари юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Бу савобли ишга, қолаверса давлат, халқ тақдири, келажак авлод тақдири билан боғлиқ бу вазифани амалга оширишга барча ўзини масъул ҳисоблаши зарур.

*Иброҳим ХУЖАМУРОДОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор*

Гулчеҳра МАТКАРИМОВА

«ХАЛҚАРО МУНОСАБАТ- ЛАРНИНГ ТҶЛА ХУҚУҚЛИ СУБЪЕКТИ»



Мустақилликка эришган кунимиздан буён саккиз йил вақт ўтди. Шу вақт мобайнида мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими шаклланишда ва мазкур пойдевори халқаро ҳуқуқнинг андоза ва нормаларини ҳисобга олган ҳолда пишиқ, мустаҳкам яратишга ҳаракат қилинмоқда. Миллий мустақиллик - Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуришнинг асосидир, чунки ўз мустақиллигига эга бўлмаган давлатда ҳуқуқ мавжуд бўлиши амри маҳол. Ҳуқуқ мавжуд бўлмаган, тоталитар тизимга бўйсундирилган давлатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ёки ҳимоялаш ҳақида гапириш ҳаддан зиёд хомхаёликдир.

Давлатлар доимо ўзаро муносабатларга киришиб туриши, халқаро ҳуқуқ нормаларга таянган ҳолда ўз ташқи сиёсатини амалга ошириши барчага аён. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз Конституцияси ва қонунларини халқаро мезонлар даражасига етказиш бўйича анча ишларни амалга оширди.

Собик иттифок даврида Ўзбекистон Республикаси учун халқаро нормалар ва мезонларга ўз норматив ҳужжатларини мослаштириш имконияти йўқ эди.

«Халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти» бўлган Ўзбекистон халқаро-ҳуқуқий нормаларга дуч келар экан, уларни қўллаш, миллий қонунларимизга сингдириш ва халқаро андозалар асосида янги нормалар ҳамда қонунлар қабул қилишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги эътироф этилади. Мазкур эътироф асосида бутун бир тизимнинг ўзгариши, янгиланиши, қайта кўриб чиқилиши, ҳуқуқий тажрибада ва амалиётда деярли учрамаган янги қирралар ётади. Бир неча йил ичида кўплаб халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва уларнинг қоидалари алоҳида қонунларимизга махсус модда сифатида киритилди.

Шу ўринда бир нарсга алоҳида аҳамият бериш ва таъкидлаш жоизки, миллий ҳуқуқ билан халқаро ҳуқуқ ўтасидаги муносабат, халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг миллий ҳуқуққа имплементацияси

(халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқда акс эттирилиши) масаласи республикаимиз ҳуқуқшунослари томонидан ҳали чуқур ўрганилмаган. Бунинг асосий сабаби, назаримизда, халқаро ҳуқуқ фанининг ўзи асосан «марказий» илм масканларида, Москва, Ленинград, Свердловск каби шаҳарларда ўқитилар, бу фан фақатгина «совет элитаси»га тегишли эди. Эҳтимол шунинг учундир, миллий республикаларнинг ҳуқуқшунослари, жумладан Ўзбекистон олимларининг ҳам асосий эътибори бошқа масалаларга қаратилган эди. Шўролар даврида халқаро ҳуқуққа нигилистик муносабат, фақатгина «социалистик ҳуқуқ»ни энг аъло деб қараш анъанаси мавжуд эди. Бу эса ўз навбатида халқаро ҳуқуқий муносабатлар ва категорияларни ўрганишда яна бир чегара ролини бажариб, совет олимлари ҳам халқаро ҳуқуқни имплементация қилиш масалаларига етарли аҳамият бермаганлар. Бу соҳадаги илмий ишлар озчиликни ташкил қилишининг асосий сабаби ҳам шу бўлса керак.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ субъекти деб танилиб, қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириши халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуққа кириб келишига ижобий замин яратди. Шунинг учун ҳам миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқ ўртасидаги муносабатни, уларнинг қай даражада алоқадорлигини ўрганиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш механизмларини очиб бериш масалалари бугунги куннинг муҳим талабларидан биридир.

Халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро таъсири замонавий халқаро ҳуқуқ томонидан ҳам етарлича ўрганилмаган, десак хато бўлмайди. Икки ҳуқуқ ўртасидаги муносабат бирмунча ижобий томонга ўзгарганига қарамай, улар ўртасидаги зиддият ҳали ҳам етарли даражада. Баъзи давлатлар ўз суверенитетини рўқач қилиб, аксарият ҳолларда халқаро ҳуқуқ нормасини инкор этадилар. Халқаро ҳуқуқ нормаси барча давлатлар учун мутлоқ стандарт бўлиши мумкин эмас, албатта. Лекин андоза вазифасини ўташи керак. Агар дунё мамлакатларини Ғарб ва Шарққа бўлиб кўрадиган бўсак, Ғарб нормалари Шарқ давлатларига тўла мос келавермаслигини кўришимиз мумкин. Лекин айни чоғда Ғарбнинг ўзи ҳам икки хил стандартга эга: Ғарбий Европа ва Шарқий Европа станларлари.

Шарқ ҳам худди шундай икки хил стандартга эга. Давлат бошқаруви динга бўйсундирилган ёки бевосита бошқариладиган ва дунёвий давлат бошқарувиغا эга бўлган давлатлар. Кўришиб турибдики, битта ҳаммабон андозани топиш мушкул, лекин, шу андозага, ёруғликка интилган каби интилиш лозим. Халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги принципи миллий ҳуқуқни чегаралаш, таъқиқлаш, камситиш ҳисобига амалга оширилмаслиги керак. Халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуққа таъсир ўтказиб, миллий ҳуқуқнинг салбий томонларини чегаралаб қўйиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизими ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро муносабатини ўрганиш, унинг барча қирраларини таҳлил қилган ҳолда, конкрет муаммоларни очиб, уларни бартараф этиш орқали ўрганиш долзарблигининг яна бир муҳим сабаби бор. Бу Ўзбекистоннинг мустақил бўлгани, халқаро муносабатларга тенг иштирокчи сифатида биринчи бор киришгани ва энг муҳими - халқаро ҳамжамият олдида ҳар бир ҳатти-ҳаракат учун Республиканинг ўзи масъул эканлигидир. Илгариги ташқи сиёсат ва халқаро ҳуқуқ нормаларига муносабатдан фарқли равишда Ўзбекистон атиги саккиз йиллик муддатда бошқа давлатлар 40-50 йилда босиб ўтган йўлни такрорлади. Ўзбекистон судлари томонидан илк бор халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиётини йўлга қўйишга ҳаракат қилинди. Судларнинг ишига аралашиб, кўрилаётган масалаларга сиёсий тус бериш анъаналарига ҳам чек қўйилди. Бу улкан жараён чуқур ўрганишни, ҳар томонлама илмий ёндошишни, таҳлил этишни талаб қилиши шубҳасиз:

Юқорида қайд этилган масалаларни назарий тадқиқ этишнинг сиёсий, амалий, илмий аҳамияти катта.

Миллий давлатчилик ва ҳуқуқий давлат, қолаверса миллий ҳуқуқий тизим нуқтаи назаридан қаралганда ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган ишларимиз анчагина эканлигини ҳам назардан чиқармайлик.

Авваламбор халқаро ҳуқуқ нормаси нима, уларнинг юридик кучи қай даражада, амал қилиш доираси қанча ва миллий ҳуқуққа қай тарзда таъсир ўтказди, уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудми, ийқми деган саволларга жавоб беришга уриниб кўрайлик. Халқаро ҳуқуқ нормаси ва миллий ҳуқуқ нормаси ўртасидаги фарқ нимада деган саволнинг туғилиши ҳам табиий ҳол, албатта. Халқаро ҳуқуқ нормаси асосида аксарият ҳолларда халқаро одат унсурлари, шартнома қондалари, илғор давлатларда мавжуд бўлган ҳуқуқий тажриба, халқаро ташкилотларнинг қарор ва резолюциялари ётади. Халқаро ҳуқуқ нормаси давлатлар учун ахлоқий-мажбурий кучга эга бўлади. Уларни бажариш, амалда қўллаш бўйича ҳар бир давлат ўзи-ўзига мажбурий олади. Халқаро ҳуқуқ нормаси асосан умумий йўналишда ишлаб чиқилади ва ҳар бир давлат имплементация жараёнида бир норманинг ўзини турлича шаклларда ўз миллий ҳуқуқида акс эттириши мумкин. Халқаро ҳуқуқ нормасини қўллашда йўл қўйиладиган камчиликлар ёки шартномавий нормаларнинг бузилиши, халқаро ҳуқуқ субъекти учун маълум даражадаги жавобгарликни назарда тутди. Афсуски, халқаро ҳуқуқ нормаси деярли барча давлатлар

томонидан тез-тез бузилиб туриши ёнги нотўғри таъқиб қилиниши ҳоллари учраб туради. Коинотни, сув ости дунёсини забт этган, компьютердек ақлли машиналарни ихтиро этган инсон оддий инсоний ўзаро муносабатларини ўзаро тинч йўл билан, халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиб, халқаро меъёрларни бузмасдан ҳал қилишнинг тўла имконини ҳалигача тополгани йўқ.

Халқаро ҳуқуқнинг ўнлаб муаммолари орасида миллий ҳуқуқ билан муносабати муаммоси ҳам мавжуд. Ҳар бир давлат халқаро муносабатларга киришар экан, унча бўлган меъёрлар, андозалар, принциплар билан тўқнаш келади ва уларни айни чоғда қандай мазмунда бўлса, шундайлигича қабул қилади. Ўз навбатида, мазкур эътироф давлатнинг халқаро соҳадаги фаолиятини, мавқеини белгилайди ва миллий ҳуқуқнинг такомиллашувига ўз ҳиссасини қўшади. Ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқ билан муносабатини ўз ички сиёсатини, тарихий мавқеини, ташқи сиёсатининг принципларини ва халқининг ҳуқуқий онгини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади. Амалда қаттиқ ўрнашиб қолган ва анъанавий тарзда бажариладиган халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳар қайси янги давлат амал қилиши лозим.

Бунинг сабабларидан бири, халқаро ҳуқуқ субъекти ўз миллий ҳуқуқини ёки бошқа баҳоналарни рўқач қилиб, халқаро мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаши мумкин эмас. Ҳар қандай янги давлат ўз халқаро муносабатларини ўрнатишда маълум даражада пишиқ ишланган назарий фикрлар, тақлифлар, илмий хулосаларга таянади. Ўзбекистон Республикаси мустақил равишда халқаро муносабатларга киришар экан, албатта юқорида тилга олинган хулосалар бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб, мазкур ташкилотнинг юзлаб давлатлар томонидан эътироф этилган Низоми ва унинг шартлари, ҳамда бошқа шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажаришдек масъулиятни ўз зиммасига олди. Айни чоғда халқаро ҳуқуққа Ўзбекистон миллий ҳуқуқи, давлат сиёсати ва дипломатиясининг таъсири бўлиши ҳам шубҳасиздир. Чунки юқорида тилга олинган уч ҳолат халқаро ва халқаро муносабатлар билан доимо диалектик боғлиқ бўлади. Халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқ таъсирида ўзгаришларга, янги ижодкорлик ҳолатларига дуч келиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқнинг энг асосий тармоқларидан бири бўлган, барча давлатлар олдига муҳим талаб сифатида қўйиладиган масала - инсон ҳуқуқларининг таъминланганлиги ва химояси.

«Минг афсуски, Конституциямизда ўз ечимини ва қарорини топган энг муҳим талаб - инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили амалдаги қонунчилигимизда, давлат ва ҳуқуқий-маъмурий идоралар фаолиятида ўз тасдиғи ва ижрочисини тўлиқ тополмаяпти.

Лўнда қилиб айтганда, амалиётда биз кўпроқ эски кайфиятда, яъни кўпроқ давлат манфаатини кўзлаб, давлат манфаатини кўриқлаб иш тутмоқдамиз. Инсон манфаатлари ҳуқуқий тажрибамизда энг юксак ва энг

устун кадрият бўлишини барчамизнинг онгимизга синдириш жуда-жуда оғир кечмоқда». Ислоҳ КАРИМОВ. (Адолатли жамият сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 125-126-бетлар).

Камина бир ҳуқуқшунос сифатида ўзбек олимларининг қатор илмий ишларига мурожаат қилдим. Шунга таъкидлаш лозимки, халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро таъсири, халқаро ҳуқуқий нормаларнинг миллий ҳуқуқда қўлланиши, судларнинг имплементация жараёнида бевосита иштироки масалалари илмий-назарий жиҳатдан ўрганилмаган.

Чет мамлакатлар ҳуқуқшунослик фанида халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқнинг муносабат-таъсир масалалари кейинги ўн йил ичида кенг тадқиқот объектига айланди. Бу борадаги изланишларнинг камлиги эса халқаро ҳуқуқ фанининг бошқа фанлар ва тармоқларга нисбатан анча ёш эканлиги билан белгиланади. Зеро, халқаро ҳуқуқ фани жуда қадимий бўлса-да, фақат иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейингина бу қарашлар бир тизимга туширилиб, кодификация қилинган. Лекин биз 1945 йилга қадар халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқ ўртасида муносабат ва ўзаро таъсир ўрганилган эмас, деган фикрдан йироқмиз. Албатта, маълум даражадаги муносабат мавжуд бўлиб келган. Чунки халқаро ҳуқуқ нормаларини айнан халқлар ўртасида юзга келган ҳуқуқ деб қарасак (яъни *ius inter gentes*), давлатчилик асослари пайдо бўлмасидан олдиноқ пайдо бўлган деб қарашга имкон беради. Агарда халқаро ҳуқуқни давлатлараро ҳуқуқ деб қарайдиган бўлсак, унда давлатлар пайдо бўлиши биланоқ вужудга келган. Демак, жуда қадимдан халқаро ҳуқуқ турли давлатларда мавжуд бўлган ҳуқуқ билан муносабатга киришган. Халқаро ҳуқуқнинг бугунги кунга келиб алоҳида тармоқлари сифатида ажралиб чиққан «Уруш ҳуқуқи» ёки замонавий «Халқаро гуманитар ҳуқуқи», «Инсон ҳуқуқлари», «Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи» ва бошқалар асрлар давомида жамиятларнинг илғор кишилари, ҳуқуқшунослари, файласуфлари, олим-фузалолари томонидан ўрганилган ва қизгин баҳсларга сабаб бўлган. Биз халқаро ҳуқуқ ва унинг нормалари ҳақида маълумотларни асосан Гарбий Европа ва Россия олимларининг илмий ишларидан оламиз. Чунки кўп йиллар мобайнида рус тилини ўрганиш ва рус тили орқали манбаларни ўрганиш имконияти бор эди. Ҳолбуки, Шарқ олимлари Европа олимларидан илгарироқ халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари, гуманитар ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари

борасида илмий-фалсафий изланишлар олиб борганлар. Бунга Форобий, Навоий сингари кўплаб мутафаккирлар асарларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Умуман олганда, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа таъсири, фақат қонунчилик актларининг ўзгаришида ёки янгиланишида эмас, халқнинг, фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти даражаси кўтарилишида ҳам кўринади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам барча давлатлар сингари имплементация жараёнида иштирок этапти. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келадиган қонунларни тайёрлаш, қабул қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида катта ишлар қилинапти. Ўзбекистон парламенти томонидан 300 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Қирққа яқин халқаро шартномалар ратификация қилинди. БМТ томонидан қабул қилинган 70 та халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг 22 таси асосийлари деб тан олинган бўлса, улардан 19 таси Ўзбекистон томонидан ратификация қилинди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқимизнинг асрий орзу-умидлари амалга ошиб, мустақилликка эришганимиз шарофати туфайли суверен мамлакатимизда миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқларнинг ўзаро ижодий таъсирларининг ижобий самаралари намоён бўла бошлади; республикамизнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида халқаро майдонга чиқишининг ҳуқуқий-сиёсий аҳамиятини кўриб турибмиз; бу жараёнлар эса ўз навбатида давлатимизнинг халқаро ҳамжамият олдида сиёсий обрўси ошишига олиб келди. Айни пайтда халқаро ҳуқуқ нормаларининг мазмунан ўзгариши, янгиланиши республикамизнинг халқаро шартномаларга нисбатан масъулият ва жавобгарлик сифатлари шаклланиши, халқаро шартномалар ижроси кафолатланаётгани каби ҳолатларда янада ёрқинроқ юз кўрсатмоқда. Шунингдек, республикамизда ратификация қилинган халқаро ҳужжатларнинг миллий ҳуқуқий тизимда ишлаш механизми ҳам ишга тушди...

Замон биз ҳуқуқшунослардан, айниқса ёш олимлардан мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқ ўртасидаги ўзаро муносабати ва бир-бирига таъсирини ҳар томонлама ўрганишни, таҳлил этишни талаб қилмоқда. Бу жараён эса, шубҳасиз, ҳақиқий демократик давлат қуришимизда ўзига хос воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Зеро, йўлбошчимиз тўғри таъкидлаб ўтганларидек, мустақиллик энг аввало ҳуқуқ демакдир...

Муаллиф ҳақида: Тошкент Давлат юридик институти халқаро ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси, Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати аъзоси Гулчехра МАТКАРИМОВА 1985 йили Тошкент Давлат чет тиллар институтининг инглиз тили факультетини, 1995 йили эса юридик институтни битирган.

Г. Маткаримова Берлинге, Осксфорд ва Жорж Вашингтон университетларида, Италиянинг Сан-Ремо шаҳридаги Гуманитар университетда ҳамда Будапештдаги Марказий Европа университетда малака ошириб келган. Инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ мавзуларидаги қатор китоблари чоп этилган. 1997 йили «Инсон ҳуқуқлари борасидаги дастурларни ишлаб чиққанлиги учун» «Камолот» жамғармаси мукофотига сазовор бўлган.

МАРДЛАР КЎРИКЛАЙДИ ВАТАННИ...



Ватанпарварлик - кенг тушунча. Ҳарбий ватанпарварлик - бу Ватанни севиши, уни ҳимоя этиши ва дозим бўлганда Ватан саодати йўлида узни қурбон қилиш демакдир. Таъбир жоъз бўлса, ҳарбий ватанпарварлик - ватанпарварлик туйғусининг узак қисмидир.

Юртимиз мустақиллиги бизнинг ҳар биримизнинг овоздонгимиз, ҳурдонгимиз, бахтиёрдонгимиз қафолати экан, биз мустақиллик таянчи бўлишимиз дозим. Айниқса бу масъулиятни юрт ва эл қалқонци, фахри ҳисобланган йигитлар қурбон зиммаларини олашлари зарур.

Бу ҳолатни мамаакатимиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бугунгисидан: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» китобида алоҳида таъкидлайди: **«Жамиятнинг демократик ривожлантиришнинг стратегик мақсади ва қондаларига мувофиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, миллий ҳафсизлик органларининг кен янхатлан йиги бўлган тизими барпо этилади. Миллий Армия - Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ташкил этилиши миллий давлатчилиқни қарор топтириш йўлида гоят муҳим ютуқ бўлади.»**

Собиқ Совет тоталитар жамиятида ҳарбий ватанпарварлик ёшларни тарбиялаш давлат мафкуравий сиёсатида муҳим қисм ҳисобланарди. Натижада армия хизматида утамаган ёш йигит уз ҳаётини кемтик ҳисоблар эди. Аммо бу туйғу каттиққўллик билан амалга оширилган сиёсат воситасида шакллантирилди. Бугун биз ҳуқуқий демократик жамият барпо этишимиз. Демак, бундай тоталитар сиёсат усули билан нафақат ҳарбий ватанпарварлик туйғуси, балки энг оддий инсоний туйғулар ҳам шакллантирилмади. Аксинча, инсон

ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жидаий вазифаларидан ҳисобланади.

Ислоом КАРИМОВ

маънавиятини барқамоллаштириш билангина муайян омиллар жамият тараққиётига татбиқ этилади. Шу маънода йигитларни, умуман ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бизла жаҳон ва Шарқ тажрибалари асосида амалга оширилмоқда.

Жаҳон тажрибаси йигитларнинг ҳарбий хизматга бўлишини деярли ихтиёрли, моддий манфаат асосида амалга оширишни тақозо этади. Бунга АҚШ, Германия ва НАТО ҳарбий блоклариданги ҳолатларни мисол қилиб курсатиш мумкин. Айтиш дозимки, бу тажрибаларда ҳарбий хизмат касб тусини олган.

Шарқ тажрибасида эса ҳарбий хизмат маълум маънода ихтиёрли ва инсоний бурч асосида амалга оширилади. Мисол учун Қорахонийлар ва Темурийлар давлатларида йигитларнинг муайян муддат ҳарбий хизматга бўлганлиги туғрисида А.Байҳақийнинг «Тарихи Масъул» (XI аср), Н.Шомийнинг «Зафарнома» (XIV аср) асарларида қайлар бор.

Бугун бизда ҳарбий хизматнинг икки тури мавжуд: муқовил ва дозимий. Агар муқовил хизмат бизнинг жаҳон тажрибаларини қабул қилмаётганимизни курсатса, дозимий хизмат эса Шарқ тажрибаларини ҳам ҳисобга олаётганимизга далил бўлади. Шу тариқа бизла узига хос ва мос асосларга эга бўлган ҳарбий ватанпарварлик туйғуси шакллани бошлади.

Кейинги нақтларда мамаакатимизда ёшларни армия хизматида жалб этиш тақомиллани бошлади. Аммо шайта жамиятга ҳарбий ватанпарварлик руҳини тефроқ шакллантиришга эҳтиёж туғилмоқда. Айниқса ёшларни бу руҳ билан тарбиялаш муҳим вазифалардан биридир.

Бизнинг Тумарис.

Қурбонжон Доҳхон, Турқон хотун қаби қаҳрамон номдаларимиз, Ёгузоҳон, Алп Эр Туғи (Афросиёб), Сотук, Буғра-хон, Алп Темур сингари бесаюк улуғ воқоаларимиз бор. Биз уларнинг ҳарбий жасоратларидан ҳақли равишда фахрла-намиз. Зеро, дунёдаги қамдан-қам қалқ утмишда бундай ҳарбий қаҳорлар утган.

Мутафаккирлар «Ватандан ўзга жаннат йўқ» дедишлар. Бу ҳикмати биз ёшлар туғри англаб оломоғимиз дозим. Чунки кейинги нақтларда ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бироз эътибордан четда қолаётганини сир эмас. Бизнингча, бу ишни тефроқ унглаб олиш учун армиямизда қатъий интизом ва тартиб урнатилиши жоъз. Токи армиямиз ибрат манбаига айлансин. Ана шунда ёшларда ҳарбий ватанпарварлик туйғуси тула шаклланади. Бу туйғу замирида Ватанни ҳимоя этишдек муқаддас бурч туради, ахир.

«Ватан сажлағох қаби муқаддасдир», дейди йўлбошчимиз. Шу буюк Ватан саодати йўлида хизмат қилмоқликдан улуғроқ шараф борми инсон учун.

Биз ажойиб даврда, ажойиб маконда яшамоқдамиз. Шу Ватан, шу юртни ҳимоя этмоқ, истиклолни мустаҳкамламоқ бурчи биз ёшлар зиммасида. Бас шундай экан, шу шарафли вазифага лойиқ бўлмоғимиз қарз ва фарз эмасми.

Тожи НОРОВ, ТошДУ аспиранти.

Турсун АЛИ

БАРИБИР СЕН ТОМОН КЕТАМАН



* * *

Боғ майсазорда чалқанча ётиб
Сени осмон кўзгусида кўрдим қишлоғим
Ў ўшанда майсазорларга ёнбошлаб
Сеҳрли шаҳарлар сари
Орзулар отида учардим бесар
Ай қишлоқ
Букун сочларимга йилларнинг
Оқ гирдлари қўнганда
Тўфонли шаҳарнинг бир четида
Майсаларга юмалаб-юмалаб
Сени ўйлай-ўйлай
Кўзларимда осмон қетди қорайиб.

СОЧЛАРИ ОЛОВ МАЛАГИМ

И.га

1

Боғ. Сенинг кўнглинг каби
Яланғоч дарахтлар мунғаяр.
Мен қўлларингни тутаман секин,
бари-бир ёришмас руҳинг,
Атрофда қарғалар қағиллар узок.

2

Сенинг-ла танҳомиз ҳилватда,
менинг қонимда эсар эҳтирос бўрони.
Юзларимни босаман юзларингга,
оҳ, бунчалар совуқ,
мен қандай кучаман ўлик эҳтиросни?

3

Кеч. Оқшом оҳиста қора тўн кияр,
Анҳор бўйи совуқ, жунжиктирар танни.
Сени қайноқ бўсаларга кўмиб ташлагим
келди биروق...
тирик армонларим сувга шўнғиб кетди.

4

Ўша қора кўйлак кийган кундуз,
сен ҳам жим,
мен ҳам жим,
сукунатнинг измида
видолашдик маъюсгина.



5

Менинг муштдек юрагимга ситган қушча,
Сен қаёқларга кетдинг?!
Наҳот шу улкан,
шу бадбахт шаҳарга
сиғмаган бўлсанг?!
6

Олис, совуқ юртда,
қандай кечаётир ҳаётинг?
Наҳот,
қисмат шамоллари
бир умр учириб кетган бўлса?
7

7

Бу тун
кўксимга санчдинг пичок,
эй, олисдаги яқиним.

8

Юлдузсиз кечада,
суратингга боқаман узок.
Анордай эзилиб юрагим,
тун бағрига
юлдуз бўлиб сочилар соғинчларим.

9

Хотиротим кўзлари ичра,
олов сочларингни тараб сен,
охудай тураверасан,
эй, менинг олисда яшаётган қайғум.

ҚОРАКЎЗИМ

I

Қоракўзим сени севиб қолдимми?
сўрайман ўзимдан ёлвориб, тониб
қушдайин қўлларинг тутиб олдимми?
ишқнинг оловида ўтиндай ёниб.

Букун қаён бошлар севги кўчаси?
 Балки айриликдир, фироқ бешафқат.
 Қора тўрин тортмай - умрим кечаси
 мени ўлдиреди энди муҳаббат.

II

Ёмғир. Шамол эсар, барглар чирпирак,
 севгилим борасан ёмғир остида.
 Менинг-чи, паноҳда жонимдур ҳалак,
 сочларинг тирналар ел қанотида.
 Ёмғир кучаяди, совуқ ўртанар,
 сен елиб борасан уст-бошинг юпун.
 Мени ширин оғу лаззати қийнар,
 бари бир сен томон кетаман беун.

III

Мен сенинг ёнингга бораман ёниб,
 эй менинг соғинчим, руҳим эркаси.
 Сенга тикилгайман кўзим қувониб,
 ишққа беланган кўнглим бекаси.
 Мен сенинг ёнингдан қайтаман маҳзун,
 юрагимнинг уйи бўм-бўш хувиллаб.
 Олисда бир қушча сайрайди дилхун,
 шамол кўзгалади шу дам увиллаб.

IV

Севгилим, қошинга бораман бот-бот
 кўзларинг гўёки қоп-қора денгиз.
 Руҳим кенгликлари ёришгай беҳад
 кўзинг денгида сузолсам ёлғиз.
 Майлига дуч келай тўфонларга ҳам,
 тўлқинлар отилгай ёниб мисли барк.
 Умид кўшин туган кимсадай бир дам
 кўзинг денгизида майли бўлай фарк.

V

Сенинг-ла узун йўл, эй қорақўзим
 гўёки икки қош оралиғидай.
 Сен тушиб қоласан манзилга секин,
 ичимни ғам босар бир қоронғудай
 Сенсиз йўл туйилгай узун, беадок,
 дунёдан кетгандай бўламан ёлғиз.
 Мошин чарчагандай секинлаб бу чок
 тун қаърига кирар товуши маъюс.

VI

Қорақўзим сени чорладим масрур
 Хув гўзал тоғлар огуши томон.

Унда бир нафосат, ундадур сурур,
 Унда дайдимайди ҳеч қандай ёмон.

Ўқрайиб қарамас бизларга ҳеч ким,
 Ва севгимизга солмас бирон бир қутқу.
 Қўлларингдан тутиб етакласам жим,
 Қалбингни тигламас ҳеч қандай кўрқув.

Юргил тоғлар томон кетайлик тезроқ,
 Унда ажиб дунё муаттар ҳаво.
 Бағримда очилган долалардек оҳ,
 Унда ҳам лолалар чалади наво.

Нечун, қорақўзим бош тортинг маъюс,
 Кўзларимда тоғлар қолди мунгайиб.
 Феруза осмоним қорайди беҳос,
 Қип-қизил лолалар кетди саргайиб.

VII

Бугун қора кўзим сен-ла кўришдик
 гўёки икки қутб орасида жим.
 О, гарчан ёнма-ён суҳбатлар қурдик
 лек шодлик гулига тўлмади кўнглим.

Билмам, совуқмиди сенинг сўзларинг
 ё қалбимда ўчган муҳаббат ўти.
 Ёхуд мени адо этди кўзларинг,
 Ў, не кўйга солгай севги қисмати.

Мен букун сўрайман ўзимдан ўзим
 дунёга телбадай қарайман маъюс.
 Наҳот адо бўлар бўшлиқда сўзим,
 сен севги ё рўё? Айтгил қорақўз.

* * *

Эй, кўҳна қабристон! Бу кун маҳзун ўйлар
 гирдоби ичра сенга келдим. О, бунда уйғок
 сукунат.

Эй, кўҳна қабристон! Сенинг бешигинда
 ётир

менинг муҳтарам волидам. Ётар падари
 бузрукворим.

Ётар бунда етти пуштим жим ва осуда.
 Улар хотирам водийсида ётар уйғок...

Эй, кўҳна қабристон, бунда узун кунлар,
 қоронғу

тунлар оҳ чекмаяптими уларнинг руҳи?
 Сенга юкиниб келдим мен.

Турсун АЛИ 1952 йил Фарғона вилояти Қува туманида таваллуд топган. ТошДУнинг тил ва адабийёт факультетини тямомлаган. «Зангори овоза», «Ёруғ юракдаги сўзлар», «Ёруғ кунлар», «Изтироб остонаси», «Тун товуши», «Ёлғизим» шеърый китобларнинг муаллифи. Ҳозирда «Чўлпон» нашриётида бўлим бошлиғи бўлиб ишламоқда.

Тўхтамурод РУСТАМ



КАПАЛАКЛАР УЙИНИ

Роман

“Кетаман!.. Барибир бош олиб чиқиб кетаман!”*Шу асар, сўнги саҳифа, сўнги сатр*

Бақаҳовуз вақти билан соат роппа-роса ўн олтироқ кирк тўртда тайёрагоҳ биқинидаги гавжум бекатга троллейбус пишшилаб келиб тўхтади. Тўхтадию эшигини “шарак” эткизиб очиб, ҳаммадан бурун ташқарига зироат ва зираворшунослик куллийетининг толиби Бадал Армонни итқитди. Неча ўн бекат ҳам олдин, ҳали йўл юрмасидан, йўл юрса ҳам мўл юрмасидан, юриб, юриб, юриб, тўхтаб, тўхтаб, тўхтаб, худди ҳозир қопқондан қутулиб чиққан жонлиқ мисол судралиб, ниҳоят, тайёрагоҳ биқинидаги гавжум бекатга пишшилаб келиб тўхтамасидан бурун, ўша, атрофи писта пўчоғу қоғоз парчаларига тўла, иккитами-учта пистафуруш кампир қулдирашиб савдо қилиб ўтирган бекатда қандай ютоқиб уни ўз қомига торган бўлса, шундай жаҳд билан. Ютоққани, албатта, юқолигидан. Аммо у фурсат, яъни неча ўн бекат ҳам олдин, у йўл юрмоққа, йўл юрса ҳам мўл юрмоққа, лекин бу қадар имиллаб судралмай, манзилга илдамроқ етмоққа шайланган, кампиршоларнинг тинимсиз жувир-жувиридан қулоқлари том битиб, писта пўчоғу фижим қоғоз парчаларини топтаганча бекатда асабий ер тепиб турган дамда шундоқ қаршисига келиб тўхтаб, эшигини пешвоз очган чоғ троллейбус – троллейбусдек: темир гардишли тўртта филдирак устида, уч ерда эшиги бор, чарм филофи, ўриндиклари жой-жойида, гир айлана ойналари ҳам; қўш айри шохи томи узра муаллақ узалмиш симларга тиркалган, юрганда чарс-чурс ўт чакнайди – баайни тизгиндан чиқмоққа уринади, гарчи, чиққан тақдирдаги қисмати тайин; хуллас, кўз кўрган, кўниккан росмана троллейбус, устига устак, бунақа маҳалда бўладигани каби жуда унақа тирбанд ҳам эмас, ўринни ялпайиб банд қилиш имкони бўлмасида, ҳар тугул, қисилмай нафас олиб кетиш мумкин; ким билсин, юрганда чарс-чурс ўт чакнаши маҳлиё этдими ё тушовни узмоққа жаҳдими, унинг алҳол юқолар қармидан бўлиб чиқиши эҳтимоли ўша дам Бадал Армоннинг хаёлига ҳам келмади. Бадал Армон тугул, зироат ва зираворшунослик ҳам англатмоққа ожиз бу синоатни у хийла йўл босгандан сўнг, юқонинг ақлга сиғмас ебтўймаслиги ваҳидан бир бурчакка қисилиб, тумшуги дераза ойнасига чиппа ёпишиб қолгачина илғади. Кўз – кўргувчи-да, баайни тил – отгувчи, қулоқ – илгувчи бўлгани сингари. Бундан ҳеч ёққа қочиб қутулолмайсан. Кўзнинг кўрганига гина қилмоқ, албатта, бекор, тил ва қулоқни гишт терувчига мардикорликка бериб, девор қуриб бўлмаслигига ҳам. Фақат бир нарасага шукр қилиш мумкин: тилнинг тепмагани ва қулоқнинг тишламаганига, тагин – кўзнинг отгани ўқи йўқлигига, акс ҳолда, манави чалпоқ дераза ойнаси аллақачон чил-чил тўкилиб тушган, Бадал Армон кўз, тил, қулоғи ва жами бошқа тан аъзолари ҳамда улар билан боғлиқ бир қақага қиммат алмойи-алжойи муболағаларига қўшилиб, икки йўл ўртасига юзтубан йиқилган бўларди. У ҳатто Убай сартарош басавлат гавдаси билан бесўнақай чўк тушган асно ўзини, тўғрироғи, бир вақтлар Бадал Армон аталмишнинг тош ерга қулаб, чалпақ бўлган жасадини ўзининг донғи кетган пўлат дамлаи устараси ила шошилмай киртишлаб олаётганини аниқ-тиниқ кўз олдида келтирди, устаранинг асабини қақшатувчи “кирт-кирт”и ва сартарошнинг ўз одатича минғирлаб айтган ҳиргойиси ҳам қулоғига чалингандек бўлди. Тўпланган тумонат эса айни манзаранинг даҳшати эмас, кўпроқ сартарошнинг беқиёс санъати таъсирида, кимдир ҳатто унинг дам сайин авжга кўтарилаётган ҳиргойисини олқишлаб, “Ха-а, яш-ша-а-анг, уста!”, деб елкасига қоқишга ҳам тайёр...

Бадал Армон кўз ўнгида гавдаланган қулоғини батанг қилмиш даҳшатдан юраги орқасига тортиб,

орта тисланиб улгурмади – навбатдаги бекатда ур-сур билан чиққанлар тўлқини уни яна қайтиб ўша деразада акс этмиш даҳшатнинг ёвуз шарпасига олиб бориб чаплади.

Юқо-чи, парвойи палак, тин олмай очофатлик билан одам ямлагани-ямлаган, ҳой, зироат ва зираворшунослик куллийетининг толиби Бадал Армон, унинг сийратида эса бутун зироат ва зираворшунослик илми четга қисилиб, тумшуги чалпоқ деразага чапланиб қолди-ку, дейиш йўқ. Тинимсиз “пиш-пиш” – чиндан пишиллаётганими у, ё аъзойи баданидан сув бўлиб қуйилмиш шўр аралаш терга бўкиб бораётган шўрликларни майна қиялпими, ёки, улар сингари аъзойи баданидан сув бўлиб қуйилмиш терга бўкиб бораётгани баробар, тагин куллийетининг шаънига ичи қуяётган Доқи Юнусга авлод анави девонаними, англамоқ мушкул. Осони – кўзни чирт юмиш. Кўзнинг гўянда тил ва зорманда қулоқдан афзал жиҳати ҳам шунда: уни истаган пайт шартга юмиб олиш мумкин. Тўғри, тилни танглайга тўғнаш, қулоққа эса қоғоз, пахта ёки энг маъқули – замбаракнинг ўқини жойлаб, кўзни лўқ қилиб туриб олиш имкони йўқ эмас. Лекин, бу қайд этилганларнинг ҳеч бири кўзни чирт юмишдек жўн ва шу баробар тенгсиз усул олдида ип эшолмайди. Балки ип эша олар-ку, – хусусан, бу тилга тааллуқли, – аммо, бу эшган ипи бир нарасага ярамоғи гумон. Зеро, кўз, айниқса, юмик ҳолатда, танглайга тўғналмиш тил ва замбарак ўқи ёки замбаракнинг ўзи тиқилмиш қулоқдан фарқли ўлароқ, хаёлни тўзгитмоққа қодир. Хаёлни – инсоннинг тан аъзолари қатори тилга олинувчи, таърифланувчи, лекин ҳеч бир тиббий ҳаритада акс эттирилмаган, ҳеч бир жарроҳ ҳали қўлида тутиб кўрмаган, шакл-шамойили, туси, таъми жумбоқ хаёлни...

Рост, айни чоғда энг маъқули шу – кўзни чирт юмиш, кўзни чирт юмиш-да, ўзни неча ўн бекат ҳам олдин, ҳали йўл юрмасдан, юрганда ҳам мўл юрмасдан аввал, юқо сохта шамойилда пайдо бўлиб, қаршисига келиб тўхтаб, ютмоқ учун оғзини қаппа очмасдан бурунигидек бежилов ҳис қилиб, хаёлан киссадан битта, бир донагина – фаранги, асил! – хушбўй, хуштаъм – м-м-м-м! – Шоший айтмиш, қулинг ўргилсин “отнинг қотили”дан чиқариш ва оҳиста хаёлда ҳали ойнанинг гўжалоқ васлига етишмоқ бахтига мушарраф бўлмаган, аслида эса бу “бахт”дан айни чоғ зор қақшаётган бурунга яқин келтириб ҳидлаб, - о-о-о-х-х-х! – сўнгра...

Ч Е К И Л М А С И Н !

Йўқ, бу шунчаки дўк ёки тақик тарзида янграмади, балки Бадал Армоннинг, унинг сийратида эса бутун зироат ва зираворшунослик илмининг ҳавойи ўйларга ошиқ тумшуги тағинасида чақмоқ янглиг гулдураб ва барқ уриб чакнадики, гўёки чўнтақдан чиқариб, гўёки бурунга яқин келтириб ҳидлаб тургани хаёлий – лекин фаранги, асил! – қулинг ўргилсин – м-м-м-м! – “отнинг қотили” аталмишнинг қандай лов этиб чўғланиб, оғиз-бурунини қуйдирмаганига ҳануз у, унинг сийратида эса бутун зироат ва зираворшунослик илми ҳам ҳайрон. Юқо-чи, “Ҳатто хаёлингга ҳам келтира кўрма!”, дегандек, даргазаб, яна бир-икки қаттиқ-қаттиқ чайқалиб қўйди-ку.

Ҳолбуки, бу илк дафъа унинг бундай гумбурдан қулоғи батанг бўлиб, бу каби чақиндан кўз олди қамашиши эмасди. У сафар ҳам бу шунчаки дўк ёки тақик тарзида янграмай, чақмоқ янглиг барқ уриб, гулдураб чақнаган, гулдурас акс садоси анчайин қулоқларни киройи батанг қилган, фақат унда Бадал Армоннинг боши эмас, бошга акс қофиядош ери чака бўлганди. Қофия сўзи, балки, бу ерда ноўрин зикр этилгандир, зеро, у Шошийнинг ва фақат Шошийнинг нони, ёлғиз нонигина эмас, яна оши, тузи, илҳом парисини қанот қокдиргувчи ҳар кунги ўзи айтмиш

“жонинг қотили” ва озроқ газага ҳам, бироқ, чака бўлган ерининг ўша даражада нозик саналиши унга фақат ва фақат бошга қиёсан таъриф беришга давват этади. Яшириб нима, у вақтлар ўзи шу, бош билан эмас, бошга акс қофиядош саналмиш ерлари билан фикр қилиб, иш тутиш кўпроқ уларга одат эди. У вақт Шоший ҳам ҳали Шоший эмас, демак, “отнинг қотили” ҳали “отнинг қотили” бўлмаган, “жонинг қотили” эса ҳали жонга қасд эта кўрмаган, тўғрироғи, қасд этган-у, лекин Шоший бунга ҳали билмайди, чунки, у ҳали Шоший эмас, шунчаки Ҳали Шоший Эмас, холос. Улар бошга акс қофиядош ерларини қўйиб, кўр тўкиб ўтириш жойдан ҳам асло юксак шеърят атри эмас, ҳатто ноқис насрга-да етти ёт бегона бўйлар уфурарди. Шеърят ҳақида ёлғиз сувнинг беором жилдирашигина элас-элас дарак берарди, лекин бу жилдираш асло шеърга солгулик жилдираш эмасди. Аини дам бу жойда улар машғул бўлмиш амал ҳам юксак шеърый каломга эмас, асли соғлиқни сақлаш вазирлигидан алангали саломга лойиқроқ эди. Алангали – яъни, ўтнинг ўзи йўқ, кўринмайди, тафти ҳам, шашти ҳам узок, аммо шундай ачитиб, жизиллатиб куйдириб ялаб ўтадики, орадан шунча вақт кечиб, мана бундай суробинг тўғриланиб кетиб бораётган чоғда ҳам теккан ери жизиллаб уни эслайсан. Жизиллаш баробар тагин шу нарса ёдни титиглайдики, уз-зу-у-ун илонизи бўлиб чўзилмиш саф, сафки, бошию адоғини кўз энламайди, шовқин, гала-говур; туйқус саф узра тарадуд эпкинни елиб ўтади, шовқинни эса сукунат ямламай ютади, сафдан бириси қолибларча, шахдам юриб чиқиб, нимадир, чамаси, агар яхшироқ эсланса, хотира қопчиги яхшилаб қоқиштирилса, лай-лумми, ла-ла-лумми, так-гумми, така-гумми-ей деб, сўнг бор овозда: “Алангали-и-и-и!..”, дебон хитоб этиб, у ёғини насия қилади-да, худди ўз хитобидан ўзи чўчигандек, худди ҳозир хитоби гумбуллаб ўзини босиб тушадиган каби, кўзларини чирт юмиб, бурнини жийриб, бошини елкалари ичига олиб, зинҳор қолибларга хос бўлмаган асно туриб қолади... Чиндан ҳам, зум ўтмай атрофни кайфни учуриб, кулоқнинг пушаймонини келтирувчи жўр овоз гумбури босади: “Сало-о-о-о-эо-эо-о-о-ом-м-мм!..”

Соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан саломни уларга энг бурун Жи-Ти берди. Ҳеч қутилмаганда, худди шифтдан тушгандек, гўёки чиндан ҳам соғлиқни сақлаш вазирлигидан шу ишга атай вакил қилинган каби. “Жи-Ти” – яъни, сақич қилиб чўзганда, жис-смо-о-ний тар-р-р-би-я му-у-у-ал-ли-ми; сақични чайнаб-чайнаб, оғизда чалпак қилиб, пуфлаб шишириб, сўнг “пак” эткизиб ёрганда лаб-лунжга ёпишиб қоладигани эса фақат “ж” ва “т”, ёки, сақичдан чиқмиш “пак”қа қиёсан айтганда – Жи-Ти.

Ҳолбуки, у исмсиз эмасди – Жавлон. Отасининг ҳам исми йўқ эмас эди – Жавмард. Мабодо, бунда хат этилмиш гаплар китобда ёки ҳеч қурса кинода кечган тақдирда ҳам улар иззатини жойига қўйиб, тамойилдагидек исмини шарифига чўқиштириб – ва бундан чиқадиган жарангдан афтини бужмайтириб – номлаган бўлишарди уни. Аммо, бундаги гаплар асло китобда ва илло кинода кечмаётгани боис, улар, ўз кўникмаларича, сақични кўп чўзгиламай, чайнаб-чайнаб, оғизда чалпак қилиб, сўнг “пак” эткизиб ёришни маъқул кўришди. Баайни ҳар сафар мактабга тўғри йўл қолиб, минг уриб-сўқишмасин, минг кулоқларига қуйиб ёки кулоқларидан чўзиб уқтиришмасин, барибир Бўжижардаги осма кўприкдан ўтиб қатнашгани каби.

Бўжижар – ўз номи билан бўжи жар, осма кўприкнинг-чи, фақат номигина осма кўприк: ундан жар ошмоқни кўзлаган ё дорбозлик уқувиға эга бўлмоғи, ёки, бошқа бир “ота ўғил”, сақични пуфлашга шошилмай, обдон чўзилаб чайнаб айтганда – ҳайвоно-

о-о-от илми муаллимнинг таъбирича, “аксар турлари бугунда жазирама иқлимли минтақаларда ўсган ўрмон ва чакалакзорларда тирикчилик қилувчи илк ажодларимиз” тажрибасига мурожаат этмоғи лозим. Бақаҳовуздан ҳеч қачон дорбоз чиқмаган, умуман, ёвқурлик, бебоклик каби иллатлар бақаҳовузликларга бегона. Бақаҳовуз Бақаҳовуз бўлиб ундан маймун чиққани ҳам бировнинг ёдида йўқ. Лекин, ё ўша ёвқурлик ва бебокликдан маҳрумлик аламими, ёки қораси айни чоғ фақат аллақайси олис жазирама иқлимли минтақалардаги алламбало ўрмону чакалакзорлардагина учровчи илк ажодларига ажод бўлмишлардан мерос қонми, баъзи-баъзида уларни хўп маймун қилиб ўйнагани бор. Йўқса, чиндан ҳам, туппа-тузук, текис-равон, оёқнинг ишқини туширадиган бир чиройли ўнғай йўл турганда, пана-пастқам, ўйдим-чуқурликдан юриб, йиқилиб чалпак бўлишлари ҳеч гап эмаса-да, мактабга шу Бўжижар узра тортилмиш симдан осилиб ўтиб қатнашларини қандай тушунмоқ мумкин? Ўтаётиб, тагин баҳс ҳам бойлашларини-чи? Мана бу тавр:

- Ҳой, Насим, Насим!
- Ҳа-а?
- Ҳозир шу ердан сувга қалла ташласам-чи?
- Аў Э-э, бор-э-э!
- Йўқ, ташласам-чи?
- Ол-а, йўқ нарсаниям ташлаб бўларканми?
- Мана, ташладим!
- И-и, жинни бўлма?! Йиқилиб ўлмагин тагин?
- Ҳе-э! Ке, гаров ўйнаймиз?
- Гаровми?
- Ҳа, гаров!
- Нимадан?
- Минг сўмдан!
- Бўпти, беш ташла!..

Бу – гарчи, уларни шу тобда Тўйтепагача тепиб борганда ҳам ёнларидан бир сўм чиқиши гумон эса-да. Лекин, у ер-бу ер эмас, нақ тўрт ёғи очик жаҳаннамга қалла ташламоқни кўзлаб, довлашиб туришган дам уларни ким ҳам олдиға солиб, қаёқдаги Тўйтепага қараб тепиб кетарди? Аслида, уларни шу тобда кулоқларидан беаёв чўзгилаб, қайсидир гадойтопмас, биров тўйини еб, дўнгига кетини қўймаган Тўйтепага эмас, хийла яқин ва ташаққури, балки, ким билсин, мукофоти ҳам нақд ерга тепкилаб ёки бўлмаса гилдириб олиб борганининг савоби бисёр эди-ку. Лекин, оёқ аталмиш қизталокнинг чангитмоқдан кўра чанг ютмоқ шашти баландроқ ва бундан фақат мўмай савобнинг – балки, ким билсин, мукофотнинг ҳам – хиди элтиб, бўйнидан тош гурзидек босиб турмиш гуноҳларидан битта-яримтасини ҳисобдан ўчириб – ёки берилмиш мукофотга бир бити тўкилиб яйраб – қолишни кўзлаган жаннатлабларгина огоҳ деб ўйлаган чучварани хом санабди! Яхшиси, хомтама бўлмасдан, биров тўйини еганим, қўйиними, дўнгига кетини қўйганим, ё бошқа ериними, тинчгина ўша Тўйтепани қоралаб йўл тутаверган маъқул. Бақаҳовузни илондай чирмаган катта халқа йўлдан атрофга сон мингта майда-чуйда йўллар узун-қиска бўлиб тўзгиб, тарқалиб кетган ва уларнинг ҳеч бири Тўйтепа аталмиш манзил сари кўрсатмасди. Тўйтепа номи Бақаҳовуздаги жами мавжуд ва номавжуд хариталарда ҳам йўқ. Тепкига оёқ қичимаган дамдаги далолатларга ишонилса, Тўйтепа – бу шундоққина Шошнинг биқингинасида, ҳа, Шошнинг, Шошийнинг эмас; хуллас, Шошга етилса, бас – у ёғи бир қадам. Лекин, бу ҳали ҳаммаси эмас, ушбу далолатларнинг кулоқ тутиш меъда фаолиятига акс таъсир қилмайдиган озроқ давоми ҳам бор: ҳа, рост, бир қадам, шундоқ Шошдан чиққанда, Шошнинг биқингинасида, Шошга етилса – бас; аммо Шош-чи, хўш, Шошнинг ўзи қерда? Юқоридагига ўхшаш

далолатлардан бирига ишонилса, Шош – ҳў-ўв, ит ўлган жойда. Биқиндай билқиллама, бозорбоп, килоси фалон пул жойдан, хе йўк-бе йўк, бутун бир тепа ўсиб чиқилиши амаллаб фараз қилишлари муқкиндир, гарчи, номидан карнай-сурнайлар овозию куюқ зиёфат ҳиди таралса-да, кимнинг қулоғинию димоғини у чоғ этгани ва ҳатто ким унинг бирор дўнгига кетини қўйгани буткул номаълумлигини ҳам ҳазм қилиб олишар, аммо ит билан боғлиқ жумбоқ борасида бақаҳовузликларнинг бир нарса дейишлари қийин. Тўғри, вақти-вақти билан ён-беридагиларнинг жамоат тартибига хилоф маълум амалларига: “Об-бо, нима бу, ичингда ит ўлганми?”, деб муносабат билдиришлари ва ҳатто бурун жийриб, четга бурилишлари бор, мудроккўз Гришанинг гузар бошидаги янги очилган, лекин тез орада эпителиши тайин ошхонасига атрофга олазарақ аланглаб-аланглаб кириб-чиқишлари ҳам сир эмас, аммо ўзлари каби еб, ичиб, нафас ютиб, нафас чиқарувчи инсон фарзандининг ичида Бақаҳовузсифат, балки ундан юз чандон улкан, маҳобатли бир шаҳар жойлашиши, тагин унинг Шош деб аталиши ҳам муқкинлигини ақлларига সিғдиришлари маҳол. Бақаҳовуздаги на жамоат тартибига серқулук ва на унга беҳурмат, беор авом, шу сирада Эшим иш-ш ва унинг эшаги ҳам. Тагин ким билсин, балки улар буни ақлларига сиғдира олишар, балки у ерда жой ортиб ҳам қолар... Бу – Эшим иш-ш ва унинг эшаги тўғрисида гап. Зеро, ҳеч ким уларнинг миясига қўл суқиб кўрмаган, ҳатто ҳеч қачон улардан бу хусусда сўрамаган ҳам, яъни уларнинг ақли, унга нима сиғиш-сиғмаслиги тўғрисида, сўрашни, балки, хаёл ҳам қилмаган, балки, хаёл қилгандир-у, аммо буни қандай удалашнинг сира учини тугулмаган, йўк, албатта, ҳеч ким уларда бу ақлнинг мавжудлигига мутлақ шак келтирмаган, барча ҳар эрта нимадир аввал улардан бирини, сўнг эса иккинчисини уйқудан уйғотишини, кейин эса шу нимадир бирининг иккинчисини етаклаб, кўчага бошлашига туртки беришини ва шу тарз икки ёртининг бир бутунни тўлдиришидан иборат жараён узлуксиз давом этаверишини, бу жараён қайсидир кўримсиз иплар билан ўша шаффоф ва бетайин нимагадир чамбарчас боғланганлигини, шундай ва шунга ўхшаш жараёнлар уларнинг ўзларида ҳам кўплаб кечишини, бироқ, у жараёндан фарқли ўлароқ, бу жараёнлар асло шаффоф ва бетайин нимадир эмас, номи, жойлашиш ўрни ва ҳатто вазнидан тортиб, то ижтимоий келиб чиқишига қадар маълум аъзо томонидан бошқарилишини ўзларидаги шу аъзонинг бир бурами билан жуда яхши англаб туришган, лекин қолган бурамларига Эшим иш-ш ва унинг эшагига тегишли шаффоф, бетайин нимадир билан номи, жойлашиш ўрни ва ҳаттоки вазнидан тортиб, то ижтимоий келиб чиқишига қадар ойдек равшан аъзо ўртасида энг ками от билан эшакчалик фарқ мавжудлиги тўғрисидаги даъвони маҳкам жо этишни ҳам нутишмаган.

Тош тоға Эшим иш-ш эмас. Тош тоғанинг эшаги ҳам йўк. Тош тоғанинг харитасида Шошга олиб борувчи йўл белгиланганини ҳам биров кўрмаган. Тош тоғанинг фақат узоқ йили тугаётиб жон таслим қилган хотинидан ёдгор ёлғиз кизи бор. Бор эди. Чорбоғининг нураб тушган деворини тиклашга ёлланган келгинди пахсакаш мардикор билан қочиб кетгунига қадар. Тагин Бақаҳовузнинг серфайз, гавжум даҳасида ўзи елкаси яғир бўлиб тиклаган ҳовли-жойи, уйдан икки гузар нарида, шаҳарнинг асло баҳаво эмас, лекин беҳаво деб ҳам бўлмайдиган ерида девори ёмғир ва жалалар ювавери-ювавериб нураб тушган чорбоғи, чорбоғининг девори билан қасдлашмиш бу ёмғир ва жалалар узоқ тинмаган кезларда хуруж қилувчи бод касали ва барча ёлғиз қизини ер-кўкка ишонмай, папалаб ўстирган оталар сингари ўзига яраша орзу-ҳаваси бор эди. Ха,

ҳовлиси ҳозир ҳам жойида, ўша-ўша – Бақаҳовузнинг серфайз, гавжум даҳасида, аммо хувиллаб ётибди, нақ ютаман дейди; чорбоғини ҳам ҳеч ким уч ёки тўрт гузар нарига олиб ўтиб қўйгани йўк, ўша-ўша – иккита гузар нарида, лекин олдингидек йўлни кесиб чиқиб бўлмайдди, уловда ёки соғлиқ кўтарса пиёда айланиб ўтиш лозим; бир ёғса тинишни унутадиган ёмғир ва жалалар касофат деворни буткул ювиб битириб, ер билан тенг қилиб шиббалаб, энди фақат унинг боди билан ўчақишга ўтишган; орзу-ҳаваси... унинг қачондир бўлгани, бўлибгина қолмай, хаёлда мавж уриб, кўпириб-тошганига ҳам айни чоғ ишонмоқ қийин, баайни чорбоғининг нураган деворини тиклаш зарурати тугилимиш ўша кез анави бадбахт пахсакаш мардикорга қараб, унинг лой қормоғи пахса урмоқдан бошқа нарсага ҳам чоғи келиши муқкинлигини хаёлга сиғдирмоқ мушкул бўлгани каби. Асли, у бадбахтнинг бундай дали-ғули ишга қўл уриши муқкинлигини хаёлга келтирмоқ тугул, оғзидан биргина сўз сугуриб олиш ҳам маҳол эди. Девордан садо чиқса чиқардики, ундан садо чиқмасди. Нафсиламбрини айтганда, Тош тоғанинг ўзи ҳам Бақаҳовузга келган чоғ шундан бир туки ўзга эмасди. Бироқ, у вақтлар у ҳам Тош тоға атамасди, умуман, уни биров исмини айтиб ҳам чақирмасди, барчанинг назарида у тирикчилик изидан юрган бир келгинди мардикор эди. Холбуки, уни бу ерга ёлғиз қорин гами қувиб келмаганди, гарчи, бор буд-шуди эғнидаги йиртик-ямоқ қийими, нон тўрваси ва шу исми бўлса-да. У иззатталаб эмасди, иззат даъво ҳам қилмасди, бари мавриди билан қарор топишига ишонарди. Бировларнинг у-бу рўзгор юмушларини бажариб юраркан, кўпда ўзига деворга менгазб сифат беришларидан ҳам оғох эди. Унинг айтмоққа сўзи йўк эмасди. Аксинча, унинг айтар гаплари бисёр эди. Бу гапларни у ёлғиз ўзига айтарди, деб ҳам бўлмасди. Қулоғи борлар унинг айтганларини эшитарди: Замин, Фалак; қушларнинг жувир-жувирини эшитмоққа ўзи юз қулоқ ҳам озлик қиларди, курт-қумурсқанинг эса ташвиши ўзига етарли эди. Сўнг Ойнисаси билан топишди ва унинг сўзига қулоқ берувчилар сони биттага ортди: Замин, Фалак, Ойниса... Замин ва Фалак фақат уларнинг сўзларидангина оғох эмасди. Замин кунни кузатиб, тунни қаршилар, Фалак зулматга чўмиб, сўнг яна нурга кўмиларди ва еру кўк ўртасида, хоҳ тун бўлсин, хоҳ кундуз, улар танҳо бир-бирларигагина тегишли эдилар.

Аммо бу саодатга тўлиқ дамлар узоққа чўзилмади; ишонгани – Замин уларнинг бахтига кўз тиккан экан, бегим қуни Ойнисасини ўз бағрига олди. Раҳматли момоси айтгучи: “Хаҳ, бири кам дунё!”, деган сўзларнинг аччиқ мағзини у илк бор ўшанда чакди. Замин ва Фалақдан гинаси бекорлигини ҳам у анча ўтиб англади. Асли, Ойниса Замин ва Фалақнинг унга туҳфаси экан – шу қисқа умрида кўрган дард-аламлари, чеккан нола-фиғонлари эвазига. На имкон, ўзлари берган – ўзлари тагин қайтиб олишди, лекин – бу ҳам уларнинг инояти! – туҳфаларидан жажжи бир улушни унга “эрмак”ка қолдирмоқни дариг тутишмади. Бу “эрмак” ҳам асли бебаҳо бир инъом эди. Шундай эса-да, унинг еру кўкка бўлган аввалги ишончи қайтиб тикланмади. Чорбоғининг баайни шу ишончи каби нураган деворини қуришга даъвогар келгинди мардикор йигитга рўпара бўлиб, Тош тоға беихтиёр ўзини эслади, ўзини, ўша, Замин ва Фалакка ишончи бекиёс дамларни ва – туҳфадан қолмиш “эрмак” улуш билан боғлиқ сўнгги умиди ҳам чилпарчин бўлишига санокли онлар қолганидан мутлақо беҳабар, кўкси фараҳга тўлди.

Аслида у мардикор йигит ҳеч нарсага даъвогар эмасди. Ҳатто Тош тоғанинг еру кўкка ишончи билан баробар нураган деворини қуришга ҳам. Тош тоға кўринган чоғ у бозорнинг оёқ тарафидаги суви қуриган арик ёнида

тўрвасини маҳкам кучоқлаган асно ёлғиз сўппайиб турарди. Ҳеч кимга қўшилмай, ҳеч гапга аралашмай. Одатда, бозорнинг бу тарафида одам тўпланмасди; арикнинг суви қуригани, бироқ тагига чўкмиш ахлат, лой, балчиқ тозаланмагани боис, у ерда кўнглини беҳузур килувчи бадбўй ҳид турарди. Тош тоға мардикор бозорини гузардан айирмиш кўринмас сарҳаддан ошгани ҳамон барча иш илинжида офтобда қовурилатганлар чуғур-чуғур қилиб, гуррос уни ўртага олишди. Аммо Тош тоға уларнинг ҳеч қайсисига қайрилиб боқмай, ҳеч қайсисининг чуғурига кулоқ солмай, мийигида илжайган асно, бошини сарак-сарак қилганча, бозорнинг келгинди мардикор йигит ва кўнглини беҳузур этгувчи бадбўй ҳид турган тарафига қараб йўналди.

Тош тоға уни олишдан илғаган эди. Букчайган миқти гавдаси, чувринди уст-боши, кўксига маҳкам босиб олган тўрвасини. Яқинлашиб бориб, унинг ўзига қадалимиш укки кўзларини ҳам фарқлади. Чамаси, у ҳам Тош тоғани энди илғамаган эди.

Тош тоға одимини секинлатди, лекин йигитга синовчан тикилишини қўймай, унинг юз-кўзидан ненидир укмоққа уринди. Аммо, йигитнинг ўзи ҳам, кўзи ҳам жим эди. Унинг юз-кўзида зоҳир айна ифода, тўғрироғи, ифоданинг йўқлиги ҳам Тош тоғага алланечук қадрдон туюлди. Агар йигит шу тобда жойидан салгина қўзғалган ёки нигоҳида озроқ таралдуд сезилган тақдирда ҳам Тош тоға балки уни четлаб ўтиб кетармиди... Йўк, йигит жойида қилт этмади, ҳатто бир марта бўлсин киприк ҳам қоқмади, унинг нафас олаётганини-да фарқламоқ мушкул эди.

Яна бир неча лаҳза ва улар юзма-юз келишди.

- Паҳса уришга чоғинг қалай? – деб сўради Тош тоға, гарчи, қандай жавоб олиши, тўғрироғи, қандай жавоб эшитмаслиги унга ойдек равшан эса-да. – Эплайсанми?

Йигит индамай бош ирғади.

- Хў-ўш, нари борса, тўрт кунлик чамаси иш бор, - деб тушунтирди Тош тоға унга зимдан тикилиб. – Лекин ўт қаламайман. Киш ўтмай, тагин манави бад бўйни искагани келишга сира тобим йўк, - дея озроқ хангома қилган бўлди. Сўнг гапнинг индаллосига кўчди: - Ишлаган ҳар кунингга фалон пулдан тўлайман. Уч маҳал еганинг ҳам менга тан. Хўш, нима дейсан?

Йигит бу сафар ҳам лом-мим демади, фақат яна тасдиқ маъносига бош ирғади, холос.

Тош тоға чўнтагини кавлаштириб нос шишасини чиқарди. Шошилмай шишанинг қопқоғини очиб, қафтига бир отим нос ташлади.

- Хўп, қани, юр бўлмаса, - деди носни тилининг тагига ташлаб, бироқ нима деганини ёлғиз ўзигина тушунди. Сўнг яна имиллаб шишанинг оғзини маҳкамлади ва уни қайта чўнтагига жойлаб, изига бурилди.

Бозордан чорбоққача йўл узоқ эмасди. Тош тоға ўз одатига шаҳдам одим ташлаб юриб борар, йигит ундан ортда қолмасликка тиришиб, кетидан пилдираб эргашарди.

Ҳеч қанча юрмасдан, Тош тоға ортидан ёллаган мардикорининг ҳарсиллаб нафас олишини ҳам эшитмай қўйди. Тўхтаб, унинг етиб келишини кутди.

- Бурнингга бир чертгулик ҳолинг қопти-ку, - деди Тош тоға йигитнинг бўғриққан юзи, киргайган кўзларига тикилганча бош чайқаб. – Буяқин орада туз тотибмидинг? Тош тоға бу саволига ҳам жавоб эшитмади. Унинг йўл давомида йигитга берган бошқа саволлари ҳам шу асно жавобсиз қолди. Фақат бир марта унинг: “Қаердан бўласан?”, деб айтган саволига йигит ҳирқирок, хиёл манқа овозда: “Хў-у-у”, дея қўлини ҳавода ўйнатиб, мужмал жавоб қайтарди.

Тош тоға у ишора қилган томонга қараб Бақаҳовузнинг бегард осмони ва уни чароғон этмиш офтобнинг

қирмизи юзини кўрди, қараб кўзлари қамашди ва туйқус англадики, йигитдан бир маънили жавоб кутиш, умуман, уни ҳадеб бу тахлит сўроққа тутиш беҳуда, унинг айтмоққа сўзи бўлмагани туфайли эмас, йўк, аксинча, балки унинг айтмоққа сўзи кўп, балки керагидан ҳам ортиқдир, фақат уни тинглай билмоқ жоиздир, ахир, айтмоқдан осони йўк, оғиз – бекопқок, тил – бесўнғак, кулоқ ҳам асло тақчил матоҳ эмас, бироқ, тинглай билмоқ учун ёлғиз кулоқнинг ўзи кифоями?

Тош тоғани бу савол ўйга чўмдирди. Тош тоға осмонга анграйган асно қачон бу саволни ўзига илк бор берганини эшлашга уринди ва – эслади! Эшлаши баробар илкис кўксидан нимадир жиз этди. У нигоҳини кўкдан ўзиб, ёнида ўзига меровсираб тикилиб турган мардикорига қаради ва унинг айна шу сийратида аниқ ўзини кўрди, ўзини, орзу-умидлари барқ урган, ҳали турмушнинг ўйдим-чўқурларидан беҳабар, аччиқ-чучугига эса фарқ гўр йигитчани ва унга нисбатан меҳри товланди.

Тилланинг ҳийласи борлигига шубҳа кейин ҳам унинг дилида дарров пайдо бўлгани йўк, ҳатто йигитни гузар этагидаги Кимсан шашқолнинг лағмонхонасига олиб келиб, корини обдон тўйдириб, чорбоғига бошлаб келиб, ишнинг расамadini тушунтириб, нима, қаерда – ҳаммасини кўрсатиб, секин-аста ишга киришаверишни тайинлаб, ўзининг бир дунё юмуши борлиги, ҳозир тўғри ҳовлисига ўтиб, унинг чой-нони, ош-овқатидан боҳабар бўлиб туришга одам жўнатажаги, ўзи эса бари ишларини саранжомлаб, тушга яқин бир келиб, хабар олажагини уқтириб, шу чикқанича, айтганидек, тўппа-тўғри ҳовлисига ўтиб, айвонда хонтахта устига хитойи пиёлани тўнкариб қўйиб, ўсма сиқаётган қизинга – ёлғизи, кўзининг оку қораси, ери, осмонини чорбоғда деворни тиклашни бошлаган паҳсакашнинг чой-нони, ош-овқати ва ўзига кўз-кулоқ бўлиб тургани тугун билан шошилишча жўнатиб, юмушларини ҳам оёғи куйган товук каби югуриб бажариб, лекин, ваъда қилганидек, тушга яқин эмас, пешиндан озроқ ўтиб қайтиб келиб, ҳайхотдай чорбоғда бир тирик жонни топмаганидан сўнг ҳам. Тирик жон бўлгани эса шубҳасиз эди: ёмғирнинг девор билан узоқ қасдлашувидан ҳосил бўлган, офтобнинг забтидан эса тош қотган лой куйқалари қириштириб тозаланган, Тош тоға бир ҳафта бурун девор-дармиён қўшниси Аҳад писмиқнинг аллақандай қурилишинингми, Бузилишинингми қайсидир қалити қўлида бўлган авағаси билан келишиб тўктирган тупроқнинг учдан бири чамаси ажратиб олинди, қўлоб қилиб қўйилган, эрталаб мардикор йигитга кўрсатганида жойида тартибли тахланиб турган анжомлар ҳам айна дам ҳовлида сочилиб ётарди.

Тош тоға оёқосидаги лой юки пачоқ пакирни ҳатлаб ўтиб, ҳовли ўртасида тарвақайлаб ўсган тут соясидидаги тахта супа томон юрди. Бу ерда ҳам тирик жондан нишонга йўк эмасди: эрталаб ўзи тугиб, қизининг қўлига тутқизган қийик дастурхон ўрнида ёзиғли, ундаги қанд-курс, ярим ҳовучча майиз, туршак ва нон бурдалари устида пашшалар бозор қурган, тунука чойнак устига сочик ёпқич қилиб ташлаб қўйилган, ширин чой юки пиёланинг ичига эса пашша тушиб, қотиб ётарди. Тош тоға сочикни нари итқитиб, чойнакка қафтини босди; илик, ёпқични ҳисобга олганда ҳам нари борса ярим соат бурун дамланган. Сўнг ирганибгина пашша тушган пиёлани қўлига олди ва ичига чойнақдан озроқ чой қуйиб чайиб, қийик устига ағдариб қўйди. Атрофга олазарак аланглади, лекин бировнинг қорасини кўрмади. Туйқус, ниманидир элаган каби, нигоҳини ҳожатхона тарафга бурди ва кўнгли жойига тушиб, енгил тин олди. Ҳожатхона эшиги ёпқич турарди. Дастурхон бу тахлит йиғувсиз қолганидан Тош тоға ўзича мардикор йигитни у ерда

гумон қилди. Эрталаб Кимсан шашқолнинг лағмонхонасида уларга тортишган қулинг ўргилсин чўзма лағмон ўзи серёгина эди, камбағалнинг бир тўйгани-да, деб у кетидан тагин иккитадан янги тандирдан узилган қайноқ сомса ҳам буюрди... Йигит бояқишга бу оғирлик қилишини у туш кўрибдими. Хеч қиси йўқ, лой тайёр бўлгач, пахсани уришга киришса, бари тер билан ювилиб чиқиб кетади.

Тош тоға мийиғида қулиб кўйди ва аланглаб, қизини излаган бўлди. Қизи, чамаси, мардикор йигитга нон-чойини ҳозирлаб бериб, ўзи анҳор бўйига тушган кўринади. Анҳор лабида ёлғиз сувга тикилиб вақт ўтказиш унга болалик чоғидан одат эди. Ҳа, бу жиҳатдан қизи унинг ўзига тортган. Тош тоға ушбу иккитадан кўнгли тоғдек кўтарилиб, дастурхон теласида гўжғон ўйнаётган хира пашшаларни ҳайдаб тўзғитди-да, қийикнинг бир учи билан нон бурда ва қанд-курс устини омонатгина ёпиб, қизи-ла кўришмоқ ниятида изига бурилди.

Анҳор тарафни кўзлаб шошиб кетиб бораркан, йўл устида ётган лой юки пачоқ пақирни чаққон ҳатлаб ўтди. Анҳорга чорбоғнинг этак томонидан тушиб бориларди. Анҳор сувининг шовуллаб оқиши эшитилар жойга етганда Тош тоға туйқус қулоққа чалинмиш бошқа бир овоздан юраги ҳаприқиб тўхтади. Ҳар сафар бу товуш қулоғига чалинди дегунча шундай бўларди, зеро, у раҳматли Ойнисаси билан яйдок далада ёлғиз бир-бирига роз айтиб ўтказган бедор тунларни ёдга туширарди. Мулла Матғозининг чорбоққа туташ безазориди бедана сайрамоқда эди. Матғозининг ўзи бир сайрашга тушса, юзта беданани ҳам қочирарди. Ҳар жума унинг маърузасига қулоқ тутгани атай атроф-тегра, узок-яқиндан гузар масжидига авом йиғиларди. Бирок, Тош тоға негадир унинг ростдек туюлувчи сўзларидан кўра кўпроқ бедана хонишини кўнглига яқин тутарди. Фақат у раҳматли Ойнисаси билан боғлиқ тотли хотираларни ёдига туширгани учунгина эмас, йўқ. Нега – сабабини ўзи ҳам аниқ англамасди. Чамаси, Матғозининг маърузасида айтилмиш сўзлар фақат р о с т д е к т у ю л а р д и, бедананинг табиат бағридаги айни хониши эса ч и н, р о с т э д и. Бедананинг сайраган овози Тош тоғанинг хаёлини банд этмиш жами ташвишларни четга сурган бўлса, оёқлари уни ўз-ўзидан безазорга бошлади...

Тош тоға безазорда эғнига илашган чанг-чўпни қоқиб, чорбоғига қайтганида кун оғиб қолганди. Тош тоғага қўшилиб унинг ташвишлари ҳам қайтди. Анҳор лабида бир тирик жон йўқ эди. Ҳовлида ҳам Тош тоға одам қорасини кўрмади. Кун қайтиб, пича соя тушганини айтмаса, ҳовлида ҳамма нарса ўзгаришсиз, бояги-боягидек эди: унинг киндик қони тўкилмиш кишлокқа маҳобат-ла соя ташлаб турувчи баланд тоғнинг кичрайтирилган шаклини ёдга солувчи уюмдан ажратиб олинган тупроқ қўлоб қилинганча турар, эрталаб тартибли тахлоғли, пешиндан сўнг эса ҳовлида бетартиб сочилиб ётган ҳолда кўргани – анжомлар баайни жойига миҳланган, боя ўзи бир-икки устидан оёқ ошириб ҳатлаб ўтишга мажбур бўлган лой юки пачоқ пақирнинг авзойида ҳам ҳеч ўзгариш сезилмасди. Хуллас, ҳассос мусаввирнинг мўйқаламига муносиб манзара, унга ном ўйлаб, хомтама бўлишининг ҳам ҳожати йўқ: “Мақр ва муҳаббат” – агар мусаввир чиндан ҳам ҳассос бўлса; ёки “Чолнинг қизи қочиб кетди” – агар юқорида сўз билан чизилмиш манзарани даъво қилса; ёнки, оддийгина “Пақирли натюрморт” – шу ҳолдаки, агар бу мўйқалам соҳиби ҳассослик ҳақида ҳам, ҳассосликка даъвогарлик тўғрисида ҳам асло бошини оғритмаса.

“Об-бо, бошимга қандай балони сотиб олдим-а? Вей, еб-...ичишдан бўлак нарсаниям биладимиз ўзи бу

хумпар?!”, деди Тош тоға қони қайнаб, ҳожатхонанинг бояги тарз ёпиқ турган эшигидан кўз узмай. Шундай деб айтди-ю, туйқус миясига келган фикрдан кўзлари чакнаб, бўғзига тикилиб кела бошлаган жаҳли ортга чекинди. “Ишни бунақа чўзма лағмон қилганига ҳўв овлоқдан ўра қаздириб, тўлганини кўмдириб оламан”, дея анчадан буён бошини оғритиб юрган муаммонинг ҳисобини топган бўлди Тош тоға ва ўзининг бу ўйидан ўзи бир қоп семирди. Кўпроқ ҳам семирарди-ку, бироқ уч-тўртта дилтортар улфатлар билан кечқурунга Маматқулнинг чойхонасида халфанага ош белгиланган, аксига олиб ўз улушини у олдиндан тўлаб ҳам кўйган...

Тош тоға шу хаёллар билан ҳозирданок димоғида ҳали қозонга тушмаган ошнинг хуш бўйини туйганча қаздиришни мўлжаллаган янги ўранинг ўрнини ўзича чамалаб тураркан, чорбоғнинг келиб-келиб ёмғир билан ўйнашган телба девори кемтиги оша шаҳд ила учиб кирган тентак елвизак чолнинг юзини, хиёл қиров оралаган бурама шоп мўйловини ҳилпиратиб силаб ўтиб, намчил тупроқ исини ҳавога кўтарганча ҳовли саҳнида икки-уч чарх урди-да, уни бир қоп семиртирган ўйларга сабабчи бўлмиш “қадамжо”нинг эшигини бориб тебрлатди. Шамолнинг ушбу “машқи”дан чалинмиш “ғийқ-ғийқ” фақат эшикнинг ошиқ-мошиғига мой суртиш фурсати етганинигина эсга солмас эди. Тош тоға бунга дарров фаҳмлай қолмади. Фаҳмлашга уринибми, бирпас жойида эшикнинг ғийқиллашига ҳамоҳанг тебраниб турди. Ниҳоят, фаҳмлагач, илкис сергак тортди ва худди бунга ишонишни истамаган каби чорбоғни ямламай ютган сукунатга қулоқ тутди. Бошқа вақт оромбахш туюлувчи бу жимлик унинг кўнглига баттар гулгула солди. Тош тоға кўз олдини босиб келаётган зулумот оша атрофга нажот истаб бокди ва гарчи уни кўрмаётган эса-да, худди тусмоллаб ушламоқчи бўлгандек, қўлларини чўзганча олға ташланди, бироқ боядан бери нуқул оёғига илашаётган лой юки пачоқ пақирга қоқилиб, олдинга юзтубан муникиди. Қўлига тиранган кўйи амаллаб ўнгилаиб, ўрнидан кўзгаларкан, Тош тоға, аламдан лаблари гезариб, тургани ҳамон ҳассос мусаввирнинг мўйқаламига мос манзарага кўрк бағишламиш лой юки пачоқ пақирни жаҳл билан тепди. Санъатга аччиқ қилиб эмас, йўқ. Тош тоға санъатни жини суймайдиган жоҳил эмасди. Тош тоғани санъатга фаҳми етмайдиган оми деб ҳам бўлмасди. Зеро, қизи ойда-ой ора чеҳраси бужмайиб, ўқишидан кўтариб келувчи талабалик нафақасига “юк” қилиб берилган чипталар воситасида у билан жуда унақа қадрон эмаса-да, ҳар тугул таниш эди. Тўғри, тан олиш жоиз, кўрган, эшитганларининг у ёки бу ерини ҳазм қилишга қийналган бўлса бордир, лекин бирор марта ҳам унга санъат деб тақдим этганларини англамай, боши оғриган эмас. Фақат, пешонасига саноқсиз эгри-бугри чизиклар тортиб, бир пайтлар ҳамма кўрганда ҳавас қилган қоп-қора шоп мўйловига бевақт қиров кўндирган йилларига терс ўгирилганча дунёнинг барча оқ ва оласи, рост ва ёлғонини ўзида жам этмиш товукнинг катагидан сал катта саҳнага термулиб гувоҳи бўлганларнинг олис йили қазо қилиб кетган аммасининг исмига қандай алоқаси борлигини қанча уринмасин, сира ақлига сиғдиролмасди. Авваламбор, агар адашмаса, мусичадай беозор, кўп фариштали хотин эди аммаси раҳматли. Одамга ола бокқани ёки овозини беҳуда баланд қилганини биров билмасди. Тош тоға ҳам асли аммасининг жиғини эди. Бирок, ўзи шундоқ ҳам асаби зор қакшаб турган пайтда, ўлганнинг устига тепгандек, тагин пақирга қоқилиб йиқилиши сабр қосасини тўлдирган сўнгги томчи бўлди.

- Бу лаънати пақирни оёқ остидан оладими бугун биров? – деб бақирди Тош тоға асабий, пақир тепкисидан даранглаб, беш-олти қадам нарига бориб тушган асно. Овози бу тахлит *қаҳрли чиқиши

мумкинлигини умри бино бўлиб фақат шунда англади-ёв. Сўнг ҳовлига тагин сукунат чўкди. Бирок, Тош тоға уни эшитмади. Тош тоға унга кулоқ ҳам солмади. Айни дам унинг бутун шуури фақат бир нарсага алағда, кўзлари ёлғиз бир нарсани илғар, кулоклари ёлғиз бир нарсанигина эшитиши мумкин эди.

Тош тоға аччиқ ютинди. Тош тоғанинг томоғини баайни шиша тилиб ўтди. Оёқлари ўзига бўйсунмас, ақли ҳам ўзиники эмасдек туюларди. Гандираклаган кўйи дам юриб, дам тўхтаб, телба янглиғ ҳовлида узоқ тентираб, ниҳоят, у кўзлаган ерига етди ва кўллари калт-калт титраб, эшик сари узалди...

Жи-Ти - Тош тоғадан фаркли ўларок, асло асабий тарзда ва зинҳор девона каби эмас, - эшикни очиб, тамомила тескари манзарага гувоҳ бўлган эса-да, иккала ҳолатнинг ҳам даҳшати моҳият жиҳатидан бир-бириникидан сира кам эмасди. Ким билсин, балки очиб Жи-Тининг кенг ялқок пешонасига зарҳал ҳарфлар билан битилган эшикни Тош тоға очиб, Жи-Ти рўпара келган манзарага Тош тоға гувоҳ бўлганида ичкарида кўрганларидан у айтарли даҳшатга тушмасди, ҳаттоки эти жунжикмасди ҳам, шунчаки тангри берган умри давомида кўравериби, кўравериби, исми янглиғ тош қотган дийдаси билан дунёнинг ишлари кўп қизиқ эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилган, бу дунё бевафо эмас, асли одамлар унга ҳеч қачон вафо қилмасликларига иймон келтирган бўларди, ҳолос. Мабодо, фалакнинг гардиши айланиб, Тош тоғанинг чорбоғидаги “қадамжо”га кўндирилмиш зорманда эшикни ўша кез Жи-Ти очганида, даҳшатдан тарракдек қотиш, ўзини, ўзига қўшилиб сўзини йўқотиш қаёқда, унинг бир туки ҳам қилт этмас, аксинча, шўрлик Жи-Ти учун бу айни муддао бўлар эди. Жи-Тининг маконда бу тахлит адашуви кўпларни, аввало, танқис зарурат билан кириб, мутлақо нозарур можарога тушугуи урилган унинг ўзини, қолаверса, Жи-Тини даҳшатга солган, Тош тоғанинг эса фақат дийдасини баттар қотирмоққагина яраши мумкин бўлган можаро айбдорларини ҳам тўла қаноатлантирарди. Бирок, бу истак чиндан рўёбга чиқмоғи учун Жи-Тининг фақат макондагина эмас, замонда ҳам яхшигина ўмбалоқ ошуви талаб қилинардики, буни эҳтимол этмок тугул, ақлга сиғдирмоқ ҳам хийла мушкул иш эди. Зеро, у ва бу эшикнинг ораллиғида ёлғиз йўлларгина эмас, санаб ҳисобини чиқармоққа ҳам қишининг бармоқлари озлик қилувчи йиллар ҳам ястаниб ётарди.

Жи-Ти замонда адашмади. Маконда ҳам у бир қадам бўлсин четга оғани йўк. Ҳар сафар шу юмуш билан ўзи бориб-келиб юриб кўзи пишган йўлдан оғишмай-чоғишмай, ҳадеб очилиб-ёпилаверганидан хийла уринган таниш оқ эшикка рўпара бўларкан, ичкарида уни бу ерга шошилинч ташриф буюришдан кўзламиш мақсадига тамомила номувофик ҳодиса кутаётганидан буткул беҳабар эди. У шу тобда замон ва маконда кечмиш силсилалардан ҳаёли етмас узоқда, маълум ички аъзоларини банд этмиш юкка қўшилиб тушиб кетишга тайёр турган юрагида тунлари тушига кирмаган фараз ва гумонлар у ёқда турсин, қилга ҳам жой топилмасди. Айни лаҳза у фақат битта нарсани, яъни васлига йўл кўп олис туюлган манави эшикдан ниҳоят ичкарига кириб, ҳали дарси тугашига кўнгироқ чалинмасидан уни оёғини қўлига олганча бу ерга чопишга даъват этган муддаосини имкон қадар илдамроқ ҳосил қилмаса, доғини Бақаховуз тугул, бутун бир дарёнинг суви билан ҳам ювиб кеткизиб бўлмайдиган иш юз беражаги муқаррар эканлигини жуда яхши биларди.

Бу йўлнинг Жи-Тига танишлиги шу лаҳза у очмоққа чоғланмиш эшик ортида юз беражак можародан ва унинг сира тотли бўлмаган мазасидан беҳабар, юксак шеъриятдангина эмас, ноқис насрдан-да йироқ эҳтиросга банди ҳавасмандларга ҳам маълум эди. Шунингдек,

улар Жи-Тини ора-сира бу йўлдан қатнашга ундовчи сабаблардан ҳам беҳабар эмасдилар. Тўғрироғи, улар шундай деб ўйлашар эди. Бунинг исботи тарикасида такрор-такрор тилдан чиқиб, кулоқ ва мияларга қуйилаверганидан кўпроқ зилдек аравага қўшилган курранинг бозор қуни, тагин оч қоринга ҳанграшга чиранишига монанд зўраки қаҳқаҳа уйғотмоққагина қодир латифани келтиришарди. Хў-ўш, эмишки, кунлардан бир қуни Жи-Ти таърифи юқорида келтирилмиш йўлдан юриб, донғи бу йўлликдан асло оз бўлмаган эшикка юзма-юз келган ва таажжуб билан унда аввалдан мавжуд битта ҳарфдан иборат таниш эслатмадан ташқари, қинғир-қийшиқ қилиб ва афтидан, айнан унга атаб ёзилган сирли битикни ўқиган:

ТЎҒРИГА ҚАРА!

Жи-Ти ҳеч нарсани англамай, эшикни очиб ичкарига қадам қўйган ва нигоҳини эшикда кўрсатилмиш ерга қадаб, таажжубини баттар оширган ёзувга кўзи тушган:

ЧАПГА ҚАРА!

Жи-Ти тагин ҳеч нарсани тушунмай, балки тушунмок илинжида, ёзувда айтилган ёққа ўгирилган ва аввалги таажжубларини квадратга оширган битикка рўпара бўлган:

ЎНГА ҚАРА!

Жи-Ти яна ҳеч вақони англамаган ва тайинки, англамок умидида битикда амр этилган тарафга қараб, мутлақо ҳеч балони англамай, охир натижада жами таажжублари квадратга кўпайтмасининг иккиланмасини ташкил қилмиш бошқа бир битикни хижжалаб ўқиган:

ҲОЙ, БУ ЕРГА ТОМОШАГА КИРДИНГМИ?

Бу ажабтовур латифа айнан шу нуқтада узилар ва муқаррар равишда у айтилмиш жойга яқинроқда бўлган, гап нимада эканидан асло хабари йўқ кимсанинг нақ ўтақасини портлатувчи даҳшатли қаҳқаҳа билан хотималанарди. Асли шу, маълум нуқтада янграши фарз саналган қийқириғу увиллашга омихта қаҳқаҳа ва унинг оқибатида берилиши мумкин бўлган қурбонларни қай йўсиндадир хаспўшлаш мақсадидагина тўқилган эди булатифа. Нечоғли номаъқул туюлмасин, аммо ушбу ҳолатда қаҳқаҳа латифага эмас, аксинча, латифа қаҳқаҳага мутлақ бўйсундирилган эди. Мактаб “оғзаки” ижодига тааллуқли саналмиш бу латифа исталган кўй ва мақомда, ҳаттоки оёғи осмондан қилиб ҳам айтилмоғи мумкин эди, зеро, ҳеч ким унга кулоқ солмасди - шу даражада барчанинг меъдасига теккан эди у. Аммо, қаҳқаҳага жуфтланмиш лаблар-ла қай дам қийқириб, уввос солиш лозимлиги барчага беш қўлдек маълум эди. Латифа айтила бошланган лаҳзадан эътиборан унга кулоқ тутган ва тутмаган барчанинг диққати, шашти ва шиддати таниш нуқтада уларнинг сайй-харақатлари билан жўр овозда янграши шарт бўлган қаҳқаҳага қаратиларди. Ёзилмаган қонунлар ҳам йўк эмасди. Хусусан, сўнгги қаҳқаҳа маълум жиҳатдан аввалги қаҳқаҳалардан фарқ қилмоғи талаб этиларди. Ўз-ўзидан тайинки, ўша латифа, ўша сўзларга айнан ўша нуқтада янғровчи кейинги қаҳқаҳа ҳам нақадар гумбурлаб чиқмасин, қанчалар кўп кимсани ўтақасидан айирмасин, зинҳор олдингиларини такрорламасди. Бунда энг муҳими, албатта, Жи-Тининг тилга олдиниши эди. Қийқириғу увиллашларга сабаб ҳам илло латифага эмас, унда Жи-Ти номининг мавжудлиги эди. Ҳолбуки, латифада таърифи келтирилмиш “битик” уерда Жи-Ти мактабга муаллим бўлиб келгунга қадар бор эди, у келганидан сўнг ҳам дарров йўқолмаганди. Балки, унинг туйқус йўқолишида, яъни, латифа аввалида айтилганидек, “кунлардан бир қуни”, яна ҳам аниқроғи - бир душанба мактабга келиб, на эшикда ва на ичкаридаги ўнгу сўл деворларда таниш, таъбир жоиз бўлса, жондан азиз битикларни топмаганликларидан Жи-Тининг ҳам “камтарин” хизмати йўқ бўлмагандир. Нима бўлганда ҳам, Жи-Ти шу Жи-

Ти номини олиб, унганча муаллим зоти қора тортишни эп билмаган эшик сари ўзига сўқмоқ очгунга қадар мактаб “оғзаки” ижодининг ушбу энг нодир намунаси устидан бўёк чаплаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган эди. Бирок, бу фақат тахмин эди, холос. Айнан шундай бўлганига биров қафолат беролмасди. Тайинки, айнан шундай бўлмаганига ҳам. Шу каби, латифада обдоқ таърифланмиш гавго чиндан Жи-Ти билан рўй берганини айтиб, гувоҳлик қилмоққа қодир мард ҳам анқонинг уруги эди. Инчунин, ушбу латифани фақат Жи-Тигагина эмас, бу латифагўй ва бетаъсир қаҳқаҳа ихлосмандларининг исталган биттасига ҳам бемалол тадбик этса бўларди. Дейлик, “Қуллардан бир куни Бадал Армон таърифи юқорида келтирилмиш йўлдан юриб, донги бу йўлникидан асло кам бўлмаган эшикка юзма-юз келиб...” ва ҳоказо, ва ҳоказо. Аммо, Жи-Тини уларнинг барчаси билан кўринмас иплар воситасида маҳкам боғловчи яна бир нарса мавжуд эдики, унинг борлигини латифагўй ва бетаъсир қаҳқаҳа ихлосмандларининг бирортаси бўлсин ҳатто фараз ҳам қилолмасди. Ҳозирча. Вақт ўтиб, албатта, англашади. Жи-Ти ҳам, худди улар каби, ўша кез қип-қизил – балки сап-сарик, ҳозир эсида йўқ – бўйдоқ бўлганини, фақат, улардан фаркли ўларок, буни у чуқурроқ ҳис қилганини, аниқроқ айтганда, гарчи, Жи-Ти сингари қип-қизил – ёки кўм-кўк – бўйдоқ саналишса-да, бу ҳақда ўша пайт улар танларига ҳеч ўйлаб кўришмагани, ҳар гал латифа айтишиб, уни қаҳқаҳа билан хотималашганида ёлғиз Жи-Тининг устиданига эмас, йўқ, зинҳор Жи-Тининг устидан эмас, фақат ва фақат ўзларининг устидан қотиб-қотиб қулишганини тушуниб етишади. Тагин шунинг ҳам тагига етишадики, Жи-Ти чуқур бўйдоқлик ҳисси билан ўзига қадар ҳеч бир ўқитувчи аталмишнинг йўли тушмаган эшик сари очган сўқмоқ асли буюк бўйдоқлик сўқмоғи экан ва айнан шу ҳис, ўзининг бениҳоя чуқурлиги боис, унга яқин, шундоққина тумшуги тагида жойлашган, бирок мактабдаги бўйдоқлигини ҳис этган ягона ва бўйдоқлигини қачондир ҳис этган-эмагани ёдида йўқ уч-тўрт чоғли эркак ҳамда Жи-Тининг бўйдоқлигига мутлақо бефарқ ва асло бефарқ эмас кўп сонли аёл ўқитувчиларга бирдек ланг очик бўлган эшикни тақа-тақ беркитган экан. Ҳолбуки, бу эшик ичкаридан қулфланар эди. Аммо, ушбу ҳол Жи-Тига азоб бермиш бўйдоқлик ҳиссини баттар чуқурлаштирарди, холос. Чунки, у битта эди, барча учун – бўйдоқлигини чуқур ҳис этган ва бундан кўп азият чекканларга ҳам, бўйдоқлигини қачондир ҳис этган-эмагани, демаски, бундан азият чеккан-чекмагани ёдида йўқларга ҳам, ёнларида кимнингдир бўйдоқ эканига мутлақо бефарқ ва асло бефарқ бўлмаганларга ҳам. Бу ҳисни таърифлаб айтмоқ кўп мушкул иш. Уни озроқ бўлса ҳам англамоқ учун бўйдоқликни бир он эса-да бошдан кечирмоқ лозим. Бошдан кечириб уларга ҳали ортиги билан насиб этади, ҳа, бўйдоқликка бошлари билан шўнғиган дамдан токи ундан юзиб чиқишга зўр бериб уринишаётган шу қулларга қадар бир он эмас, бир дунё вақт ўтади. Жи-Тининг ўша кез уларга гайриоддий туюлган ўзини тутиши боисини ҳам, уни майна қилмоққа чоғланиб, аслида ўзларини масҳара қилганларини ҳам – барча-барчасини англаб етишади. Бирок, ўша кез уларни ўзларига маъқул амал устида қўлга тушириб, уларга сира маъқул бўлмаган тарзда иш тутишга уни нима мажбур қилганини ҳали-ҳануз тушунишмайди. Балки тушунишни исташмас, балки тушунишар ҳам-ку, лекин буни очик тан олиб айтишга бўйнилари ёр бермас... Ахир, эшик туйқус шахд билан очилиб, остонада у – Жи-Ти кўзга ташланганида иш шундай бемаъни ўзанга бурилади деб ҳеч ким ўйламаган эди. Тўғри, эшик туйқус қаттиқ бир чайқалиб очилиб, уларнинг эътиборини ўзига михлаган

лаҳза юраклари яхшигина бир оркага тортди, эшикдан ўзларининг тенгмўйсалари ёки бирор мишики чурвақа эмас. Жи-Ти кириб келганини кўриб ранглиридан қон қочди. Бу кўккидан содир бўлди, эшик ортида қадам товушини биров иллагани йўқ, эшик туйқус шахд билан силкиниб очилиб, унга томон ялт этиб ўтирилганини билишади, холос; қандай пайдо бўлди Жи-Ти, ердан чиқдими, ё эшик қаттиқ силкиниб очилган чоғ шифтдан шувиллаб тўкилган сувоққа кўшилиб кўчиб тушдими, англаёлмай қолишди. Лекин сувоқнинг кўчгани уларни бу қадар танг аҳволда қолдирмаган ва зинҳор ранглиридаги қонга даҳл этмаган бўларди. Ўтирган ерларида пинак бузмасликлари-ку, тайин эди. Ибод ҳам остонада Жи-Тининг тоғдек шарқасини илғамас ва, демаски, ўрнидан даҳшатли алламбалога кўзи тушган каби илкис сакраб туриб, бошини чаноқ узра деворга маҳкам михланмиш занг босган чўян сувдонга уриб олмасди. Ҳолбуки, айнан у атиги икки ё уч дақиқа аввал чаноқда талтайиб ясланган асно унча-мунча латифагўйнинг чоғи келмайдиган шакарғуфторлик билан Жи-Тини галвирдан ўтказган эди. Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринадидея, дейишади. Лекин, Жи-Ти бўри эмас эди. Аждар ҳам, Илон оға ҳам эмас. Устига устак, Жи-Ти остонада тош қотган асно турар экан, юз ва кўзларида зоҳир ифодадан унинг ҳам бу ўзи беҳос гувоҳ бўлмиш ҳодисадан асло боши осмонда эмаслиги яққол кўриниб турарди. Ибод деганлари бошини сувдонга уриб олган лаҳза жон аччиғида вой-войлаб, сўнг дамиди ичига ютганини айтмаса, узок вақт ҳеч кимдан садо чиқмади – на ўтирганлардан ва на турганлардан. Ниҳоят, Жи-Ти юзлари бўғриқиб, пешонаси, икки чаккасидан реза-реза тер томчилаб, гавдаси, оёқ-кўллари асабий силкиниб ва нафаси бўғзига тикилиб тилга кирди. Бирок, у ҳарчанд тиришмасин, фақат:

- Бу... б-бу... б-б-бу... – деб айтмоққагина тили айланди, холос.

Жи-Тининг нима демоқчи бўлганини уларга кейин Илон оға англади. Илон оға, яъни мактаб илмий мудир. Аждар эса бу пайтда ўз одатига кўра ковоқ уйиб, нигоҳини ёлғиз ўзигагина маълум нуқтадан узмай ўтирарди. Аждар – бу, тайинки, мактабнинг ҳар нарсага қодир, қўли қаёққа узатмасин етувчи, гирибонидан олганда эса онасини нақ Учқўрғонда кўрувчи директори. Гарчи, Илон оғанинг бебошвоқ шовқини ва Аждарнинг бадқовоқ сукути улар учун зинҳор янгилик бўлмаса-да, айни ҳолатда иш шунгача бориб етади деб ҳеч бири ўйламаган эди. Ўзларини Жи-Ти билан бевосита ва билвосита боғловчи ниманингдир мавжудлигидан беҳабар эсалар-да, лекин уни Аждар ва Илон оғадан фарқловчи кўринмас деворнинг йўқ эмаслигини ботинан ҳис қилиб юришарди. Бу чиндан ҳам шундай, яъни девор дарҳақиқат мавжуд эди. Акс ҳолда айблари Жи-Тига очилган дамдан то айни қатл онларига қадар ораддан шунча вақт ўтмаган бўларди. Аммо, улар икки қарра икки - тўрт сингари тайин хомликларига борибми, битта, айтиш мумкинки, энг муҳим нарсани назардан қочиришган эди. Гап шундаки, Жи-Ти уларнинг беҳос устидан чиққан айблари билан бир қаторда, ўз ҳуқуқларини ҳам яхши биларди. Хусусан, сайлаш ҳуқуқи, сайланиш ҳуқуқи, сайлангач эса машваратлар саройида хос курсида ясланган кўйи уйқуни уриш, яъни сайловдан олдин чоғиб-елиб ўтказилган беҳисоб уйқусиз тунларнинг ҳиссасини чиқариш ҳуқуқи ва яна ҳоказо, ҳоказо ҳуқуқлар, уларнинг барчасини санаб, саногига етмоқлик мушкул. Бирок, шу билан бирга, у ўз бурчларидан ҳам беҳабар эмасди. Уларнинг ўндан бирини Жи-Ти беш йил олми мактабда мук тушиб ўрганган, қолган роппа-роса тўққиз улушини мактабга эзгулик ва билим уругини қадамқлик учун келганидан сўнг Аждар билан Илон оға биргалашиб унинг миясига

қўйишганди. Бинобарин, Жи-Ти жами ўргангани ва ўргатишганини тарозига солиб, енгил, лекин дилга маъқул паллага ўзи ҳам бугун оғирлигини ташлаб, икки қўллаб осилса-да, Аждар билан Илон оғанинг юкига нисбатан тош босолмагани тайин эди. У худди бадарга қилинган каби ҳаммадан четда, нигоҳини деразадан ташқарига қадаган кўйи лабларини мулзам қимчиб ўтирарди. Унинг ёнидан юз-кўзлари ошқор этилмиш воқеадан қаттиқ дарғазаб эканликларини яққол аниқлаб турган муаллимлар кенгаши аъзолари ўрин олишганди. Эшикдан кираверишда бошларини тик кўтаролмай узун-калта бўлиб айбдорларнинг ўзлари туришарди. Хонада жам олабайроқ жамоат ичида бошдан-оёқ оқ кийингани важдан баайни пиллага ўралган каби тасаввур уйғотаётган мактабда ярим ҳиссага ишловчи тиш дўхтири кўзга айникса ажралиб ташланар эди. У соғлиқни сақлаш вазирлигининг қачондир, “қора” ўтмишда бу ерларда беармон даврон сурган, бироқ дам сайин дадилроқ шаҳд билан черик тортиб келмиш нурли келажак шаштидан ичи ўтиб, сичқоннинг инига бўлган нархни осмону фалакка кўтарган ва энди фақат ора-сира, олдингидек нур сочмай қўйган келажакнинг гард қўнган кўзларини шамғалат қилиб, биқинган ерларидан бош чиқариб турган касалликларга қарши аёвсиз жангу жадалларда илма-тешик бўлмиш туғини боши узра баланд кўтарган, индаллюсини айтганда, уни ўзига дард билан мурожаат этмиш ҳар кимнинг бемор тиши ўрнига қозиклаётган мактабдаги ягона ходим саналиб, афтидан, бу ерга ўз иштироки ила берилажак танбеҳу ўқилажак ўғитларнинг таъсир кучини янада орттириш ва бир пайтнинг ўзида ушбу тadbирни барча чақирилганлар, хусусан, айни дам деворга михсиз тортилганлар кўз ўнгиде вазирликлараро аҳамиятга молик микёсга кўтариш мақсадида таклиф қилинганди. Лекин, дам-бадам қўлидаги соатига қараб ва дераза тарафга ташвишли аланглаб, ўтирган ерида ҳадеб бетоқат бўлишидан у зиммасига юкланмиш вазифани нафақат вазирликлараро, балки битта алоҳида олинган мактаб микёсида ҳам тузук англаб етмаган ёки англашга тоби йўқ кўринарди.

Зиммасидаги вазифаларни англашлик бобида Аждар ва Илон оғадан ўтадигани йўқ эди, албатта. Улар айни вақт тўрида, жамоат жам бўлишини кутиб, хонадагиларга олазарак аланглаган асно нималарнидир пичирлашиб ўтиришарди. Тўғрироғи, Илон оға пичирларди, хонадагиларга ҳам айнан у олазарак алангларди: ўтирган жойида миқти гавдасига бўйинсиз уланмиш тарвуздек бошини олдинга чўзиб, Аждарнинг қулогига кириб кетгудек тумшук тираганча пичир-пичир қиларкан, кўз қорачиғи сокқасидан отилиб чиқиб кетгудек бўлиб хонанинг у бурчидан бу бурчига тинимсиз бориб келарди. Аждар қўлини қовуштирганча пинак бузмасдан, этни жунжиктирувчи муздай нигоҳини бир нуктага маҳкам қадаган асно жим эшитиб ўтирар, Илон оғанинг пичирлаб айтган сўзларини маъқуллаган каби, дам-бадам бош силкирди.

- Хўш, бу тагин нима хунар? – дея Илон оға Жи-Ти уларни жиноят устида ушлаган лаҳза ҳарчанд уринса-да, бўғзидан чиқаролмаган сўзларни хийла салобат билан, озроқ гинаомуз оҳангда бурро такрорлади.

Илмий мудир аслида гапга чечан эди, пашшадан лаҳзада фил барпо этиб, тагин уни тўнға ўраб-чирмаб, ярашса-ярашмаса бошига дўппи ҳам қўндириб қўйишнинг кўп ҳадисини олганди. Лекин, ҳаттоки у ҳам айни ҳолатда янги сўз топиб айтмоққа ожизлик қилди.

Илон оғанинг ушбу саволига янграмиш жавобда ҳам ҳеч бир янгилик сиёғи йўқ эди.

- Исён! – дея қисқа, лекин лўнда қилиб барчанинг ўрнига жавоб қайтарди Шоший, тўғрироғи, Ҳали Шоший Эмас; гарчи, у ҳали Шоший эмаса-да, аммо

шамол қаёққа қараб эсаётгани ўша пайтдаёқ маълум эди.

Шундан сўнг нима рўй берганини таърифлаб айтиш мушкул. Уни фақат денгизда кўтарилмиш тўфонга қиёс этиш мумкин. Шоший Аждарниқидан сира қолишмайдиган совуқ босиқлик билан ва фақат унинг ўзигагина хос бўлган сурбетона бир тарзда кўрсатган ва яна ҳали кўп кўрсатажак нағмаларининг асл моҳиятини аниқлашчи сўзни тилга олган лаҳзада содир бўлди бу. Ўтирганлардан бири барчани лол қолдирган асно тағидаги курсини тақир-тукур қилиб суриб, жойидан сакраб турди, агар алашмаса, Жи-Ти ва уларнинг бўйдоқликларига мутлақо бефарқ ёки асло бефарқ эмас саналганлардан биттаси эди у. Унга қўшилиб гўё бу ердагиларнинг етти аждоди кўзи билан кўрмаган ва нафасини туймаган, лекин бир бор бўлса ҳам кўриб, баҳридан нафас олишни орзу қилиб яшаган олис, кўринмас денгизда тўфон ҳам турди. Маст-аласт тўлқинлар уларни бамисли тўп қилиб тепар, жазавага тушиб кўпираётган сув ўз қаърига ютиб, сўнг яна кўкка итқитар экан, у, гарчи бундайларнинг неча авлодини, Аждар айтгучи, “тетаяя” ва “учирма” килган, уларнинг не-не нағма ва хунарларини кўтарган, неча бор улар дастидан дарди-дунёси зулматга бурқаниб, синфхонани ичкаридан ёлғиз қулфлаган асно юз-кўзига тортмиш анво бўёқларни чаплаб фарёдлар чеккан, ўзининг бу тахлит қисматиға минг-минг ланнатлар ўқиган, балки айнан шу тавқи ланнат сабаб кимнингдир бўйдоқ-бўйдоқ эмас эканини илғамок тугул, ҳатто ўзининг тоқлигини ҳам ҳис этмай ўтаётган эса-да, баайни рамақижон гавдаси билан уларни қутурган тўфондан пана қилмоқчидек кучоқ ёзиб, полапонларини йирткичнинг чангалидан қутқармоққа чоғланган мусича янглиғ жоникиб, гўё ўзининг фақат ула-эликни беҳуда созуриб, кўз ёши тўкмоққасига арзийдиган ноқис қисмати, уни дам қомига тортиб, дам юзага бешафқат итқитаётган гаддор денгиз ва барчасининг тизгинини қўлида маҳкам ушлаган ёвуз тўфонга қарата ҳирқироқ овозда кичкирди:

- Ахир... Ахир, улар ҳали гўдак-ку?! Ахир... Ахир, ҳали ҳеч балога ақллари етмайди-ку?!

Бўлак вақт ва ўзга шароитда улар бу сўзлари учун унга нақ уруш эълон қилиб, қирпичок олишган, унинг шундоқ ҳам лиммо-лим тўлиб турмиш дийдасини тошириб, хийла миқдор ула ва эликка туширган бўлишарди. Бироқ, айни чоғ, айни танг ҳолатда шу теракдай бўйлари ва бармоққа илингули муртларига зарур пайтда иштонларининг тугмасини ўзлари эплаб тақа билмасликларини тан олмоққа ҳам рози эдилар.

Шундан сўнг яна ким нима деди, ким нима олиб, нима қўйди – ҳозир унинг эсида йўқ. Лекин, шу нарса аниқ ёдидеки, айтилган ҳар бир сўз – отилган ҳар бир ўк баробар, гўё эғнидаги уст-бошининг тугмалари ипидан чирт-чирт узилар, тугма истибдодидан ҳалос бўлмиш кийимлари устидан бир-бир ечилиб тушаётган каби туюларди.

У, лабини айбдорона қимтиган кўйи, бундайин ҳол ёлғиз мен билангина рўй бериптимикан, деган ҳаёлда аста ёнидагиларга зимдан назар ташлади ва уларнинг ҳам худди ўзи сингари ялангтўш, ялангоёқ алфозда кириб яширинмоққа бирор тирқиш тополмай туришганини илғади. Ёлғиз Шоший, тўғрироқ айтганда, Ҳали Шоший Эмасгина мустагно эди бундан. Ҳали Шоший эмаслиги туфайлимас, аксинча, бир куни келиб Шоший бўлажаги муқаррар экани ва бу кун дам сайин яқинлашаётгани боис. Қаторнинг олдида, икки қўлини кўксига шоирона жуфтлаган асно, ҳали шоирона қузалмаган сочли бошини мағрур кўтарганча, ҳайкал янглиғ қотиб турарди у ва шу туришида гўё нигоҳи олис-олислардан, ким билсин, балки етти аждоди кўрмаган, лекин кўрмоқни орзу қилиб ўтган денгиз оша шамол ва бўронларга қўшилиб, шамол ва

бўронларнинг шиддати билан ўзини қора тортиб келаётган яқин ёздиғига қадалган каби туюларди. Чамаси, наинки одамзот, балки илон ҳам пўст ташловчи сўзларнинг исканжаси тобора торайгани сари, унинг Бақаҳовуз офтобида куйиб қорайган териси фақат калинлашиб борарди.

Мийғ афсуски, ўзи ҳақда Бадал асло бундай деб айтолмас эди. Унинг ҳам етти, ким билсин, балки етмиш аждоди денгизни кўрмай, лекин кўрмоқни орзу қилиб ўтгани тайин эса-да, Шошийдан фаркли ўларок, сира кўзларини ердан узолмас, нигоҳи фақат ўзининг узун офтоб тегмаган октоб оёқлари ва уларга чуваланмиш энгил-бошини илгарди, холос.

У шу асно, яъни ўзини шир яланғоч ҳис этиб, икки қўли билан бир ерини маҳкам яширган қўйи ерга қадалиб тураркан, ниҳоят, Аждар худди киш уйқусидан уйғонган каби жойидан ҳоргин кўзгалди. Хийла вақт сўзлашга тараддуланиб, бироқ, чамаси, гапирмоққа қийналиб ёки айтмоққа лойиқ сўз тополмай турди у. Ахийри, узок чўзилмиш жимликдан сўнг, тилга кирди:

- Омонлик бўлса, шуларни “учирма” қилиб, ишни топшираман, деб ният этиб эдим, - деб айтди у ва оғир тин олди. - Чучварани хом санабман: ишни йиғиштирганимга кўп бўлган экан...

Агар Бадал адашмаса, ёлғиз сихат-саломатлик яловбардори – Аждар ва Илон оғанинг амалга ошмаган режасига мувофик, икки вазирлик ўртасида кўприк солмоғи лозим бўлган тиш дўхтиригина лом-мим деб оғиз очмади. Оғиз очмоққа айни чоғ унинг касбий эҳтиёжи мажбур қилмагани туфайлигина эмас. Оғиз очмади-ку, лекин уларнинг “хунари”га муносабатини мухтасар бир шаклда бўлса-да ифода этмоқликни, ҳар қалай, ёддан чиқармади. Дераза томонга ҳадеб аланг-жаланг қарашдан мақсади нима бўлгани унга мутлақо қоронгу, аммо шуни Бадал жуда яхши эслайдики, бошини гўё белгиланган ва тегишга тарадуд кўрилатган жарима тўпи қаршида титраб-қақшаётган “жонли девор” тарафга бурган дамда унинг аланглашданми ёки уларга номаълум бўлган бошқа кечинмаларданми толиққан кўзлари баайни соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан уларга гинаомуз боқарди: “Огоҳлантиргандик-на, ахир?!”

Бироқ, айни чоғ Бадал гинаонлик қилса арзирди. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан, албатта. Зеро, манави нафаси тикилиб, жиқ-жиқ терга бўкиб кетаётгани каби ва унга ўхшамайдиган уловларда қатнаш соғлиқ учун синҳор безарар эмаслиги ҳақида вазирлик номидан огоҳлантириш тугул, ҳеч ерда бир сўз ҳам ёзиб кўйилмаган, тилга ҳам олинмасди. Улов деб минганинг манавинақанги бебошвоқ юю бўлиб чиқса-ку, худо урди деявер. Битта ё иккита гурра билан қутулсанг, дўппингни осмонга от! Тумшунинг урилиб, чалпак бўлса-чи?! Ё, алҳазар! Икки кўзингдан нақ ўт чиқиб кетди-ёв. Туф-туф-туф...

ИФЛОС ҚИЛМАНГ!

Бадал Армон юҳонинг янги ғазаби ваҳмида кўзларини чирт юмиб, бошини тошбақа ҳам лол қолгудек тезликда елкалари ичига яширди. Об-бо, бу мурдор токи унинг бир ерини ҳар қадамда белгиланиб, тепилиши мумкин бўлган жарима тўплари ва бошқа шу каби муқаррар зарбаю тепкилардан ҳимоялашга ҳожат қолмайдиган қўйга солмагунга қадар тинчимайди, шекилли. Қизиқ, бордию худо уриб, чиндан ҳам шундай бўлса, кўзидан ўт эмас, нақ вулқон отилса керак? Ўтми ёки вулқонми отилиши, чамаси, у таниган-билганлардан ёлғиз Ашур дарозагина маълумдир-ов. Ҳозирча, албатта. “Дароз” – бу фақат унинг қайси Ашур эканини фарқламоқ учун. Зеро, Бақаҳовузда ашурлар асло анқонинг уруғи эмас. Аммо, негадир ҳеч ким бошқа ашурларнинг исмига лақаб тиркамайди. Гўё уларни фарқлашнинг бировга қизиғи йўқдек. Кўча-қўйда юзма-юз келганда у ҳам барчага “Ашур”.

Ёки: “Ие, ҳа, йигит?” Агарда унга рўпара бўлмиш кимса гап нимада эканини билмаса. Лекин, билган-билмаганининг бутун диққати унинг ажабтовур, шу важдан кўрмаган, кўникмаган кўзга ғалати туюлувчи ҳаққалаб қадам ташлашида. Шунданми, гап нимада эканидан беҳабар билан унинг ўртасида кечувчи савол-жавоб ҳам ғалати, ҳатто бир қадар ажабтовур:

- Ие, ҳа, йигит, оёққа нима қилди?

- Ҳа, йўқ, ўзи шундай...

- Каттиқ лат еган кўринади-ку, а?

- Ҳа, йў-ўқ, ўзи шундай...

- Э, ҳа-а... – “Туғаси экан-да? Э, шўрлик...”

- Ҳа, йў-ўқ, ўзи шундай, - деб такрорлайди у тагин худди ҳамсуҳбатининг хаёлидан ўтганини уққан каби ва аччиқ ютинади...

Дарҳақиқат ўзи шундайми, ёки унинг сўзими – буни кимдан сўраган маъқулроқ эканидан хабардорлар ҳам оз эмас. Қурбон каттанинг арзандаси Мажид уни ўзининг шайтонга малай “пат-пат”ига мингаштириб жўнаганига гувоҳларни ҳовучлаб шопириш мумкин. Узокдан овози кулоққа чалинса ҳам каттаю кичикнинг лабига учук тошувчи “пат-пат”ининг қораси шу бўйи ўчганини ҳали-ҳозир адоқсиз ёзгиришларига ахийри кулоқ тутмиш қайсидир илоҳга шукрона айтиб эслашади. Каттанинг шайтонга шафе арзандаси билан Ашур дарознинг ўзини эса шундан сўнг орасин хийла вақт ўтиб, Бақаҳовузда олис урушнинг совуқ шарпаси кезиб, ёшу қари, банду бекорчи шаҳарнинг бош майдонига намойишга ҳайдаб чиқилган чоғда кўришди. Уларнинг иккиси ҳам қўлтиқтаёқда, иккисининг ҳам ранг-рўйи бир хилда заъфарон эди. Иккиси ҳам атрофдагиларга айбдорона, алланечук маънос илжайиб боқибарди. Ҳатто таниш-билишу ошна-оғайниларнинг: “Ие, урушнинг дараги энди келди-ку, бу шоввозлар аллақачон унга бориб қайтишнинг эпини қилишибди-я?!” деб айтган ҳазил гапларига ҳам. Аммо уруш тўғрисидаги хабар ҳазил эмас эди. Буни ҳамма намойиш адоғида Қулмат фаолнинг ўғли Билол сўз олганидан сўнг англади. Унга қадар сўзга чиққанларнинг бари меҳнаткаш биродар эл танасига жирканч кана каби ёпишиб, қора ишларини бажараётган ҳар турли ғаламисларнинг манфур кирдикорларидан каттиқ дарғазаб эканликларини изҳор этиб, ўзлари ва тинчлик-тотувликка орзуманд жами тараққийпарвар кишилиқ номидан қатъий норозилиқ билдирдилар. Бу тахлит намойишлар ва норозилиқ изҳорлари авваллари ҳам кўп бўлар, уларнинг барчаси деярли бир андозада кечарди – шаҳарнинг бош майдонига ғала-ғовур билан тўпланиб, майдоннинг тўс-тўполони, чанг-тўзонини чиқариб, номаълум юртнинг мавҳум душманларини сўқиб-қарғаб, обдон авра-астарини ағдариб, роса хумордан чиқиб, сўнг тарқалишарди. Барчанинг наздида бу гал ҳам шундай бўлиши лозим ва иш ўзи шунга қараб кетаётган эди. Бироқ, мана, Қулмат фаолнинг фаолликка даъвогар зурёди сўз олиб, биродар элга дўстона ёрдам қўлини чўзиш, ганим тажовузидан уни қўлда қурол билан ҳимоя қилишга чақирди ва унинг бу чорлови маънисини англаган кўпчиликнинг ичидан зил кетди. Билолнинг ҳе йўқ-бе йўқ, бирдан намойиш ҳайъати сафидан ўрин олиши сабабини ҳам энди тушунгандек бўлишди. Гап нимада эканидан беҳабар, кечагина мактабда бурни оқиб юрган боланинг туйқус казо-казо арбоблар қаторида пайдо бўлиб қолганини кўриб, хиёл заҳарханда билан ўзларича: “Фаолнинг зурёди фаолликнинг пайидан тушибди-да”, деб фикр қилишган эди. Бироқ, фаолнинг фаолликка даъвогар зурёди сўзига ва унда янграмиш чорлов билан боғлиқ айрим расмиятчиликларга яқун ясаганидан сўнг ҳам гап нимада эканини англамаганлар топилди – кизиқ устида унинг кетидан яна ўн беш-йигирма чоғли ёш-яланг биродар элни гўёки ғанимдан қўлда қурол тутиб ҳимоя қилмоққа кўнгилли бўлиб ёзилди.

Кейин билишдики, мабодо кўнгилли бўлиб ёзилишмаган, умуман, ушбу намоёишда мутлақо иштирок этишмаган тақдирда ҳам барибир улар биродар элли ғанимдан кўлда қурол тутиб ҳимоя қилмоқлик қисматидан қутулиб қолишолмас экан. Зеро, намоёишдан сўнгги бир ҳафтанинг ичидаёқ барча ёши тўлганларни биттамабитта териб олиб кетишди. Лекин, Ашур билан каттанинг арзандасини уруш четлаб ўтди. Уни – хизматга яроқсиз саналгани туфайли, буни – каттага ўғай бўлмагани боис. Фаолнинг ўғли ҳам отасига ўғай эмасди. Бирок, у фаолнинг ўғли эди, устига устак, отаси ҳаддан ортик фаоллиги орқасида юрак билан боғлиқ бедаво бир дардга йўлиқиб, дунёдан ўтиб кетганига ҳам анча бўлганди. Шундай эса-да, изида қолдирган зурёдининг бу тутган ишидан у дунёда ҳам унинг руҳи шод бўлгани тайин эди. Агар у дунёда шодликнинг борлиги рост бўлса, албатта. Ашур дароз эса ҳаттоки бу дунёнинг арзимас шодликларидан ҳам буткул бенаиб эди. Тўғри, кўнгилли бўлиб ёки кўнгилсиз урушга кетган ва ўз истагига хилоф равишда ундан кўлсиз, оёқсиз ёхуд муҳр урилган темир тобутда қайтган тенгмўйсаларидан фарқли ўларок, у кўл-оёғи бутун, ҳақкалаб эса-да, ҳар тугул, ўз оёғида ҳаракат қилар, болаликдан кадрон ҳаводан истаганча тўйиб-тўйиб нафас олиш имкониятига эга эди. Лекин, ҳаётдан эмас. Дейлик, ўша каттанинг арзандаси каби: қораси ўчган шайтонга малай “пат-пат”ининг ўрнига битган иблиснинг ваҳмини ўзига жо этмиш “ваф-ваф”ида у шаҳарнинг пана-пасткам, эгри-тўғри кўчалари бўйлаб тинимсиз елгани-елган, ғилдирак остидан кўтарилган тутун ва чанг-тўзон пардаси ортидан унинг ёни ёки орқасидаги ўриндиқда ҳар куни бир бошқа сулувнинг тайин бир ифодани укмоқ мушкул бўлган чехрасини илғаш мумкин эди, лекин, чамаси, бутун Бақаховузда ёлғиз Ашур дарозгина буни илғамасди, ёки, илғаса-да, ўзини баайни илғамасди каби тутарди, гарчи тонг отиши билан уйдан гузарга амаллаб ҳақкалаб чиқиб, сартарошхона пойгагидаги тахта сўрига кетини қўйганидан то шом қоронғусига қадар кимир этмасдан кўчага кўз тикиб ўтирса ҳам; юқорида ёдга олинмиш воқеалардан, чамаси, йил ўтиб катта қуюлсин учун арзандасининг бошини жуфтлади, орадан тагин йил ўтиб эса у атай ўғлига деб солдирган ҳашаматли уйга бешик кирди, қора муҳр урилган темир тобутлар оқими ниҳоят тўхтаб, кўкни оналарнинг армонли аччиқ фарёдлари ларзага солмай қўйган йили арзандаси ҳануз ўша иблиснинг ваҳмини сарфлаб тугатмаган “ваф-ваф”ида шаҳарнинг пана-пасткам, эгри-тўғри кўчалари бўйлаб тинимсиз олиб қатнар экан, ғилдирак остидан кўтарилган тутун ва чанг-тўзон пардаси ортидан ора-сира унинг ёни ва орқасидаги ўриндиқларда тайин бир ифодани укмоқ мушкул бўлган сулув чехра ўрнига бир этак бола-бақранинг тақир бошию гўжалок афт-ангори кўриниб қоларди. Ашур дароз эса ҳамон эртаю кеч сартарошхона пойгагидаги ўша тахта сўрида ўтириб, кўчага кўз тикгани тиккан эди. Нимани кутарди у, кимни кутарди – бу ҳақда ҳеч ким тайинли бир нарса деёлмасди. Шу жумладан каттанинг ортида бир этак бола қилиб-да қуюлмаган арзандаси ҳам. У ҳатто Ашур дарознинг бошқа ашулардан фарқлиниши боисидан ҳам гўёки беҳабар эди. Бошқа кўп нарсаларни биларди – иблиснинг ваҳмини қачон сарфлаб тугатиши номаълум “ваф-ваф”ининг ҳар юз чақиримга қанча ёнилғи “ёйиши”ни, оққа қайси қизилни қўшиб “отган” маъқуллигини, бола қилишни, димоғи беҳад чоғ қайтган пайтларда уларга ҳамда уларга – она, ўзига – завжа ҳисобланмишга яхши сўз айтиб, кўнглини хуш этишни, ёки, аксинча, зарур вақтда қулоқларининг тағига бир шапалок уриб, эсларини жойига туширишни; бироқ, не ажабки, Ашур дарозга рўпара келди дегунча у ҳатто

ўзининг отаси атамиш Мажид исмини ҳам унутар, Билмас, Билмасқулга эвриларди:

- Ие, ҳа, йигит-т-т-т?!

Сўнгги бўғинни у шундай, яъни худди тишлари орасидан туфлаган каби ижирғанибми ёки ошқора истехзо биланми оғиздан чиқардики, бутун сўз гўё ёлғиз ўша, унинг тишлари орасидан Ашурнинг йўл қараб киртайган чехрасига чапланмиш ундошдан иборатдек тасаввур туғиларди.

Тасаввурлар туғиларди, ўларди, Ашур дароз ҳануз сартарошхона пойгагидаги тахта сўрида уззукун йўлга термулиб ўтирар, каттанинг арзандаси, билмаган нарсаси бўлмагани ҳолда, унга рўпара келди дегунча ҳаттоки ўзининг отаси атамиш исмини ҳам буткул ёддан чиқариб, тишлари орасидан унинг йўл қараб киртайган чехрасига чапларди:

- Ие, ҳа, йигит-т-т-т?!

Дераза ортида тайёрагоҳнинг гавжум, ғала-ғовур бекати кўзга ташланди ва бу асло тасаввур эмасди. Бадал Армон бунга троллейбус чирана-чирана бекатга пишиллаб келиб тўхтаб, эшигини “шарак” эткизиб очгани баробар тўла ишонч ҳосил қилди. Зеро, троллейбус бекатга келиб тўхтагач, эшигини “шарак” эткизиб очиб, ҳаммадан бурун ташқарига зироат ва зираворшунослик куллийетининг толиби Бадал Армонни итқитди. Тўғрироғи, троллейбус тайёрагоҳнинг шундоққина биқинидаги гавжум, ғала-ғовур бекатга чирана-чирана пишиллаб келиб тўхтаб, эшигини “шарак” эткизиб очгани ҳамон у ўзини жонхололда ташқарига отди – зироат ва зираворшунослик куллийетининг толиби Бадал Армон. Йўқса, жуда унақа эшик оғзига тикилиб ҳам турмаганди, қаршисида тушмоқ тараддудида бўлган ва, балки, юҳонинг очофатлиги касрига қолиб, худди ўзи сингари роса таъзирини еган икки-уч баланд-паст, микти-барваста гавда зоҳир эди, умуман, у ўзи қандай қилиб эшик оғзига бу қадар яқин келиб қолганини ҳам мутлақо англаёлмасди. Бурчакка тикилган кўйи дераза ойнасига зарб билан калла қўйиши таъсирида гангиванча, бирпасда ёнғокдек бўлиб шишиб чиқа қолган пешонасидаги гўрраси ачишиб, телба-тесқари алламбалоларни хаёл қилиб турганини билади, сўнг худди эндигина узоқ маст уйқудан уйғонган каби кўз олдига жимирлашиб, дераза ортида тайёрагоҳ биносининг олис аксини элас-элас илғади, ниҳоят, васлига беармон тўйдирган чалпоқ деразада гавжум, талотўп бекат пайдо бўлди ва у ўзини туйқус эшик яқинида кўрди; троллейбус ҳорғин пишиллаб тўхтаб, эшик “шарак” этиб очилдию... Қаршисидagi йўгон, барваста гавда унинг қаттиқ турткисидан илкис четга мункиганини билади, кўзлари чарос, қошлари пайваста дилбар жувон ўзига айби нима эканини англамаган каби хангманг тикилиб, ёқа ушлаб қолганини илғади – юзига офтоб, тупроқ ва эрта куз тафтига омихта гавжум бекат нафаси келиб урилди. Аммо, димоғи бу матлуб нафасни тузукроқ туйиб-туймай, умуман, оёқлари ҳали ер исқаб улгурмай, қаерданчир пилдираганча келиб, унинг билагидан маҳкам тутган юзи худди бошидаги эски дўпписи каби ғижим питрак чипта текширувчини ҳам асло тасаввур маҳсули деб бўлмасди. Буни Бадал Армон ўзининг билагида аниқ ҳис этди. Одатда, бундайларга от-уловда дарров ўринларидан туриб жой бўшатишади, дўқонларда ёинки идораларда бенабат ўтказиб юборишади. Ана томоша: бугун сен унга уловда жой бўшатасан, эртасига эса балки худди шу уловдан бекатда тушаётганинда у чипта талаб қилиб, сенинг ёқандан олади, ёки, мана бу тахлит, оёғинг ерга тегиб улгурмай, югурганча келиб билагинга осилади. Бунақа хангомани ҳатто Шоший ҳам тўқиб-бичмоғи душвор. Гарчи, чипта текширувчилар билан “мушук-сичқон” ўйнаш унга эскидан одат, бу борада унинг олдига тушадиганини кундузи чирок ёкиб ҳам

топиш кўп мушкул бўлса-да. Бунга у ўз вақтида ҳатто салкам ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндашгани тўғрисида чайналиш-ку, айна дам мутлақо ортиқча бўлса керак.

- Чипта текширувчини сув бўйига бурнидан судраб бориб, сугормай қайтариб келишининг эпини қилгангина бўрилар орасида яшаб кетишга қодир, - деб тушунтирарди Шоший бунга ва, табиийки, ҳар сафаргидек, ҳеч ким унинг бу кўпроқ тили чучук жужукларга мўлжалланган тез айтиш машқини эслатувчи изоҳидан тайинли бир нарсани тушунмасди, яъни: нега энди сув бўйига, нега яқин ердаги пивохонога ёки ҳеч бўлмаса “Кувноқ шамол”га эмас, нега судраб, нима, унинг ўзи судралишни эплаёлмас эканми, тагин бурнидан-а, тагин сугормасдан-а, ё тавба, яна “бўрилар орасида” деган ваҳмаси-чи, қизик, шунча бўрини у қайси кўрқинчли тушда кўра қолди экан?

Шошийнинг юқоридаги маъхум сўзлари мағзини улар кунлардан бир кун Бақаховузда йўловчи сайёр цирк гуруҳи тўхтаб, Шошга кетаётган ва фақат бир кунга, дея роса дўмбира чашиб, ҳамманинг ичига гўлгула солиб, оромидан айириб, шаҳарнинг бозор майдонига тикилмиш ҳайҳотдай кўнғир чодирини йиғиштиришни бир ой ўтиб ҳам ҳаёлига келтирмаган кез чаққандек бўлишди. Уларнинг кўп синовдан ўтган бу ҳийласига чув тушган лақма Бақаховузда ахли эътиборига ҳавола этилган ва бир ой давомида барчанинг меъдасига тегиб улгурган томошалар орасида ўргатилган бўрилар томошаси ҳам бор эди. Агар худонинг ҳатто ёвуз йиртқичга ҳам дарс беришга қодир, лекин нечुकдир “ожиза” деб номланган ва ожизалигини англамиш барча ерлари очик-чочик бандаси “ҳап” деса, дарров икки оёқда ҳаққалаб турувчи жонзотни бўри деб бўлса, албатта. “Қизил шапкача ва бўрилар” эди бу томошанинг номи. Бирок, “Қизил шапкача” бўриларни қатор қилиб тизиб, икки оёқда ҳаққалабганча буюжонийсининг маконига йўналган лаҳзада қария - табиатшунослик муаллими кўрсатган томоша бундан юз чандон ошиб тушди. Кўзлари ола-кула, қошлари ковоғидан нақ бир қарич тепага ирғиб чиққан, у ҳатто ўртада икки оёқда чаққон ҳаққалаб, ҳаммани ёқа ушлаётган бўриларни ҳам ҳанг-манг қилганча давра теграсида гир айланиб чопар, нафаси бўғзига тикилгудек бўлиб:

- Бўлиши... бўлиши мумкин эмас! Ахир... ахир, бўрини қўлга ўргатиб бўлмаслиги илмий исботланган-ку?! Ҳа, илмий исботланган! Йўқ, бу мумкин эмас! - дея тинимсиз тақорларди. Гўё тумшуғи тагида бўлаётганини кўзюнаги билан ҳам кўрмаётгандек, худди ўзи аёл зотининг макри, найрангига ҳеч қачон тўқнаш келмаган, умуман, улардан ҳеч қачон ҳеч қандай азият чекмаган, ошқозонидаги ярани эса бўрини қўлга ўргатиб бўлмаслиги тўғрисидаги илмий исботни ўқиб орттирган қабил.

Шоший бир пайтлар ўзини ўқитган муаллимнинг бу қилиғини тақорлаб, бўриларнинг ҳайратини баттар ошириб ўтирмади, аксинча, у бир қадар камтар ва шу билан бирга ҳийла пухта иш тутди. Нима бўлганда ҳам, унинг қаердадир ёки кимнингдир теграсида тили бир қарич осилиб, ҳарсиллаб чопганини биров кўргани йўқ. Тўғри, бу хусусда айрим, кўпчиликка унча маъқул бўлмаган гўмонлар йўқ эмас эди. Лекин, кейин билишдики, Шошийни бўрилар ҳам, ҳатто уларни “таҳ” деса қўлига қўнадиган қилган пари сийратидаги у ёсуман ҳам қизиқтирмаган экан. Бундан хабар топишгач, ниҳоят, уларнинг кўнғли жойига тушди. Билакс, Шошийни мутлақо ҳурмат қилмай қўйган бўлишарди. Бўрини қўлга ўргатишни уддалаган у ёсуманинг атрофида пашшаҳўрда бўлишни ўзига эп кўргани учун-да. Атрофида пашшаҳўрда бўлишга арзийдиган бошқа қулинг ўргилсин офатижонлар топилмаганда ҳам бир нави эди. Қўйиб берсанг,

юлдузни бенарвон урадиган кўзбойлогичнинг у қутига кириб яшириниб, бу қутидан чиқиб келувчи, белидан аррада қок иккига бўлинган ҳолатда ҳам жилмайиб, кўз сузиб турувчи сулувларининг бир нигоҳига юзта жон фидо қилсанг арзийди-ку! Агар шунча жонинг бўлса-да, албатта. Мабодо, бўлмаган тақдирда ҳам ҳеч бокиси йўқ, битта муштдайгина, ҳатто ундан кичкина юрак билан ҳам, эҳ-хе, не-не тоғларни талқон қилиб майдалаб ташлаш мумкин, фақат у юрак аталмиш жонивор баайни юзта жоннинг шаҳдини ўзида жам этган қаби қайнаб, гупириб уриб турса - бас. “Ҳа, шоир! Ҳа, йигитнинг гули! Э, қандингни ур-э, азамат!”, деб алқаш, мана, бизга тан!

Ҳар тонг хўроз кичқириши билан баравар янграб, шаҳар аҳлини ҳали ғафлатдан кўз очмасидан бор-йўқ ғам-ташвишини нутишга чорлаган қарнай ва ногора садолари тинди, майдонда яқиндагина беармон қайнаб-тошмиш эхтирослар изини бозорнинг ҳар оқшом сув билан қиртишлаб ювиб ҳам кеткизмоқ маҳол бўлган бадбўй гўбори қоплади. Шоший сўнги томоша чоғи чодирнинг токидаги туйнукдан йилтиллаб кўриниб турган юлдузга бенарвон чиқиб кетган кўзбойлогичнинг ортидан жилвагар қарашма билан қараб кузатиб қолган ҳамишабахор ҳурилоқлардан ҳам кўра кўпроқ унинг ўзи атрофида ўралашганини фақат шунда аниглашди. Бу Шошийнинг чипта текширувчилар билан навбатдаги тўқнашувларидан бирида маълум бўлди. Унинг ҳар сафар бир нағма ўйлаб чиқариш одати ҳеч кимга сир эмас эди. Ҳатто Шошийнинг шундай бир нағмасига рўпара бўлиб, сўнгра хўп чув тушганини тушуниб етган чипта текширувчиларга ҳам. Тушуниб етиш эса осон эмасди. Чунки, Шоший бунга имкон бермасди. Уловдан ҳовлиқиб туша солиб, эркакми у, хотинми - фарқи йўқ, чипта текширувчини маҳкам бўғиб қучоқлаб олар, бир лаҳза ўзини ўнглашга қўймай, тоғам, холам ё амма-амаким тузукларми, соғомон юрибдиларми, деб жағи-жағига тегмай бидирлаб, шу асно яна жами қариндош-уруғ, таниш-билишларни бирма-бир санаб, кўриша кетарди ва гангиб, эсанкираб, гапини йўқотиб қўйган шўрлик эсини йиғиб улгурмасидан унга ва у орқали барча юқорида санаган хеш-ақраболарга соғлик-омонлик тилаб, тагин уларни уйига меҳмонга ҳам чорлаб, хайрлашарди. Ёки, тушмоққа ҳозирланаётган исталган йўловчини шартта қўлтиғидан олиб:

- Йўлқира ёнга қолишига тобингиз қалай? Жим! Кўзингизга қаранг! - деб аста қулоғига шивирлаб айтарди-да, унинг розилик беришини қутиб ҳам ўтирмасдан: - Ўртоқлар, ўртоқлар! Кўзи ожизни ўтказиб юборинглар! Қани, четланинг, четланинг! Пў-ў-ўшт! Кўзи ожизга йўл беринг! - дея бақирганча уни қўлтиғидан судраб олға силжирди ва шу асно бамайлихотир “кўзи ожиз” йўловчининг кузатувчиси имтиёздан фойдаланиб, тагин нотаниш бировнинг ҳам “ҳожати”ни чиқарган бўларди.

Бора-бора Шоший барча чипта текширувчилар ва аксарият йўловчиларга ҳам отнинг қашқасидек танилиб, табиийки, унинг унча-мунча найранги иш бермай қўйди. Шошийни яхши таниб қолган чипта текширувчилар унинг уловдан тиш қайраб тушиб келаётганини кўргани заҳоти хаҳолаб қулиб:

- Қўй, қўй! Бошимни оғритма! Бор, шеърингни ёз! - деб уни тезроқ ўзларидан нари қилишининг ҳаракатида бўлишарди. Шошийга ҳали ҳеч дуч келмаган, бироқ таърифни бошқалардан эшитиб улгурганлари эса унинг бошлаб бир таъзирини бериб, ҳамкасблари орасида доврүк таратиш илинжида икки баравар жаҳд билан “қуён” овлашар, Шоший ҳам асло бўш келмай, ҳатто бундан зиёдроқ жаҳд билан уларга қарши ўзининг “мангу жанг”ини давом эттирарди. Шошийнинг кўзбойлогич ортидан зинҳор шунчаки кўнғилхушлик учун судралмагани ойдинлашган кунга у айнан шундай

ашаддий “овчи”лардан биттасига рўпара бўлди. Тўғрироғи, унинг қўлига тушди.

- Ҳа? – деди у Шошийнинг билагидан маҳкам тутиб.

- Нима “ҳа”? – деб саволга савол билан жавоб кайтарди Шоший.

- Ўйнашма, йигит! – деди чипта текширувчи, худди Шоший юлкиниб чикиб кетадигандек, унинг билагига иккинчи қўли билан ҳам ёпишиб.

- Қани ўйнашганим? Ким ўйнашяпти? – деди Шоший мийғида илжайган кўйи ва томошага тулланган йўловчиларга қараб: “Қанақа одам бу, нима истаиди ўзи менадан?”, деган каби бош чайқаб.

- Қани, кўрсат, кўрсат! – деб шоширди чипта текширувчи хануз унинг билагини қўйиб юбормай.

- Нима, кўрмайсизми? Мана мен, мана! – деди Шоший чипта текширувчининг тумшугига тумшук тираб.

- Ўзингни гўлликка солма, бола! – деди чипта текширувчи худди сўнгги бор огоҳлантираётган каби унга ола тикилиб.

- Қизиқ экансиз-ку! – деб пинак бузмасдан ўзини анойидликка солишда давом этди Шоший. – Ҳозиргина йигит эдим. Энди бола бўлдим. Яна пича турсак, йўрғаклаб, оғзимга сўрғич ҳам солиб қўйсангиз керак?! Чипта текширувчи Шошийнинг бу даккисидан довдираб, дафъатан айтишга сўз тополмай қолди.

- Уялмайсанми? – деди ниҳоят танбехомуз бир тарзда. – Отанг тенги одам билан-а?

Шоший кулиб кўзини чипта текширувчидан олиб қочди. У айна дам ўғри саналса-да, ҳар қалай, инсофли ўғри эди.

- Хўш, нима қилдик энди? – деди чипта текширувчи ғолибона оҳангда. – Шу ерда тўлайсанми ё яна судралишиб юрамизми?

- Нимани тўлайман? Сиздан қарз олмаган эдим, шекилли? – деб асабга тегишни бошлади яна Шоший.

- Ҳой, тагин бошладингми? – деди чипта текширувчи тутақиб. – Жаримани айтяпман, жаримани! Чиптасиз қўлга тушишга тушиб, тагин сўз бермайсан-а! Э, чулчут қилиб юбординг-ку, одамини?!

- Шунинг олдинроқ айтмайсизми, - деди Шоший худди гап нимада эканини энди тушунган каби. – Сиз мени биров билан адаштирдингиз, чоғи. Мен сизга чиптаман тушган заҳотим қўшқўллаб топширганман.

- Астағфирулло! – Чипта текширувчининг фиғони фалакка кўтарилди. – Оёғингни ерга қўймасингдан ёқангдан олиб турибман-у, тагин тушган заҳотим топширдим, деб ёлғон гапирасан-а! Мана, одамлар ҳам гувоҳ!

- Берганман, берганман! Олиб, худди манави чўнтагингизга солиб қўйдингиз, - деб Шоший чипта текширувчи кийган қўйлакнинг кўкрагидаги чўнтакчага ишора қилди. – Ишонмасанглр, ана, текшириб кўринглр. – Шоший шундай деб бирпасда уларнинг теграсида давра қуриб улгурган томошатаалабларга бир қараб олди.

- Берасан-а, берасан! Ҳали сен мени совунимга кир ювмабсан! Кимни алд-д... – дея ғудиллаганча чипта текширувчи бир қўли билан Шошийнинг билагидан маҳкам тутган асно, иккинчи қўли билан қўйлакнинг кўкрак чўнтагини шошиб кавлаштирди ва бармоқлари орасига илашиб чиққан қизғиш қоғоз парчасини кўриб, гапи бўғзига тикилди.

- Ана, айтдим-ку, - деди Шоший худди бу унинг учун зинҳор ҳайратомуз эмасдек беписанд.

Томошатаалаблар чипта текширувчининг ҳавода муаллақ қотмиш қўлидаги қоғоз парчасига тумшук тираб қараб, бош силкиганча бир-бирларига нималарнидир маъқуллай кетишди.

- Бу... б-бу... меники-ку, - деди чипта текширувчи довдираб.

- Йўғ-э, унда ўрин алмашиб кўя қолайлик, - деди Шоший кулимсираб ва бўш қўлини чипта

текширувчининг ёқасига узатиб, чаккон бир ҳаракат билан у ердан худди юқоридагига ўхшаш қоғоз парчасини чиқарди. – Бу-чи, бу ҳам сизникими?

- А-а? – Чипта текширувчи гангиб Шошийнинг билагини қўйиб юборди.

- Бу-чи, бу ҳам сизникидир? – Шоший бўшаган қўлини чипта текширувчининг қулоғи тагида чаккон бир ўйнатиб, тагин битта шундай чиптани пайдо қилди. Шошийнинг бу нағмасидан нафақат чипта текширувчи, балки айна ажабтовур хангомага ғойибдан гувоҳ бўлмиш томошатаалаблар ҳам оғизлари ланг очилиб, ёқа ушлаб қолишди.

Аммо, Бадал Армоннинг шу чоғда хангомага сира тоби йўқ эди. У чипта текширувчи тутиб, оғритмаган қўли билан шартта шимининг киссасидан ойлик чиптасини чиқариб, юзи ҳам худди бошидаги эски дўпписи каби ғижим кишининг тумшугига ёпиштиргудек қилиб нуқиди:

- Ма, е, чиптахўр!

Буни у, албатта, фақат ичида айтди. Бирок, худди Бадал Армон айна сўзларни бутун бекатга эшиттириб, бор овозда қичқириб айтган каби, чипта текширувчининг шундоқ ҳам ғижим юзи баттар бужмайиб, у йигитнинг билагини қўйиб юборди.

Бадал Армон чипта текширувчининг чангалидан халос бўлган билагини силаб, бекатдан узоклашаркан, унинг айна юз ифодаси сира кўз олтидан кетмасди. Ўйни, бошидаги эски дўпписи каби ғижим юзи баттар бужмайиб боққани. Шўрлик, не умидлар билан кун бўйи, тагин шу жазирамада бекатда кўзлари тешилиб пойлаб, унинг билагидан тутди экан-а?

Бадал Армон бир фақирнинг ҳафсаласини пир қилганига мулзам тортиб, хардамхаёллиги боис бот-бот уйда, бошқа шими ёки қўйлакнинг чўнтагида қолиб кетувчи зорманда чиптанинг бу сафар аксига олгандек ёнидан чиққанига ачиниб, йўлида давом этаркан, кўз олдига бирдан ўзининг қаттиқ турткисидан илкис четга мункиган бояғи йўғон, барваста гавда келди. Хўш, унинг-чи, унинг айби нима эди? Ҳарчанд тиришмасин, Бадал Армон унинг турткидан илкис четга мункиган чоғдаги юз ифодасини ҳатто тасавурида ҳам жонлантиролмади. Лекин, гавдаси қўйиб қўйгандек у айна дам кутиб олишга ошиқайётган Насимникига ўхшарди. У билган, таниганлар ичидан тагин Ғойибникига ҳам ўхшаб кетади-ку, фақат унинг чап кураги хиёл туртирок чикиб туради – болалик чоғи ҳовлиларидаги ёнғоқдан йиқилиб орттирган уни, болалик чоғидан “мерос”. Лекин, Насим... Йўқ, Насим икки дунёда ҳам оддий турткидан илкис четга мункимасди, буни тасавуур қилмоқ тугул, танага сиғдирмоқлик ҳам мушкул. Бадал Армоннинг турткиси экан-ку, зироат ва зираворшунослик қуллийети жойлашган ҳовлидаги Хўжа кўрсин учун қўйилган ҳайбатидан от хурқувчи пўлат қалқонли сургич билан ҳам туртиб, мункитиб бўлмас уни – ядро иргитиш бўйича жамики катта ва кичик миқёсдаги мусобақаю биринчиликлар ғойибини, Насимга пўлат қалқони тегиб-тегмай, умуман, унга ҳали яқин ҳам келмай, ҳар томири эғнидаги либосини йиртгудек бўлиб бўртиб чиққан гавдаси, билак ва мушакларидан уфурмиш кучнинг энгил эпкинигаёқ минг майда бўлакка бўлиниб, атрофга сочилиб кетар сургич жонивор, отни хурқитувчи ҳайбатю пўлатдан қуйилган қалқонни ҳам иш бермас, лекин, яхшики, фақат Хўжа кўрсин учун қўйилган у зироат ва зираворшунослик қуллийетининг ҳовлисига, Бадал Армон янги талаба бўлган йили, чамаси, қуллийёт зироат ва зираворшунослик илмига асос солганига юз асрми, минг асрми тўлиши муносабати билан. Хўжа келди, кўрди уни, уларни, Хўжа кўрсин учун қилган ишларини нимтабассум билан бош силкиб олқишлади. Хўжа келди, кўрди, Хўжа кўрсин учун қилинган ишларни ўз одатича нимтабассум билан бош

силкиб олқишлади-ю, келган, кўрганига олқиш қабул қилиб, қайтди-кетди. Хўжа кўрсин учун атай ташландик темир-терсак уюми орасида занг босиб ётган жойидан кўтариб келтириб, артиб-тозалаб, кам-кўстини тўғрилаб, ҳовли ўртасига қурилмиш тагсупага қўйилган ҳайбатидан от ҳурковчи пўлат қалқонли сургич эса қандай қўйилган бўлса, шундай – ўша, ҳовли ўртасидаги тагсупада, хўжакўрсинга қолаверди. У ҳозир ҳам ўша ерда, ҳар қалай, Бадал Армон бир соатча бурун ўқишдан чиқиб, бекат сари жадал кетиб бораётиб кўзи тушганида ўша ерда эди, турганди ҳовли ўртасига қурилган ўша тагсупа устида Хўжа қай ҳолда кўрган бўлса, ўшандай сўппайиб, фақат хийла чанг-чўп ва губорга беланиб, пўлатдан қўйилмиш қалқонли кун тигида кўзни қамаштиргудек товланиб – ўтган-кетганга, хусусан, пардоз-андозга, ўзини ойнага солишга кўнгли сушт ҳурлиқоларга тайёр кўзгу бўлиб, кўзлари қувнаб, Насимни туртиб мункитмоқ хаёлидан йироқ, майда-майда бўлиб атрофга сочилиш ниятидан холи, Насим экан-ку, Ғойибни туртиб мункитмоққа ҳам мулақо тоби йўк, гарчи Ғойиб Насим сингари гавдаси, билак ва мушакларидан уфурмиш кучнинг енгил эпкинигаёқ ниманидир майда-майда қилиб атрофга сочиб юбормоққа қодир бўлмас-да, ҳеч бир сабабсиз, бекордан-бекорга ўзини туртиб мункитишларига зинҳор йўл қўймасди, мабодо, шундай ҳол юз берган тақдирда ҳам оғзини очиб, оғзидан сўлаги оқиб қараб турмасди, умуман, Ғойиб ва очилган оғиз, сўлак – мулақо бир-бирига мос бўлмаган тушунчалар, ҳаттоки, Ғойибни ҳеч бир сабабсиз, бекордан-бекорга туртиб мункитмоққа жазм этмиш у дўлвор зироат ва зирavorшунослик қуллийетининг ҳовлисидаги Хўжа кўрсин учун қўйилган ҳайбати отни ҳуркитувчи пўлат қалқонли сургич бўлса ҳам, қани, мункитсин, мункитмоқ тугул, салгина туртиб кўрсин-чи, қаерда тураркан – зироат ва зирavorшунослик қуллийетининг ҳовлисидаги тагсупа устидами, ё исзати битган ҳар турли темир-терсак ва ашқол-дашқоллар олиб бориб ташланадиган шаҳар ташқарисидаги ахлатхонадами, аҳволи не кечаркан – пардоз-андозга, ўзини ойнага солишга кўнгли сушт ҳурлиқоларга кўзгу тутиб, кўзлари қувнарқани, ё устига у ахлатхонада мўр-малаҳдай танда қурмиш “қанотли дўстлар”нинг ахлати ёғиларқаними, унинг ҳатто атай Хўжа кўрсин учун қўйилганига ҳам қараб ўтирмасди Ғойиб, кўрсатиб кўярди нақ ҳеч бир сабабсиз, бекордан бекорга бировни туртиб мункитиш қанақа бўлишини, сабаб бўлганда ҳам-чи, нима, фикридан қайтармиди, орқага чекинармиди у, нима, Ғойиб отмидики, қандайдир сохта, ясама ҳайбатдан ҳуркиб, ортга чекиниб, ахир, уни бекорга “ғойиб” деб аташадими, “Ғойиб – ғойиб”-а, тайин, у сургич зироат ва зирavorшунослик қуллийетининг ҳовлисига кимсан – Хўжа кўрсин учун қўйилганига қараб ўтирмасди, Хўжанинг кўргани – оғзига туфлагани билан баробар юришини ҳам бир чақага олмасди, шундай туфукнинг шапалоқдайи, йўк, шапалоқдан сал каттароғини оғзида у лунжидан бу лунжига олиб, афти оғзи қуйган каби бужмайиб, яшаб келаётганига яқинда уч йил тўлса ҳам; албатта, аввал, тайинки, унинг қаттиқ ёки оҳиста турткисидан мункиб йиқиларди ёнки илкис мункиб кетарди – қай бири маъқул бўлса, танларсиз, сўнг йиқилган ёки мункиган ерида ўгирилиб, уни туртмоққа журъат этган дўлворга шундай олайиб қарардики, нима кўп бу нигоҳда – нега мени туртди бу, деган таажжубми, ёки нега мени туртади бу, деган газабми, фарқлаб бўлмасди, лекин шуниси аниқки, қараб, юз-кўзидан ниманидир ўқишга, ўқишга уринарди, нимани ўқиб, нимани уққани ёлғиз ўзига аён, туйқус муштдай чоғидан ҳар кимдан мушт еб пишган бодомқовоклари пир-пир уча бошларди, жангарилик асоратларини ўзида бир умрга муҳрлаган япаски бурни – ўспиринлик чоғида сабаб-бесабаб

муштлашиб-муштлашиб орттирган уни, ўспиринлик чоғидан “мерос” – асабий жийриларди, кўзининг қорачиқларида олов акс этарди, оловки, ёлқиндан кучли, ёнғиндан шиддатли, шу тарз у худди ўртага тушиб, рақибига рўпара бўлган жўжахўроз янглиғ хурпаярди, кафтлари, бармоқлари чангак тусини оларди ва... у ёғига энди ўтмаган яхши, у ёғига ўтиб, Ғойибни кўргани – оғзига туфлагани билан баробар юрвчи Хўжанинг тагин бир тагсупага дучор қилмаган маъқул, худди бир пайтлар, уч йил чамаси бурун, сарин шаббода димокқа асал ҳидини уфурётган эртақдагидек ажиб, сеҳрли оқшом оқ лайлак атай Ғойибни йўқлаб ўзининг узун тумшугида оппоқ йўрғакланган ойдайд гўдакни кўтариб келтиргандаги каби – энди... хў-ўш, нима дейиш мумкин... ихм... йигитчилик дегандек... йигитлик даврида бир бўлган-да бу, йигитлик давридан “мерос”, - лекин, бир пайтлар, аниқроғи, салкам уч йил бурунги даврга, кейинги неча кунлар, ҳафталар, ойлар давомида эса бурнидан булоқ бўлиб отилиб чиқкан, аммо ўша дам сарин шаббода димокқа асал ҳидини уфуриб турган эртақдаги мисол ажиб, сеҳрли оқшомга ва фақат ва фақат Ғойибга тегишли гап бу, зинҳор Насимга эмас, ўз вақтида у жўжахўрозлик бобида Ғойибдан заррача қолишмаган, баъзи жиҳатдан ҳатто уни хў-ўв пақкада қолдирган бўлса ҳам, лекин у ҳозир олдинги Насим эмас-да, чунки у айни чоғ ўзи тўғрисида бор гапдан хабардор, ҳа, у ўзгарган, бутунлай ўзгарган, адоқсиз тиш қайрашу жўжахўроздек хурпайишлар у ўзи тўғрисида ҳали бор гапни билмаган олис даврда қолиб кетган, бошидан соч эмас, бугиники каби шох тўрт ёққа тарвақайлаб ўсиб чиқкан одам боласининг акси туширилган юпка муқовали қайсидир жўрналда унга ўзи тўғрисида бор гапни англаган ҳикоя босилган олис мактаб даврида, “Сирли мактуб” ми-ей, “Ғаройиб мактуб” ми-ей деб аталарди Насимга ўзи тўғрисида бор гапни англаган у ҳикоя, лекин зиғирдай бўлсин сирли ёки ғаройиб жойи йўк эди – на сарлавахда зикр этилмиш мактубнинг ва на ҳикояда тасвирланмиш воқеанинг, оддий-одатий бир воқеа эди, яқинда рўй берган ва аллақачон кўпчиликнинг ёдидан кўтарилиб ҳам улгурган; мактуб ҳам ҳеч сирли ёки ғаройиб эмасди, балки чиндан сирли ва ҳаттоки ғаройиб ҳам бўлгандир-ку, фақат қоғозга туширилиб, жилдлангунга ва Насим, ундан бурун эса бутун синф аҳли бир-бир қўлига олиб, сўзма-сўз ҳижжалаб ўқиб чиққунга қадар, мактуб ўз эгасининг, яъни Насимнинг қўлига тушиб, у хатни ҳаммага, шу жумладан уни ўзига йўллаган одамга ҳам эшиттириб, овоз чиқариб ўқиб чиққанидан сўнг-ку, аниқ, мактубнинг ҳеч бир сирли сиёғи қолмади, ғаройиблиги эса тупроққа обдон қориштирилиб топталди, баайни мактуб муаллифининг хатни қоғозга тушираётган чоғдаги ҳис-туйғулари мисол, уни хунибийрон бўлиб йиғлаганча синфдан қолиб чиқиб кетишга мажбур этиб, шу бўйи мактабда қайтиб қорасини кўрсатмайдиган қилиб. Насим кейин хат муаллифини ҳар ёққа бош уриб қидириб, нафақат мактабда, балки шаҳарда ҳам унинг қорасини топмади. Бирок, бу Насим ўзи тўғрисида бор гапни билганидан, унга қадар эса, тайинки, ўзи тўғрисида бор гап батафсил ёзилган бошидан соч эмас, бугиники сингари шох тўрт ёққа тарвақайлаб ўсиб чиққан одам боласининг акси туширилган юпка муқовали жўрналда босилмиш ўша ҳикояни ўқиганидан кейинги воқеа. Ҳикоя босилмиш жўрнал Насимнинг қўлига тушгунга қадар у бадий сўз ёзилмиш ниманидир ўқиши мумкинлигини биров ҳатто хаёлига ҳам келтирмас эди. Умуман, Насимнинг ўзи хусусидаги бирор гап-сўзга парво қилгани тарихда ҳеч бўлмаган, бўлиши ақлга ҳам сиғмайдиган ҳол ҳисобланарди. Насим зарур саҳифасини очиб, сирли, англаш маҳол бўлган имо билан қўлига тутқазмиш жўрналга бошда нима ўзи бу, пишириб ейманми уни, дегандек таажжубланиб

бокди. Шу бўйи ҳикоя босилмиш саҳифага кўз тикканча узоқ турди. Шу асно, яъни қўлидаги журналнинг очиқ саҳифасига тикилганча синфдан, сўнг эса мактабдан аста юриб чиқиб кетди ва кейинги икки кечаю икки кундуз ҳеч ким ҳеч ерда унинг қорасини кўрмади. Ниҳоят, учинчи кун деганда Насим ўзининг жамолини намоён этди ва ўз одатича шошилмай, босайми-босмайми қабилида, гурс-гурс юриб эмас, илдам қадамлар билан, деярли чопқиллаб мактабга, сўнг эса синфга кириб келди. Барча нафасини ичига ютганча тўфон туриши, сув босиши, зилзила рўй бериб, ҳаммаёқ оёғи осмондан бўлишини кутиб турарди. Насим жоникқанча югуриб синфга кирди, остонадан уч-тўрт қадам ўтиб тўхтади, ҳарсиллаб нафас олиб, киприклари капалакнинг қанотлари мисол пир-пир учиб узоқ турди ва... улар олдин билган Насимникига муғлақо ўхшамайдиган овозда, оҳангда фақат бир оғизгина – лекин Насим олдинги Насим эмас, деб хулоса чиқармоқ учун етиб ортувчи – сўз айтди:

- Мен... Мен... ўзим тўғримда бор гапни билдим.

Бирок, ўша пайтдаёқ Насимнинг бу даъвосига очикдан-очик бўлмас-да, ҳар қалай, шубҳа билдирганлар топилди. Яъни, нима эмиш, ҳикоя босилган журналнинг харобгина юпқа муқовасида акс эттирилмиш бошидан соч ўрнига бугиники сингари шох тўрт ёкка тарвақайлаб ўсиб чиққан одам боласи зинҳор шунчаки одам боласи эмас, тўғрироғи, одам боласи-ку, лекин айни ҳолда журналнинг қўлга олганинг ҳамон йиртилиб, ҳар ёкка сочилиб кетадиган каби туюлувчи кўп хароб юпқа муқовасида шунчаки, баъзан одам боласининг бошидан соч ўрнига бугиники сингари шох тўрт ёкка тарвақайлаб ўсиб чиқиши, у эса, бундан муғлақо беҳабар, роса боп аҳмоқни текиндан текинга қўлга киритганидан дўписини осмонга отган мусаввир қаршисида виқор-ла “ой рухсори”ни бозорга солиб туравериши мумкинлигини аңлатмоқ учунгина акс эттирилмаганимиш, йўқ, муқовадаги бу аломат сурат фақат Насимга ўзи тўғрисида бор гапни аңлатган ҳикоягагина тегишли бўлиб, расом томонидан айнан ҳикоядаги туппа-тузук дам еб, пишиб турган ошни ҳеч қутилмаганда лойқа бўтқага айлангирган Насимни назарда тутиб ишланганимиш. Бу, албатта, тасаввури ақлий имкониятларидан хийла олдинлаб кетган баъзи бировлар таркатган миш-миш эди, ҳолос. Уни тарқатишдан мақсад қисман чиндан ўзгарганими, ёки ҳануз ўша ўзлари билган Насимми – синовдан ўтказиш эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмасди. Бу хийла қаттис таваккал эди, зеро, Насим ўша ўзлари билган Насимлигича қолган тақдирда у тасаввури ақлидан анча илдамлаб кетиб қолган бу шоввозлар билан қандай иш тутажғи аниқлигини ҳам ҳамма жуда яхши биларди. Аммо, уларнинг толеига, Насимнинг буткул ўзгаргани рост бўлиб чиқди. Боз устига, тез орада тасаввури ақлий имкониятларидан узаб кетмаганларнинг сайъ-ҳаракатлари билан харобгина юпқа муқовада акс эттирилмиш у сурат Насимга ўзи тўғрисида бор гапни аңлатган ҳикояга эмас, бутунлай бошқа асарга тааллуқли, айни асар эса, ўз навбатида, муғлақо бўлак ёзғувчининг қаламига мансуб эканлиги ҳам маълум бўлди. Лекин, битта нарса барибир жумбоқлигича қолди, уни ҳал этмоққа ҳатто энг мана ман деб кўкрак керган дононинг ҳам ақли қалталик қилди. Насимни ўзи тўғрисидаги бор гапдан хабардор этган у ҳикояга “Т нукта Рустам” деб имзо чекилган эди. Авваламбор, нафақат синфда, балки мактабда ҳам бундай исми ўқувчи ёки ўқитувчи ўқиши ёхуд ўқитишини ҳеч ким билмасди. Бор-йўқ адабиёт дарсликларини варақма-варақ титкилаб ҳам бундай исм ёки таҳаллуси бўлган бирор ёзғувчи-шоирни топишолмади. Мактаб кутубхонасида уззукун чанг

ютиб китоб титкилашлар ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Табиийки, шундан сўнг шубҳа ўз-ўзидан Шошийга тушди. Аммо, у жуда тез чиппакка чиқди: биринчидан, Шоший ҳали асло Шоший эмасди, гарчи шамол қаёққа қараб эсаётгани тайин бўлса ҳам; иккинчидан, унинг қўли бор деб гумон қилинаётган ҳикояда синфдаги кўпчилик қатори Шоший ҳам яхшигина “тепиб” ўтилган эдики, бу ҳол ҳикояни “Т нукта Рустам” таҳаллуси ортига беркиниб Шошийнинг ўзи ёзган бўлиши эҳтимолини ўша заҳотиёқ истисно этарди, зеро, ўз қилмишини танқидий нуктага назардан баҳолаш, ўзи устидан ҳикоядаги тарзда аччиқ истехзо билан кула билиш зинҳор Шошийга хос эмас эди. Тўғри, ҳикояда айтилган ҳамма гапларни ҳам чин, ҳақиқат деб бўлмасди. Ундаги аксарият ўринлар, хусусан, қахрамонларнинг кечинмалари сифатида тақдим этилган тафсилотлар, уларнинг нутқларига берилган изоҳлар бирмунча баҳсли, ҳикояга асос қилиб олинмиш рўй бергани рост воқеага ҳам яхшигина тўн кийдирилган эди. Бирок, шунга қарамай, ҳикояда айтилган гап-сўзлар қип-қизил ёлгон, деб даъво қилишга ҳам бировнинг тили бормасди. Ҳикояни ўқиб, Насим ўзи тўғрисида бор гапдан хабар топгани учунгина эмас. Бошқалар ҳам, Насим каби ўзлари тўғрисида бор гапни билганларини очиқ-ойдин тан олишмас-да, лекин ҳаётларида нимадир узлатга чекиниб, унинг ўрнида янги нимадир куртак ёза бошлаганини ботинан ҳис қилишарди. Бу қандай бўлгани Бадалнинг худди кечагидек ёдида эди, зеро, унинг ўзи ҳам ўша пайт бу ҳолни бошидан ўтказганди. Шунга ўхшаган ҳолатни Ғойиб қай тарз ўз бошидан кечирганини ҳам Бадал ҳозир жуда яхши эсларди, лекин ўша пайтда бунга унинг фаҳми етмаганди. Чунки, унда Бадал бўйи бир қаричгина чурвақа, Ғойибдаги айни фақуллодда эврилишини фаҳмламоқ учун ҳали етарли миқдорда кўйлак йиртмаган эди. Аммо, Ғойиб билан ғалати нимадир рўй бераётганини у ўша пайтда ҳам сезарди. Ярим кечаси заҳар танг қилиб ёки бошқа бирор сабабга кўра уйғониб, у Ғойибнинг қаравотини бўш, хонанинг кўчага қараган деразасини эса ланг очик ҳолда кўрарди. Эрталаб Бадал мактабга отланаётганида Ғойиб ўрнида маст уйқуда ухлаётган бўлар, чехрасида ширин чарчокқа омихта ғолибона мамнуният жилва қиларди. Тўғри, бу жилванинг номи ғолибона мамнунлик ва у айнан ширин чарчокқа омихта бўлганини Бадал анча ўтиб аңлади. Ўша пайтда эса, табиийки, тушунмаган ва ҳатто бундан ғазоби кўзиб, Ғойибни ёмон кўрган ҳам эди. Гап шундаки, тонглари Ғойибнинг маст уйқуга чўмган чехрасида ширин чарчокқа омихта ғолибона мамнуният ўйноқлай бошлаши билан битта пайтда унинг билим жангоҳидаги ҳайратомуз ғалабаларига ҳам чек қўйилди. Ғойиб ақлга сиғмас талофатлар билан эгаллаган марраларини ташлаб, орта чекина бошлади. Ҳамма ҳайрон, ҳамма Ғойибга нима жин текканини тушунмай лаб тишлаган, тагин у эрта-индин мактабни битираман деб турган қизгин паллада-я?! Чамаси, Ғойибга нима жин теккани ва бу лаяинни чиққан ерига қай йўл билан қайтариб жойлаб, ҳибс этмоқ мумкинлигини отаси жуда яхши биларди. Қунлардан бир куни Бадал мактабдан қайтиб, Ғойиб иккиси ихтиёрига берилган ҳужранинг кўчага қарамиш деразасини ташқари томондан темир панжара билан нўхталанган ҳолда топди. Бунга Ғойибнинг ўзи ҳам кўрмай қолмади, албатта. Бирок, Ғойибни мазасини олиб улгурган тунги саргузаштлардан тийдирмоқ, умуман, уни бирор мўлжали, аҳди ёки танлаган йўлидан қайтармоқ учун энг қамчи оёқ-қўлига маҳкам кийшан урмоқ лозим эди ва бу ҳолни отаси негадир назардан қочирганди. Энг алам қиладигани – Ғойибнинг касрига, чиллаки чиллакини кўриб, чумак урмасин учун, кичкина Бадални ҳам ҳуда-беҳуда тергаб, йўлга солишгани-солишган эди. Ҳолбуки, Бадал Ғойибга

таассуб қилиш у ёқда турсин, унга нисбатан газабини дангал, очик-ошкора юзига тўкиб-сочишга ҳам ҳадди синамасди. Битта қориндан таллашиб тушган, битта устбошни олдинма-кетин кийишиб тўзитган акасидан ўзини мудом четга тортиб, гапига қуруққина, ярим-ёрти жавоб қайтариб, уни кўрди дегунча дарров қовок солиб, совуқ муомала қилиш билангина кифояланарди. Ғойиб, укасининг ўзини бундай тутишидан таажжубда, ўртадаги кескинликни ҳазил-хузул билан кўтаришга уринарди.

- Ҳа, нима жин тегди? Вой, қовоквой-эй! – деб келиб, укасини маҳкам қучиб бағрига босарди.

- Кўй-й-вор! Сенсан ошқовок! Жин менга эмас, ўзинга теккан! – дея лўнда қилиб Ғойибнинг оғзидан чиққанини дарров ёқасига ёпиштирарди Бадал, фақат ичида, юлқиниб, унинг чангалидан чиқишга уринаркан.

Ғойибнинг-ку чангалидан амаллаб юлқиниб чиқиш мумкин, бироқ у лаъиннинг чангалидан кутулиш кўп мушкул экан. Ғойибга ўшанда беҳуда аччиқ қилганини Бадал вақт ўтиб, бу лаънати жин ўзига чанг солганидан сўнг тушунди. Ғойибдан фарқли ўларок, у тунлари дераза ошиб, кўча-кўйда санғиб саргузашт изламади. Бадалнинг чекига тушган жин Ғойибникидан юз чандон коски, бадқирдор эди. Қасофат, Бадални дераза оширмак туғул, остона ҳатлашга ҳам қўймас, туни билан ҳатто мижжа қоқдирмасди. Кун бўйи у мудроқ босиб, қарақт бўлиб юрар, тўйиб ухлайман, деган илинжда қоронғи тушишини пойларди. Аммо, тун чўкди дегунча тагин ўша дўзах азоби кутқу соларди. Ушбу кўп мушкул вазиятда Бадалга ёлғиз Ғойибгина ёрдам беришга қоид эди. Бироқ, у аини пайт олисда, бу ердан кўринмайдиган, тафти ҳам юзга урмайдиган уруш олови ичида душман ўкига учмаслик пайида, ҳаттоки пана жойда ҳам атрофга олазарак аланглаб, кун, соат, дақиқа, лаҳза санаб, юрагининг ҳар бир зарбига ҳадиксираб қулоқ солиб, кунни тунга, тунни кунга уларди. Душман ўкига учмаслик эҳтимоли кўп бўлган чоғларда эса чўк тушиб, тик туриб ёки ерга қўқрак бериб ётиб – қай бири хавфсизроқ туюлса, ўша алфозда, - қўли, оёғи, энг муҳими – боши бутунлигини англатиш мақсадида уйга хат ёзарди ва унда бошқаларга ҳам шуни тиларди. Умуман, уруш деганлари бу шунақа жойки, унда ҳеч қанга ёмонлик тиламайсан. Ҳатто душманга ҳам. Чунки, уни кўрмайсан. Ховлингнинг ўртасида қад ростлаган, аини пайт, хойнаҳой, шигил етилган ўрикнинг данагидан сал кичикроқ кўрғошин парчаси қаердан визиллаб учиб келгани ва онажонинг силаб, эркалашни хуш кўрган, бу ерга отланган чоғинг отанг қўлини дуога ёзиб: “Тошдан бўлсин!”, деб тилаган бошининг бир қисмини қандай ўпириб кетганини билмай қолсан, бировга ёмонлик тиламаган, бировга ёмон ҳам қарамаган кўзларинг ланг очик, оёғинг остидаги қондалаш тупроққа гурсиллаб йнқиласан... Ақс ҳолда у душман аталмас эди. Яъни, тоғ-тош, пана-пастқамда биқиниб, дўсти, иниси, хотини ўрнини эгаллаган бешотаридан қоқ пешонангни мўлжалга олиб, тепкини босишдан олдин бу ҳақда сени оғоҳлантурса. “Хой, хушёр бўл, отяпман!”, деб айтиб. Тайинки, уруш ҳам бўлмасди ва Ғойиб йигитлигини тасдиқлаши учун ажратилган икки йилни ўққа учмаслик пайида, қон кечиб эмас, Бақаҳовуздан қўл узатса етгудек жойдаги бирор ҳарбий маконда уйдагилар кетини узмасдан юбориб турган қуюлтирилган ширин сутни идишидан ҳўриллатиб ичиб, Бадални ҳаловатидан айирмиш ўзининг ёски “оғайни”си билан қандай олишган маъқуллиги тўғрисида унга хат орқали ёки юзма-юз учрашувда йўл-йўриқ кўрсатиб ўтказарди. Ғойиб урушдан душман ўкига учмай, қўли, оёғи, энг муҳими – боши бутун қайтиб, Бадал уни кутиб олгани худди мана шу узукун гавжум йўлакдан ҳўв тўғрида кўриниб турган қатта ойнаванд эшик сари жадал

кетиб бораркан, тилида фақат битта савол айланарди: “Қандай?” Яъни, қандай энгмоқ мумкин у бадқирдор лаъинни, қандай қутулмоқ мумкин бу дўзах азобларидан, қандай, қандай? Бироқ, Ғойиб аини дам кутулиб келган дўзах олдида унинг тунги бедорлик билан боғлиқ азобларини азоб деб аташининг ўзи қулгили эди. Буни Бадал Армон нигоҳи акасининг кўзлари билан тўқнаш келган заҳоти англади ва тилининг учидан айланмиш саволларни қулт этиб ичига ютди. Аммо, бугун у Насимнинг юзига дангал айтишга аҳд қилган гапини зинҳор ичига ютиш нияти йўқ эди. Ҳатто унинг кўзларида ловуллаб ёнаётган дўзахнинг ўзини кўрган тақдирда ҳам. Лекин... Лекин, троллейбусдан тушаётган чоғинг сенга ҳанг-манг тикилиб, ёқа ушлаб қолган кўзлари чарос, қошлари пайваста дилбар жувоннинг айби нима эди? Бадал Армон беихтиёр жувоннинг нозиккина елкалари орасига кириб кетган боши, таърифлаб бўлмас таажжуб ақс этган нигоҳи ва оний кўркув соя ташлаган чехрасини кўз олдида келтирди. Худди қаршисидан Бадал Армон ёки одам боласи эмас, қандайдир даҳшатли мавжудот шарпадай лип этиб ўтган каби ҳанг-манг тикилиб, ёқа ушлаб қолди-я. Ҳа, фақат тумшугинг тагидан даҳшатли нимадир шарпадай лип этиб ўтган каби туюлгандагина бу тарз ҳанг-манг тикилиб, ёқа ушламоқ мумкин. Шу чоққа қадар у бундай таъсирли тарзда ҳанг-манг тикилиб, ёқа ушламоқ, умуман, қачондир, қаердадир ва кимнидир ўзига бу тарз ҳанг-манг тикилиб, ёқа ушлашга мажбур этиши мумкинлигини сира ҳаёлига келтирмаган, бундай бўлиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Бунинг айлини шу кунни, шу соатда, Насимни кутиб олгани ошиқиб, троллейбусдан тушиши чоғида ва тагин айнан шундай кўзлари чарос, қошлари пайваста дилбар жувон билан содир бўлиши-ку... Йўқ, бундай эмас, адашяпсан, биродар, адашяпсан ҳам эмас, ўзингни ўзинг алдашга уриняпсан, йўқ, оғайни ўзингни ўзинг алдаёлмайсан, хом ҳаёл бу – ўзингни ўзинг алдай олишинг, қачондир, қаердадир ва кимнидир яна шу тарз ўзинга ҳанг-манг тикилиб, ёқа ушлашга мажбур этиш қўлингдан келар, ҳатто бу сенга ҳанг-манг тикилиб, ёқа ушлаб қолган кимдир тагин кўзлари чарос, қошлари пайваста дилбар жувон бўлар, лекин ўзингни ўзинг алдай олишинг маҳол, йўқ, бу қўлингдан келмайди, зеро, ҳеч ким билмаса ҳам, сенга беш қўлдай маълум: индаллосини айтганда, фақат айнан шундай кўзлари чарос, қошлари пайваста дилбар жувон сенга қачондир, қаердадир ҳанг-манг тикилиб, ёқа ушлаши мумкинлигини тушинга кирмаган, лекин асло кўзлари чарос, қошлари пайваста дилбар жувоннинг ўзи эмас. Албатта, уйқусида нозил бўлмиш бу ҳилқатнинг айнан жувонми ёки онаси ўпмаган қизми экани масаласида у аниқ бир нарса деёлмайди. Қандай қилиб ҳам айтсин, ахир, ҳар ҳолда туш бу, яхшими, ёмонми, ҳар ҳолда туш деган номи бор. Тушига кирган ҳилқатнинг айнан жувонми ёки онаси ўпмаган қизми, ўпган бўлса қачон, нима сабабга кўра, бир юзиданми ёки иккаласидан ҳамми, чўлпиллатибми ёки шунчаки лаб теккзибми... ўпгани хусусида у аниқ бир нарса деёлмайди-ку, лекин... ле-е-ки-и-ин-н... Ох, будилга ўт қаловчи чарос кўзлар, пайваста қошлар, парқу янглиғ оппоқ, момик бармоқлар, хиёл уринган, бироқ обдон оро берилган тирноқлари қизғиш... йўқ, нимпушти рангда, ёқа ушламиш чоғи, айниқса, яққол кўзга ташланган кўрсаткич бармоғининг тирноғи устидан юргизилган бўёқ озроқ тирналган, бу унинг аниқ кўз ўнгиди, кўзлари чарос, қошлари пайваста дилбар жувоннинг қаршисидан ўзи сезмаган, истамаган ҳолда худди даҳшатли шарпа мисол лип этиб ўтган чоғда гупиллаб урилмиш туйқус қутқу солган кўркувга омихта хушбўй атр ҳам ҳануз димоғида.

Гулноз, ҳа, аниқ, Гулноздан уфурарди худди шундай атр, айниқса, Насимнинг ҳўв, баҳордаги

иттифоко салкам бир ойга чўзилган таътилидан сўнг, Гулнознинг кўнгли ҳар галгидан кўпроқ назокат тусаган ўн кунми, икки ҳафта. Сўнг бўшлиқ, тайинсиз, тутуриқсиз бўшлиқ, назокатдан ҳам, хушбўй атрдан ҳам асар йўқ, фақат кўчадаги тўрт гилдиракли шайтони аробаларнинг бемаъно ғир-ғирию уйдаги ёлғизлик зада этмиш кўнглининг маънисиз зириллаши, гириллашларга ҳам, зириллашларга ҳам чек қўймоқликнинг сира иложи йўқ – уйдан зириллаб кўчага ошиқасан, кўчанинг ғир-ғирдан кўнглини айниб, еган-ичганинг оғзингдан отилиб чиққудек бўлиб уйга қайтасан, уй ва кўча оралиғида кунлар бир-бирини қувалашиб айланаверади, айланаверади, чарх уриб ҳеч чарчамайди, кўнгли ҳам беҳузур бўлмайди, бу далил-девона чархпалакка икки қўллаб осилиб, уй ва кўча оралиғида ҳадеб оёғинг осмондан бўлавериб сен толиқасан, батамом мадордан кетасан, барча-барчаси меъданга тегади, ҳатто бошинг узра нур пуркамиш офтоб ва оёғинг остидаги тепкиларингга чидаш бермиш тупроқ ҳам, бироқ, ўйиндан чиқмоқликнинг ҳеч чораси кўринмайди, ёки, ҳарчанд уринмагин, сен бунга кўрмайсан, баайни кўзларингни биров орқангдан кишибилмас келиб, кафтлари билан беркиртгану шу бўйи қўйиб юбормаётгандек; ниҳоят, буларнинг барчаси ҳикматдоринга келиб қадалганини англамоқ мақсадида сўнги мадорингни жамлаб, кўлингни ҳавога сермаган чоғинг туйқус кафтингда яна ўша нозик бармоқлар тафтини туясан – тафтқи, таърифлаб айтмоқ учун уни албатта туймоқ керак, тафтқи, танга мадор, дилга дармон бўлгудек, – ва шу баробар тайинсиз, тутуриқсиз туйқулиш бўшлиқ ҳам узлатга чекинади, кўчанинг тинимсиз ғир-ғирига маъно, ёлғизлик зада қилган кўнглининг зим-зиё кўчаларига эса алланечук файз киргандек бўлади, бу – Насимнинг адоқсиз беллашувлар оралиғидаги одатда унча кўпга чўзилмайдиган навбатдаги таътили тугаб, у яна галаба кетидан йўлга отланганидан дарак, бу – Бадалга боши узра нур сочмиш офтоб ва оёғи остидаги тепкиларига дош бермиш заранг тупроққа нисбатан ёруғ туйқуларни қайтармиш онларнинг ғанимат эканидан далолат. Баайни:

- Ие, ҳа, Эшимбой, йўл бўлсин?
- Ҳа, шу, бир ҳаво олиб келайлик, девдик.
- Э, ҳа, шунақами? Дуруст, дуруст.
- Бир бизга фотиҳа берасиз-да, энди.

“Биз” – бу Эшим иш-ш ва унинг бўйнидан хўппа семиз хуржун ошириб ташланган эшаги.

- Фотиҳами? Хўп, хўп. Қани, омин...

Атрофда – текин томоша илинжида Эшим иш-ш ва унинг эшаги ортидан эргашган бир тўда бола-бақра, бари бир-бирига қараганча қикир-қикир кулиб, фотиҳага қўл очган, лекин Эшим иш-ш ва унинг узунқулоқ ошнасини навбатдаги сафарга кузатмоққа шай, Эшим иш-шнинг бўйнидан хўппа семиз хуржун ошириб ташланган узунқулоқ ошнаси гузар оралаб лўкиллаб чопишига туртки берувчи халачўп эса, ҳар доимгидек, Насимнинг қўлида...

Тавба, ахир, куни кеча бўлган эди-ку бу?! Бугун эса, аллақачон уларнинг қулоқларини роса киздирмиш қўшиқнинг сўзлари бўлак:

- Ие, ҳа, Насимбой, йўл бўлсин?

“Йўл бўлсин”, деб эмас, аслида “мўл бўлсин”, деб айтган маъқулроқ эди, “мўл бўлсин” – бу, демак, Насимнинг охири кўринмайдиган галабаларига шаъма.

- Балли, ота ўғил, бўш келма!

“Бўш келма”, яъни галаба кетидан борган ерингдан зинҳор куруқ қўл билан қайта кўрма, айб ўзингда, биродар, бошида ўйлаш керак эди бунга, оёғинг ерга тегиб улгурмасидан ҳаммани худди гиёҳқанд каби қўлингга умидвор қарайдиган қўйга солмаслик лозим эди, ҳар гал ҳар сафарингдан ҳаммага бир тортик келтириб ўргатдингми, уларни хўп мазахўрак қилдингми, энди марҳамат қилиб аравани охиригача

торт, хўв, охир-кепи кўринмайдиган маррагача.

- Насим, биз сен билан биргами-и-из!

Яна бир хом хаёл. Хаёлки, жумлаларни ҳарчанд чўзиб талаффуз этиб ҳам унинг битта сўзи, ҳарфига ишонмоқлик маҳол.

- Наси-и-им, биз сен билан биргами-и-из!

Ёки, Гулноз каби, андак ранж, андак қарашма билан, ёзғирган оҳангда:

- Наси-и-им? Мени ташлаб кетмаги-и-ин, Наси-и-им?!

Бу, албатта, йўлига, шунчаки, хайр-маъзур ўрнида бўлсин учун:

- Наси-и-им? Мени ташлаб кетмаги-и-ин, Насим?!

Рост, баъзан унинг овоз оҳангида фақат ёзғириш эмас, қачондир, бир куни шундай тадорик чоғи айна сўзларни ёзғириш билан айтишига тўғри келмаслигига оз-моз ишонч ҳам сезилади:

- Наси-и-им? Мени ташлаб кетмаги-и-ин, Наси-и-им?!

Балки, Насим қачондир унинг бу ёзғиришига қулоқ тутар, балки, чиндан ҳам қачондир уни ташлаб кетмас – ўзи билан олиб кетар ёки, аксинча, у билан қолар, аммо бугуннинг гапи эмас бу, эрта ё индиннинг ҳам, бунга англамоқ учун Гулноз андак ранж, андак қарашма билан ёзғираётган чоғ Насимнинг кўзларига тикилиб қарамок кифоя, бир сўз демай, бир дунё гапни англамоққа қодир бу кўзлар, бунга Бадал билади, шу боис ҳадеб Насимнинг оғзидан гап сугуришга уринавермайди, унинг кўзларига тикилади ва ичидаги бор гапни тушунади, Гулноз, чамаси, бундай қилмайди ва шу боис нуқул андак ранж, андак қарашма билан Насимнинг этагига осилиб ёзғиргани-ёзғирган:

- Наси-и-имў Мени ташлаб кетмаги-и-ин, Наси-и-имў!

Лекин, хўш, қаерга олиб кетади уни Насим, ҳатто бунга ўзи истаган, бу истак билан қуйиб-ёнган тақдирда ҳам, ахир, Эшим иш-шнинг эшагини гузар бўйлаб лўкиллаб чоптирувчи халачўп эмас-ку у, қўлда тутиб ёки қўйинга яшириб олиб кетса бўладиган, ёки, жуда бўлмаса, Насим қўлга олиш, бўйинга яқин келтириш ва сўнг иргитиш ниятида атай шундан шувёкка шунча тўполон билан йўлга чиқаётган, Насимни Насим қилган, Насимнинг Насимлигига салмоқ қўшган соққатош ҳам эмас, ундан анча-мунча серҳажм, ундан анча-мунча серсалмоқ, устига устак, сергавго ҳам, ҳеч бир ғилофга сиғмайди, ғилофга сиғдирсанг ҳам қулоғинг тинчимамайди, агар оғзига ўша соққани тикиб, тинчитмасанг агар, тагин Насим ўзи билан шундан шувёкка кўтариб кетиши мумкин бўлган, маҳсус тасдиқдан ўтган ҳар хил зарур-нозарур ашқол-дашқоллар рўйхатида ҳам йўқ унинг номи, бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки ҳеч зоғ киритмайди уни бу рўйхатга, мабодо, киритган тақдирда ҳам зинҳор тасдиқдан ўтказмайди, зеро, бундай рўйхатларнинг тақдири асло зоғлар ва зонга ўхшаганларнинг инон-ихтиёрида эмас, у дунёдаги жами рўйхатлар ичида ёлғиз Насимни шунча тўполон, ваҳима билан шундан шувёкка кузатмоқ учун тўпланган чуғурчукларнинг рўйхатидагина киритилиши мумкин, бироқ, афсуски, бундай рўйхатнинг ўзи йўқ, бўлмайди ҳам, чунки ҳеч зоғ уни тузмайди, тузган тақдирда ҳам биров бир пулга олмайди, зеро, чуғурчуклар учун рўйхатнинг ҳеч ҳожати йўқ, рўйхатсиз ҳам, ана, уларнинг барчаси жам, ҳатто чуғурларига қулоқ тутиб ниманидир тушунса ҳам бўлади:

- Ҳа, Насимбой, йўл бўлсин?
- Балли, ота ўғил, бўш келма!
- Насим, биз сен билан биргами-и-из!

Ёки, ҳар ён ўзни уриб, оламни бузган чуғурчукнинг чуғурлашига монанд, андак ранж, андак қарашма билан, ёзғирган оҳангда:

- Наси-и-им? Мени ташлаб кетмаги-и-ин, Наси-и-

им?!

Бирок, Гулноз ҳар қанча ёзғирмасин, оламни бузиб чуғурлаб ўзини ҳар ёнга урмасин, овоз оҳангида қачондир, бир куни шундай талдорик чоғи айни сўзларни ёзғириш билан айтишга тўғри келмаслигига ҳар қанча ишонч сезилмасин, ҳатто ранж ва карашмаси ҳам фойда бермайди – Насим уни ташлаб, ғалаба, ғолиблик кетидан йўлга отланади ва қизнинг кўллари юпанч илинжида титраб сен сари узалади, кафтинг унинг нозик бармоқлари тафтини ҳис қилади, димоғинг эса боя кўллари чарос, қошлари пайваста дилбар жувоннинг қаршисидан даҳшатли шарпа каби лип этиб ўтган чоғингда уфурганга ўхшаш хушбўй атрни туйди, фақат, кўллари чарос, қошлари пайваста дилбар жувонниқидан фаркли ўларок, туйқус кутку солган кўркувга омихта эмас у, йўк, аксинча, буткул, ҳа, мутлақ ғалаба, ғолиблик нашъаси-ла қоришиқ, чунки Насим ҳаёда этган Гулнозга уни, Насим тортиқ қилиб келтирган, атай, ғалаба, ғолиблик даъво қилиб борган еридан, Гулноз хушбўй атр таратсин учун, унинг тирноқларига зеб бермиш баайни кўллари чарос, қошлари пайваста дилбар жувонниқига монанд нафис нимпушти бўёқ ҳам Насимнинг ғалаба, ғолиблик рангига омихта “мозорбосди” совғаси, лекин, таассуфки, атр, у ҳарчанд ғалаба, ғолиблик нашъасига тўлиқ бўлмасин, фақат шунчаки ширин бўйгина, холос, у ҳеч нарсани ҳал қилмайди, жуда нари борса димоқни хушнуд этиши мумкин, бўёқ ҳам, гарчи ғалаба, ғолиблик рангини ифода этса-да, асло тирноққа бермоқдан ортиғига ярамайди, ҳатто, кимсан – Насимнинг шунча ердан мазор босиб келган табаррук совғаси саналса ҳам, оҳ, қани эди, у билан ёлғиз тирноқларинигина эмас, гулгун ҳайъат ортида кўр тўкмиш гулдор бўйинбоғ таққан хушфёъл, хушмуомала, хушсурад амакиларнинг нукул ўйнабгина турадиган кўзларини ҳам бўяб бўлса, бўяшга эса Гулноз хўп уринган, ўх-хў, чунонам уринганки, бундан гулгун ҳайъат ортида кўр тўкмиш гулдор бўйинбоғ таққан хуш..., хуш..., хуш... амакиларнинг хуши бошидан қандай учмаганига ҳануз у таажжубда, яна у шунга ҳам бениҳоя ҳайронки, наҳот гўзаллик қарич билан ўлчанса, наҳот одамзотнинг ҳусни, чиройини унинг бўйи ҳал қилса, наҳот гўзаллик мезонини бўй билан ўлчаб белгилаш мумкин бўлса, тагин, худди орқасига милтиқ ўқталгандек аснода, уз-зу-у-ун бир чўп қаққайтириб қўйилган супага чиқариб:

- Қани, оймитилла, чаққон-чаққон, Ойша холангизнинг боғига томошага келмагансиз!

Шундай номи улуг жойнинг асло куруқ бўлмаган супраси устида сарпойчан изиллашга мажбур қилиб:

- Ие, ҳа, ассалом алайкум, ҳали оёқларидаги калиш-маҳсиларини ечиб ҳам қўйишимиз керакдир?!

Ниҳоят, энг даҳшатлиси, энг алам қиладигани, аззойи баданда титрок уйғотадигани, жонни ҳикилдоққа келтирадигани – шундай номи улуг жойнинг асло куруқ бўлмаган супрасига сарпойчан ҳолатда кўтарилганидан сўнг, текин томошага йиғилиб келган ҳар хил бетайиң, бетутуруқ кимсаларнинг илжайган-тиржайган башаралари қаршисида беармон турланганидан кейин қаққайтириб қўйилган уз-зу-у-ун чўпга елка тираган асно бир неча лаҳза нафас чиқармай гоз туришни буюриб:

- Ҳой, жилпангламанг, те-еккина тулинг, ҳо-о, оёқ учиди кўтарилманг – балетни хўв уйга борганда ўйнайсиз!

Аммо, бу гулгун ҳайъат ортида кўр тўкмиш гулдор бўйинбоғ таққан, кўллари нукул ўйнабгина турадиган хуш..., хуш..., хуш... амакиларнинг фёъл-атворларига зид амали эмас, йўк, бу ҳали уларга рўпара бўлингунга қадар кечувчи муқаррар жараён, “Бақаҳовуз маликаси” тожига даъвогар саналган ҳар бир ҳилқат ўтиши жоиз бўлган чиғирик, бу чиғирикни айлантириш топширилган

бири биридан бадфёъл, бири биридан бадхулқ бадқовқоқ хоаларнинг кўрсатган қаромати, улар орқасига милтиқ тираганидек аснода чиқаришни хуш кўраганидан супадаги уз-зу-у-ун қаққайтирилган чўпга эса мактаб боласининг фаҳми доирасидаги бир бало рақамлар қатор қилиб тизилган, бу бир бало рақамлар оралигида мактаб боласининг фаҳми унчалик етавермайдиган майда-чуйда катаклар ҳам бор, баайни киши иситмаламаганида – не ажабки, баъзан иситмалаганида ҳам – кўйлак ичидан қитикни келтириб қўлтиққа суқилувчи, кўзи тушган заҳоти мактаб боласининг ранг-қути ўчувчи шифокорларнинг дасторини эсга солиди, лекин – таажжуб! – айни ҳолда у кўйлак ичидан, ёки, ундан ҳам маъкулроғи, кўйлакни юлқиб ечиб олиб, мажбуран қўлтиққа суқилмайди, нечукдир – во ажаб! – сочи узунлик қилган бунга нафақат тилидан, балки нигоҳидан ҳам чақиллаб заҳар томгандек туюлувчи холажонларнинг, супадаги жуда-жуда шифокорларнинг дасторини эсга солувчи уз-зу-у-ун қаққайтирилган чўпга елка тираган асно бироз муддат дам чиқармай, гоз туришга мажбур этиш ва тагин ушбу оламшумул тадбир чоғи зинҳор оёқ учиди кўтарилган кўрмасликни тафтиш қилишнинг ўзи билангина кифоялана қолишган, ҳамаси, шусиз ҳам дам сайин, бўйиннинг узун-қалталиги ҳисоби чиқарилиши баробар, иситмаси кўтарилиб, ранг-рўйи киши иситмаламаганида – не ажабки, баъзан иситмалаганида ҳам – кўйлак ичидан қитикни келтириб қўлтиққа суқилувчи шифокорларнинг дасторига кўзи тушган мактаб боласиникидан фарқ қилмай боришини фараз этишган, ана кейин – гулгун ҳайъат ортида кўр тўкмиш бўйнига гулдор бўйинбоғ таққан, кўллари нукул ўйнабгина турувчи хуш..., хуш..., хуш... амакижонларнинг навбати, улар олади кўлга созини, аммо, яйраб сайратишларининг имкони бўлмайди бу сафар, яйраб сайратиб, хумордан чиқишларига имкон бермайди Гулноз бу гал – гулгун ҳайъат ортида кўр тўкмиш бўйнига гулдор бўйинбоғ таққан, кўллари нукул ўйнабгина турувчи хуш..., хуш..., хуш... амакижонларнинг кўлларида чалинмоққа ҳозир соз ўрнида тагин ўша эски ҳаммомдан мерос эски тос эканини илғағач, унинг тарақа-туруқини ҳар галгидек жим туриб тинглашни ҳам, уни тарақлатиб чалмоқ тарадудиди бўлган амакиларни сўнгги бор яйратишни ҳам истамай, хўнграб йиғлаганча бошини чангаллаб чопиб қичиб кетади, не додки, унинг сўнгги умиди ҳам чиппақка чикди, бугун орзулари чилпарчин бўлди, бўлак у гўзаллик даъво қилолмайди, энди у нари борса кўллари чарос, қошлари пайваста дилбар жувонликкагина ярамоғи мумкин, холос, бундан ортиғига, афсуски, даъвогар бўлолмайди – энди кеч, кечикди, кўзини бўяши, кўз бўяшга уринишлари ҳам фойда бермади, Насимнинг ғалаба, ғолиблик нуқси урган “мозорбосди” ҳаёларининг ҳам нафи бўлмади, Насимнинг ўзи бу пайт ҳар галгидек олисда, навбатдаги ғалаба, ғолиблик пайидан сафарда эди ва у, хўнграб йиғлаганча бошини чангаллаб сенинг қошинга чолди, хўн-хўн йиғиси билан сенинг ҳам кўнглингни бузиб елканга бошини қўйди, қизнинг нақш олма янглиғ ёноқларини ювиб тушган кўзёши кўксингни хўл қилди, бу кўзёши тафтини кўксингда туйиб баттар кўнглинг бузилди ва кўлларинг, вужудинг дир-дир титраб, юпатмоқ ниятида қизнинг хуш анво таратмиш қоп-қора сочларини оҳиста силадинг, холбуки, бу пайтда ўзинг ҳам юпанчга муҳтож эдинг, ўзинг дардинга малҳам истардинг ва бу малҳам илинжида истаган бировнинг елкасига бошингни қўйиб, хўн-хўн кўз ёши тўқмоққа тайёр эдинг, бирок, кўксингнинг ичидида яширин бу дарддан ҳам устивор қандайдир туйғу бундай қилишинга имкон бермасди, Гулнознинг ёноқларини ювиб тушган кўзёши кўксингни хўл қилган чоғда ҳам уни сен аниқ ҳис этдинг, акс ҳолда қизга қўшилиб хўнграб юборишинг тайин эди, хуллас,

ўзинг бу пайтда юпанчга муҳтож, ўзинг дардинга малҳам тополмай ҳалак эсанг-да, озроқ юпанч бўлар, ҳарна малҳам ўрнини босар, деган илинжда қизнинг кўксинга қўйилган бошини оҳиста силаб, сўнг беихтиёр юзингни теккиздиг ва димоғинг худди боя кўзлари чарос, қошлари пайваста дилбар жувондан уфурганга ўхшаш хушбўй атрни туйди, аммо, кўзлари чарос, қошлари пайваста дилбар жувонниқидан фарқли ўларок, туйқус қутқу солган кўркувга омихта эмас эди у, аччиқ алам билан тўкилган росмана кўзёшининг хиёл шўр, ачимсиқ таъми келарди ундан, буни сен ўз димоғингда туйдинг, чунки қизнинг юпанч илинжида елканга қўйилмиш бошига беихтиёр юз босган чоғинг унинг кўзёши нам қилган соч толаларини лабларинг бир лаҳза оҳиста ўз оғушига олган эди, аччиқ алам билан тўкилган росмана кўзёшининг хиёл шўр, ачимсиқ таъми келса-да, бу атр яхшигина элитди сени, бир он, бир лаҳзага эмас, қийла ошиқроқ муддатга, аччиқ алам-ла тўкилган росмана кўзёшининг хиёл шўр, ачимсиқ таъми билан эмас, уни димоғинг туйғач, шуурни чулгамиш тотли таассуротлар гирдоби билан, гирдобнинг тинимсиз гир айланган ҳалқалари баайни нурга йўғрилган, бири биридан заррин, бири биридан сержило, айниқса, шуурга дангалроқ нур таратаётган бириси, заррин, сержило зарралари забтларок ёйилаётгани, шунчаки, ўткинчи эҳтирос нашъаси-ла хаёлда туғилган, хаёлнинг зўри билан заррин жило таратаётган гирдобнинг ҳалқаси эмас, бамисли Хулкар... йўк, Ноиба... йўк, йўк, Хулкар... йўғ-эй, Ноиба, ҳа, Ноибанинг... ё Хулкарнингми? Хулкар... Ноиба... Ноиба... Хулкар... э-эй-й, ишқилиб, икковидан бирининг-да, униси бўлмаса буниси, буниси бўлмаса унисининг кулоқларидаги балдоқ, фақат бириники шапалоқдай, иккинчисиники эса шапалоқдан пича қаттарок, бири асло ўткинчи эҳтирос нашъаси-ла хаёлда туғилган, ўткинчи эҳтиросга банди бўлган хаёлнинг маҳсули эмас, балки чиндан ҳам мавжуд, ҳатто қўл билан тутса ҳам бўлади уни, мабодо, эгаси йиғлаб, юпанч илинжида бошини елканга қўйса, кўзёшининг хиёл шўр, ачимсиқ таъмини туйиш ҳам мумкин, агар у чиндан ҳам юпанч илинжида бошини елканга қўйса ва сен, юпатмоқ баҳона, қизнинг елканга қўйилмиш бошига беихтиёр юз боссанг, лабларинг унинг кўзёши нам қилган соч толаларини бир лаҳза оҳиста ўз оғушига олса, лекин, минг афсуски, йиғламайди у, мабодо, бирор қор-ҳол юз бериб шундай бўлган тақдирда ҳам у бошини с е н и н г елканга қўймайди, с е н д а н юпанч изламайди, с е н и н г елканг ва юпанчинга муҳтож эмас у, ҳа, муҳтож эмас, мабодо, йиғласа, бошини бемалол елкасига қўйиши мумкин бўлган ўз юпанчиги бор унинг, ҳа, ўзиники, истаса, юпатмоқ баҳона унинг сочларига ҳайикмай юз босиши мумкин бу юпанчик, истаса, ҳеч қандай баҳонасиз ҳам шундай қилиши мумкин, бунга тўла ҳаққи бор унинг, димоғи кўзёшининг хиёл шўр, ачимсиқ таъмини туядими бунда, туймайдами, умуман, унинг кўзёши ҳам Гулнозики сингари хиёл шўр, ачимсиқми, ё фақат шўр ёки фақат ачимсиқми, ё мутлақо шўр ҳам, ачимсиқ ҳам эмасми – буни сен билмайсан, бундан сен беҳабарсан, билганинг – фақат кўрганинг, кўрганинг эса – унинг озиб-ёзиб бир йиғлагани, йўк, йиғлагандан ҳам баттар бўлгани, дув-дув-тўкилмиш кўзёшлари ёноқларини ювиб, бошини юпанчигининг елкасига қўйгани, юпанчиги эса, ранг-кути ўчган, кўзлари бесаранжом, силамоқ учун қўлини унинг бошига яқин келтириб, сўнг фикридан қайтиб туйқус пастга туширгани ва унинг бошини юпатган каби ўзининг бу елкасидан у елкасига олиш билангина қифоялангани, бошини юпанчиги юпатган каби ўзининг бу елкасидан олиб, у елкасига қўйган чоғда кулоқларидаги шапалоқдан сал қатта балдоқлари ҳайҳотдай ҳовлига чўккан одатга хилоф сукунатни бузиб, безовта силкигани ва унинг елкалари, ҳа,

балдоқлардан дадил, лекин унсиз силкинаётган нозик елкалари, қўллари, ҳа, ёлғиз ўзига тегишли эмаслиги маълум бўлган юпанчигининг бақувват белидан бемажолгина қучган ва елкаларига монанд титраётган нозик қўллари, кўзлари, ҳа, мафтункорликда қошлари пайваста дилбар жувонниқидан қолишмайдиган, бироқ туйқус қутқу солган кўркувга омихта ҳанг-манглик эмас, дафъатан ёғилган маломат боисини англаб, бўйнига олганлик аломати зоҳир чиройли кўзлари, ҳа, йиғлаган, юпанчга муҳтож чоғда ҳам гўзал, мафтункор улар, дафъатан ёғилган маломат боисини англаб, бўйнига олгунга қадар эса бундаин гўзал, мафтункор кўзларга мутлақо хос бўлмаган мислсиз бир қаҳр, дарғазаб ифода зоҳир эди уларда, ҳа, дарғазаблик – дафъатан ёғилган маломатдан, маломат дафъатан, сира қутилмаганда ёғилганидан, дафъатан, сира қутилмаганда ёғилган маломатнинг боисини у ҳарчанд уринмасин, англаб етолмаётганидан, англаб етишга эса ҳеч имкон бермас эди – маломат дафъатан, сира қутилмаганда ёғилгани, маломатнинг дафъатан, сира қутилмаганда ёғилишидан туғилган вазият, ҳанг-манглик, чорасизлик, таранг тортилган асаблар ва, ким билсин, балки сенинг бир чеккада унга қиприқ қоқмасдан, тош қотиб тикилиб турганинг, ҳа, унга, ёлғиз унинг ўзигагина тегишли эмаслиги ошқор бўлган юпанчигига ҳам, дафъатан ёғилган маломатга ҳам, бунинг оқибатида юзага келган вазиятга ҳам эмас, фақат унга, унинг дафъатан ёғилган маломатдан мислсиз қаҳр, дарғазаб ифода зоҳир кўзларига, чунки бунга қадар уларни ҳеч қачон бундай дарғазаб ҳолатда кўрмаган эдинг, кўришинг мумкин ҳам эмасди, зеро, бундан бир неча фурсат олдин, ҳа, атиги санокли дақиқалар муқаддам сўнгги ой давомида қарор топмиш кимлар учундир эртақдагидек ажиб, сеҳрли саналган онлар ўз маромида давом этмоқда эди, сарин шаббода одатдагидек кимларнингдир димоғига асал ҳидини уфурарди, кимлардир бу ҳиддан масту мустағрик, ҳаётидаги энг бахтли, тотли лаҳзаларни бошидан кечирарди, кимлардир эса кўксини зах ерга бериб ётиб зардоб ютарди, агар маломат дафъатан ёғилмаса, ёғилишидан бурун, албатта, эшик қоқмаса, сўнгги ой давомида қарор топган кимлар учундир эртақдагидек ажиб, сеҳрли оқшом ўз маромида давом этаверарди, сарин шаббода одатдагидек димоққа асал ҳидини уфураверарди, кимлардир бу ҳиддан масту мустағрик, ҳаётидаги энг бахтли, тотли лаҳзаларни бошидан кечираётган, кимлардир эса кўксини зах ерга бериб ётган асно зардоб ютаётган бўларди, бироқ, туйқус ажиб, сеҳрли туюлган оқшомнинг кўксини тилиб, димоққа асал ҳидини уфураётган сарин шаббоданинг эса маромини бузиб, эртақдаги сингари сирли аснода – “тақ-тақ-тақ” – эшик тақиллади, эртақдагига монанд сирлироқ бир тарзда – “шип-шип-шип” – юриб бориб, кимдир эшикни очди ва юракни бор забти билан – “гурс-гурс-гурс” – уриб, гумиришга ундовчи эртақдагидан юз чандон сирли, юз чандон гаройиброқ манзарага рўпара келинди: эшик оғзида – оқ лайлак, лайлакнинг узун тумшуғида – оппоқ йўрғак, йўрғакда – ойдай гўдақ, ширин тамшаниб пиш-пиш уйқуни уряпти, кўриб кўз қувнайди, қараб унга кўз тўймайди, агар бу кўзлар йўрғакда ухлаётган гўдақнинг сийратида дафъатан ёғилган маломатни кўриб, қаҳрли, дарғазаб ифода зоҳир этмаса, уларнинг эгаси эса сўнг гўдақдан нигоҳини узиб, дафъатан ёғилган маломатнинг маънисини ўзича англашга уринмаса, ва, ниҳоят, дафъатан ёғилган маломат боисини ў з и ч а англаб, тақдирга тан бермоқдан ўзга чора тополмаса, энг маъқули эса, албатта, йўрғакда ширин тамшаниб, пиш-пиш уйқуни ураётган беғуноҳ гўдақнинг сийратида у ҳеч қандай дафъатан ёғилган маломатни кўрмаса, фақат, боя Бадал Армон тўқнаш келган кўзлари чарос,

қошлари пайваста дилбар жувон каби эшик оғзида кўрғанига ҳанг-манг тикилиб ёқа ушласа, ёки, жуда нари борса, ҳудди қаршисидан биров, дейлик, Бадал Армон даҳшатли шарпа мисол лип этиб ўтгандек, турган ерида тек қотиб, ўзидан туйқус кутқу солган кўркүвга омихта хушбўй атр уфурса, бу атр у юпанч илинжида бошини елкасига қўйган юпанчигининг димоғидан ортиб, бир чеккада киприк қоқмасдан, тош қотиб тикилиб турган сенга ҳам этиб келса ва кўксингда нимадир узилган каби “жиз” этса, ҳа, фақатгина “жиз” этиб нишона берса, нишона берсаю сен кўзларингни чирт юмиб, бошингни орқандаги муздай деворга тирасанг ва бунгача ўтган барча кечмишингни хотирангдан ҳайдаб чиқаришга уринсанг, яхшими, ёмонми, ҳамма-ҳаммасини – сени ўзига мафтун этган ўша майин, жарангдор овозни ҳам, унга мафтун бўлиб дунёдаги барча-барча нарсани унутганингни ҳам, айниқса, сен ўзинг тўкиб чиқарган чиройли чўпчакка алағда юрган бир пайт, туйқус еру осмон ағдар-тўнтар, атроф-жавониб аралаш-қуралаш бўлиб, жисминг бу чўпчак вайронаси остида қолиб кетганини ва, чамаси, бунинг касрига, қулоғинг қаттиқ том битимиб, ё бирор бошқа шикаст ебми, овоз сенга асло мафтункор туюлмаё кўйганини, ҳатто энди у шундоқкина қулоғинг тагида янграётган, унинг соҳибаси сен билан битта девор қуршовида яшаётган бўлса ҳам, ҳолбуки, у яқиндагина сендан кўкдаги юлдуз янглиғ узокликда эди, унинг милт этган жилвасини-да нигоҳинг илғамасди ва у сен учун бутунлай сир, жумбоқ пардасига ўралган эди, зеро, унинг фақат овозинигина билардинг, ҳолос, лекин юз, минг овоз ичида ҳам уни фарқлай олардинг, юз, минг овоз ичида у сенга энг майин, жарангдор туюларди, унинг ўзини сен ҳали кўзинг билан кўрмаган эдинг, унинг исмини ҳам билмасдинг, бироқ, уни ўзингча дунёдаги энг чиройли қиз ҳисоблар, дунёдаги энг чиройли қиз эса фақат ва фақат Хулкар аталишига ишонардинг, баайни кўкдаги олис юлдуз сингари, гарчи милт этган жилваси кўринмаса-да, энг гўзал, мафтункор юлдуз эди у, албатта, фақат сенинг назарингда, чунки ёлғиз сен билардинг унинг коинотда мавжудлигини, Хулкар деб аталиши ҳам ёлғиз сенгагина маълум эди, сен кашф қилган эдинг бу юлдузни, Хулкар номини ҳам унга ўзинг берган эдинг, унинг милт этган жилвасини кўрмоқ илинжида тунлари мижжа қоқмас, деразадан қоронги осмонга тикилиб ётар ва шивирлаб, унга дил розингни изҳор қилардинг, шивирлаб айтган бу дил розингни ўзингдан бошқа ҳеч ким эшитмасди, чунки хонада мудом ёлғиз эдинг, қарама-қарши тарафдаги Ғойибнинг ўрни қарийб икки йилдирки бўш ётарди, бироқ кунларнинг бирида, аниқроғи, бир оқшом сен одатдагидек дераза тагидаги қаравотинга чўзилиб, Хулкарнинг милт этган жилвасини кўрмоқ илинжида зим-зиё осмонга боқаркансан, ойнада ярим яланғоч асно сўнги бор кўрғаниндагига нисбатан икки баравар бўртиб чиққан мушакларини қисирлатганча кўрпа-ёстигини тўғирлаб, ётишга тадорик кўраётган таниш, айтиш мумкинки, қадрдон гавданинг аксини илғадинг ва бўлак унга шивирлаб, дил розингни изҳор қилолмаслигининг тушундинг, яна шунга ҳам ақлинг етдики, Ғойибнинг қайтиши билан энди кўп нарса ўзгаради, хусусан, айна дамга қадар тизгин билмаган ҳисларингни энди маълум даражада жиловлашингга, баъзи ҳолда эса ҳатто тийишингга тўғри келади, аммо, Ғойибнинг қайтиши билан сени бундан юз чандон кўнглисиз воқеа-ҳодисалар муштоқ кутаётгани ва улар энг аввало ўша, Ғойибнинг қайтишига қадар ҳеч тизгин билмай, сўнг жиловланган ҳисларинг билан


боғлиқ бўлишини асло ҳаёлингга келтирмадинг, келтира олмасдинг ҳам, ахир, бу ҳислар Ғойибнинг қайтишига қадар мутлақо тизгинсиз бўлган ва сўнг мажбур жиловланган, баъзи ҳолда ҳатто тийилган эса-да, фақат сеники, ҳа, сенга тегишли эди, Ғойиб улар хусусида ҳеч нарса билмасди, билолмасди, мабодо, озгина сезган тақдирда ҳам у муқаррар шўх жилмайган ва сенга маъноли кўз қисиб: “Бўш келма, укавой!”, деб елқангга қаттиқ бир қоқиб қўйган бўларди, бу амалини кейин ҳам ҳар кези келганида такрорлаб, ҳол-жонингга қўймас эди, лекин Ғойиб бундай қилмасди, чунки ҳеч нарса билмасди, “Бирор юрганинг бордир?”, дея ўсмоқчилаб, билмоққа уринганида эса, сен: “Қайдам... Қаёқдан бўлсин... Бурнимни артиб олай олдин...”, деган каби синик илжайиб, кўзингни ундан олиб қочардинг, “Э, укавой, бўйинг шипга этиб қопти-ку, ҳалиям ўша-ўша ёш боласан-а!”, дея ўзича хулоса чиқариб, бурнингга кўрсаткич бармоғи билан оҳиста уриб кўярди Ғойиб, “Ўша-ўша мишиқсан-а!”, деб айтмасди, балки бундай деб айтишни ҳаёлига ҳам келтирмасди, лекин сен айнан шундай тушунардинг, тушуниб, баттар синикрок илжаар ва юзингни четга бурардинг, танаси бошқа дард билмас, деб ичингда ўзингни овулган бўлардинг, аммо бир қуни айтмоққа уриндинг, Ғойибдан у учун хуш, лекин сен учун асло “хуш” бўлмаган хабарни эшитгач, туйқус кўксингда ғалаён кўзгалди, кўз олдинг қоронги тортди ва унинг юзига бор гапни қичқириб, дангал айтиш мақсадида оғзингни очдинг, бироқ бўғзингга тошдай қаттиқ бир нарса келиб қадалиб, бунга имкон бермади, ҳушинг ўзингга қайтиб, кўз олдинг ёришгач эса ҳатто бундай бўлганига шукр ҳам қилдинг, ҳа, биродар, вой дегин, дод дегин, энди бефойда, нима деб ҳам айтар эдинг, унинг сен учун кўкдаги олис юлдуз сингари бўлганини, ё унинг милт этган жилвасини-да ҳали илғамганингни, ҳатто исмини ҳам тўғри топмаган экансан-ку, нима деб даъво қиласан энди Ғойибга, “У – меники, қани, чўз бубёкка!”, дебми, сен-ку, фақат уни кўкдаги олис юлдузга қиёс қилибсан, ўзингча унга Хулкар деб исм қўйибсан, гарчи милт этган жилвасини илғамган экансан-да, тунлари зим-зиё осмонга тикилиб, унга дил розингни шивирлаб айтибсан, бу ҳол қарийб икки йил давом этибди, Ғойиб эса қайтиб, ҳисларингни жиловлашга мажбур бўлганидан сўнги қисқа вақт ичидаёқ бу юлдузни топиб, кўкдан узиб олиб тушишни удалабди, азамат, исмини таҳмин қилиб, бошини ачитиб ўтирмабди – шартта ўзидан сўраб, билиб қўя қолибди, фақат энди уни буткул ўзиники қилиб, кўксига тақишига гал етгачгина бундан сени огоҳ этибди, шунчаки, гап орасида, унинг овозига маҳлиё турганинг сабаб бўлиб, йўқса шундан ҳам ҳаммадан кейин хабар топар эдинг, ким билсин, балки шундай бўлгани ҳам маъқулмиди, шундай бўлса, балки подадан олдин чанг кўтарилмасмиди, кўксингни захга бериб, зардоб ютиб ётмасмидинг, ўзингча Хулкар деб ном берганинг Хулкар эмаслигини англашиб, йўрғакда пиш-пиш ухлаётган гўдакнинг сийратида дафъатан ёғилган маломатни кўрганидан бу қадар таъсирланмаган, бир чеккада унга киприк қоқмасдан, тош қотиб тикилиб турмаган ва кўксингда нимадир узилган каби “жиз” этиб, барча-барчасини нутишини истамаган бўлармидинг, шунда боя сен қаршисидан даҳшатли шарпа мисол “лип” этиб ўтган кўзлари чарос, қошлари пайваста дилбар жувоннинг ўзингга ҳанг-манг тикилиб, ёқа ушлагани ҳам бунчалик қаттиқ таъсир этмас, кетидан шунча нохуш хотираларни кўзгатиб, таъбингни хира қилмасмиди...



(Давоми келгуси сонда)

Барнобек ЭШПЎЛАТОВ

ЭР ИЗИНИ ПАЙПАСЛАЙДИ



* * *

Висол шомин, гулим, роса интизор кутдик,
уйғун-уйғун тушлар кўрдик саҳар палласи.
Ўзимизча, шукух, шиддат илкидан тутдик,
англадик торлигин бирдан кўкрак қафасин.

Тиниққан бетинг чайдинг-да ўзингга боқдинг,
ҳоргин юзларим бир намлаб, қочдим ўзимдан.
Кўйлагинг нур дарёсидек жисмингга оқди,
оқизоққа берганича кўнглим тўзимдан.

Бир зум кенгликни ўзингга айладим қиёс,
кампиришо атадим кунни - эринчоқ мунча;
дамлар-да танглайга ташлаб минг отимча нос,
сўқаверди хотирамга минг бир тушунча.

Юзийликлар қариган ҳур, илдам пойингдан
таниш излар ва чечаклар кечар-кан сағир,
туйдим олинмиш дийдорнинг ҳоқи лойингдан,
борлигимни ўртамоқда ул юксак бағир.

Мусавирлар нонсиз қолди - бизимдир ранглар;
қизғанамаман ишончимни шубҳадан нуқул.
Теграм узра қанот қоқар масъуд оханглар,
сенга атаб гузарларда танлайдирман гул.

Сен-да талпиниш майидан юрасан сархуш,
қайдам, гиргиттон ташвишлар кетмишлар бадар.
Кун қиёмга етган палла кўрадиран туш -
соат бирдан токи соат бир-у ўн қадар.

Тонгдаги кўйлак туси ҳам туюлар хира;
дийдор рангин истаб ўзни этдинг андармон.
Хушнуд жисминг тарк этади кечмиш, хотира,
кўзларингга йўл кўринар, чиқдинг хиромон.

Атаган ақчаларимни сарфлаб ҳам бўлдим,
аталган кўйлагинг ётлар кўзин ёндирди;
соғинчлар устимдан кулди, хоҳолаб кулди -
ўнми ё йигирма дафъа чанқоқ кондирдим.

Бағри кенг олам, теграмда кечмоқда онлар
бир турли саволлар тўқир - бари жавобсиз;

ғимирлаб ненидир излар тиниққан конлар -
тиланчилар гузаридан кечдим савобсиз.

Бу дунёда икки далли - ўттиз уч ёшда,
суюкли гуноҳга юрмай милён йилга тенг;
изларинг садоси янграб Ерда, Куёшда,
висол рағбатидан хушҳол шимираман енг.

Кўксимда бегона йиллар излари сўнди,
бағримда янгарди армон, хотиранг, танинг;
очиқ елкаларга висол гуллари қўнди,
куёшларга чулғанмишдир бағрим-да маним.

Биз бор эдик; на замону, на ҳикмат; бари -
боқмас энди борлигингга назарин қадаб;
ҳижжалаб ўқидик кўнги кутган дамларин
оқшом соат ўндан азал соати қадар...

* * *

Дарахтлар сарғаймиш, тунги боғлар мўлтираб
изларидан қараб қолар; айвонда ҳазон
дийдиран; толган тиззасин кучиб ўлтирар
тирамоҳ шамолларидан чуйкаган армон;

тунги осмон кенгликларин қаричлар ҳилол.

Киприқларга қалқийди ёш, ёришган жисми
умидлардек тентирайди хаёл йўлида;
болалигин - эсга олар - гулларнинг исмин,
китоб аста сирғалади титроқ қўлидан;

сайхондаги сўқмоқларни кўмсайди сулув.

Дунёлардан ёғду кутган идрок ва бардош
манзилдан кечар экан гўзал бахт ҳақи,
умидлари жунбушида бир шуъла бордай,
дарахтлар ҳам остонага қелгайлар яқин;

хамон анбарин сўқмоқда тентирар юрак.

Қаҳрабо шийдам новдалар қақроқ қафтлардек
сочлар уммонига телба талпинган чоғда
ғимирлаган шарпалар-да бирдан қолиб тек,
сокин кўзёш тўлқинланар қоронғу боғда;

вахимаю соғинчини ютмоқчи ғафлат.

Маъюс чўзилар, сочлари бурқар кўксини,
юзларида қотиб қолар қаҳрабо ёшлар;
хилол сўнг хазонга дўнар ўқсиб-ўқсиниб,
умидлар айвонни аста тарк эта бошлар;

шийдам ҳовлига эврилар нафармон осмон.

Уйқуда аёл борлиғи айқаш-уйқаш сир,
бегона туюлар энди кечмишлари ҳам;
сахар чоғи тушга кирар адашган тақдир,
бир нималар сиймосида дил ўртаган ғам;

дорда доғсиз кўйлагига термулар очун.

Хазонларни остонадан супулар нари,
нонуштасин тайёрлашга тутунар сўнгра;
тушларига кирган эмиш дағал кўллари,
тотли-тотли зиркирайди қуриган кўкрак;

хазон аро эркак изин пайпаслайди тонг.

* * *

Дафтарларим муборак изиндан бўлгайдир обод,
туйғулар нағмасидан яралгай хушоҳанг ҳайрат.
Бағримдан эврилиб-да келгайдир қутқулар озод,
ҳикматга дўнгусидир минг йиллар чатнаган ғайрат.

Қанотингга ёғдулар муборак бўлсин, юрагим!

Гоҳо ғамзаларнинг гадосию гоҳида ҳайрон
қадимий очуннинг эврилиши сиридан қотдик.
Бир умиднинг остонасин қучиб жисмимиз вайрон,
армон гўшасида дийдираб-да терларга ботдик.

Кўз ёшимиз изларини ювди ойдин ёмғирлар.

Нурғунча дийдорини пешлайди шивирлаб онлар
гуллар рухсорида унганида майин жасорат.
Тозариб-тозариб хўш урганга занг босган қонлар,
англадик қалқмишлар муҳаббатдан тагин асорат.

«Ал-мисок»қа ёши тенгдай эди кенгликларингни.

Қанийди, бир тақдир соҳиби-ю йўлчиси бўлсам,
измингга бўйсунса ўз кечмишинг фақат дунёда!
Хайҳот, улкан бир карвонга менгаб йўл босар жуссам,
муаззам кечмишлар сенга инъом, дард ҳам зиёда:

дил, тақдиринг йўлидан кечадир сўнгсиз тақдирлар.

Зарринқанот андалиблар излар теграм узра ин,
абобил туйғулар олис йўлга чорлар эрта-кеч.
Сунбула боғларига тикилдим ошиқона син,
тўкилажак хазонларга далда бердим... адоқсиз эҳ-ҳе,

Ҳазрат Одам новдасидан узгун тақдирлар энди.

Қуёшни узатди бир кулчадек меҳрибон фалак,
ниятларим хушбўйин эсга солди мансур шамоллар.
Азим саҳро тўлғонадир тонглар наздимда ҳалак,
азиз дарё мисол ҳаприққанда сахий ҳаёллар.

Бир ҳовучга тупроққа дўнгимдир саодат куни.

Кўнглим ижарага ололмайди серғайрат ҳасад,
ҳаловатим заминига оёқ уролмас таъма.
Гарчи қимлигимдан кулса ҳамки ақлу фаросат,
гарчи ғаниматлар инъомига этса ҳам шаъма.

«Мато ад-дунё»нинг қутқусидан диллар тилинди.

Осмонга тикилдим, кенгликлари бағримдек бутун,
осмонга термулдим, гуноҳлардан кўзлар ёшланди.
Осмонга син солдим, Она ердан бош тортганди у,
тупроққа йиқилдим, юрагимдан у ҳам бошланди!

Кўкрагимни куйдирарди ошиқ юракнинг уни.

* * *

Чорбоғлар тўқайларда қушлар поклаб патларин,
олис манзил ҳақинда чулдираб қутгандай шомни,
соғинч қалқиб, манзилларга кетгунг ўйлар изидан,
ўзингча топмоқ истаб борлиқдан суюкли номни;

қамишзорлар оғушида ҳамон шивирлар дарё;
алвонбош юлғунзорда найини йитирган шамол
хотиротдан, қайдам, сирли унут юртидан дилга
муждаларин сўзлар, атроф гўё тиниган ҳаёл;

кўк ёғдуси мавжудот қалбига сингийди майин,
сўнгсиз бир ойдинлик яралади ҳаёт тафтидан;
илонлар қумларда кетиб борар хиромон, дилбар,
бургуларнинг дон тергиси бордек инсон қафтидан;

ў, қанийди, зилол сувлардек сингсанг олам бағрига,
балиқларга диёр бўлса кўнглинг чулғаган унлар;
хотиротга уя қурган хушҳол мусича каби
кимгадир эртақлар шивирласанг нофармон тунлар;

ортинга қайрилмай кечабердинг далича шошиб
тошбақалар гумбазига кўшиқ битган қирлардан;
ташна кўзларингни узолмайсан бир сулув кун-ди,
неларнидир илғайдирсан уфқдан тўлғин сирлардан;

она елинларин қутқулайди кийик боласи,
ҳадик босган кўчқорлари маърар бийдай саҳрода;
чағатларни чангитганча қайтар кўтонга сурув,
кўнғироқлар садоси янграйди ўйчан дунёда;

унут бўлаёзган туйғуларни қўмсамиш кўнғил,
илонизи сўқмоқларда елдан жисминг дийдирар;
қадимий битикдек жанланади тегрангда осмон,
жон-жисминга армон билан боқар бедор бир дийда;

кулбанга қайтгинг келмас, барибир, қайтасан ортга,

ёвшанлар хушбўйи тўсмоқ истаб қайтар йўлингни,
сени севганлардан келган соғинч мактуби бўлиб
кечмишлар ойдинликка чулғайди ўнгу сўлингни;

қайтар-кан, топгандексан излаганинг, тўлғонар дилинг,
бир хиргойи тилдан кўчар, ул ҳам дил хотираси;
тўрвонгдан чиқариб болакайга сўйиб берасан,
кўзёшдай енгига томар кечки қовун шираси.

САОДАТ БОШОҚЛАРИ

1

Кимса билмас исмни ўзимга танлаб,
Барно унвонидан кечмоқчиман воз.

2

Биз висол ҳажига келдик атайин,
Юракни ҳовучлаб, ҳовучлаб нурни.
Ўз-ўзингга никоҳ ўқигин, кўнгил.

3

Истараси иссиқ сўзлар келди бу окшом.

4

Чамаси, бу гуллар, кеча кечаси
чикмоқ ва ботмоққа улгурмай қолғон
телба юлдузлардек ерга энгмишлар?!

5

Ихтиёр сендадир, ўзинг айт хотир,
Биз унинг изидан шунча йил боргач,
Ҳақиқат аччиқ деб қандай айтамин?

6

Кўрмадим,
Дунё деган очик бозорда
Сўздан ўзгасининг эркин нархини.

7

Тушқунлик ёмон дуб ким айтган ўзи?
Хушнуд кайфиятни бир аёл каби
Соғиниб турган ҳам керакдир, балким.

8

Сочингга илашиб қолибди тақдир,
Бўлмаса, парвариш айлайсан нени?

Кетрин МЕНСФИЛЬД,
инглиз ёзувчиси

БИР ПИЕЛА ЧОЙ

Ҳикоя

Роземари Фелл унчалиқ гўзал аёл эмас. Ишқилиб уни гўзал дейиш қийин. Ё, «чиройликкина», деб атасакмикан? Ҳа, ҳа. агар Роземарининг фазилатларини синчиклаб кузатсак... Назаримда, синчиклаб кузатиш ҳам унчалиқ шарт эмас-ов...

Роземари ёш, истараси иссиқ, замонанинг энг сўнгги урфида дид билан кийинадиган, китобхонликка ўч аёл. Уни турли касб эгалари даврасида тез-тез учратасиз. Даврадошларининг баъзилари ёқимтой, ажойиб кишилар бўлиб, айримлари эса ғалати-ғалати феъл-атворли эди.

Роземари бундан икки йил олдин турмушга чиққанди. Майкл исми эркатой ўғли бор. Эри ҳам сидқидилдан уни севади. Бу оила бой яшашарди, ҳақиқатдан ҳам бой.

Роземари бирор нарса харид қилмоқчи бўлса, кўпроқ Парижга боради, мен эса Бонд кўчасига бораман. Мабодо Роземарининг кўнгли гулга кетса, машина уни муҳташам бинолар жойлашган Режент кўчасига олиб боради. Шунда Роземари дўкон пештахталарига ҳайрат билан боқиб:

- Мен ана уни, мана буни ва яна манавини ҳам олмоқчиман, - дейди. - Ана ундан тўрт даста берсангиз. Ана у кўзадаги атиргулларни ҳам. Ҳа, ҳаммасини беринг. Йўқ, йўқ, настарин керак эмас. Настаринни ёқтирмайман, жудаям бесўнақай.

Роземарини машинагача озгингина сотувчи қиз кузатиб қўяди. Унинг бир қучоқ гул кўтариб одимлаши худди бесўнақай кийим кийиб олган ёш боланинг юришига ўхшарди.

Қиш кунларининг бирида Роземари Кэсон кўчасидаги кичкина қадимий дўкончага кирди. Бу унинг севимли дўкони эди. Дўконда керакли ҳамма нарсани топиш мумкин. Сотувчи ҳам унга бажонидил хизмат қилади. Бўсағада Роземарини кўрди дегунча қувончдан чехраси ёришиб кетади. Ҳатто севинчдан тили зўрга гапга келади. Хушомал албатта. Аммо, бу ерда бир сир бор-ов...

- Биласизми, хоним, - тушунтиришга ҳаракат



қиларди у мулойим овозда, - молларимнинг қадрини билмайдиганларга сотгандан кўра, уларни сотмасликни афзал кўраман. Гапнинг очиги, уларнинг ҳақиқий қадр-қимматини камдан-кам одам билади.

Шундай дея сотувчи пештахта ойнаси устига бахмалга ўралган жажжигина қутичани қўйди. У буни Роземари учун сақлаб келаётганди. Ҳали ҳеч кимга кўрсатганича йўқ. Нафис дид билан ишланган қутича шунчалик жозибали ярақлардики, худди офтобда товланаётганга ўхшайди. Қутича қопқоғида йигит билан қизнинг расми бор экан. Улар гул тағида ёнма-ён туришар, қизчанинг қўллари йигитнинг елкасида эди. Қизнинг шляпаси гераниум баргидан сал каттароқ бўлиб, узун шохчалардан тўқилганди. Атрофи яшил лента билан ўралган эди. Яна уларнинг устида сезгир фариштага ўхшаган булутча сузиб юарди.

Роземари қўлқопини ечди. У ҳар доим бирор нарса сотиб олмоқчи бўлса шундай қиларди. Ҳа, бу унга ёққанди, жудаям ёққанди. Бу ҳақиқий омад эди. Сотиб олиши керак. Қутичанинг у ёқ-бу ёғини кўрди, очди, ёпди, қўллари кўм-кўк бахмалга жудаям ярашди. Бунга эътибор бермай бўлмасди. Сотувчи пештахтага суяниб ручкаси билан ярқираб турган қутичани сал нари суриб секингина пичирлади:

- Сизга айтсам, хоним, гулларига эътибор беринг.

- Ҳа, ажойиб! - Роземарини гуллар ҳайратга солди. - Хўш, нархи қанча?

Сотувчи, гўё, ўзини эшитмаганга солди. Кейин пичирлаган овоз эшитилди.

- 28 гиней, хоним.

- 28 гиней?

Раземари сездирмади. Қутичани жойига қўйди; қўлқопларини кийди.

- 28 гиней? - Унинг кайфияти бузилди. - Илтимос, олиб қўйинг, кейин оламан, - деди овози қалтираб.

Сотувчи алақачон тушунганди. Албатта, у Раземари учун қутичани бир умр сақлайди.

Ташқаридаги эшик гижирлаб ёпилди.

У қиш ҳавосини кузатди. Ёмғир ёғмоқда. Ҳаво совуқ бўлиб, ҳозиргина ёнган кўча чироқлари хомушдай кўринади. Улар нелардандир афсуслангандай хира шуъла сочиб туришарди. Одамлар ҳам ҳар тарафга шошилишмоқда. Роземари қандайдир ғалати бўлди. Жудаям қутичани олгиси келганди.

Албатта, машинаси жойида эди, фақат йўлдан ўтиш керак. Лекин нимагадир жимгина турарди. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин, кимдир адашади, кимдир уларга йўл кўрсатади, баъзилар йўқ.

Худди шу пайт аллаким:

- Кечирасиз, хоним, - деб унинг хаёлини бўлди.

Роземари бурилиб орқасига қаради. Олдида қорачадан келган жудаям ёш бир қиз турарди. У худди сувдан чиққан одамдай қалтирарди. Қаердан келган бўлса?

- Х-хоним, - дудуқланди қиз, - озроқ чой-чақа пули беринг.

- Чой-чақа? - хайрон бўлди у. Бу овоз умуман гадоё овозига ўхшамасди.

- Умуман пулинг йўқми? - сўради Роземари.

- Йўқ, хоним.

Қизиқ, Роземари унга яқинлашди. Бундан ҳам қизиғи бўладими, ахир? Бирданига бу воқеа Роземари учун саргузаштдай туюлди. Бундай ҳавадаги учрашув худди Достоевский романидан олингандай. Таваккал қилиб қизни уйга олиб кетса-чи? Нима бўлар экан? Жуда қизиқ бўларди. Шунда у хайрон қолган дўстларига: «Уйимга олиб келгандим, холос», - деган бўларди. Кейин олдида турган қизга:

- Юр уйга, бирга чой ичамиз, - деди.

Қиз кутилмаган таклифдан орқага чекинди. Ҳатто қалтирашдан ҳам тўхтади.

Роземари қизнинг қўлидан ушлаб:

- Нимага хайрон бўлаяпсан? Қани кетдик, - деди жилмайиб.

- Йўқ, йўқ, хоним, - деди қиз сесканиб.

- Йўқ, борасан, - деди Роземари қатъий.

- Сиз, сиз мени полицияга олиб бормайсизми?

- Полициягами? - бирдан кулиб юборди Роземари. - Наҳотки шундай деб ўйласанг? Йўқ, фақат ёрдам бермоқчиман, холос.

Улар машинага ўтиришди ва уйга йўл олишди. Йўлда аёл асирасига бундай тасодифий учрашувлар ҳаётда бўлишини, фаришта, меҳрибон оналар ҳақиқатда борлигини тушунтирмоқчи бўлди. Гап охирида:

- Қўрқмасдан юравер. Ахир иккаламиз ҳам аёлмиз... - деб қўйди.

Ниҳоят машина тўхтади. Қўнғироқ чалинди, эшик очилди, бирга уйга киришди. Иссиқлик, ёруғлик, уйдаги шинамлик, ҳамма нарса ўзига ўхшарди. Шу вақтгача билмаган экан. Уйдаги ҳамма жиҳоз уни кутарди.

- Қани юр юқоридаги хонамга, - деди Роземари очиқ қўнғиллик билан. У беозор қизни ҳеч кимга кўрсатишни хоҳламади. Зинадан чиқиши биланоқ хизматкорни ҳам чақирмасдан ўзи қизнинг кийимларини алмаштирмоқчи бўлди. Бундай тасодифий ҳодиса табиий бўлиши керак, ахир!

- Шу ерга, - деди у янада кенг, чиройли хонага киришгач.

Хонанинг пардалари туширилган, олов ёқилган, иесик, ҳаворанг гиламлар, ҳаммаси хонага ярашган эди. Қиз эшик олдида туриб қолди. У хайрон эди. Роземари эътибор бермади.

- Қани, ўтир, - деди у стулни олов ёнига силжитиб. - Озроқ исиниб ол, жудаям совқотганга ўхшайсан.

- Раҳмат, хоним, - деди қиз бироз уялиб.

- Қўрқмасдан жойлашавер. Кийимларимни алмаштиргунча ўтириб тур. Кейин бошқа хонага ўтиб чой ичамиз. Намунча қўрқмасанг. - Шундай дея у қизни елкасидан ушлаб ўтқизиб қўйди.

Қайтиб келганда у қизни қандай ўтқизиб кетган бўлса шу ҳолда кўрди. Ростини айтганда қиз овсарга ўхшарди. Роземари эътибор бермади. Унга бироз эгилиб:

- Шляпангни ечмайсанми? Сочинг хўл экан, - деди.

- Хўп бўлади, хоним.

Шляпа ечилди.

- Кел, пальтонгни ҳам ечамиз.

Қиз ўрнидан турди. Бир қўли билан студдан ушлаб пальтосини Роземарига ечтирди. Пальтоси жудаям оғир эди. У боладай иккиланиб қолди. Агар одамлар бир-бирларига ёрдамлашишни хоҳласалар, озроқ бўлсада бир-бирларини ҳурмат қилишлари керак, бўлмаса жуда қийин бўлади, деб ўйлади. Энди пальтони нима қилса экан? Пальтони ҳам, шляпани ҳам ерга ташлади. Роземари сигарета тутатмоқчи бўлиб турганда қиз тўсатдан:

- Кечирасиз, хоним, ҳеч нарса еганим йўқ, ҳолдан кетаяпман, уйга кета қолай, - деб қолди.

- Ҳозир, бир пас кутгин, - дея Роземари қўнғироқни чалди. - Чой, тезроқ чой келтиринглар, озроқ брэнди ҳам.

Хизматкор кириб чиқар, қиз эса йиғламсираб:

- Брэнди ичмайман, фақат чой ичаман, хоним, - дерди.

Унинг бу ҳолати аянчли эди. Роземарининг унга раҳми келди.

- Йиғлама, жонгинам, йиғлама, - дея рўмолчасини узатди. У бошқа ҳеч нима дея олмади. Озгин елкасидан кучиб бағрига босди. Қиз уялиб ўтирмади. Иккаласи аёл эканлигидан ташқари ҳамма нарсани унутди ва хўрсиниб:

- Энди бундай яшай олмайман, чидай олмайман. Бу туришда ўзимни бир нарса қилиб қўяман, - дея ҳаётдан нолий бошлади.

- Ундай қилма, ёрдам бераман. Қарагин-а учрашганимизни. Ҳозир чой ичамиз, ҳаммасини айтиб берасан. Бирон нарса ўйлаб топармиз. Йиғлама.

Улар чой келганда анча-мунча тинчиб қолишганди.

Хизматчи қизнинг олдини ҳар хил ширинликлар билан тўлдириб ташлади. Роземари сигарета чекиб уни кузатиб ўтирди. Дастурхон олингач беозор, нимжон қиз чарчаб ўзини стулга ташлади.

Роземари сигаретни чекиб бўлди, гапни бошлаш вақти келганди.

- Қачон овқатлангандинг? - сўради мулойимгина.

Шу пайт эшик очилди.

- Роземари, кириш мумкинми?

Бу Филипп эди.

- Марҳамат.

У кирди. Кирди-ю, тўхтаб қолди. Роземари жилмайиб:

- Бу дугона мисс...

- Смит, хоним, - деди қиз кўркмасдан тик қараб.

- Смит, - давом эттирди Роземари. - Бироз гаплашмоқчи эдик.

- Ҳа, албатта, - деди Филипп. Унинг кўзи подда ётган пальто ва шляпага тушди. Филипп оловга яқинлашиб: - Жудаям ёмон кун бўлди, - деди бефарқ ўтирган қизга қараб.

- Ҳа, ҳақиқатдан ҳам ёмон, - гапини тасдиқлади хотини.

Филипп кулиб кўйди.

- Кутубхонага, олдимга киргин. Мисс Смит бизни маъзур тутар.

- Албатта.

Улар хонадан чиқишди.

- Менга қара, тушунтирсанг-чи бундоқ. Ким у ўзи?

Роземари кулди, эшикка суяниб жавоб берди:

- Кэсон кўчасидан топиб олдим. Ҳақиқий топилма. Чой-чақа сўради. Мен эса уйга олиб келдим.

- Энди у билан нима қилмоқчисан? - жаҳли чиқди Филиппнинг.

- Унга яхши муомалада бўл, - деди бирдан Роземари, - аҳволи қийин ҳозир.

- Азизим, - деди Филипп, - биласанми, сен ақддан озибсан. Бу умуман мумкин эмас.

- Билардим шундай дейишингни, - эътироз

билдирди Роземари. - У бугун қолади.

- Лекин биласанми... - деди Филипп секингина ва сигаретасини тишлаб: - Истараси иссиққина экан, чиройли, менга ёқди.

- Чиройли? - Роземари кутилмаган гапдан лол қолди. - Сен шундай деб ўйлайсан-ми? Эътибор бермапман.

- Наҳотки, - деди эр гугуртни чақиб, - У жудаям ёқимли, бир қарагин, азизим. Хонага кирганда ўзимни йўқотиб кўйдим... Нима бўлгандаям хато қилаяпсан. Кўполик қилган бўлсам кечирасан.

- Аҳмоқ қиз, - деди Роземари жаҳли чиқиб. У кутубхонадан чиқиб кетди, лекин қизнинг олдига бормади. Хонасига кириб столга яқинлашди: «Чиройли, ёқимли. Наҳотки шундай бўлса». Чек дафтарчасини олди. Йўқ, чек ёрдам бермайди. Тортмани очиб 5 паунд олди. Иккитасини ташлади, учтасини қўлида сиқиб турди ва қизнинг олдига кетди. Қайтиб келганда Филипп хонада ўтирарди.

- Айтганча, Филипп, ҳалиги мисс Смит биз билан овқатланмайди, - деди у тутилиб.

Филипп газетадан бошини кўтарди.

- Нима бўлди?

Роземари унинг тиззасига ўтирди.

- Кетаман деб туриб олди. Озроқ пул бердим.

- деди жилмайиб ва ўрнидан кўзгалди.

Сочини қайтадан таради, кўзларини бўяди, тақинчоқларини тақиб яна Филиппга яқинлашди-да.

- Мен-чи, мен ёқаманми? - деб сўради секингина.

- Жудаям, азизим, - деб уни ўзига янада яқинроқ тортди эри. Бироз жим туришди. Роземари ялинди:

- Бугун чиройли қутича кўрдим. 28 гиней экан. Майлими олсам?

- Ола қол, азизим.

Лекин эри Роземари кутган сўзни айтмади.

- Филипп, - пичирлади у ва эрининг бағрига баттар суқилди: - Мен-чи, мен чиройлиманми?

Инглиз тилидан Самарқанд Давлат чет тиллар институти толибаси Нилуфар МУҲАММЕДОВА таржимаси

Таҳририятдан: Нилуфархон таҳсинга лойиқ ишга қўл урибди! Зеро, тил биладиган, асарларни аслиятдан тўғрида-тўғри ўзбекчага ўтирадиган мутахассислар бугунги адабиётимизга сув-ҳаводек зарур. Тўғри, Нилуфар МУҲАМЕДОВАнинг илк уринишлари анча-мунча камчиликлардан холи эмас. Бу қусурлар машқ ва тажриба ошириш давомига барҳам топади дея умид қиламиз. Тагин умид қиламизки, Нилуфархоннинг издошлари кўпайиб, аслиятдан таржима қиладиган асл бадиий сўз шайдолари, фидойилари адабиётимиз равнақи йўлида хизматга астойдил бел боғлаб туришади.

Нурилла ОСТОН

ЮРАКДА ЁНГАНИ ҲАҚНИНГ АМАЛИ

ҒАЛАБА ЙЎЛИ

Кириб келди юртга Ғалаба
Мунгли-мунгли волидаларнинг,
сулув-сулув келинчақларнинг
эркаклари қайтмаган йўлдан.

Ҳам ҳўрсиниб, ўксиниб йиғлар
боласини олиб тиззага
эркаклари жангдан қайтмаган
йўл қараган бева кишлоқлар...

АБДУЛЛО

А.Раҳмонга

Бул тириклик кашфи надур Абдулло,
Моли бисёр, йўқдир қадир Абдулло,
Сарҳадлари гоҳи ғадир Абдулло,
Суянчиғинг ёлғиз ҳақдир Абдулло.

Сулув кунлар ўхшар моҳи табонга,
Фасли сўзон ўт тушганда ёбонга,
Тўкилмасин ганжи дилинг нодонга
Суянчиғинг ёлғиз ҳақдир Абдулло.

Бу савдони ҳали ҳеч ким билмаган,
Искандарга дунё вафо қилмаган,
Шоҳи Машраб икки пулга илмаган
Суянчиғинг ёлғиз ҳақдир Абдулло.

Кимки қилди, баҳра олди савобдан,
Аъмали бад нажот излар тавобдан,
Рўзи машҳар қутилмағай жавобдан
Суянчиғинг ёлғиз ҳақдир Абдулло.

Бу қадим йўл, қанча карвон айланур,
Гоҳи шайтон, гоҳи раҳмон айланур,
Ҳаёт отинг нозли жонон айланур
Суянчиғинг ёлғиз ҳақдир Абдулло.

Бировлар бор шерик бўлар нонингта,
Тузингни еб тузоқ қўяр жонингта,
Нокасларни йўлатмағил ёнингта
Суянчиғинг ёлғиз ҳақдир Абдулло.

Чор томонга ташла кўз-у қирингни,
Дўст деганинг кулиб олар сирингни,
Яна бири санар танга мирингни
Суянчиғинг ёлғиз ҳақдир Абдулло.

1996.

ЁЛҒИЗЛАТМА, ДИЛ

Умр йўл, бешиқдан бошлаб чопаман,
Кунларим мағзини бир-бир чақаман.
Баъзида ўзимдан-ўзим ҳафаман,
Мени бу дунёда ёлғизлатма, дил.

Тириклик киприкка илинган нурдир,
Кўрдимки бир карвон, бариси кулдир.
Кийими шоҳона, ўйлови жулдур,
Мени бу дунёда ёлғизлатма, дил.

Ўтган ҳар муттаҳам тепсин-да, майли,
Афтимга лойқани сепсин-да, майли,
Ит каби вовуллаб қопсин-да майли,
Мени бу дунёда ёлғизлатма, дил.

Оёқдан олай деб пойлади нокас,
Кўксига ғаразни жойлади нокас,
Ўзи қул, бу қул деб ўйлади нокас,
Мени бу дунёда ёлғизлатма, дил.

Нодонга нодонсан, десанг балодир,
Бошингта минг турлик жафо салодир,
Яхшиси, бир ҳўтик боқсанг аълодир,
Мени бу дунёда ёлғизлатма, дил.

Битиктош, миҳхатдир умрим тамали,
Юракда ёнгани ҳақнинг амали,
Йўлимни тўсма қоч, шайтон нағмали -
Мени бу дунёда ёлғизлатма, дил.

* * *

Умр учар қушдай ўтаверади,
Баъзида дил бехун, баъзида ғашрок,
Кўксингни ғажийди алланималар
Соғинчга ўхшашрок, ғамга ўхшашрок.

Хаёт гулмих аро қантарилган от,
Кимлар бу бедовда даврон сурмаган.
Минг йиллар ўтса-да Одам наслидан
Ҳеч ким вақт аспига кишан урмаган.

БАХМАЛ

Оқиб ётар ям-яшил водий
Қор кетмаган тоғлар пастида.
Шаршаралар - тили қайралган.
Хуш ҳаволар бор нафасида.

Қушлар тонгни сайраб уйғотар,
Қизлар чиқар кўза кўтариб.
Сўз қотолмай бу сулувларга
Йигитчалар ўтар йўталиб...

Эркалайди товонларимни
Чўккиларга осилган сўкмок.
Жилдирайди тоғлар бағридан
Юрагимга туташган ирмок...

* * *

Аёл шундай: баъзан бир нигоҳ
Ётар жонга ўт қўймоқ учун,
Балки ўшал мужгонлар атай
Яраландир куйдирмок учун.

Ана шунда куйлаб юборар
Оёқларинг остида тупрок
Чап кўксингда от ўйин бошлаб
Кулча бўлиб тинч ётган титрок.

Зеро, бундай ёруғ қайғуни
Бир кўнгилга сиғдирмок қийин.
Дарахтгами, қушгами буни
Чидолмасдан айтасан кейин.

Аёл... манинг илоҳим, тангрим,
Вужудимга тез оқар қоним.
Минг йиллик май ичган майхўрдек
Ёнаётир бу қадим жоним...



Нашъат ЧИФАТОЙ, турк олими

ВАХХОБИЙЛИК

Ваххобийлик ҳақида бизда - Ўзбекистонда - эндигина матбуот хабарлари тарқала бошлади. Халбуки, инглиз, француз, олмон (немис), рус, араб, фарс, турк, хинд олимлари оллақачон унинг моҳияти борасида бир фикрга келганлар ва бу оқим ҳақидаги тадқиқотлари билан ўз халқларини огоҳлантириб қўйганлар. Ваххобийлик бизга яқиндагина - жуда нари борса 5-10 йил ичида - кириб келгани учун, баъзи бировларга сирли, янги, ҳатто қадимий бўлиб кўринади. Аслида бу - тарихдан беҳабарлик, илмсизлик билан алоқадордир. Агарда бизнинг халқимиз ваххобийликнинг ҳокимиятдан бошқа дарди йўқлигини, бу йўлда улар ўз сафдошларини ҳам ўлдириб ташлайверишларини, уларнинг бутун тарихи диний софлик никоби остида қон тўкиш бўлиб келганини билса эди, худди олдинги асрдаги ота-боболаримиз каби уни оstonапарига ҳам яқин йўлатмаган бўлар эди.

Мен бугунги тарихимиздаги ана шу бўшлиқни тўлатиш ишига озгина бўлса-да ҳисса қўшиш умидида «Ваххобийлик» мақоласини ўғирдим. Мақола «Ислом энциклопедияси»да босилган.

«Ислом энциклопедияси» Голландия ва бутун дунё шарқшунослари маркази Лейден шаҳрида, машҳур ношир Э.Ж.Брилл (E. J. Brill) томонидан 1908 йилда нашр этила бошлаган. 1939 йилда эса таълиф, таъдил, икмол ва таржима тарзида Туркия нашри йўлга қўйилди. Олмонча, французча ва инглизча тайёрланган бу асарнинг таълифида олмон, француз, инглиз, голланд, италиян, рус, турк ва араб олимлари иштирок этганлар. Туркия Миллий Вазирлигининг нашриётида 1988 йилда Истанбулда нашр этилган «Ислом энциклопедияси»нинг 13-жилдидан мазкур мақолани туркия туркчасидан ўзбек туркчасига таржима қилдим. Мақола халқимизнинг ваххобийлик ҳақидаги кўп саволларига жавоб беради, деб ўйлаймиз.

ТАРЖИМОН

Ваххобийлик ёки ваххобия, ислом динини янгича қарашлар билан қатъий қоидаларга боғланган бир сиёсий ҳаракатдир.

Бу тутим ва дунёқараш, ўзларининг даъвосича, араб чўлларида шахсларни муқаддас ва муборак ҳисоблаб, шундай ҳиссиёт билан уларнинг қабрларини зиёрат қилиш тарзида Оллоҳга яқинлашиш мумкин деб ҳаддан ошишлар, динда йўқ бидъатлар кўпайганлиги туфайли пайдо бўлган.

Ваххобийлик Мадинанинг шимоли-ғарбидан Баҳрайнгача чўзилган Нажд минтақасида, XVIII асрда юзага келган, улар азалдан Ҳинд, Яман, Эрон, Ироқ ва Суриядан оқиб келган ҳар хил этникларга ишонган, Ҳазрат Мухаммаднинг пайгамбарлик даврида (610-632) эса мусулмончиликни қабул қилган, лекин кўп ўтмай Мусайлима, Сажоҳ, Тулайҳо сингари сохта пайгамбарларга эргашган; Абу Бакр халифалиги вақтида (632-634) Мадина идорасини писанд қилмай бошбошдоқлик қилган; Али билан Муовия курашларини (656-661) шийлар ва хорижийлар тўқнашувларига айлантдириб юборган эди. IX-XII асрларда исломламини ўраб олган мутаассиб ҳаракат бўлмиш карматийлик ҳам шу ердан чиққан.

I. Ваххобийликнинг тузилиши

Тайм қабиласидан чиққан Мухаммад ибн Абд ал-Ваххоб ибн Сулаймон деган киши ўзи тузган мазҳабга отини қўйиб ваххобийлик (ваххобия) деб атади. Бу шахс Нажд минтақасининг Риёз шаҳридан 70 километр узоқликдаги Уйайна қасабасида 1703 йили туғилган.

Ривоят қилинишича, саккиз ёшида Қуръонни ёд олган Мухаммад ибн Абд ал-Ваххоб тафсир, ҳадис, фикҳ ва адабиёт каби фанларни ханбалий мазҳабидаги

олим ҳисобланмиш отасидан ўрганди. Камолот ёшига етганда ҳажга Маккага, кейин илмини орттириш, таҳсил олиш учун Мадинага бориб, тўрт йил ўша ерда қолди ва Харронли Ибн Таймиянинг диний қарашларидан сабоқ олди. Мадинадан Басрага ўтди. Бу ерда ҳам тўрт йил туриб, тавҳид мавзюидаги қарашларини шарҳлади ва басралик олимлар билан баҳсларга киришди. Унингча, мусулмонлар диний билимларни тўғридан-тўғри Қуръон ва ҳадислардан ўрганишлари керак, Мухаммад ибн Абд ал-Ваххоб пайгамбар вафотидан сўнг тан олинган исломий одат ва анъаналарни бира-тўла рад этганида қаттиқ зарбага учради ва Басрадан чиқиб кетди, аввал Боғдогда, Кумга, Ҳамдон ва Исфаҳонга бориб, ўз қарашларини шу тарафларда ёйишга киришди. Шомни ва Қоҳирани ҳам четлаб ўтмади у.

Кейин бир пайтлар отаси ҳам яшаган Хураймила (Риёзнинг шимоли)да истиқомат қилган Мухаммад ибн Абд ал-Ваххоб машҳур асари «Китоб ал тавҳид»ни ёзади. Хураймила халқи зиён-заҳмат етказиб қўйишидан хавотир олган тарафдорлари уни туғилган жойи Уйайнага олиб кетишади.

У бу ерда минтақа амири Усмон ибн Ҳамд ибн Муаммор ҳимояси остида ўз мазҳабига даъват ишини давом эттирди. Бир оздан кейин амирни у, халифа Умар ибн Хаттобнинг Имомома жангида шахид кетган ўкаси Зайднинг ал Жобила қишлоғидаги 1100 йилдан бери савлат тўкиб турган турбасини йиқитишга ундай бошлади. Оқибат, Зайд ва бошқа шахидларнинг турбаларини «Халқ буларга синаётир!» деган даъво билан кунпаякун қилдиради. У, бу ердаги дарахтзорлар ва мағораларни ҳам оёқости қилдиради.

Уйайнада қози бўлиб, фатволар бера бошлаган

Муҳаммад ибн ал-Ваҳҳобнинг кескин хатти-ҳаракатлари бунун атрофида ваҳима ва нафрат уйғотади. Наҳднинг кучли қабилаларидан бўлган Бани Халид қабиласи амири Амир Усмонни сиқувга олади. Амир Усмон, Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳобдан музофотдан чиқиб кетишни талаб қилишга мажбур бўлади. Уйайнадан чиқиб кетгач, Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб Даръияга боради ва амир Муҳаммад Ол Сауд билан битишиб, унинг химоясига қиради.

1744 йили Муҳаммад Ол Саудга кизини бериб, уни куёв қилади. Баъзи ривоятларга кўра, Муҳаммад Ол Сауднинг синглисига уйланиб, қариндошлик ришталарини янада кучайтирган. Бу битишув йилини ваҳҳобий давлати (Саудия Амирлиги) барпо бўлган йил, деб ҳисоблаш мумкин.

Ибн Абд ал-Ваҳҳоб Даръияда ваъз айтиш, сабоқ бериш билан кифояланмай, мазҳабини ҳимоя қилувчи рисоалар ҳам ёзади. Наҳд минтақасидаги амирларга, дин олимларига, Мадина пешволарига, ҳатто Усмонли подшоҳи Салим III га ёзма даъватлар билан мурожаат қилади. Муҳаммад Ол Сауд кўшинлари билан жиҳодларга киришади. 15 йил ичида Наҳд, Осур ва Яманнинг ички туманлари ваҳҳобий бўлади.

Муҳаммад Ол Сауд 1766 йили оламдан ўтгач, ўрнини эгаллаган ўғли Абдулазиз отасидан ҳам ўтадиган ваҳҳобий бўлди ва янги мазҳабни қилич билан ёйишга киришди. Жангларда қўлга киритилган ўлжаларнинг бешдан бирини ўзи олиб, қолганини тарафдорлари орасида тақсимлаганда мужодалалар янада кизиди, тарафдорлари кўпайди.

Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб Саудия Амирлигининг диний йўлбошчиси сифатида амирликка тобеъ ёрларга қозилар тайинлай бошлади. У 1787 йилда (айрим манбаларда 1792 йилда) вафот этди. Ваҳҳобийларнинг ўзларига қарашли ҳудудларни кенгайтириш учун бошлаган фаолиятлари 1790-1813 йиллар орасида шиддатли тус олади. Ҳукумат марказидан, яъни Истанбулдан узоқда эканликлари уларнинг муваффақият қозонишига қулайлик яратди. Иккинчи томондан, бу даврда Султон Салим III ўз аскарларидан қатъий низом асосида жанг қилишни талаб қилаётган, Миср ва Оққони босиб олган фаранглар билан урушаётган эди. Наполеон Бонапарт эса ваҳҳобийлар билан ҳамкорликда кураш олиб боришга келишиб олган эди.

II. Ваҳҳобийликнинг принциплари

Булар ўзларини имонда салафиячи, амалда ханбалий ва тавҳидчи эканликларини айтадилар. Давримиз тадқиқотчилари эса уларни исломда ислоҳотчилар, модернистлар (янгиликчилар) деб баҳолайдилар. Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб илгари сурган принциплар ўрганилганда Ибн Таймия томонидан тақдим этилган ханбалийликнинг, зоҳирийликнинг излори кўрилади. Ваҳҳобийларга кўра имонда бир мазҳабга боғланиш таъқиқлангандир. Ижтиҳод эшиги ёпиқ эмас. Ижмони ва ақлга асосланган истиҳсон ва шунга ўхшаш йўللари рад этган ваҳҳобийлар диний масалаларни ҳал қилишда ақлга ўрин бермаслик, ислом асосларини фақатгина Қуръон ва суннатнинг зоҳирларида (устки томонда) кўрмоқ, ўз ишончларида бўлмаган мусулмонларни кофир ҳисоблаш каби қарашлари билан ислом динига ўзларича маъно ва моҳият беришган.

Ваҳҳобийликнинг ўзини тавҳид, яъни Оллоҳнинг зот, сифат ва феъллари жиҳатдан бирлашуви ташкил этади. Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб «Кашф ал-субҳот» деган асарида Мўминун сурасининг 84-89; Нисо

сурасининг 116; Юнус сурасининг 105-108 оятларини далил сифатида кўрсатиб тавҳид ҳақида шундай дейди: «Тавҳид, намоздан, рўзадан ва закотдан ҳам устун турувчи бир фарздир. Ул фарзларни инкор этганлар кофир бўлганлари каби тавҳидни инкор этганлар ҳам кофир бўлади. Оллоҳнинг бирлигига ишониш қалб билан, тил билан ва амал билан бўлмоғи керак. Булардан бири етишмаса инсон мусулмон ҳисобланмайди. Имон сўз ва амалдир, ё ортади, ё камаяди. Тил билан айтиб, қалб билан тасдиқ этиш етарли эмас. У тил билан айтиш, қалб билан тасдиқлаш ва руқнларга амал қилиш билан тугалланади.

Ибн Абд ал-Ваҳҳобнинг фикрича, Оллоҳнинг амрлари ва пайгамбарларнинг суннатидан ташқари ҳар нарса битъатдир. Имон билан кўфрни фарқлаш деган маънони билдирувчи *амалий тавҳидни ўрнига қўёлмаган киши кофирдир*. **Бундай кишиларнинг моллари ва жонлари ваҳҳобийларга ҳалолдир.** 500 (1107) йилдан кейин ўлганлар нариги дунёга кофир бўлиб кетгандирлар. Ваҳҳобийликка ишонганларнинг ўлигини уларнинг ёнига кўмиш жоиз эмасдир.

Бу ерда ақл, нақл ва амал мавзуларида улар таълим олган салафия, Аҳмад ибн Ханбал ва Ибн Таймиянинг нуқтаи назарларини бир-бирига солиштириш - ваҳҳобийликнинг асл принципларининг очилишига ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

1. Ақл ва Нақл

Салафиячилар «ўрнига қараб ақл ҳам, нақл ҳам далил бўла олади» дейдилар. Аҳмад ибн Ханбал «ақл заифдир, унга таяниб бўлмайди, асл далил нақлдир» дейди. Ибн Таймия «Ақл ила нақлни бир-бирига қарши ишлатиш мумкин эмас. Нақл ақлга уйғундир ва ундан кучлидир» дейди.

2. Муташобих оятлар (муташобих - маъноси очик бўлмаган, Қуръони Каримнинг мажозий маънода келган ояти).

Салафиячилар «Муташобих оятлар - маънолантеририлиши мумкин эмас. Уларнинг устида тўхталинмайди» дейдилар. Ибн Ханбал «Муташобих оятлар лафзнинг зоҳирига кўра маънолантерилади» дейди. Ибн Таймия «Муташобих оятлар маънолантерилади, лекин маъно далил қилинаётган нарсанинг татбиқида тўхталинмайди» дейди.

3. Амалнинг имонга алоқаси борми?

Салафиячиларнинг бир қисмига кўра, амалнинг имонга дахли йўқ, баъзиларига кўра дахли бордир. Ибн Ханбалга кўра «амалнинг имонга дахли бор. Ибн Таймия «амалнинг имонга дахли бор, аммо тавҳиднинг маъноси масаласини назардан қочирмаслик керак», дейди. Ибн Таймиянинг фикрича, тавҳид фақатгина Оллоҳнинг бирлигига имон келтириш эмас; ҳар қандай ибодатни фақат Оллоҳ учун қилиш ва ҳар ишни Оллоҳ учун адо этиш - ҳақиқий тавҳид мана шудир; бундай қилмаганлар мушрикликдан қутулмайдилар.

Аҳмад ибн Ханбал «амал имонга дахлдор» дейдию, аммо масалани тавҳид масаласи эмас, имон масаласи ўлароқ қўлга олади. Имом Абу Ҳанифа «Оллоҳ бирдир, бу бирлик санок жиҳатидан эмас, шериги йўқлиги жиҳатидандир», дейди. Тавҳиднинг ҳақиқий маъносининг қалимаи шаҳодат ва ваҳдоният ақидаси эканлигида фикрий яқдиллик бор. Яъни тавҳидни, амалий тавҳид дея шарҳлашга уриниш умумий имонга (ишончга) қарама-қарши келиб қолиш демакдир. Айни чоғда мутасаввифлардан баъзиларининг тавҳидни ваҳдат вужуд маъносида олишлари ҳам айни шаклдаги зиддиятли нуқтаи назардир.

Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб ақл ва нақл

масалаларига тўхталмайди. У ақлни тамоман бир четга улоқтиради ва ҳар уч йўлни инкор этади. Унга кўра, ақл ила нақлнинг бир-бирига уйғунлиги баҳс мавзуи бўлмагани учун муташобих оятлар, ўз маъносига қабул қилинади (зоҳирий маънода). У бу борада Аҳмад ибн Ҳанбал билан бирлашади, салафиядан ибн Таймиядан ажрашади.

Яна ибн Абд ал-Ваҳҳоб, «амалимонга дахлдордир» деган тамойилни ўзига асос олиб, ибн Таймиянинг тавҳид борасида «ибодатлар Оллоҳ учун қилинади» деган фикрига жиддий эътибор бериб, бунга «амалий тавҳид» деб атайди. Бунга яна бидъатларни, айниқса, тавассул (баҳона, сабаблар)ни тарк этиш масаласини қўшади. Булар унинг салафия ва ибн Ҳанбалдан қайси жиҳатлари билан ажралишини кўрсатади. Унинг фикрича, пайғамбар даврида бўлмаган ҳар нарса бидъатдир ва уларга амал қилиш диндан тойишдир. Шунга кўра бошқача мазҳаб деб саналиши керак бўлган ваҳҳобийликнинг хусусиятлари қуйидагилардир:

1) Ақл далил бўлолмайди;

2) муташобих оятлар далилдир, фақат уларнинг зоҳири тушунилади ва ҳукм бўлади;

3) тавҳиддин мақсад амалий тавҳиддир. Ёлғиз калимаи шаҳодат етарли эмас. Имон билан амални бирлаштирамоқ ва ёлғиз Оллоҳга ибодат қилмоқ керак. Ҳар қандай нарсани ёки кишини авлиё, воситачи ёки муршид дуб қабул қилиш куфрдир;

4) амал имонга дахлдордир; бунга амалий тавҳид ёки тавҳиди маъбудият дейилади;

5) Қуръон кескин далилдир. Кутуби ситта (Бухорий, Муслим, Ибн Можжа, Абу Довуд, Термизий, Насоий)да келтирилган ҳадислар диroyтан (ақлан) ва ривоятан (тарихан) каломчиларнинг, мутасаввифларнинг, ахлоқчиларнинг ва тариқатчиларнинг кўрсатма ҳадислари бутунлай уйдирмадир, далил бўлолмайди. Қуръон ва ҳадисга таянган ижмо (йиғилган фикрлар) ва ижтиҳод (кураш) муътабардир; булардан бошқалари муътабар эмас;

6) Оллоҳнинг сифатлари ҳақиқий сифатлардир. Зотга ва сифатларга доир бўлган оятлар қандай бўлса, шундай қабул қилинади. Булардан кўчма маънолар чиқариш тўғри эмас. Тўғри бўлсайди, пайғамбар бунга билдирадди;

7) Қуръоннинг ва пайғамбарнинг билдирганларидан бошқа нимаки динга кирган бўлса - ҳаммаси битъатдир. Бу битъатлардан ибодатларга ва эътиқодга кирганлари куфр, ахлоққа ва одатларга кирганлари тойилишдир. Мозорларга қуббалар қилиш, уларга қурбонлик қилиш куфрдир. Қабрни зиёрат қилиш тойилишдир;

8) Тавассул (сабаб, баҳона) куфрдир, Оллоҳдан бошқасидан - фаришталардан, пайғамбарлардан, руҳлардан, авлиёлардан ёрдам кутиш куфрдир. Пайғамбардан шафоат тиланилмайди;

9) амалдаги тўрт мазҳаб (ҳанафия, шофеъия, моликия, ҳанбалия) ҳукм чиқаришда Қуръонга ва ҳадисларга таянадилар ва буларни қабул этадилар. Лекин эътиқодда мазҳаблар таъқиқланади. Айниқса, тариқатларга кириш, бир муршидга боғланиш куфрдир.

Ваҳҳобийлар, бу тамал принциплардан бошқа қуйидаги иккинчи даражали масалаларда ҳам аҳли суннат қарашларидан айрилгандирлар:

а) намоз жамоат билан ўқилиши фарз ва ҳар бир мусулмон беш вақт намозда жомеъга келишлари шарт;

б) мусулмонликни амалий тавҳид йўлида адо этмаганларга уруш эълон қилинади ва уларнинг қурбонликлари қийматга эга эмас.

в) закот - солиқдир. Ҳукумат солиқ олмаган даромадлардан ҳам закот олиниши керак;

г) сигарет ёки чилим чекувчилар, ичкилик ичувчилар қирқ дарра уриб жазоланади. Ваҳҳобийлар айна чоғда уйланиш ва ажрашиш, васият ва мерос ҳукмларида, жазо ҳуқуқида Аҳмад ибн Ҳанбалнинг мазҳабидан ва Ибн Таймиянинг ижтиҳодларидан фаркланадилар;

д) вақф муассасаси ботилдир (беҳудадир).

Диний масалаларда ақлни инкор этиш ваҳҳобийларнинг яққол кўзга ташланувчи хусусиятларидир. Ҳолбуки, бу тушунча Қуръоннинг «фикр қилинг, кўринг» каби амрларига зиддир. Агар дин ақлни муҳим деб билмаса, бу - фикр ва виждон эркинлиги йўқ, деганидир. Ваҳҳобийларга кўра, Қуръон оятлари устида теранлашиш жоиз эмас.

III. Ваҳҳобийларнинг бидъат тушунчалари

Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб нақшли мозорлар ва турбалар қилинишига, уларнинг қуббалар билан ўрналишига қатъиян қаршидир. Бундай жойларни, ҳатто турбаси бўлган масжидларни бузаверишларига қараб ваҳҳобийлар «маъбад бузувчилар» ҳам дейилади (маъбад - ибодат жойлари, намозгоҳлар).

Ваҳҳобийлар Маккани босиб олишганда, пайғамбарнинг қабридаги нақшларни, моддий ва тарихий қиймати катта бўлган нарсаларни талаб кетдилар. Пайғамбарнинг завжаси (хотини) Хадичанинг турбасини, Пайғамбарнинг ва Абу Бакрнинг туғилган уйларининг қуббаларини, Мадинанинг машҳур Боқий қабристонидagi саҳобаларнинг, Пайғамбарнинг яқинларининг мозор қуббаларини бузиб, уларнинг тошларидан қалъа қурдилар. Маккада Каъбадан ва Мақоми Иброҳимдан бошқа қайдаки қубба ва зиёратгоҳ бўлса, ҳаммасини бузиб ташладилар. Уларнинг фикрича, масжидга келмаганлар олдин имомдан насиҳат олади, иккинчи бора шаръий ҳоким томонидан огоҳлантирилади, учинчи сафар гувоҳлар олдида жазоланади. Сигарет, чилим, қаҳва каби вужудга зарарли бўлган ва ҳаром ҳисобланган нарсаларни чекувчилар ва ичувчиларга ва майхўрларга қирқ дарра урилади. Лекин кейинроқ қаҳва ва сигаретга, ҳожиларнинг Боқий қабристонини зиёрат қилишларига ва Жаъфарий мазҳабда бўлганларнинг ҳажга боришларига рухсат бердилар.

Неча юз йилларга шоҳид бўлган дарахтларни ва тошдан қурилган обидаларни муқаддас ҳисоблаш ва эъзозлаш, Оллоҳдан бошқасига атаб қурбонлик қилиш, қурбонлик бериш, тумор тақиш, тасбиҳ ўгириш, тасбиҳ дуоси ўқиш бидъатдир. Зикр, суннат ва нафила намозлари таъқиқланади. Яна уларнинг назарида, ҳурмат юзасидан қўл ўпиш, бўйин эгиш ҳам бидъатдир. Авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, мунажжимга ишониш, кўзмунчоқ тақиш, Оллоҳдан бошқасининг инсонга таъсир этиши мумкинлигини тан олиш - куфрдир. «Ёмғир ёғ!» дуосини ўқиб, сувга тош отиш - гуноҳдир. Пайғамбарнинг хотирасини эъзозлаш, у яшаган уйни, хирқасини, соқолини зиёрат қилиш ширқдир. «Далоъил ал-хайрат» деган китобни ўқиш таъқиқланади. Пайғамбарга саловат келтирилади, аммо бунга ибодатга айлантириб, сайиидига «мавлон» демаслик керак бўлади. Шийларнинг Карбало тупроғидан қилинган «муҳра»га сажда қилишлари, Каъба тупроғидан қилинган «муҳра»га сажда қилишлари, Каъба ўрнига Машҳадни ва Нажафни зиёрат этишлари ширқдир. Маҳдий келади, Ҳизр соғ-саломат, Илёс тирик, дейишлар, битта тариқатга киришлар, тариқатларда шайхга боғланишлар ширқдир. Учларга, еттиларга, қирқларга ишонмоқ, ҳавони, замонни, шамолни сўкмоқ куфрдир.

Ваҳҳобийларга кўра, тасаввуф - исломий бўлмаган бир бидъатдир. Тариқат халқни сўриш йўлидир.

Куръоннинг ботиний маъноси борлигини сўзлаш - уни инкор этиш ва дин билан ўйнашиш демакдир. Шунинг учун ҳам ислом динига эски динларнинг одат ва русумларини киритган тариқатларга, ботинийларга, шиага, тасаввуфга қарши қаттиқ кураш олиб борадилар. Шу боис, барча тариқат шайхлари ва тасаввуф арбобларини ўлкаларидан ҳайдаганлар.

Ваҳҳобийлар айтадики, руфойлик, оташпарастлик сихлаш каби нарсалар, бундан бир нарса чиқади деган даъвоси туфайли - ширкдир. Тижонийлар ҳар оқшом Пайғамбар билан учрашишларини ва Пайғамбардан буйруқ олишларини иддоо қилганликлари учун куфрга ботандирлар. Қодирийлар, Нақшбандийлар ҳам ширк томонга тойганлар. Аҳли байтнинг севиш ва Алига меҳр қўйиш, Али авлодини беозор деб ҳисоблаш ҳам ширкдир. Мухаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб, ўз шаҳри халқини ансор, ташқаридан келганларни эса муҳожирлар дерди. Бу тушунча ва шу асосдаги ҳатти-ҳаракатлари туфайли ақоли Сулаймон ибн Абд ал-Ваҳҳоб бир раддия ёзиб, унинг ақидаларини қатъиян қоралаган.

Мухаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб ўзига эргашмаганлар билан қаттиқ кураш олиб борганлигига сабаб кўрсатиб, "амр биълмаъруф наҳй аниъл-мункир" гоёсини келтиради. Буни ўрнига қўйиш, ваҳҳобийларча, бир вазифа бўлиб, ижросини имом ёки амир, маъмур (амалдорлар) тайин этади. Улар халқни жамоат билан намоз ўқишга мажбурлайдилар, айниқса бомдоддан кейинги фарз намозларига келмаганлар рўйхат асосида йўқлама қилинади. Давлатдан ойлик олувчи маъмурлар ичкилик ичмаслик, ипакли либос киймаслик, чолғу чалмаслик, мусиқа тингламаслик, чекмасликни ташминлашлари керак. Кейинчалик бу вазибаларни бажариш ё бажармаслик ҳукумат ихтиёрига ҳавола қилинди. Эндиликда Саудия ҳукумати, қаҳва, чилим, сигарет; алкохолсиз пиво ичилишига ҳам руҳсат берган.

IV. Ваҳҳобийликнинг илк муваффақиятлари

Мухаммад ибн Абд ал-Ваҳҳобнинг Басра, Бағдод, Кум, Исфажон, Ҳамадон, Шом ва Қоҳира саёҳатларидан қайтиб, Ҳураймилада бир мунча муддат отаси ёнида тургандан кейин тарафдорлари ортган кўринади. Чунки у 1733 йилда Макка амири Масъуд ибн Саиддан ваҳҳобийларнинг Маккага ҳажга боришлари учун изн олиб, 30 кишилик бир ҳайъатни йўлга солганди. Бундан мақсад - Ҳижоз халқини ўз мазҳабига даъват этиш эди. Макка амири уларни Ҳаромайн олимлари билан диний мунозарага чорлади. Ваҳҳобийлар ўзларини мудофаа қила олмадилар - ожизликлари кўринди ва енгилдилар. Макка қозиси уларни кофир дуб ҳукм чиқарди, баъзиси қамоққа ташланди, баъзилари қочди. Ҳижозда ваҳҳобийларга қарши чуқур бир нафрат ўйгонганлиги сабабли, уларнинг пул бериб ҳажга келишлари ортик рад этилди.

1790 йилда Макка шарифи Ғолиб (шарифлиги 1788-1813) билан ваҳҳобийлар орасида қуролли тўқнашув бошланди. Макка шарифи, Тоиф қалъасини таъмир эттириб, Макка тоғларида истеъкомлар қурди. 1744 йилдан бери ваҳҳобийлар билан ҳамжорлик қилиб келган Мухаммад Ол Сауд, ўгли Саудни қатта ҳарбий куч билан Ироққа йўллади. Бу кўшинлар 10 муҳаррам 1217 (13 май 1802) йилда Карбалода мотам маросини ўтказаятган шийларга ҳужум қилиб, икки мингдан ортинги кириб ташладилар; Ҳусайннинг турбасидаги олтин-кумуш ашёларни икки юз туяга юклаб Даръияга келтирдилар.

Иккинч тарафдан Абдулазиз Ол Сауд узок давом

этган қамал, шиддатли тўқнашувлар ва фитналар натижасида Тоиф шаҳрини ҳам қўлга киритиб (18 февраль 1803), халқини ўлдиртириб, молларини талон қилдириди. Бир қанча диний китобларни ёқдириди, шаҳардаги ва шаҳар атрофидаги мазорларни, турбаларни буздирди. Пайғамбарнинг амакисининг ўгли Абдуллоҳ ибн Аббоснинг турбаси ҳам ер билан битта қилинди.

Ваҳҳобий кўшинлари 1803 йилнинг 30 апрелида Маккани олдилар. Абдулазиз Ол Сауд эҳром кийиб шаҳарга кирди. Эртаси куни халққа қилган баёнотида: «Сизни исломнинг тўғри йўлига киритиб, ширкдан кутқаргани учун Оллоҳга шукр қиламан. Сизни ширк ва озиш йўлидан воз кечиб, фақат Оллоҳга бандалик қилишга даъват этаман. Сиздан Оллоҳни севганларга дўст ва Оллоҳ душманларига душман бўлишингиз тўғрисида менга биот (қасамёд) қилишингизни истаيمان», деди.

Олдин Абдулмўмин бин Масоуд, муфти ва бошқа мансабдорлар, кейин бутун халқ унга биот этди. У эса, Пайғамбар, Абу Бакр, Умар, Али ва Фотима туғилган уйларни буздириб, тўрт кун тургандан кейин, бу ерда одамларидан икки юз кишини қолдириб Жиддага кетди. Шунда Макка шарифи Ғолиб ваҳҳобий кўшинини тор-мор қилди. Абдулазиз Ол Сауд Наждга қочишга мажбур бўлди. Аммо яна кўшин тўплаб келиб, Маккани 25 кун қамалда тутди ва қайта қўлга олди.

Ваҳҳобийлар Карбалода икки минг (бошқа манбаларда беш минг дейилган) шийини қиличдан ўтказишди. Шундан кейин ўч олмоқчи бўлган Усмон исмли бир шийи Даръияда Абдулазиз Ол Сауднинг этиборини қозониб, унинг хизматида қиради ва намоз ўқиётганда пичоклаб ўлдирди; ўзи ҳам ўлдирлади. Ваҳҳобийлар бу ишни Бағдод волийси Али Пошо уюштирган, деб даъво қиладилар. Тарихчи Айюб Сабри Пошо эса, «Тарихи ваҳҳобийон» китобида, Абдулазиз ваҳҳобийлар билан терслашиб қолган бир бадавлат киши томонидан ўлдирилган, деб ёзади.

Абдулазиздан кейин унинг ўрнини ўгли Сауд эгаллади. Отаси каби қобилиятли бўлмаган ва шубҳачилиги туфайли Даръияга бошқа қавм намояндаларининг киришини таъқиқлаган Сауд Мадинани қамал қилиб қўлга киритди (июнь 1805). Халқни куйидаги амалларга даъват этди:

- Оллоҳга ибодат, ваҳҳобийларнинг ишончлари ва қондаларига итот қилиш;
- Ваҳҳобий имоми қандай тайин ва тавсия қилса, худди шундай тарзда Мухаммадга риоят қилмоқ;
- Мадина ичида ва атрофида мавжуд бўлган турба ва мазорларни бузиб, балиқ сиртига ўхшаш дўнг тўпроқ ҳолига келтириш;
- Мухаммад ибн Абд ал-Ваҳҳобни Оллоҳдан илҳом олиб мазҳаб яратган муҳаддид (англик яратувчи) сифатида танимоқ;
- Ваҳҳобий мазҳабини қабул қилмаганларни, қабул қилишни истамаганларни ўлдириш, шиддатли таъқиб остига олиш;
- Ваҳҳобийларга қалъада қолиш ва қўриқчилик қилишлари учун розилик билдириш;
- Ваҳҳобийларнинг диний ва сиёсий ҳар хил амр ва таъқиқларига қатъий риоя қилиш.

1806 йил қонуни-аввал ойининг бошларида Макка янгитдан ваҳҳобийлар қўлига ўтганини, шариф Ғолибнинг ҳам охир-оқибатда Саудга биот этгандан кейин ўрнида қолдирилганини кўрамай. Сауд ўз одамларидан Абдурахмон ал-Йотомийни Макка қозиси қилди. Шом аҳолисини қиличдан ўтказди. Ваҳҳобий амирлиги 1811 йилда Ҳалабдан Ҳинд Уммониға қадар, Басра кўрфазидан Қизил денгиз қадар кенгайди.

V. Ваҳҳобийларга қарши Усмонли Давлатининг тутими

Ваҳҳобий ҳаракатлари тўғрисидаги дастлабки маълумот Макка шарифи Масъуд ибн Саид томонидан Истанбулга 1749 йилда юборилган эди. Бу пайтда Усмонли тахтида ўтирган Маҳмуд I (ҳукмронлиги 1730-1754) яничарилари (гвардиячи пиёда аскарлари) Патрона исёнкорлари билан тўқнашиб, уларни тинчлантириш билан овора эди. Эрон шоҳи Нодиршоҳ шарқий чегараларга таҳдид солаётган, ғарбда эса Русия ва Австрия истилоси давом этаётган эди. Усмонлиларнинг ғарбда рус босқинлари, Сурияда Жаззор Аҳмад Пошо, Мисрда кўламанлар исёни билан банд бўлган султон Абдулҳамид I даврида эса (ҳукмронлиги 1774-1789) ваҳҳобийларнинг зулмлари янада ортди. Макка уламоси «Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб динсизлиги учун юртдан чиқариб юборилиши ва агар яна ўз ишини давом эттирса ўлдирилиши вожибдир» дея фатво чиқарди. Шунда Макка шарифи бу аҳволдан Истанбулни хабардор қилди. Подшоҳ Абдулҳамид ваҳҳобийларни бостириш учун Жидда волийси Усмон Пошога фармон юборди, бошқа томондан Нажд халқининг бир қисми ҳам Бағдод волийси Сулаймон Пошога шикоят қилаётган эди.

Салим III даврида эса, французлар Мисрга бостириб киргандилар. Тепадаланли Али Пошо, Пазванд ўғли, Белград Дойиси исёнлари, сербларнинг оёққа туриши ва Низоми Жадид ҳаракатлари Салим IIIнинг, Ҳаромайнда қаттиқ ҳаракат қилаётган ваҳҳобийлар устига кўшин юборишига имкон қолдирмаган эди.

Ваҳҳобийлар талончилик босқинларини Ҳаромайндан Тоифага қадар кенгайтиришганда, Усмонлилар ишнинг мураккаблашганини англай бошладилар. 23 ташрини охир 1802 йилда Истанбулнинг олди мударрисларидан Одам Афандига («Тарихи Жавдат», VII, 201) Эдирна вилоятининг қозиси даражасида катта унвон берилди ва Қуддус қозиси қилиб Наждга йўлланди. Ҳаждан ўзига биот олган, Маккада барча чубук (чилим, мунштук), соз сингари нарсаларни синдириган ва саҳобаларнинг уйларини, мазорларини, турбаларини буздирган Сауд бир қанча одамлари билан Маккага келди ва Одам Афанди билан учрашди. Бундан олдин Одам Афанди Саудга огоҳлантирувчи мактуб йўллаганди ва шунинг учун ўрталаридаги сўхбат кескин вазиятда ўтди (6 май 1803). Сауд, Одам Афандига бир талай ҳадьялар инъом қилиб, уни Истанбулга қайтариб юборишга эришди. Бу - уларнинг ҳеч қандай битимга эришмаганларини кўрсатар эди. (Жавдат, ўша асар, VII, 210-бет ва VIII, 123-бет).

Шунда Усмонли ҳукумати ваҳҳобийларни тинчйтиш ишини Қавололи Маҳмад Али Пошо (1769-1848)га ҳовола этди. Шунингдек, унга 1805 йилда тасдиқ этилган Миср волийлигидан Бобиолийга (Истанбулдаги ҳукуматнинг олий маъкамасига) солиқ ундириш ва Ҳижозни ваҳҳобийлардан тозалаш вазифаси ҳам юкланди.

Кейинроқ Маҳмуд II (ҳукмронлиги 1808-1839) Ҳорам оғаларидан Исо Оқа орқали Мисрга Маҳмад Али Пошонинг сафарга чиқишига доир фармон йўллади (1810). Маҳмад Али Пошо ўғли Аҳмад Тўсун кўмондонлигидаги бир Миср кўшинини 1 март 1811 йили кемалар билан Янбу портига жўнатди ва бу кўшин қонуни-аввал 1812 йилда Мадинага кирди. У ерда ушланган ваҳҳобий Баддаи ибн Мозийон Истанбулга юборилди ва у ерда эъдом қилинди. 23 қонуни-охир 1813 йилда Макка, бир неча кундан сўнг Тоиф олинди. Маҳмад Али Пошо, Каъбанинг қалитларини ва бошқа омонатларни ўғли Комил Исмоил Пошо билан

Истанбулга йўллади (2 май 1813).

Султон Маҳмуд бу муваффақиятлари учун мукофот сифатида М. Али Пошога ва ўғли Аҳмад Тўсун Пошога қилич, кафтан ва заррин тўнлар юборди. Сауд 27 апрель 1814 йилда Даръияда ўлди, ўрнига ўғли Абдуллоҳ ўтди. Бу тарафда Аҳмад Тўсун Пошо ҳам вафот этди ва Ҳижоз бирликлари кўмондонлигига тайин этилган ўкаси Иброҳим Пошо Даръияни беш ой камал қилиб қўлга киритишга муваффақ бўлди (июнь 1818). Абдуллоҳ Ол Сауд тутилди ва Мадинага келтирилиб тўрт кун халқ ўртасида шармисор этилди, кейин тўрт ўғли, домласи, иккинчи қотиби ва девончаси билан бирга қўллари боғланиб Искандария орқали Истанбулга йўлланди. («Тарихи ваҳҳобийон». 266-бет) Шайхулисом Маккийзода Мустафо Осимафандининг берган фатвоси асосида, Маҳмуд II нинг амри билан, Абдуллоҳ Сарой Майдонидида қатл этилди, бошқалари ҳам Истанбулнинг турли ерларида эъдом қилиндилар. Ваҳҳобийларнинг халифаликни бўлиб юборишга қаратилган барча ҳатти-ҳаракатлари ислом оламида катта овоза бўлди. Шу билан ваҳҳобийлар масаласи ҳал бўлгандай эди, аммо яна Ҳижозда Маҳмад Али Пошо масаласи ўртага чиқди. Гап шундаки, 1818 йилдан кейин ваҳҳобийлар амалда Маҳмад Али Пошо идорасига кириб олгандилар.

Эъдом этилган Абдуллоҳнинг ўкаси Машшарий 1818 йилда Даръияни қўлга олди. Маҳмад Али Пошо 1819 йилда у ерни қайта қўлга киритди. Бироқ Миср кўшини орқага қайтганида, Абдуллоҳнинг ўғли Таркий, ўзи пойтахт қилган Риёзга жойлашиб олиб, у ерни 1820-1839 йиллар орасида II Ваҳҳобий давлати деб атайдиган ва 1891 йилгача давом этган бу давлатнинг асосчиси бўлади. 1830 йилда Оҳсони қўлга киритган ва бир оз кейин Баҳрайнинг назорат остига олган Таркий 1834 йилда ўлдирилди. Шундан кейин давлатни қўлга олган ўкасининг невараси Машшарий ибн Абдурахмон ибн Машшарий қирқ кун ҳукмронлик қилди. Бу Машшарий Файсал ибн Таркий қирқ кун ҳукмронлик қилди. Бу Машшарий Файсал ибн Таркий томонидан ўлдирилди. Шу тариқа ваҳҳобийлар ҳокимият учун бир-бирларини ўлдиришда давом этдилар.

1888 йилдан кейин ваҳҳобий шайхлари ва Макка шарифлари, Усмонли идорасидан чиқш учун, инглиз, француз ва итальянлар билан шартномалар туза бошладилар. Ваҳҳобийларнинг бошлиғи Абдулазиз ибн Абдурахмон ибн Файсал ибн Таркий 1902 йилдан эътиборан эски ерларда ҳукмронлик қила бошлади; Усмонли давлати, унинг тамоман мустақил ҳолга келишини йўлга қўйиш учун унга Нажд волийси ва кўмондони унвонини беришга мажбур бўлди.

Макка шарифи Ҳусайн инглиз босқинчилари билан биргаликда туркларга қарши фаолиятга ўтган вақтларда инглизлар билан 26 қонуни-аввал 1916 йилда тузилган шартнома асосида Абдулазиз Ол Сауд Нажд, Оҳсо, Қотиф, Жубайл ва шу атрофдаги туманларга ҳукмдор сифатида танилди.

Мондрос тинчлик шартномаси асосида 1918 йили Усмонли давлатининг кўшинлари Ҳижоз минтақасидан чиқиб кетгандан сўнг 1924 йил ваҳҳобийлар Макка ва Тоифни босиб олдилар. 1926 йилда Абдулазиз ибн Абдурахмон ибн Файсал ибн Таркий Ҳижоз қироли деб эълон қилинди. Шундан сўнг ваҳҳобийликнинг янгитдан жонланиши ва сиёсий жиҳатдан кучланиши юз берди.

20 май 1927 йили Абдулазиз ибн Абдурахмон Ол Сауд инглизлар билан Жиддада дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси тузди. Бу - уларга тўла мустақиллик имконини яратди ва олдинги шартномадаги оғирроқ шартлардан халос этди. Ўзини ислом халифаси деб эълон қилмоқчи бўлган Макка шарифи Ҳусайнни 1930

йилда ҳокимиятдан четлаштирган Абдулазиз 18 июнь 1932 йилда Ҳижоз ва Нажд малики унвонини олиб, бугунги Маудия Арабистони давлатининг тепасига ўтди.

Бу орада Ҳижоз қироллиги атташе (элчихона унвонли ходим)ларидан Ҳофиз Ваҳҳобнинг 1929 йил 5 июлда Лондонда матбуот ходимлари учун берган баёнотида айтган сўзлари уларнинг кимликларини яхши ақс эттирди. У ўз сўзларида Нажд аҳолиси туркларни ҳеч қачон ислом мудофаачилари сифатида қабул қилмаганлигини даъво қилади. Ҳолбуки турклар неча юз йиллар давомида халифаликни муваффақият билан бошқариб келганлар.

Ҳижоз қироллиги атташеси ҳофиз Ваҳҳобнинг сўзлари ҳар қандай кишида, ваҳҳобийлик - араб миллатчилиги ҳаракати бўлганлигига ишонч ҳосил қилиши муқаррардир.

VI. Ваҳҳобийликнинг бошқа ислом мамлакатларида тарқалиши

Ақидаларида ибн Таймиядан ўрнак олган ваҳҳобийлар, Усмонли турклари орасида ҳам ваҳҳобий бўлган, деб XVI асрда яшаб ўтган Биргивийни кўрсатадилар. Биргивий исломий вақф муассасанинг бир қанча тармоқларини инкор этади, ўқитувчилар ва имомларнинг ҳукуматдан ойлик олишларини маъқулламайди. Ақлчиларга ҳужум қилади. Ҳар янгиларни бидъат деб ҳисоблайди. Мадрасаларда тиб ва бошқа аниқ фанлар ўқитилишига қарши чиқади. Биргивий фатволари туфайли кўп тартишувлар чиққан, ҳатто Қозизодалар ва Сиваслилар ўртасида қуроли тўқнашувлар юз берган.

Ҳиндистонда ҳам Ибн Таймия қарашларига уйғун бир жараён юзага келганди. Ҳиндли Шоҳ Вали Оллоҳ (вафоти 1762) нинг Салафия давридаги ислом асосларини жонлантириш мақсадида тузган мазҳаби ҳам «янги ваҳҳобийлик» дейилади.

Ундан ташқари Саййид Аҳмад Боралвий (1786-1831) томонидан бошлаб юборилган «Мужоҳидлик ҳаракати» ҳам ваҳҳобийлик мазҳабини ёйиш учун хизмат қилди.

Бошқа томондан Муҳаммад ибн Али ал-Сонусий (1791-1859) Шимолий Африкада, Муҳаммад ал-Шавқоний (1758-1835) эса Яманда шу йўлда ғайрат қилдилар. Ироқда Олусий оиласидан Шаҳобиддин Маҳмуд ал-Олусий ва унинг ўғли Нуъмон Хайридин Маҳмуд ал-Олусий билан ал-Олусий (ўлими 1924 йил) ҳам ваҳҳобийликни мактаб асарлар ёздилар. Мисрлик шоир Муҳаммад Абдуҳ ҳам айрим мавзуларда ваҳҳобийлар билан фикрдош бўлган. Лекин фикр ҳурриятида, салоҳиятта аҳамият беришда улардан фарқланган.

Жамолиддин Афғоний (1838-1897) баъзи тушунчаларига кўра, ваҳҳобийлик таъсирида кўринади, лекин у ҳам диний муросасозлиги жиҳатдан кўпроқ Муҳаммад Абдуҳга яқиндир.

Ваҳҳобийликнинг шариати, мутаассиб ва кўр-кўрона курашчилик хусусиятлари Ҳасан ал-Банно тарафидан 1928 йилда яширинча тузилган «ихвон ал-муслимин» ташкилоти фаолиятида кўзга ташланади. Унга кўра, исломият ҳам, дин ҳам давлатдир. Инсонлар ёзган қонунлар кучсиздир, жиҳоднинг мақсади исломий тизимни ҳоким қилмоқдир. Илгари ўқитувчилар мактабида муаллимлик қилиб, кейин «Мани марҳамат» жамиятини тузган бу зот Қуръоннинг Конституция эканлиги ҳақида баёнот бериб, барча сиёсий партиялар ва жамиятларга қарши уруш эълон қилиб, исломни

кўлламаган ҳар қандай кишини душман ҳисоблаб, эркакларнинг олтин узук тақшилари ва ипак либос кийимларини ҳаром деб ҳукм чиқарди. Ҳасан ал-Банно Мисрда мавжуд сиёсий тузумни қаттиқ танқид қилаётган бир пайтда Қоҳирада ўлдирилган. Ал-Баннонинг фикрлари Жамол Абдул Носир бошчилигидаги ёш зобитлар орасида ёйилди ва бу зобитлар Миср қироли Фаруқни 1952 йилда тахтдан тушириб, мамлакат ташқарисига сургун қилдилар.

Аммо ваҳҳобийлар 1964 йили давлат раиси Жамол Абдул Носирга қарши суиқасд уюштирдилар. Ундан ташқари, Мисрнинг таниқли мутафаккирларидан Саййид Қутуб ҳам «Йўлдаги ишоратлар» китоби учун эъдом қилинди (1966 йил, июн).

VII. Ваҳҳобийликка қарши чиққанлар

Бу янги мазҳабга қарши фикрий ва илмий эътирозлар каломчи, фалсафачи ва суфийлар томонидан билдирилди. Бу соҳада илк зарба мазҳаб асосчисининг акаси Сулаймон ибн Абд ал-Ваҳҳоб томонидан берилди. У, ўз укасининг фикрлари динга ва Ҳанбалий мазҳабига зид эканлигини тасдиқлаб, «Ал-савоийқ ал-Баҳиййа филь-Радди илаъл-ваҳҳобийа» деган асар ёзди. Қубоний Аҳмад Афандининг «Фасл ал-хитоб фи рад залолат ибн ал-Ваҳҳоб» деган китобида ҳам ваҳҳобийлик қаттиқ танқид қилинган. Маккада Шофезий муфтилигини адо этувчи Аҳмад ибн Зайний ал-Дахлон ҳам «Фи дурор ал-сониййа филь-Рад аълаъл-ваҳҳобия» номли бир раддияни қаламга олгандир. Бағдодли Жамил Сидқий ал-Заҳавий «Ал-фажр ал-Содиқ филь-рад мунқор ал-тавассул ваъл-карomat ваъл-ҳаворик» номли бениҳоя ўткир бир асар ёзди ва у 1907 йилда Мисрда босилгандир. Бундан ташқари ваҳҳобийликка қарши ёзилган асарлар ҳам бор: Ҳасан ибн Ҳасан ҳозбек «Ал-мақолат ал-вафиййа филь-рад аълаъл-ваҳҳобия», Ҳасан ал-Шотибий ал-Ҳанбалий «Ал-нукул ал-Шаръия филь-рад аълаъл-ваҳҳобия» ва ҳ.к. (Ислом энциклопедияси, 13-жилд, 262-268-бетлар, Истанбул - 1988 й).

Миразиз Аъзам таржимаси

Изоҳлар:

1. *Шийлар* - дунёвий сабаблар оқибатида Аҳли суннат ва жамоат мазҳабидан ажралиб чиққан бир фирқа.

2. *Хорижийлар* - шийлар форс бўлмаган барча миллатларни хорижий дейишарди.

3. *Карматийлик* - исломга мусовийликнинг, араблар дунёсига ғарбнинг таъсирини кучайтириш ва исломни бузиш орқали уни ҳаммага бирдай қилиш тарафдори бўлган бир оқим.

4. *Ҳанбалий оқими* - Исломда пайғамбарга эргашувчи суннат аҳли тўрт оқимга бўлинган: Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофезий ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал. Имом ибн Ҳанбал йўлидан кетганлар «ханбалийлар» дейилган. Биз, ўзбеклар, Абу Ҳанифа мазҳабиданмиз. Шунинг учун бизни «ҳанафий» дейишади.

5. *Зохирийлик ва хорижийлик* - масаланинг устки томонига амал қилувчи, ички мазмунини эътиборга олмовчи ва Ҳазрат Алига муҳолифатдаги саҳобаларнинг ҳар бири шундай номланади.

6. *Ижмо* - Ҳукм чиқаришда кўпчилик олимларнинг умумий фикрига асосланиш.

7. *Истихсон* - Ҳукмда оят ва ҳадисларнинг энг гўзалига риоя қилиш.



Исроил СУБХОНИЙ

ГЎЗАЛЛИК НОМИДАН ЎҚИЛАР ФАРМОН

ЮРАГИМ

Юрагимга буйрук беролмайман, йўк,
Юрагим - ўйиндан ташқари ҳолат.
Унинг қонунлари бамисоли ўқ -
Ўз-ўзидан қарор топган адолат.

Унда хато бўлмас - ҳақиқат нукул,
Чизган чизигидан чикмас тафаккур.
На баҳона ва на шикоят қабул,
Фалсафаси эса жуда ҳам чуқур...

Чунки унда Тангри яшайди танҳо,
Ҳар хил суратларда бўлиб намоён.
Бу бир улуг тахтким - муҳаббат ва ё
Гўзаллик номидан ўқилар фармон.

БИР КАМ ДУНЁ

«Бир кам дунё» дерлар, бу гапда жон бор,
Қачон буткул тугал бўлган бу дунё.
Ҳар қадамда бир айб, бир нуқсон такрор,
Ҳар қадамда ечиб бўлмас муаммо.

Ҳали табиатга қилинар зуғум,
Ҳали уруш, ҳали табиий офат.
Бир одамнинг ором олмоғи учун
Бутун бошли халқлар, мамлакат ғорат.

Уни тузатмоқчи бўлганлар қанча,
Не-не ислохотлар кетмади абас.
Ҳар исёнкор зотни киприк қоққанча
Ё дор кутар эди, ё темир қафас.

Эҳтимол қачондир келади бир кун
Буларнинг барчаси топар интиҳо.
Қорни очлар қолмас, қолмайди юпун,
Жаҳонда битта ҳам қолмас муаммо.

Арикларда чиндан асаллар оқар,
Тўрт фасл баҳордан бўлур иборат.
Ҳар одам бошида бир қуёш чиқар,
Фақат сен қолурсан то абад - ХАСАД!

Фақат сен қолурсан, эй, бани одам
Қалбида бошпана топган аждаҳо.
Оламдан аримас фақат битта ғам,
Бир буюк муаммо, бир буюк хато!

«Бир кам дунё» дерлар, ўша битта кам,
Бир ортиқ ҳам ўша туйғу ниҳоят.
Кўзи ожиз бўлса, Аллоҳга қасам
Кўз тиламас - ҳамма кўр бўлса шояд...

Дунё пайтаваси бўлса гар, ёҳу
Унга тушган қурт шу, ўша кирқоёқ.
Ушбу чок мен қалам тутмоқдаман, у
Панада кўтариб турибди таёқ...

БАНДАЛИК ФАЛСАФАСИ

Икки отлик - Навоий билан Жомий
Сухбат айлаб келардилар мувозий.

Сухбат ичра бори ҳикмат жо эди,
Ҳикмат ичра ҳар икки дунё эди.

Баҳайбат тут ёқасига етган чок
Чиқиб қолди бир девона баногоҳ.

Худо урган, усти боши минг ямоқ
Ва ҳақорат айларди йиртиб томоқ.

Бисотида неки ҳаром сўзи бор
Жомий сари изҳор этарди такрор.

Англашилди: фосиқларнинг иши бу,
Ҳасад билан ёнганлар қилмиши бу.

Навоийда охир қолмади тоқат,
Деди: «Ҳазрат, беринг менга ижозат,

Аллоҳ учун эмди нидо қилурман,
Шум бошини тандин жудо қилурман!»

Жомий эса сукут ичра эди ғарк,
На «ҳа», на «йўк», хотиржам,
сокин, бефарк.

Навоий ҳам шунда туйди бир ҳикмат,
Қароридан бир оз чекди хижолат.

Кунлар ўтди: гоҳ хуш, гоҳида нохуш,
Бу воқеа бўлди тамом фаромуш.

Бир кун улар нонуштага чўқаркан,
Дастурхонга нозу неъмат тўқаркан,

Сухбат аро Жомий деди: «Ўшал «эр»
Ёдингизда бўлса керак, Алишер.

Шаънимизга дахл этмоқ бўлган кас,
Ўз-ўзини расво қилган ақли паст.

Яқинда бир гап эшитдим: ким уни
Бўғизламиш ўзи каби бир жинни.

Ташвиш қилманг, қайтариб айтгум яна:
«Девонанинг кушандаси - девона!»

Жазо бермак зинҳор бизнинг иш эмас,
Наинки иш, оддий бир ташвиш эмас»

ЭНГ ОЛИЙ ЖАЗО

Дунёда жазонинг тури кўп экан,
Ҳар ерда турлича қийноқ усули.
Юлғичлар сазойи қилинган, ёхуд
Бешафқат чопилган ўғрининг қўли.

Осишган, бўйнига лангарни илиб
Сувга чўктиришган, кўзни ўйишган.
Бошига хамирдан ховузча қилиб
Қайнаб турган мойни сўнгра қуйишган.

Мана шулар «олий жазо» дейилур,
Яъни бориб турган, энг буюк қийноқ.
Бундан ортиқ азоб борми дунёда?
Йўк, деб айтишади, бор экан бирок.

Бировнинг кўнглига бехос, баногоҳ
Ранж етказиб қўйсанг, етказсанг озор.
Юрагига тушган шу «қора тош»ни
Кўзгата олмасанг, етмаса мадор.

Ўз-ўзинга пайдо бўлсаю нафрат
Қийноқ оловини ўчиролмасанг.
Ҳар қанча оқлама, кўклама, бирок
Ўз-ўзингни сира кечиролмасанг...

Биров сени хафа қилса мабодо
Бира тўла кечиб юбормоқ осон.
Ўз-ўзингни хафа қилиб қўйсанг-чи
Ва баданинг бўлса ўзинга зиндон.

Бундан ортиқ жазо бўлурми, ахир
Бундайин кўрмаган дунё кўз очиб.
Каёққадир кетмоқ бўласан, бирок
Каёққа борардинг ўзингдан кочиб.

БУХОРО





«КҮЛЁЗМАЛАР ЁНМАЙДИ»

Кўлёмалар ёнмайди!!!

Инсон қисмати тақдири азалда унинг эътиқодига қараб белгиланади

Инсонга ёпишган қусурлар ичида энг манфури - кўрқоқликдир.

Михаил БУЛГАКОВ

1
Адиб юрагидан отилган бу ҳикматларнинг биринчиси башорат экан. Фолнинг чинлигини унинг ўзи яратган беҳад саҳий истеъдод тухфаси бўлган асарлари ҳам исботлаб берди. Чунки Булгаков ижодий меросининг учдан икки қисми унинг ўлимидан кейин неча йиллар ўтиб, нашр қилинди. Йўқолиб кетмагани ҳолда адабиётни бойитди, кўнглини безади. Чин битикларга ҳар қандай ялмоғиз, маҳв этувчи ўтнинг кучи етмас экан...

Адибнинг қисмат ва эътиқод уйқошлиги ҳақидаги фикри ҳам башорат эди. Буни эса Булгаков асарлари билангина эмас, аввало бетимсол шахслиги билан кўрсатди. Энг зўравон салтанат номини олган Шўро даврида, эътиқодсизлик, даҳрийлик авжига чиққанда эътиқодга собитлиги, тўғри йўлни кўра билганлиги билан исботлади, бошқаларга ибрат бўлди. Натижада унинг оғир ва ҳавасманд қисматини эътиқоди белгилади.

Шунга кўра, адиб тушуниб етиб, атрофдагиларни ҳам огоҳлантирган хулоса: «Инсонга ёпишган қусурлар ичида энг манфури - кўрқоқлик» дегани инсонни севган авлиёнинг кароматидир. Балки бу ҳикмат кўпроқ башорат эмас, ҳақиқатдир. Бу ҳақиқат - XX аср бошидаги зўравонлик ва адолатсизлик туфайли беҳад урчиган офат, - инсонни ниҳоятда тубанлаштирадиган кўрқоқлик Булгаковнинг ичини ёндирар, жони-жаҳонини ўртарди. Шу боис у беҳад фавқулодда истеъдоднинг ўткир ханжарини ана шу радди балого қаратди. Шўро тузуми болтасига бошини мардларча қўйиб, ҳақиқатнинг юзига тик қаради. Мард қолди...

2

Булгаков ҳақида гапираётганда бизнинг омадимиз, адибнинг бахти шундан иборатки, унинг асарлари мутолааси мавжига шўнғиган ҳар бир ўқувчи, бу уммондан ҳар сафар ҳар хил, аввалгисидан томонан ўзгача фикр жавоҳирларини топиши, булар янги ва ўзгачалиги билан ҳатто ўзининг аввалги мулоҳазасига ўхшамаслиги, турфа бўлиб чиқиши мумкин. Шу андиша ва ҳавасда

адибнинг дурдона асарлари ёдини яна ёдимиз соғинди. Айниқса, унинг «Уста ва Маргарита», асарини... Соғинч телба-тескари, тартибсиз бўлгани янглиғ ўта шахсий фикрларимиз тартибсиз ва чала, баҳсли, ҳатто бемулҳожа... Буни ким тушунар, ким тушунмас, барибир бундан Булгаковнинг руҳи шод бўлар.

Негаки, адиб ижодининг минтақаси кўп, муваффақиятларининг тилсими-да ҳар хил фикрлар ила очилади. Айниқса, «Уста ва Маргарита»да...

3

Бу беқиёс асарнинг яратилиши, ёруғликка чиқиши ҳақида. Маълумотларга қараганда, Булгаков бу асарини 1928 йил бошлайди. 12 йил давомида ёзади ва 1940 йилда охириги нуқтани қўяди. Бироқ у бу асарни бутун умр ёзганди, десак ҳам хато қилмаймиз. Фақат бу ерда биз охиригача аниқлаб ололмайдиган бир факт бор. Романга сўнги нуқтани Булгаков қўйганми ёки қазойи ҳақ? Чунки худди шу йил адиб вафот этган. Унинг замондоши ёзувчи Константин Симиновнинг хотираларида кишини ўйлантирадиган фикрлар бор:

«(У) ўлимидан бир неча кун бурун, оғир ҳасталигига қарамай, романи кўлёмасига қайта-қайта қайтиб, унинг айрим бобларига сайқал берар ҳамда такомилга етказишга уринарди...

... Бу асар устидаги ўн икки йилга чўзилган иш яна ва яна давом этаверса, романининг қандай кўринишга киришини тасаввур қилишнинг ўзи мушкул.

У ҳолда романининг баъзи номукамалликлари тузатилган, яна охиригача ўйланмаган ерлари пухта ўйланган ёки ўзида ҳаёлотнинг чексиз, баракали саҳий муҳрини олиб юрган айрим ўринлари кискарган бўлармиди».

Симонов бу фикрни роман «Звезда» журналинда нашрга тайёрлангани муносабати билан билдиради. Ёни асарга охириги нуқта қўйиб..., адиб боқий дунёга сафар қилганидан 26 йил ўтиб ёзади. Демак, асар ниҳоясига етгандан кейин ҳам 26 йил чоп этилмасдан ётган. Ўша даврларни билмаганга бу мубҳам жумбоқдай, бир англашилмовчиликдай туюлиши мумкин. Аммо зўравон жамият айни кутурганини, ҳақиқатгўйларнинг боши дорда бўлган бир даврда асарнинг муқаррар таъқиқда бўлгани, беомон ёвузликдан омон қолгани ҳам тақдирнинг инояти... Мабодо бир тасодиф билан адиб тириклигида нашр этилгандами... шу иши учун

муқаррар жиноятчидан жиноятчига чиқарилиб, «кўнгли ва ҳақиқатни» айтгани учун қатл қилинган бўларди...

4

Асарнинг номи - камида унинг ярми даражасидаги кучга, қамровга эга, шу даражада юкни бирлаштириш салоҳиятида бўлади. Асар асл нусха - русчада «Мастер ва Маргарита» деб аталган. Жуда ҳам топилган, ҳам реалистик, ҳам символик ном. Номнинг ўзи аён этади, ўзи ўйлантиради, ўзи хаёлингизни қочиради, ширин азоблайди, ичингизни ёндириб, ҳавасингизни келтиради. Бу номни ҳар бири чўғида кўринган ва туманида яширинган маъноларни англаб олиш учун «Мастер» ва «Маргарита» сўзларининг рус сўзлиги хазиначисида неча бир маъноларни англайтишни чуқур ҳис қилиш, рус руҳида яна неча тасаввурлар жонланишини билиш керак. Бу биз учун душвор... Шу қаторда «Мастер» ва «маргарита»нинг рамзий исмлар эканлигини ҳам, жохон, айниқса Овруро маънавиятида бу номлар қай даражада юксак мақом маънога эга эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Ҳа, бу романнинг номи ҳам, асосий қаҳрамонлари исми ҳам, шунчаки тасоғид эмас. Бу номнинг бошида улугвор маъно, юрагида чўнг юк бор. Таржимонимиз буни англаб, асарни ўзбекча нусхасида «Уста ва Маргарита» деб атаганлар. Бу ном тўла ўзини оқлайди. Бирок такрор ва такрор роман номи «Парвардигор ва ёр», «Авлиё ва Илоҳа», «Санъаткор ва хур», «Мажнун ва малика», «Фасиҳ ва фаришта» каби номларда бўлса ҳам ўзини оқларди, дегимиз келарди. Чунки рус тилидаги «Мастер ва Маргарита» номи бу аталишларни ҳам ўз реал ва рамзий маъно ва тасвирлари билан англайди, шунга ишора қилиб турганини сезиши мумкин. Кейин яна бир баҳсли, ҳаёлимизга келган мулоҳаза. Бу - муаллифнинг ўзи ҳам ном кўйишда излана туриб, «Мастер ва Маргарита»дан ташқари ҳам асар руҳидан келиб чиқиб, романи бошқача атамоқчи ҳам бўлмаганмикан? Бизнингча, романнинг иккинчи бир номи «Дажжол» бўлиши керак эди. Булгаковдай ноёб ва бесарҳад ҳаёл соҳиби буни ҳис қилмаган бўлиши мумкин эмас. Фақат у барибир... ўз эътиқодига эзгуликни байроқ қилиб кўтариш аввало фарз ва қарз эканлигини, унутмаган, унутолмаган кўринадди...

5

У буни асарига ўқувчини энди етаклаб кираётгандаёқ раман билдириб қўяди. Бежиз «Уста ва Маргарита» аталмиш ғаройиб қасрининг кириш дарвозасига Гётенинг «Фауст» асаридан олинган мана бу нақл парчинлаб қўйилмаган:

- «...Кимсан, айт!

- Мен ҳаргис ёмонлик тилаб - Яхшилиқ қилгувчи кучнинг бир қисми".

Буни шайтон қавмидаги Мефистофилнинг иқрори эканлигини яхши биласиз.

- Ҳатто кимгадир бир ҳаёлда, асардаги бу иқтибоснинг тескарасини унинг ўрнига қўйиш истаги ҳам туғилиши мумкин. Унда Раҳмон ва Шайтоннинг мулоқоти қуйидаги тарзда маъно ва мазмун касб этади:

РАҲМОН - Айт! Кимсан?

ШАЙТОН - Мен ҳаргиз яхшилиқ тилаб - ёмонлик қилгувчи кучнинг бир қисми.

Ҳаёл кўчасидан ўтган бу фикри шунчаки сўз ўйини эмас. Ул сабаб асарга дахлдор бошқа бир фикрни айтиш имкони бор. Бу мулоҳаза шуки, иблис тимсолидаги Валанд ва унинг шериклари мисолидаги одамлар бошига солинган ёвузликда кўпроқ тубанликка кетган инсон баттолликларини аёвсиз фош этишни ҳис қиласиз. Буни яхшилиқ истадан яна бошқа нима деб баҳолаш мумкин... - фақат бу Булгаков иблисининг хоҳиши, иродаси!

Бирок кенг режада Булгаков Гёте битигига содиқ қолган, асл инсоний фазилатлар иймон ва эзгулик, яхшилиқ ва мардликни химоя қилган. Фақат бу пардаланган, яланғочликдан холи, ниҳоятда руҳиёна ва фалсафий тарздадир.

6

Асар мутолаасида ҳаётдан ҳаёлга, бугундан тарихга, аёндан ноаёнга, табиийдан нотабиийга бир лаҳзада ўтиб турасиз. Ва роман ҳақидаги шу пайтгача бўлган билим ва тасаввурлар чувалашиб кетади. Бу тасаввур мезони «Уста ва Маргарита»нинг ўзида гоҳ жам, гоҳ сочилган. Ҳатто асар тобора иккита ҳикоя ва тасвири турфа романларга эврилиб бораётгандай туюлади. Бирини замона ҳақидаги айбнома деб қабул қилсангиз, иккинчиси эса ҳаёлни бундан қарийб икки минг йил олдин бўлиб ўтган Исои Масиҳнинг қатл этиш манзарасига бошлаб кетади... Ахир қайси асарда ҳам замонавий, ҳам тарихий мавзу бундай бир йўла бу даражада мувоффақиятли ҳикоя қилинганини кўргансиз. Шу боис ҳам бу асарни етук реалистик, шу қаторда чуқур психологик, фалсафий қамровли, ўткир сатирик, қолаверса тор тасаввурни ёриб чиққан фантастик асар эканига иқрор бўлмай илож йўқ. Ҳатто унда ёзувчининг ўзи-да англаб-англамаган илоҳий нигоҳнинг саси эшитилади...

Шу боис асарнинг қайси жиҳатини алоҳида кўрсатишга киши ожиз қолади ва жазавали ҳаяжонга тушиб, ҳар бир аломат манзараси, коса тагида ним коса фикрлари ҳақида нимадир деб қолишга интилади. Бу истак асарнинг биринчи бобиданок кўнгилини тўлқинлантиради. Фикримизни иблис талқинининг бошланиши билан ҳам айтиш мумкин. Бу манзара асарда бир йўла реал ва сирли пайдо бўлади. Адиб бўлса шу кашфиётининг ўзидан туриб уни психологик шарҳлашга, фалсафий ўқдириш, реал кўрсатиш ва сатирик фош этишни бошлайди. Мана исботи: «... шу маҳал иккинчи ғаройиб ходиса рўй беради.

...Унинг (Берлиоз) хикичок тутиши бирдан тўхтади, юраги беҳос дуқиллаб, бир зум каёққадир ғойиб бўлгандай бўлди, кейин яна ўрнига қайтди, аммо энди, юрагига ўтмас игна кадалгандай зиркираб оғрирди. Бундан ташқари Берлиознинг вужудини кучли бир дахшат бесабаб чулғаб олдики, у шу захотиёқ бу ердан орқасига қарамай қочишга жазм қилди.

... Шу маҳал унинг кўзи олдида чўғдек иссиқ қуюклашиб, ундан шишадек шаффоф, ғоят антика кивфадаги бир гражданин вужудга келди...

1. Фикримизга керакли ўринларигина айни парчадан олинапти.

... - Уфф, лаънати! - деб юборди муҳаррир - биласанми Иван, ҳозир иссиқнинг тафтидан сал бўлмаса сакта бўлаёздим! Ҳар балолар кўзимга кўрина бошлади, - жилмаймоқчи бўлди у, лекин кўзларидаги ҳаяжон учқунлари ҳамон ўчмас, кўллари ҳам қалтирашдан тўхтамасди!»

Нега қочмоқчи бўлди, кимга лаънати деб сўкинди, деб ўйлайсиз. Чунки унинг бу гаплари шериги шоир Иван Бездомнийга қаратилган эмас, яна ақлий, ҳиссий жиҳатдан ҳам телба-тескари: кўлининг қалтироғини тўхтатишга кучи етмаган ҳолда, кўзларини кулдишга мажбурламоқда. Бунни кимдир фантастика, деб қабул қилади - кимдир илоҳий ва реал... шунда ҳам бу манзара барибир китобхонларнинг барчасида галати ва турфа ўйлар кўзгаётиди. Сал ўтмай иблис портрети бошқа чизги олиб, янада реаллашади. Шундай бўлса ҳам ҳалиги қаҳрамонларимиз руҳияти нозик лавҳалар инъом этаверади. Иблис ҳам, у билан юзлашиб турганларнинг ҳам ҳар лаҳзада хоёллари ўзгаради, эврилади, минг бора жилпанглайди.

Бир маълумотда аввал у пакана, тилла тишли, ўнг оёғи оқсарди, дейишди, кейингисиде, у жуда баҳайбат, тишига платинадан қоплама кўйдирган, чап оёғи оқсоқ деб тасвирланади... Берлиоз ва Бездомнийга эса у куйидаги тарзда намоеён бўлади: на у, на бу оёғи оқсар, на пакана, на баҳайбат, ҳамма «қатори» норғил эди...

«... Чап тишларига платина қопланган, ўнг жағидаги тишлари тилладан эди. У қимматбаҳо кулранг костюм кийган, оёғидаги хориж туфлиси ҳам костюми рангида эди... Кўринишидан ёши кирклардан ошган. Оғзи сал кийшиқроқ... Унинг ўнг кўзи қора, чап кўзи эса негадир, кўк эди...»

Бир кимса қиёфасидаги иблис ҳақида муҳаррир ва шоирнинг баҳолари ўзгариб турганлиги тасоввурни турлантиради. Шу боис бу ердаги бир-бирининг фикрига тескарилик инсон инсонни билмаслиги, айниқса, унинг шайтоний томонларини билмаслигига психологик далилга ўхшайди.

Хоёлнинг мулоқоти, бир-бирини рад этиш тушунарли бўлиши учун уни куйидагича жойлаштирдик.

МУҲАРРИР - «У немис»

ШОИР - «Иўк, у инглиз».

МУҲАРРИР - «Иўк, у кўпроқ французга ўхшаб кетади...»

ШОИР - (аксинча) «Поляк шекилли...»

МУҲАРРИР - «Иўк, у инглиз эмас...»

ШОИР - «Қизик, бунақа русча гапиришни қаерда ўргана қолдйкин?»

Қизиги, бу эврилиш худди унинг миллатини билиб бўлмагандек, ҳаётда ҳам давом этади. Бир гапи билан профессор, иккинчиси билан консултат, навбатдагиси ила ажнабий сеҳргар, жосус ва айғоқчи, ҳоказо... деган хулосаларга олиб кетаверади. Балки бу билан санъаткор адиб инсонга зулукдай ёпишган иблисона ҳатти-ҳаракатларининг на алоҳида миллати, на аниқ бир касби борлигини, инсоният қалбига ўрнашган бедаво ўлат демоқчидир? Балки...

Дарвоқе, ҳали биз нега романнинг номи «Дажжол» деб аталса ҳам бўларди, дедик? Негаки, Парвардигор олдида энг баттол, жиноятчи бу Иблис Лавин ҳисобланади. У исёнкор, бузғунчи.

Ровийларнинг айтишича, Тангрига исён сифатида инсонни адаштириш билан шугулланган ва инсонлараро энг қабиҳ жиноятлар шайтон кутқуси билан, айниқса ерга дажжол қайтиши билан юз беради, дейилади. Воланднинг қилгиликлари худди шу Дажжол келаётгандек даҳшатли хавфдан рамзан огоҳлантирмайдими? Бу хавфнинг асоси даҳрийлик, иймонсизлик. Бу эса зўравонлар салтанатида ҳамма табақа орасида тарқалган бедаво ўлат эди. Булгаковнинг «дажжол» инсоннинг ана шу ҳатоси учун гуноҳкор билан баҳсга киришади ва амали билан ўзига қарши Тангрининг ҳукмини ижро этади. Иймонсизларни аёвсиз жазолайди.

Тасдиқ учун парча келтираимиз.

«- Агар янглиш эшитмаган бўлсам, Сиз Исони дунёга келмаган деб айтдингиз шекилли? - сўради ажнабий кўм-кўк чап кўзини Берлиозга тикиб.

- Иўк, янглиш эшитмадингиз, - назокат ила жавоб қилди Берлиоз, - мен айнан шундай дедим.

- О, ғоятда кизик! - деди ажнабий.

... - Сиз ҳам сўхбатдошингизнинг фикрига кўшилингизми? - деб сўради нотаниш ажнабий ўннга, Бездомнийга ўгирилиб.

Шоир...:

- Юз фоиз! - деб жавоб қилди.

- Вожаб! - деб юборди чакирилмаган хамсўхбат, сўнг негадир атрофга ўғри қараш қилиб, сўнг шундоқ ҳам бўғиқ овозини янаям пасайтириб деди: - Синчковлигим учун мени кечиринг, лекин, фаҳмимча, сиз хали Худогаям ишонмайсизми дейман? - у кўзларида ваҳима зухур этди ва илова қилди: - онт ичаман, ҳеч кимга айтмайман.

- Ҳа, биз худога ишонмаймиз, - жавоб қилди Берлиоз ажнабий кишининг чўчиб кетганидан хиёл жилмайиб туриб, - аммо бу ҳақда ошқора гапиравериш мумкин.

Чет эллик... сўради:

- Сизлар - атеистмисизлар?!

- Ҳа, бизлар атеистмиз - жилмайганча жавоб қилди Берлиоз...

- ...Бизнинг мамлакатда атеизм ҳеч кимни ажаблантирмайди... аҳолимизнинг кўпчилиги худо ҳақидаги афсоналарга анчадан буён онгли равишда ишонмай кўйган...

- Ҳа, аттанг! - деди ажнабий кўзини чакнатиб, сўнг гапида давом этди: - Лекин мени бошқа масала безовта қиялпти; агар Худо йўк бўлса, унда башарият ҳаётини ва умуман ер юзидеги барча жонзотларни ким бошқаряпти?

...Бездомний ҳаҳл билан шоша-пиша жавоб қилди:

- Ким бўларди, инсоннинг ўзи-да!

- Кечирасиз, - мулоийм оҳангда жавоб қилди нотаниш киши, - ҳаётни бошқариш учун ҳеч бўлмаса оз муддатли аниқ бир режа бўлиши керак. Ваҳоланки, атиги бир минг йил муддатга план тузиш у ёқда турсин, хатто ўзининг эртанги куни ҳақида ҳам бир нима дейишга ожиз бўлган инсон, қани менга айтинг-чи, қандай қилиб ҳаётни бошқара олсин».

Шу даҳрийлиги боис алломалигига қарамай, бутун бир зиёлиларнинг сарқори бўлган инсон бир зумда трамвайнинг тагига тушиб кетмадими? Ёки инсон ҳаётни бошқаради, деб турган истеъдодли шоир телба ҳолига келиб, жиннихонага йўл олмадими? Романда фожеавий йўлни танлаган

инсон қисмати қизил ипдек ўтади. Бирок, адиб шунга кўрсатишни ўз олдига қўйгани, десак ёзувчининг истеъдод кўламини жуда торайтирган бўлаемиз. Дарвоқе, Михаил Булгаков «Уста ва Маргарита» романининг яна қайси фазилатлари ҳақида сўзламасдан бўлмайди. Ёзувчи бу асари билан яна қандай юксак, мушкул вазифаларни ўхдалашни кўзлаган эди?

7

- Бу роман менинг ҳаётимдир!
Михаил БУЛГАКОВ

Эҳтимол, асардаги минг бир кашфиёт, серкирра истеъдод кўтарган муаммолар ҳам гапирилавериб охири кўнгилни бездиради. Чунки адабиёт на ортиқча ҳикматбозликни, на кескин фош этишни тўла ўз бўйнига олади. У юксак бир руҳни истайди. Рўёби душвор шаффофлик водийсига кимнидир етакласа кўпроқ ва ҳар қачон қизиқиш уйғотади. Романнинг қарийб ўртасигача бу бир бўшлиқ бўлиб туради. Шу боис қойил қолаверасизу, ҳайратингиз музлаб қолаверади, руҳингизга ёруғлик инмайди. Кашфиётдан даҳшатга тушасиз, дилингиз безиллайди, роҳат олишдан гўбор тўкилишдан эса дарак йўқ. Оқибатда асарни «Дажжол» деб атаб тураверасиз. Бирок мана бу ўриндан бошлаб бу ҳулосангизнинг юрагига дарз кетади.

«Бирдан баҳор кириб келди-ю, деразамнинг хира ойналари орқали мен аввалига яланғоч, сўнгра аста-секин яшил либос кия бошлаган настарин буталарини кўрдим. Ана шунда, яъни ўтган йили баҳорда юз минг сўмлик ютукдан ҳам дилбарроқ воқеа содир бўлди...»

Бу парчадан бошланган ишқ романга сўнгсиз сеҳр бағишлаган. Шу боис ҳам улғу адибнинг: «Дунёда... боқий муҳаббат йўқ, деб ким айтди сизга?» саволида жавоб мужассам, Ҳайқириғида инсон тириклигининг бош моҳияти кўринади.

Бундан баҳор даракчи эди, уста кўчага чиқди-ю, бир гўзал аёл бахтсизлиги белгиси сариқ гул кўтариб кетаётганини кўрди.

«Шунда мени унинг ҳусни жамолидан кўра, кўзларидаги ҳеч кимнинг бошига тушмаган ғайритабиий ёлғизлик андуҳи ўзига ром қилди.

... У менга таажжуб билан боқди, мен эсам бирдан мутлақо кутилмаганда бутун умр айнан шу аёлни севиб келганлигимни англадим... Муҳаббат оёқ остидан чиққан фалокатдек лоп этиб пайдо бўлдию, иккимизни баравар маҳв қилди.»

Бу илоҳий ишқ... Унинг моддий кўзлови бўлмаганлиги боис, яшин ё ханжардай нобуд этиши чин ва соф оламлар эшигини очади. Шу боис ҳам Маргаритани Илоҳа деб атасак, Устани гоҳ Мажнун, гоҳ Авлиё деб жазавасидан ҳикмат изласак хато бўлмайди...

Ўша ҳикматнинг асл жавҳари қаерда?

Ҳамма ўзича ўйлагани янглиғ биз ҳам уни ўзимизча шархлашга уринаемиз.

Бу жавҳар муҳаббат ва ҳақиқатда. Негаки адиб қисматининг ҳам, асар муваффақиятининг ҳам сири унда жамул-жам!

Ўйлайсиз, Булгаковнинг ҳаётлигидаги фожиасига нима бош сабаб эди? Ҳақиқатни жонидан ортиқ севиши ва юрагидан теран анлаганини

бирламчи деб билганида эмасми? Шу боис даҳрий ва зўравон тузум бу фикрни маҳбусликда сақлади. Бунинг асардаги ифодаси замонавий кўринишда устанинг жиннихонада яшаши бўлса, Исонинг қатл этиш тасвири тарихдаги исботидир.

Демак, бу ҳаёт ҳақиқат ва муҳаббат деб танланган. Ҳақиқат ва муҳаббат деб бой берилган. Руҳониятни таназзулдан сақлаб қолиш учун... Бундан да даҳшатлиси, Муҳаббат деб илоҳанинг Шайтон олдига боришга қарор қилгани, унинг қандай хоҳиши бўлса, уни қондиришга тайёрлиги...

8

Устани яратган тимсолида тушунсак, Маргаританинг унга интилиши ҳаққа интилиш йўлида руҳониятнинг табиий эҳтиёжи эканлигини тушунамиз. Шунда ҳам илоҳий қалбнинг яратган васлга етиши учун танини дажжолга инъом этгани, унинг хизматкор шотирига айлангани, ҳатто бундан шодумонлик кўнгилни ғаш қилади. Балки Маргаританинг қисмати билан адиб бу замонда ҳаққа етмоқ, муҳаббатга муяссар бўлмоқ учун фаришта бўлиб эмас, жодугар бўлиш орзуга етиш осонлигини, замона зайлини айтмоқчидир. Шу боис ҳам Маргаританинг алвастига айлангани ҳам, онадан туғилган ҳолдагидек юриши ҳам, энг баттол жиноятчилар базмида малика мақомида бўлиши ҳам ҳеч бир фантастик, нореал манзара эмас, балки тилсизлик тузимиде ҳам Булгаковнинг бунга тил бағишлаганидир. Бунда рамзлар тилга киради. Масалан, Азazelло Маргаритага ёғупа ҳада қилади. Бу ўпа каромати билан у ўн ёш яшаради, ажинлари кетади. Бу тасвирнинг барикиноя. Унинг давоми даҳшатни кучайтиради. Уни иблис ҳузуридаги балга қатнашишидан олдин қон билан ювишади. Бу «қон» истаганча зўравон тузум ҳақида тасаввур бермайдими? Бора-бора у адаш жамиятнинг ким қўлида эканлигини маълум қилади. Бунга ушбу тавсирда ҳам ишора бор.

«Шу пайт қаёқдандир пайдо бўлган Коровьёв Маргаританинг бўйнига оғир занжирга илинган қора бароқ итнинг чўзинчок рамкадаги залворли тасвирини осиб кўйди.»

Айниқса, Маргаританинг бу ҳулосаси - руҳиёна киноя инсон фожий қисматининг сўнги нуқтасидаи жаранглайди.

«О, қандай бахтиёрман, қандай бахтиёрман, у билан тил бириктирганимдан беҳад бахтиёрман: О, иблис, иблис! Дарҳақиқат у ҳамма нарсани жобажо қилади!»

Аслида адиб «Уста ва Маргарита»да шу қудратли ёвузликка қарши бир неча руҳониятнинг мангу устунларини тиргак қилиб қўяди ва унинг юрагида Инжил таълимоти, Исонинг маъсумиймоси муҳаббат, ҳақиқат ва эътиқод машъаласини кўтаришга кўмаклашади. Исонинг қисмати ва ҳикматлари яланғоч ҳақиқат, мангу орзу тимсолидир.

Шу боис у ўзининг қотили Понтий Пилат - Шайтон рамзига ҳам саховатли зот, деб мурожаат қилади, жоҳил ва қотилларга ачиниби, уларни парвардигор қаргаган, бахтиқаролар деб ҳулоса чиқаради-ю, лекин уларнинг руҳиятидан умид узмайди. Бу ушбу яшовчан ҳикматда ўз аксини топган: *«Дунёда биронта ҳам ёвуз одам йўқ! Ҳақиқатни, айтиш осон ва марокли. Худо битта!*

... Вақти келиб, на кайсарлар ҳокимияти, на

ўзгача хокимиятлар қолади. Одамзод ҳақиқат ва адолат салтанатида яшай бошлайдики, ундай салтанатнинг ҳеч қандай хокимиятга эҳтиёжи қолмайди».

Бу кўчирмалар Булгаковга кўнглидагини боқийлар, қатл қилиб бўлмаслар тили билан айтиши учун зарур эди. Қисматнинг аччиқ киноясини қарангки, Исони хокимпараст даҳрий қатл этаркан, буни художўйлар ҳасади билан амалга оширади. Гўё эътиқоднинг ғаними эътиқод бўлиб чиқади...

«Уста ва Маргарита»нинг бир эзгу, жиҳати - шайтоннинг қўлида ва тили билан адолатсиз тузум ва жоҳил инсоннинг жуда кўп иллатлари реалдан реалроқ суратланади. Мана илк далил, баҳс шайтоннинг бор-йўқлиги ҳақида кетаётганда бирдан унинг ўзи баҳснинг муддаосини очади.

ВОЛАНД: «- Мамлакатларинг қанақа ўзи, нимани сўрасанг йўқ!»

Вақти-вақти билан бу фош этиш йўлсиз жамиятнинг қайтариқсиз аҳволи тадрижан давом этади. Мана яна бир бунга рамзий мисол.

«Сувнинг совуқлигидан дийдираган Иван соҳилдаги пиллапоялардан боя кийимини ечиб қолдирган соқолли одам олдиға чиқа бошлади, қараса нафақат кийимларини, шунингдек, соқолли одамнинг ўзини ҳам ўғирлаб кетишибди». Бу ўрчиган иллатни айтгани учун ҳеч қимни жавобгарликка тортиб бўлмайди. Ахир, даҳрий жамиятда иблис бўлиши мумкинмас-да. Шу боис гоҳ мушук, гоҳ Воланд, гоҳ Фогат томонидан фош этилган иллатлар - ўғрилик, текинхўрлик, бузқўлик, порахўрлик, мешчанлик ёлғончилик қусурлари собиқ совет тузумининг асосини ташкил этар, аммо уларни тўғри тил билан фош этишга ўрин йўқ эди. Булгаков ўз ҳаёлининг чексизлиги билан «Уста ва Маргарита»да уларнинг бутун бир галереясини яратди, кўрқазмасини очди.

Буни реал кўрсатишлар қаторида қоғозбоз ва бюрократ жамият асосий яшовчан ва бошқарувчан аъзосидан мосуво бўлганини бир қатор манзараларда психологик изоҳлайди ва фалсафий ўқдиради. Мисол учун, иблис Берлиозни даҳрийлиги учун қатл этаркан, бу билан чегараланмайди, унинг бошини ўғирлаб кетишади. Бу даҳшатли манзара одамлар даҳрийлиги учун бошсиз қолажақ деганига ишора эмасми? Конференс Бенгалский ҳам шайтон зугумидан кейин ўз бошини излайдиган, «бошимни қайтаринг» деб, дод-вой қиладиган бўлади. Бу ҳам аслида ёлғончиликни жазосидир.

Мана бу тасвирдан эса бюрократ жамиятда бош уёқда турсин, бутун бир инсоннинг бой берилиши, маъв этилиши рамзий чизилган.

«Устига салмоқли сиёҳдон кўйилган махобатли ёзув ортида куруқ костюмнинг ўзи ўтирар ва сиёҳга ботирилмаган куруқ перо билан қоғозга нималарнидир ёзарди. Костюм галстук таққан; унинг соат чўнтагидан ўзи ёзар ручка чиқиб турарди, аммо костюм ёқаси устида на бўйин бор эди, на қалла, шунингдек, костюм енгларидан қўл чиқмаган эди. Костюм ишга қаттиқ берилганлигидан, атрофида юз бераётган тўс-тўполонни мутлақо пайкамас эди.

Бу чизгини тасаввур қилиб бир ҳаёлларга борасиз. Бу бошсизлик, шахссизлик ва қиёфасизлик тимсолидир. Адиб уни аччиқ ҳажв билан, рамзда типиклаштирганда тухумдан чиққан оммавий офат,

маънавий таназзул эндигина бошланган эди. Бу офат эса кейинги 50 йил давомида ҳаддан ўрчиди, шимолдан келган бало бўлиб юзлаб асл, янги фаолият ва шахсларнинг гўркови вазифасини ўтади. Буни Булгаковнинг кун кўрмаган, тириклигида ўз ўрни ва қадрини топмаган ижоди ҳам қайта-қайта тасдиқлайди. Шу боис ҳам уста тилидан айтилган мана бу армон аввало Булгаков қисматиға, унинг қисматдошлари тақдирига тегишли.

Мен кўлимда романим билан ҳаёт майдонга чиқдим, лекин чиқдимга ҳаётим ниҳоясига етди...

Йўқ, йўқ, энди биз бироз шошмайлик, айнан шу романнинг бошқа бир ўрнида «боқийлик, боқийлик бошланди...» деган бўлак бир фикр ҳам учрайди. «Уста ва Маргарита» васият каби қолдирилганиға қарийб олтимиш йил бўлаётгани-ю, у ҳақидаги баҳс ва ҳаяжоннинг сусаймаганлиги бу ижод умри боқийлигини адоғи эмас, бошланганлигини билдиради. Бундан ҳар қанча ҳавасланса арзийди. Ва чуваланган мулоҳазамиз сўнггида бу мангулик сувини ичган асар, умуман боқийлик йўлидаги Булгаков ижоди қай дарёлардан сув ичиб, қай чинорлар хотирасидан татиниб бу даражаға мукамалликка эришганда, деб билгимиз, озгина ҳис қилганимизни айтмоқчи эдик.

Ҳақиқатдан ҳам XX аср рус прозасининг сийрак чўққиларидан бири бўлган Булгаков насриға зингил назар солсак, ундан Гоголга хос ўткир ҳажв, халқ илоҳиятиға боғлиқ сирли бир самимий, бўёқдор тил тилсими, ақл билан тушунтириш қийин кўнглининг муҳам рангинлигини ҳис қилмай қолмайсиз. Бу учун биргина Гоголнинг «Вий» асарини эсга олиш кифоя. Сўнг бу психологизм, драматика чуқурлашган сари Антон Чеховнинг инжа, реаллигида руҳият тилсимлари мавжли насри эсга тушади. Айниқса, унинг «Олтинчи палата» каби руҳи оғир, ўзи ихчам ҳаёт психологияси. Чунки «Олтинчи палата» қиссаси билан «Уста ва Маргарита»даги «Икки Иван» бобидаги инсон руҳи бошидан кечирган азоблар қанчалик ҳамоҳанг...

Бироқ психологияда ҳам, фалсафий кўламда ҳам бу адиблардан ташқари бир комил наср, Булгаков прозасидан уфуриб турибдики, шубҳасиз Достоевский адабиётда тиклаган иморатларсиз Булгаков шоҳ асари «Уста ва Маргарита» бунчалик жозиба, сەҳр, кўлам, юксаклик касб этилини тасаввур қилиш қийин. Шу боис Фёдор Достоевский чинакам маънода Михаил Булгаковнинг маънавий пири ҳисобланади. Шу билан бирга Булгаков Европа насри ва драматургиясининг чуқур билимдони ва муҳиби бўлган. Натижада кўплар эътибориға тушмаган Мольер, Сервантеснинг ноёб ижодий кашфиётлари ўзлаштирилиб, адиб насрини безайди...

Булардан ташқари илк янги одимлари бошланган, қадимий йўллари синтез қилинаётган истиқболли Шарқ насри тадқиқ кўламиға киргач, Булгаковнинг прозадаги кашфиётлари ва олға кетишларида Шарқ насри ва ўғити, мангу Шарқ фалсафасининг кучли таъсири, бўлакча имкониятлари ҳам куч берганини сезамиз.

Алқисса ҳақиқий ижод, дурдона асар шубҳасиз инсоният ақли ва ҳаёли эришган билим ва кашфға таяниб, ўз дардини ёзади ва вақт ўтган сари қатидаги янги ва янги маънилари очилади. Сирли юлдуз каби ўзининг беадоқ ҳаёл кўзгар қудрати билан ёниға имлайверади. Бунга Михаил Булгаковнинг умри боқий «Уста ва Маргарита» асари яна бир қарра далилдир.

МУҲАНДИС



Охири. Боши ўтган сонларда

Ноялж учинчи қаватга тушиб, Алишернинг улкан хонасида ярим соатча газета ўқиб ўтирдим.

Ниҳоят гул-гул яшнаб Алишер кириб келди.

- Бўрми, тулки, хўжайин? - деб сўрадим ҳар эҳтимолга қарши, гарчанд унинг авзойиданок кўп нарсани тушуниб турган бўлсам-да.

Оғзининг таноби қочган Алишер курсисига гурч этиб ўтираркан, чўзиб уф тортди-да:

- Пал Палич келмадими? - деб сўради.

- Йўқ.

Алишер соатига қаради.

- Хали келишилган вақтга ўн минут бор экан... Уф-ф... Лекин роса чарчадим-да.

- Лекин, хўжайин, сизнинг ишингизда одам физическийдан кўра моральний ҳам кўпроқ чарчаркан-а. Бояги хўппа семиз одам билан гаплашганингизни қаранг. Аммо-лекин гаплашишимиз боғлаб қўяркансиз. Нима дедингиз? Ха, ҳа, «Шунчаки нархини билиб қўяй... Ошиқча пул борида... Ўйнаймиз...»

Алишер яйраб-ййраб кулди.

- Ўзиям лекин боғлаб ташладим-а?

- Боғлаш ҳам гапми, хўжайин! Ер билан битта қилиб ташладингиз!

Алишер ҳовлиқиб кетди.

- Тўғри-да. Индамасам осмондан келаяпти. Бир жағини эзиб қўяй, ким билан гаплашаётганини билиб қўйсин, дедим. Э, бунақа нарсаларни братанда кўравериб...

Алишер тилини тишлаб қолди. Бу гапни эшитмагандай тутдим ўзимни.

- Ишқилиб, ишингиз битдими, хўжайин?

Алишер яйраб керишди.

- Битганда қандок! Омборга бордим. Трубаларни биттама-битта текшириб чиқдим. Кейин кераклиларини алоҳида ажратиб қўйишларини ҳам тайинладим.

- Нархи тўғри келдими, хўжайин?

- Нархими? Тўғри келтирдик-да! Тўғри келтирмай қаёққа ҳам борарди.

Кизиқиб қолдим.

- Қанча бўлди, хўжайин, қанча бўлди?

Энди оғиз жуфтлаган Алишер туйқусдан бир лаҳза ўйланиб қолди-да, сўнг сал эҳтиёткорроқ оҳангда деди:

- Нақдига гаплашдим. 50 дан. Роса элантирди, занғар. Биз икки кишимиз, бизгаям бир нарса қолсин дедим...

Алишер «икки киши» деган гапни шу қадар эҳтиёткорлик билан, шу қадар синовчан тарзда айтдики, баайни «икки» ўрнига «бир» сўзини айтиб юборишдан ўзини аранг тийиб тургандек эди. Буни сезгач, «сичқон-мушук» ўйнаб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим.

- Хўжайин, - дедим дадилроқ ва самимийроқ гапиришга уриниб, - бу ишнинг барини яқка ўзингиз қилаяпсиз. Мен бир томошабинман, холос. Тўғриси, сиздан шунчалар кўп нарсаларни ўрганапманки, уларни пулга чакса миллион-миллион бўлиб кетиши ҳеч гапмас. Шунинг учун, хўжайин, мен сиздан жуда қаттиқ илтимос қиламанки, бу ишингизда мени умуман йўқ ҳисобланг. Мен фақат сиздан иш ўрганапман. Сизнинг пешона терингиз билан топган пулингизга шерик бўлишдан худонинг ўзи асрасин. Топганингиз ҳаммаси ўзингизники.

- Шунақами? - яна ўзининг кўтаринки кайфиятига қайтган Алишер ёйилиб илжайди. - Майли, агар сиз шуни истасангиз... Лекин бир зўр эрийман, жўра... Мен, тўғриси, - шу ерга келганда Алишер андаккана хижолат чекиб, дудукланиб қолди, - шу селқадан тушган пулнинг барини акамга берсамми дегандим. У

кунги... ўғирланган нарсалар... бариси акамники эди...

- Минг яшанг, хўжайин, - дедим тўликиб. - Албатта шундай қилинг. Акангиз аслида сизнинг қандай бағри кенг инсон эканлигингизга яна бир бор иқрор бўлади. Албатта қайтаринг. Фақат, менинг ҳисобимча, у ердаги нарсалар жуда нари борса олти юз-етти юз минг сўм турар. Қолганини, хўжайин, ўзингизга ишлатганингиз яхши-ёв. Ҳар қалай, шунча каллани ишлатиб, терлаб-пишиб, елиб-югуриб ишладингиз...

Хуллас, ҳали ўлдирилмаган айикнинг терисини қандай бўлиш ҳақида узоқ мулоҳаза юритишимиз мумкин эди, аммо шу пайт эшикдан юм-юмалок бошини суққан Пал Палични кўриб қолиб, гапдан тўхтадим.

Бирдан жиддий қиёфага кириб, курсисига бемалол жойлашиб ўтириб олган Алишер эшикка сал норози бўлган оҳангда қараб:

- Бир минут, - деди.

Эшик оҳиста ёпилди.

Алишер менга ўғирилди.

- Энди, жўра, сотувчи билан олувчини бир-бирига юзлаштирамаслик йўлини топиш керак.

- Нима учун? - дея сўрадим хайрон бўлиб.

- Ана шунда ҳар иккала томондан ҳам доля олиш мумкин бўлади. Агар сотувчи билан олувчи бир-бири билан юзлашиб қолгудай бўлса ўртада турган воситачини сиқиб чиқаради-кўяди. Тушунарлими?

Тижорат соҳасидаги навбатдаги маърузанинг бу қадар чуқур маънога эга эканлигидан хайратга тушиб, хитоб қилдим:

- Сизнинг каллангиз калла эмас, олтин, хўжайин!

- Чақиринг, - дея амри фармон берди олтин калла эгаси.

Илдам бориб Пал Палични ичкарига таклиф қилдим. Алишер ўтирарди... ўртанча бармоғининг тирноғини томоша қили-иб.

Пал Палич қайтадан салом берди, дўстим алик олган бўлди. Шундан кейин орага бир муддат нокулай жимлик чўкди. Қарасам, Алишердан миқ этиб садо чиқадиغان эмас. Пак бўлса гапиришним, гапирмаслигиним билмай хайрон бўлиб турибди.

Ахир тоқатим тоқ бўлганидан йўталиб қўйдим. Шундан кейингина тирноғидан бир маъни қидиришдан чалғиган Алишер менга саволомуз қаради.

- Хўжайин, - дедим журъатсизлик билан, - булар боя илтимос билан келгандилар.

Алишер... ажабланиб, гўё олдида бутун бошли тирик одам турганини кўрмаётгандай, шўрлик Пал Палич оша менга қаради:

- Қайси илтимос?

Изоҳ беришга мажбур бўлдим.

- Ҳалиги... қувур... труба масаласи... Юзлик... юз йигирмалик...

- Юз элликлик... - шипшиди жон ҳолатда Пал Палич.

Бироқ бу сафар мен ҳам ўзимни ҳеч нима эшитмаганга солдим.

- Ҳа, уми? - Алишер гўё арзимаган нарса ёдидан кўтарилгандай бепарво қўл силтади. - Айтинг, бутун Тошкентда труба йўқ. Россия заводлари тақа-тақ тўхтаган. Ишчилар забастовкаларда. Ишлайман деганларига кўмир йўқ, хом ашё йўқ. Хуллас, ҳаммаёқ анархия. Бирон ойлардан сўнг хабар олсинлар, эҳтимол, бирон нима бўлиб қолар.

Шундан кейин Алишер Исроилов деганлари столда турган бир қоғозни шу қадар жиддийлик ила ўрганишга киришиб кетдиларки, тўғриси, бирон нарса деб эътироз билдиришга мен ҳам журъат қилолмай, нафасимни ичимга ютдим.

Пал Палич нажот излаб мен томонга ўғирилди.

- Акажон, илтимос, тушунтиринг хўжайинингизга, агар трубасиз борсам ҳоким бова тўппа-тўғри калламни олади. Ахир, объектни топширишим керак, акажон, объектни. Бир илтимос қилиб кўринг, акажон. Уч-тўрт жойга бордим, ҳеч қайда йўқ. Бўлмаса-ку, пулим бор, олардим-кетардим.

Ниҳоят Алишер олиб бораётган, тўғрироғи акасидан ўрганган, энди ўзи машқ қилаётган ўйин мағзини сал-пал чакқандай бўлдим, «таваккал» дея ўз билганимча иш тутишга аҳд қилдим.

- Хўжайин, боя бир жойда озроқ труба бор экан, дегандай бўлувдингиз...

Пал Палич яна жон ҳолатда Алишер томон ўғирилди. Алишер Исролович ҳатто бошини кўтариб қўйишни ҳам ўзига эп билмади.

- Ҳа, уми? Бор. Лекин уни биттаси заказ қилиб қўйипти. Нархиям қимматлашипти. Доллар ошгандан кейин шундай бўпти.

- Қанча, қанча бўпти? - аянчли чийиллади Пал Палич.

Ниҳоят Алишер Исроилович тилла бошини кўтарди-да, мижозга тик бокди:

- Пул ўтказиш йўли билан тоннасига 80 минг, нақдига эса тоннасига эллик беш мингдан.

«Ўҳ-хў! деб юбордим мен ҳуштак чалиб юборишдан ўзимни базўр тийиб турарканман. - Акам олдилар-ку!»

Пал Палич қуйи лабини тишлаб бир лаҳза мулоҳаза юритгач, умидвор оҳангда сўради:

- Сизлар... сизлар ҳам шунинг ичидамисизлар?

Алишер Исроилович бош чайқади.

Мунгайиб қолган Пал Палич қўйин чўнтагидан жажжи калькуляторини олди-да, бир нималарни тез-тез ҳисоблагач, маҳзун оҳангда деди:

- Тоннаси олтмиш мингдан тушапти. Олиб бориши билан... Майли, акажон, наилож, мен розиман. Трубасиз борсам ҳоким бова калламни олади.

Сал чиройи очилган Алишер ҳам илжайиб қўйди.

- Қалла қиммат туради, Пал Палич, қиммат. Хўш, қанча оласиз?

- 200 тонна! - шу заҳоти жавоб қайтарди Пал Палич.

- Шунчаси 12 миллион бўларкан.

Ичим қизиб кетди. Бегарафлик хусусида берган ваъдам ёдимдан чикдим, беихтиёр Пал Паличнинг калькуляторини олиб, ҳисоблаб чикдим. Тўппа-тўғри! Корейс янглишманпти. Аммо мен яна бошқа бир нарсани ҳам ҳисоблаб кўрдим. Мабодо бу иш амалга ошса Алишер тоннасига ўн мингдан, жами эса икки миллионни қуртдек қилиб санаб оларкан! Қандингни ур, Алишербой! Пул осмондан чалпақ бўлиб ёғиларкан-да. Ғамхўр акага олти юз минг берилса ҳам буюқда бир миллион тўрт юз минг қолиб турибди-да! Э, койил-е! Э, койил-е!..

Юрагим гижирлаб оғриб кетгандай бўлди. Бу дунёда бировнинг пулини санашдан кўра азоблироқ машғулот борми ахир...

Ишчан қиёфага кирган, кўзлари чакнаб-чакнаб кетаётган Алишер энди Пал Палич билан операциянинг тафсилотларини аниқлаштиришга тушиб кетди.

- Обжетиш ўзларингиздан. Шундайми?

- Шундай, акажон, - маъқуллади Пал Палич. - Агар иш битса, ҳозироқ Термизга звонить қиламан, машиналар йўлга тушади. Кечи билан эрталабки соат тўрт-бешларга етиб келишади. Эртага эрталаб мол билан қайтиб йўлга тушамиз.

- Яхши. Энди иккинчи масала. Биз икки юз тоннага албатта накладной қилиб берамиз, лекин у ерда нархни сал камроқ кўрсатамиз. Мисол учун тоннасига 50 минг

сўмдан. Биласиз, налог текшириб қолса...

Пал Палич кўлини кўксига кўйди.

- Биламиз, акажон, биламиз. Юк хатига ўзларингизга маъқул суммани ёзаверингизлар. Барибир мен уйга боргандан уни йиртиб ташлайман.

Алишер мамнун илжайди.

- Яшанг, Пал Палич, яшанг. Биз ҳам сиз манзилга етиб боргандан бу нақладойни йиртиб ташлаймиз. Шунда встречная проверка деган нарсаларга ҳеч қачон тушиб қолмаймиз.

- Маъқул, акажон, маъқул, - дея қорейс яна ўнг кўлини кўксига кўйди.

- Хўш, тўлов масаласи қандай бўлади?

- Сизга маъқул тарзда, акажон.

- Очиқроқ гапираверинг, Пал Палич.

- Энди, акажон, бизга маъқули шу товар машиналарга ортилгандан кейин ҳисоб-китоб қилинса.

- Бизгайм маъқули шу. Лекин олдиндан ўн фоизча «закалат» ташлаб кетасиз.

- Молнинг ўзини қачон оламиз, акажон? - мўлтираб сўради. Пал Палич.

- Эртага эрталаб! - қатъий оҳангда жавоб қайтарди Алишер. - Ўзим оморга бирга бориб трубаларни орттириб бераман. Окончателъний ҳисоб-китоб ўша ерда бўлади.

- Биз рози, акажон, - яна ўнг кўлини кўксига урди қорейс. Сўнг костюмининг худди шу тарафидаги ички чўнтагига кўл суқаркан, бир лаҳзагина тарадудланиб қолгач, ботинмайгина деди: - Акажон, мен сизга икки юз фоиз ишонаман. Бу акамга ҳам. Сизларнинг кўринишларингиз ўзиёқ ҳалол ишбилармонлар эканликларингизни айтиб турибди. Лекин, агар малол келмаса, ўзингга эҳтиёт бўл, деганларидай, сизлар кўнгишларингизга олмасаларингиз, мен ҳозир, акажон, сизга тўрт минг долларни «закалат» қилиб қолдирсам-да, лекин... шу, акалар, кўнглингизга келмасин, шу пулни, акажон, сизга нотариус орқали топширсам. Акажон, нотариус ҳақини ўзим тўлайман. Бу ҳисобга кирмайди. Лекин биз кишлоқдан келган одамлармиз, шаҳарда бўлса ким кўп - учар кўп, неча бир дўстларимиз қон қақшаб қолишган. Шунга нима дейсизлар? Ҳозир кўриб келяпман, йўлнинг нариги тарафида нотариус контораси бор экан.

Энди мулоҳаза юритиш навбати Алишерга етди. Ниҳоят у ҳам чўнтагидан калькуляторини олиб бир нималарни ҳисоблаб кўргач, тилга кирди:

- Майли, Пал Палич, вносини ўзингиз тўласангиз нотариусга ҳам борамиз. Лекин менинг ҳам сизга бир илтимосим бор. Яхшилаб эшитиб, иложи бўлса ёзиб ҳам олинг.

Пал Палич шоша-пиша чўнтагидан ён дафтарча билан ручка чиқарди. Алишер гапида давом этди:

- Ҳақиқатан ҳам умумий сумма 12 миллион бўлади. Лекин сиз бу пулнинг 2 миллион сўмини алоҳида дипломатга жойлаб, шахсан ўзимга топширасиз. Қолганини эса бошқа чемадонда сотувчига. Тушундингизми? Мен сиз берган суммани керакли одамларга тарқатиб чиқишим керак. Ўшандан қолса менга юз-икки юз минг қолади.

- Гап йўқ, акажон, гап йўқ, - дея дарҳол ўз ризолигини изҳор этишга тушди қоғозга бир нималарни ёзиб олаётган Пал Палич. - Мухими савдо пишди, акажон. Сиз пулни нима қиласиз, кимга берасиз - менинг ишим эмас. Мен товарни олсам бўлди. Пулни эса айтганингиздай қиламан. Мана бу керак трубаларнинг размери ёзилган рўйхат.

Алишер бир парча қоғозни кўлига оларкан:

- Демак, чеккароққа ўтасиз-да, Пал Палич, ўша 2

миллион сўми мана бу йигитга санаб топширасиз, Пал Палич, - деди мен томонга ишора қилиб.

- Қачон? - хайрон бўлиб сўради Пал Палич.

Алишер мийиғида илжайди.

- Албатта ҳозир эмас. Эртага, молни олиб, ортиб бўлганингиздан кейин.

- Долларни... - дея чайналиб қолди Пал Палич.

- Долларларингизни ўша пайти қайтариб оласиз. Келишдикми?

- Келишдик.

Икковлон кўл ташлашдилар.

Шундан кейин ташқарига чиқиб, йўлнинг нариги бетидаги уйнинг биринчи қаватида жойлашган нотариал идорага Пал Паличнинг хизмат «Жигули»сида бордик. Пал Паличнинг бир оғиз ўзбекча билмайдиган қорейс ҳайдовчиси билан мен гувоҳликка ўтдик, зарур ҳужжатларни имзоладик. Фақат, ҳалиги қарз олдим деган жойида «доллар» деб ёзилмас экан, шунинг учун «тўрт минг доллар» ўрнига «саккиз юз минг сўм» деб ёзилди. Қайтариш муддати уч кун қилиб белгиланди. Саксон минг сўмга яқин бадални Пал Палич ҳеч бир оғринмасдан тўлади.

Шундан кейин ажралишдик. Пал Палич Термизга кўнгироқ қилиб, машиналар қарвонини йўлга туширишга чопди, биз эса идорага қайтиб келдик.

Бироқ Алишер лифтнинг 7-қават тугмасини босди. Тўғри «Орион» фирмаси жойлашган 14-хонага бордик. Қарасак, хонада одам гавжумгина экан. Бировлар цемент солинган салафанни титкилаган, биров кумни, яна биттаса бояги кўхликкина жувон билан бир нималарни шариллатиб ёзиб ётибди.

Хайрият, бизни кўриб бақалоқ Ибодулла аканинг ўзи чиқиб келди.

Алишер у киши билан қайтадан илик кўришди-да:

- Бояги маласани ҳал қилиб қўйсак, - деди. - Рўйхат тайёр. Қайсинисидан қанча кераклигини ёзиб олдим. Шуни бугун ажратиб қўйсангизлар, эртага олиб кетмоқчийдик.

Бақалоқ безовталаниб хонага қаради.

- Қандай бўларкин, клиентлар кутиб қоладими дейман-да.

Алишер бақалоқнинг биллагидан тутиб йўлак охирига бошлади.

- Бу ёққа юринг-чи, гаплашиб олайлик.

Алишер у-бу қилиб ахийри бақалоқни кўндирди шекилли, сал чиройи очилиб қайтиб келган Ибодулла ака эшик ёнида туриб гулдираган овозда:

- Хурматли меҳмонлар, - дея илтимос билан мурожаат қилди, - бизни маъзур тутасизлар. Ҳозир Нозимахон билан сурчю бир ерга бориб келишимизга тўғри келиб қолди. Эртага эрталабдан офисимиз очик, марҳамат қилингизлар, ишни келган жойидан давом эттираверамиз.

Бир-икки мижозлар норози бўлиб ғудранишди, аммо барибир хонани тарқ этишди. Шундан кейин Алишер бақалоқ билан хонага кириб олди-да, Нозимахон опани ҳам чиқариб юбориб ўн дақиқа нималарнидир маслаҳатлашди.

Бу ҳам ўтди. Ниҳоят бўғриқиб кетган Алишер, унинг ортидан эса кўзлари баттар қисилиб кетган Ибодулла ака хонадан чиқиб келишди.

Хуллас, бақалоқ билан жувон оморга кетишди рўйхат бўйича қувурларни ажратиб, тахлаб қўйиш учун. Биз Алишернинг хонасига қайтдик.

Кафлларини бир-бирига ишқаб, қувончидан жойида ўтиролмаётган Алишернинг ҳалеб деразадан пастга, қаҳвахонага қараб-қараб қўяётганидан томоғи тақиллаб бораётганини илғадим-у, гапни бошқа ёққа буриб

юборишга уриндим:

- Анув бақалок бунча ноз қилди, нима, пул керак эмасмикан унга?

Алишер ишшайди.

- Пул ҳаммага керак, дўстим. Лекин у ўзича менга ишонмагандай қараб, катталик қилди-да. Охири «закалат»ни бериб ишонтирдим.

- Ҳаммасиними? - деб сўрадим эсхонам чиқиб.

Алишер қўл силтади.

- Ҳаммасини. Катта пул топиш учун, жўра, баъзан катта пул сарфлаш керак... Ишлашни ўрганинг, жўра, ўрганинг. Сарфлаган топади... Закаладга келсак, ўйланманг, эртага эрталаб қайтариб беради. Бу ёқда ўн миллион нақд пул турганда ким ҳам тўрт минг долларга чопарди.

Очиғи, Алишер билан яна икки соат қахвахонада валақлашиб, унинг мақтанишларини эшитиб ўтиришга тоқатим йўқ эди. Шунинг учун хайрлашиб қўя қолдим.

- Ювмаймизми? - деди Алишер ранжиётганини яшириб ҳам ўтирмасдан.

- Эртага, иш битсин, бир йўла каттароқ қилиб ювамиз, хўжайин, - деб қутулдим.

Бугун «чоп-чоп»ларга андармон бўлиб тушлик ҳам қилмабмиз. Бироқ қорин очгани асло сезилмасди. Бунинг устига... бунинг устига атрофга қора рўмолини ёйиб намозшом бостириб келаётган эди... Бу окшом ҳам изтиробларнинг темир чангали менинг маълум вужуду руҳимни беадад азобу уқубатлар қомида пийпалаб, қонимни томчилатиб оқизадиган бўлди...

Эртасига эса «ювадиган» ишлар кўнаиб кетди...

Келишганимиздай, соат ўнларга яқин келсам Алишер хонасида ранги ўчган, совқотаётгандай алфозда қунишибгина ўтирибди. Айниқса унинг кўзларига ошкор ваҳима мени ҳайратга солди.

Эшикни очган заҳотим сесканиб менга қўз ташлаган Алишер ҳали хол-аҳвол сўрамасимдан бурун, худди бегона биров эшитиб қолади дегандай хавотирда аста шивирлади:

- Келмади.

- Ким? - дедим баттар ҳайрон бўлиб.

Алишер жавоб ўрнига юқорига ишора қилди.

- Ким? Нажмиддин аками?

Алишер ижирганиб бош чайқади:

- Ибодулла ака. Соат тўққизда шу ерда учрашишимиз керак эди. Келмади.

Кулиб юбордим.

- Шунга шунчами? Шаҳарда айтилган жойга бир-бир ярим соат кечикиб бориш ёзилмаган қонунга айланган-ку. Келар ваъда берган бўлса.

Алишер қуруқшаб кетган лабларини базўр кимирлатиб яна шивирлади:

- Сиз... бориб бир кўринг...

- Хўп бўлади.

Шошиб 7-каватга кўтарилдим. 14-хона берк. Қизиғи, биз кеча кўрган «Орион» фирмаси» деб ёзилган лавҳа ҳам эшикда йўқ эди.

Яна пастга тушдим.

Изоҳимни гаранг аҳволда эшитаётган Алишер яна гапимни бўлди:

- Эрталаб ўзим чиқувдим. 14-хона бир редакциянинг бўш хонаси экан. Ҳеч қанақа фирманики эмас экан. Ўша редакцияга ҳам учрашдим. Биров келиб бир ҳафта туриб турайлик, ишимиз юришса ойига ўттиз мингдан ижара пули тўлаймиз, икки юзга обуна қилиб берамиз дегандан кейин бош редакторнинг ўзи майли деб қалитни берган экан. Хужжат-пужжат йўқ. Ҳеч нарса йўқ...

- Йўғ-э, - деёлдим, холос. - Худо урдими шунча... Алишер... пиқиллаб йиғлаб юборди.

- Худо мени уриб қўйди, жўра. Тушдим. Катта тушдим. Кеча «закаладнинг» икки мингини анов бақалокка бериб юборгандим. - Алишер бир сапчиб тушиб соатига қаради. - Яна ўн-ўн беш минутдан кейин Пал Палич келади. Унга нима дейман?

Бошини чангаллаб қолган Алишерга қараб раҳмим келди.

- Балки, хўжайин, улар ҳали қувурларни ажратиб улгуришмагандир. Балки ўша оморда ишлаётгандир. Сиз боргансиз-ку, у оморга. Бориб бир хабар олиб келмайсизми?

Сакраб ўрнидан туриб кетган Алишер амаллаб, асли ёлгон бир нимага жуда ишонгиси келаётгандай гоят беўхшов илжайди.

- Тўғри, тўғри, дўстим, улар ҳали трубаларни ажратиб улгуришмаган. Кеча кеч бўлиб қолгани, омор ёпилган, ишни бугун эрталаб бошлашган. Мен чопдим, такси ушлаб бораман. Сиз шу ерда ўтириб туриг. Бақалок келса маҳкам ушлаб туриг. Қарис келса гапга алаҳситиб туриг. Яна дод-вой қилиб юрмасин элдан бурун.

Алишер хонадан отилиб чиқиб кетди.

Одатдаги жойимга, бурчакка ўтириб, ўзим олиб келган кундалик газеталарни варақдай бошладим.

Орадан чорак соатча ўтди. Роппа-роса белгиланган вақтида етиб келиб, эшикдан мўралаб турган Пал Паличга узримни айтдим-да, ташқарида кутиб тура қолинг, хўжайин ҳозир келиб қоладилар, дедиму эшикни шартга юзига ёғиб олдим.

Ярим соатча ўтиб эса рангида қон қолмаган Алишер хонага ҳалослаб отилиб кирдию, бир оғизгина:

- Келдимиз? - деб сўрай олди, холос.

Мен индамадим. Хонада мендан бошқа ҳеч ким йўқлиги шундоқ кўриниб турарди-да.

Алишер пойгакдаги стулга ҳолсиз ўтириб қолди.

- Бор эканми? - деб сўрадим мен ўз навбатида, гарчанд унинг аҳволдан кўп нарса англашилиб турса-да.

Алишер бош чайқади.

- Омор бир вазирликники экан. У ердагилар «Орион» деган фирмани умуман эшитишмаган экан. Қоровулдан сўрасам қунига мингга одам келади нарса кўришга, барини таниб ўтирибманми деб сўкиб берди...

- Анов... Пак кеб турибди, - дедим.

- Кўрдим... Энди нима қилдик...

Мен иложсиз елка қисдим.

Алишер жойига бориб ўтирди. Сўнг баҳайбат, паншахадай узун бармоқларини кўзига босганча узок ўйланиб қолди. Бу орада эшик бир-икки бор тақиллади. Ниҳоят Алишер бошини кўтариб менга ишора қиларкан, ҳукм қилинган маҳбус янглиғ ожизона оҳангда пичирлади:

- Айтинг, кирсин.

Эшикни очар-очмасимдан Пал Палич қуюндай отилиб кирасола хитоб қилди:

- Алишер Исроилович! Машиналар етиб келди! Ҳаммаси етиб келди! Тезроқ юринг, бориб трубаларни ортайлик. Анов нарсаларни кеча айтганингиздай иккита чемоданга жойлаб келдим. Хоҳласангиз ўзингиз санаб кўришингиз мумкин. Олиб келайми?

Алишер ҳорғин қўл силтади.

- Пал Палич, ўтириг. Марҳамат, ўтириг...

Пал Палич ўтиришга ўтирди-ю, лекин бизга сад шубҳаланиб, хавотирланиб қарай бошлади энди.

- Ҳа, акажонлар, тинчликми?

Алишер яна ўзини мажбурлаб жилмайди.

- Тинчлик, Пал Палич, тинчлик. Гап шундаки, Пал Палич...

Алишер гап тополмай каловланиб қолди.

Пал Палич уни кистовга олди:

- Очикрок айтаверинг, акажон, нима гап?

Алишер қийналиб ютиниб олди.

- Гап шундаки, Пал Палич... - назаримда, худди шу оғир лаҳзаларда Алишернинг онгини қандайдир мубҳам илинж шарпаси ёритиб ўтгандай бўлди-ёв. У энди сал дадилроқ оҳангда гапиришга ўтди: - Гап шундаки, Пал Палич, бизнинг бугунги тезкор кунимизда, бозор шароитида нарх-наво соат сайин кўтарилиб туриши ёки пасайиши мумкин экан. Биз ҳам кеча келишганимиздан кейин... бирданига долларнинг нархи кўтарилиб кетибдо, трубаларнинг ҳам нархи ошибди. Ахир, ўзингиз биласиз, бу қувурлар Россиядан келтирилади.

- Қанчага, қанчага ошибди? - ховлиқиб сўради Пал Палич.

- Йигирма процентга, - дея киприк қоқмай жавоб қайтарди Алишер.

- Нима? Йигирмага? - Жон ҳолатда чўнтагидан калькуляторини олган Пал Палич бир нималарни ҳисоблади. - Йигирмага-я! Бу ахир ҳар бир тоннаси олтмиш олти минг сўмдан дегани-ку! Йўқ, акажон, бу нарх бизга тўғри келмайди. Бу нархга Термиздаям топса бўлади. Йўқ, ака, тўғри келмайди.

Алишерга жон битгандай бўлди.

- Мана шунинг учун ҳам, Пал Палич, мен қувур олишдан воз кечдим. Бўлмаса, мабодо шу нархга рози бўлсангиз-ку, ҳозир десангиз ҳозир ортиб бераман молни. Лекин, ўзингиз ўйланг, балки бир-икки ҳафтадан сўнг нарх тушиб қолар. Сиз бемалол ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўринг, бир ҳафтадан кейин боғлансак, менга жавобини айтсангиз бас.

Мен энди тушундим: Алишер вақтдан ютмоқчи эди. Бир ҳафтагача ким бор-у, ким йўқ; энг муҳими эса, ўша лаънати «закалат»ни топиб қўйиш эҳтимоли туғилади.

- Йўқ, акажон, - дея бош чайқади Пал Палич, - бу нарх бизга тўғри келмайди.

- Яна бир ўйлаб кўринг, Пал Палич, - деди тобора илҳомга тўлиб бораётган Алишер. - Мабодо бу нарх сизни қониқтирса ҳозироқ бориб машиналарингизга қувурни ортиб беришга тайёрман. Лекин, ўзингиз биласиз, мол меники эмас, мен ўртага тушган одамман... Шунинг учун, бугун сиз, шошилмасдан ўйлаб кўринг, эртага шу вақти келинг, бир маслаҳатлашиб кўрамиз. Унгача мен бошқа танишларимни ҳам суриштириб кўрайин-чи, зора бирон жойда арзонроқ труба чиқиб қолса.

Ҳа, Алишер жон-жаҳди билан ҳеч бўлмаса икки-уч кун вақт сўрамоқда эди. Аммо Пал Палич ҳам бўш келмади.

- Акажон, йигирмата машинанинг бир кун бўш туриши бизга камида икки юз-уч юз мингга тушади. Шунинг учун, мен уларни ҳозироқ қайтариб юборганим маъкул.

Алишер қўлларини кенг ёзди.

- Яна ўзингиз биласиз...

- Акажон, пастда прорабим кутиб турибди, мен бир маслаҳатлашиб келай, Термизнинг нархиниям билиб кел дегандим. Сўнг ўн минутдан кейин чиқиб сизга резултатини айтаман. Лекин, акажон, барибир бу нарх бизга тўғри келмайди-да.

- Илож қанча, Пал Палич, илож қанча. Сиз бир оғиз «розиман» денг, шу заҳоти бориб машиналарингизга

қувурларни шахсан ўзим ортиб бераман.

Кайфияти тушган Пал Палич индамай чиқиб кетди. Алишер сал енгил нафас олди.

- Энди бир-икки кун ичида ернинг тагидан бўлсаям «Орион»ни, анави бақалоқ Ибодулла акани топиш керак. Бўлмаса аҳвол чатоқ. Бу қарис бу нархга олмайди, албатта. Лекин баҳонада бир-икки кунга вақтни чўзиб туришимиз керак. Ҳеч бўлмаса закалатни сотувчига берганман деб туриб оламан. Зўр бўлса бир-икки кун ишга келмай тураман. Ишқилиб, бир иложини қиламан-да.

Фаҳимча, Алишернинг кўнглида умид учқунлари пайдо бўлган эди. Аммо... аммо бу учқунлар аланга олишига шароит рўй бермади. Эшик яна очилди ва Пал Палич хафақон қиёфада кириб келаркан, остонада турибоқ садо берди:

- Биз розимиз, Алишер Исроилович! Майли, олтмиш олти мингдан оламиз. Сизга ваъда қилинганиниям берамиз. Гаплашиб кўрдим, мабодо қуруқ борадиган бўлса ҳоким бова калламини оларкан. Яхшиси, қиммат бўлсаям оборай. Ўзингиз айтгандай, Алишер Исроилович, акажон, калла қиммат туради.

Энди қаддини ростлаётган Алишер гурзи билан бошига урилгандай «их» дедию, жойига қайтиб ўтириб қолди...

Бу сафар Пал Паличдан беш дақиқага чиқиб туришини мен илтимос қилдим. Пал Палич менга ўқрайиб қараб қўяркан, ҳар нечук, илтимосимни адо этиш учун ўрнидан туриб эшик томон йўналаётган маҳал:

- Бу офисда соғ одам борми ўзи? - деб тўнгилашдан ўзини тийиб туrolмади.

Алишернинг юзига қараб бўлмасди. Ўтириши-ку, ичидан ҳавоси чиқариб юборилган узун шарнинг ўзи...

Мен эрталаб олиб келган «БВВ», «Частный бизнес», «Ташкентская неделя» сингари газеталарни столга ёйиб ташладим-да, шоша-пиша реклама ва эълонлар ичидан «қувур сотаман» деган билдирувларни излай бошладим. Ниҳоят муддаомни англаб етган Алишер ҳам менга қўшилди.

Шу мазмундаги эълонлардан ўнга яқинини топдик. Бироқ жон алтосда қилган барча ҳаракатларимиз зое кетаверди: биз замондан анча орқада қолиб кетган эканмиз, сотувчилар лаънати қувурлари учун энг камида юз сўрашарди. Нақд ҳақидаги гапимизни-ку, эшитишни ҳам исташмади, ялиниб-ёлвориларимизга эса тўғридан-тўғри «Биз криминал ишларга аралашмаймиз!» деб жавоб беришди.

Телефонда навбатдаги сотувчи билан бўралатиб сўкишиб турган маҳалимиз хонага яна Пал Палич сўроқсиз кириб келди-да, бизга синовчан тикиларкан:

- Нима, сизлар мени аҳмоқ қилаяписларми? - деб сўради сира яхшилик ваъда қилмайдиган оҳангда.

Алишер пешонасини тириштириб яна бир муддат ўйланди. Аммо чекинишга бошқа йўл йўқ эди. Дўстим ноилож таслим бўлди:

- Бизни аҳмоқ қилиб кетишди, Пал Палич...

- Сизлар эса мени, шундайми?

- Йўғ-э, нима деяпис, Пал Палич...

Мол аччиғи - жон аччиғи. Дуппа дурустгина кўринган, ҳалигина оғзидан бол томиб турган Пал Паличнинг авзойи бирдан ўзгарди-қолди. У лабларини қимтиб, бизга бир муддат бошдан-оёқ қараб чиққач, тўсатдан столни қарсиллатиб урди-да:

- Разбор! - дея ҳукм чиқарди.

Алишер телефонга отилди, аммо жиккак Пал Палич ундан олдин дастакни юлқиб олди-да, қайгадир кўнғироқ қилиб, кимгадир:



- Разбор. Мен фалон жойдаман, - деди.
Алишер бўшашиб, жойига қайта ўтириб қолди.
Пал Палич телефон аппаратини ўзига яқинроқ
жойга суриб, унинг устига кафтларини қўйиб олди.
Мен Алишерга қарадим.

- Чикиб Нажмиддин акага қўнғироқ қилайми?

Алишер унсиз бош ирғади.

Иккинчи қаватга тушиб, бир халқ табибининг
хонсидан Намиддин акага қўнғироқ қилиб, вазиятни
имкон қадар юмшокроқ тарзда тушунтиришга уриндим.
Аммо «разбор» деган машғум сўзни эшитган заҳоти
ҳовлиқиб кетган Нажмиддин ака гапимни бўлди-да, шу
заҳоти йўлга чиқаётганини айтди.

Хонага қайтиб кирсам... Пал Палич тўрда, қўлларини
силтаганча қуйиб-пишиб бир нималарни тушунтириб
ётибди. Куйроқда эса одмигина кийинган, бирок
бари бирдай қатта-қатта қора кўзойнак таққан уч
басавлат ва қорувли киши унинг гапларини диққат
билан эшитишмоқда эди. Бизга бир оғиз ўзбекчани
билмайди деб таърифланган ҳайдовчи видеокамера
билан суратга олмақда.

Тан бериш керак, Пал Палич воқеани қандай бўлса
шундайлигича, қўшмай-чатмай айтиб берди. Шундан
кейин келган одамлардан бири одамнинг этини
жимирлатиб юборадиган юмшоклик билан Алишерга
мурожаат қилди:

- Алишер Исроилович, бу одамнинг айтган гаплари
тўғрими?

Алишер унсиз бош ирғади.

Бирок бу маъқуллов кўзойнакли одамга ўтиришмади
чоғи, сал овозини баландлатиб қайта сўради:

- Ё бу одам сизга зугум ўтказиб, ёлғон гапларни
айтаётими? Ё бу одам сизни кўрқитдими? Очигини
айтаверинг.

- Йўк, - пичирлади Алишер. - Ҳамма гапи тўғри.

- Менинг гапларимни бу кишининг шериги ҳам
тасдиқлаши мумкин, - дея Пал Палич мен томонга
ишора қилди.

Кўзойнакли одам мени тўрга, Алишернинг ёнига
таклиф қилди.

Бир пасда «шерик»ка айланиб қолганим мени
унчалик қувонтирмади, албатта, аммо ноилож
кўрсатилган жойга ўтирдим.

Ҳалиги кўзойнакли одам яна Алишерга мурожаат
қилди.

- Алишер Исроилович, мана, соғлом ақлингиз, соғ
вужудингиз билан қаршимизда ўтирибсиз. Кўриб
турибсиз, видеога ҳам олишяпти. Ёнингизда
шеригингиз бор. Марҳамат қилиб, кўрқмасдан, дадил
айтинг: гапираётган одамнинг даъволари тўғрими, сиз
чиндан ҳам у кишига 200 тонна трубани тоннасига 60
минг сўмдан топиб беришни ваъда қилдингизми ва ўз
навбатида у киши ваъдасининг кафолати сифатида
олдиндан тўрт минг доллар пул олдингизми?

- Ҳа, тўғри, олдим, - деди Алишер.

- Ундай бўлса, марҳамат қилиб камерага тўғри
қаранг-да, бўлган воқеани энди сиз батафсил айтиб
беринг.

Алишер тутилиб-тутилиб гапирди. Азбаройи
кўрққанидан бўлса керак, ҳатто ҳар бир тонна қувур
устига ўн минг сўм қўшганини ҳам айтиб юборганида
ўтирган кўзойнаклилардан бири хуштак чалиб юборди.
Хуллас, «Орион» ҳам қолмади, унинг бошлиғига
берилган... икки минг доллар ҳам. (Менга бўлса
«закалат»нинг ҳаммасини бердим деганди!)

Кўзойнаклилар жўрабошиси бир имо қилган эди,
улардан биттаси секингина хонадан чиқиб кетди.
Назаримда «Орион»ни текширишга кетди-ёв.

Алишер узоқ гапирди. Бу ишларда ҳали тажрибаси
йўқлигини, «Орион»нинг бошлиғига ишонганини, энди
ҳеч қачон бундай ишларга қўл урмаслигини айтиб,
яқунида Пал Паличдан ҳам, бошқа ўтирганлардан ҳам
узр сўради. Дўстим жуда кўрқиб кетган эди. Баайни
ўша, босқинчилик содир бўлган кечадагидай...

Бу орада чиқиб кетган кўзойнакли қайтиб келиб,
сардорининг қулоғига нимадир деб шивирлади.

- Энди гап бундай, мухтарам Алишер Исроилович.
Ўзингиз яхши биласиз, бизнеснинг ўз қонун-қоидалари
бор. Шулардан асосийси - лафз ҳалоллик. Одам ўз
гапига жавоб бера олиши керак. Ўз гапига жавоб
беролмайдиган одамнинг гапирмай қўя қолгани яхши.
Сиз ҳам, акангиз ҳам бу соҳада янги одамлар эмассизлар.
Шунинг учун гапни чўзиб ўтирмайлик-да, мақсадга ўта
қолайлик. Алишер Исроилович, сиз бу ишнинг тинчгина,
ўзаро бир-биримизни тушунган ҳолда, ошна-
оғайниларча ҳал бўлишини истайсизми ёки албатта
уриш-сўқиш, калтаклаш, қон чиқариш, азоблаш ё
яқинларингиздан биронтасини ўғирлаб кетиш шартми?

- Иложи бўлса... иложи бўлса... - ҳикиллади адоий
тамом бўлган Алишер гапираётган кишига мўлтираб
қараб, - иложи бўлса тинч йўл билан.

Нотиқ мийиғида илжайди.

- Бу энди фақат ўзингизга боғлиқ, Алишер
Исроилович. Хуллас, ҳозир етказган зарарни, бизнинг
хизмат ҳақимизни ҳисоблаймиз-да, мисол учун, сизга,
майли, кўпроқ, яъни етмиш икки соат вақт берамиз.
Шу вақт ичида айтилган суммани тўласангиз бўлди, шу
билан бир-биримизни танимаймиз, тамом-вассалом.
Тушунарлими?

- Ҳм.

- Ҳўш, унда ҳисоблаб туринг. Сиз Пал Паличдан
кеча 800 минг сўм олгансиз, майли, сўмда ҳисоблай
қолайлик, нотариусга саксон минг тўланган. Буниям
сиз қайтарасиз. Жами ҳисобласак, йигирма фоиз
устамаси билан 1 миллион 56 минг сўм бўлади. Ҳўш,
Термиздан йигирмата юк машинасининг бўш келиб-
кетишини Пал Палич тўрт юз мингга баҳолаяпти.
Йигирма фоиз устамаси билан 480 минг. Жами 1
миллион 536 минг. Ҳўш, энди етказган маънавий
зарарни ҳисобга олсак, Пал Палич бунга 1 миллионга
баҳолаяпти. Майли, ҳисобга тўғри бўлсин учун биз бу
рақамни 964 минг қилиб оламиз. Шундан жами микдор
тўппа-тўғри икки миллион беш юз минг сўмни ташкил
этади. Сиз биринчи бор бунақа иш қилаётганингизни,
ёшлигингизни, гўрлигингизни, лекин қандайдир
«Орион» деган фирмалар тўғрисидаги чўпчаклар билан
бизни лақиллатмоқчи бўлганингизни ҳам ҳисобга
олиб, майли, биз хизмат ҳақимизни умумий микдорнинг
йигирма беш фоизи микдорида белгилаймиз, холос.
Алишер Исроилович, эътибор беринг, биз 50 ёки 100
процент демаяпмиз, атиги 25 деяпмиз, холос. Эътибор
беринг ва қадримизга етинг. Демак, жами умумий
микдор ўзбек пулида уч миллион 125 минг сўмни
ташкил этади. Мана, - кўзойнак чўнтагидан соат
чиқариб Алишернинг столи устига қўйди, - счётчик иш
бошлади. Роппа-роса етмиш икки соат ичида
бўйнингизга қўйилган қарзингизни тўламасангиз,
Алишер Исроилович, биздан ўпкалашингизга ҳеч бир
асос қолмайди. Ўзингиз яхши биласиз, тўланмаган
қарз проценти кунига ошаверади. Бўлди. Гап тамом!
Атас! Выключи камеру.

Эшик очилиб, остонада ранг-кути ўтган Нажмиддин
ака пайдо бўлди...

Ў, мен бу дақиқаларни узоқ вақт унутолмайман...

Нажмиддин ака бир қарашдаёқ хонадаги муҳитни,
айниқса жиддий одамлар билан юзма-юз бўлишга

тўғри келаётганини илғаб олди чамаси. Ва мен айна ушбу лаҳзаларда у кишини таниганимдан буён ўтган ўн уч йил мобайнида илк бор Нажмиддин ақанинг юзида саросима унсурларини кўрдим! Ҳа, мен шу кунга довуруқ бўруну тўфонларга, довулу қақинларга таъсирсиз, бениҳоя мустаҳкам ва мағрур ҳисоблаб келган қоя ичидан дарз кетган эди! Ниҳоят...

Афтидан, югуриб келганидан ўпкаси бўзига тикилгани сабаб сезиларли даражада энтикиб нафас олаётган Нажмиддин ака:

- Нима гап? - деб сўрай олди.

Бояги гапдон дароз кўзойнагини бир тўғрилаб кўйди-да, индамасдан кассетани видеомагнитофонга кўйиб, телевизор тугмачасини босаркан, эҳтиром ила Нажмиддин акага мурожаат қилди:

- Марҳамат, Нажмиддин ака, бемалол томоша қилиб олинг.

Экран ёришиб, Алишернинг ёнида турганча куйиб-пишиб гапирётган Пал Паличининг қиёфаси кўринди...

Кўзойнақнинг «Выключи камеру» деган буйруғидан сўнг экранда оппоқ доғ пайдо бўлди.

Мен қилг этмай ўтирган, ҳамон экрандан кўз узмаётган Нажмиддин акага қарадим. Ҳа, нодон ука акасини камида ўн йилга қаритди-ёв.

- Нажмиддин ака, - деди кўзойнақ операторга нарсаларингни йиғиштириб ол ишорасини қиларкан, - мана сизнинг юз-кўзингиз, шунча одам гувоҳлигида укангиз бир оғиз «Бу ерда адолатсизлик бўлаяпти, мен разборга тушадиган иш қилмадим» деб айтсин, сўнг шу гапини исботлаб берсин, биз жон-жон деб индамасдан қайтиб кетамиз.

Нажмиддин ака Алишерга қаради, Алишер ерга...

- Ўзингиз кўриб турибсиз, Нажмиддин ака, биз ноиложмиз, - деди дароз. - Қонун ўз номи билан қонун. Унга ҳаммамиз бўйсунушимиз керак. Ҳалиям укангиз эканлигини билгач, қўлимдан келганча кўмаклашиб, процентни минимал қўйдим. Бўлмаса... Биз жудаям афсусдамиз... Мухлат ўтмасдан бир иложини қилинлар. Пул одамнинг жони эмас, ака. Яхши қолинглар.

Мана шунда... Нажмиддин ака ўрнидан кўзгалди. Ёраб, мен атиги бир неча лаҳза ичида бунчалар қорайиб кетган чеҳрани биринчи кўриб туришим эди.

- Гап бундай... биродарлар, - дея сўзини бошлади Нажмиддин ака. Бироқ бу сўзлар томоқдан беҳад зўриқиш билан, мажбуран ситилиб чиқмоқдайди. - Бу ерда... гап кўнга ўхшайди. Кимдир бу иш... ишларнинг бошида тургани, менга, укамга орқадан келиб пичоқ ураётгани кўриниб турибди. Қани эди... ўша одам мард бўлсаю, бундай майдонга чиқиб, мен билан эркакчасига олишса... Мен ҳали ўша... «Орион»-порионларни излаб кўраман... гарчанд сиз буни чўпчак деб атасангиз-да... Чунки укам бу қадар маҳорат билан чўпчак тўқий олмаган бўларди... Бунинг устига на сиз, на мен Термиздан келган йиғирмата машинани кўрганимиз йўқ ҳали... Эҳтимол, таг-туғи йўқ машиналардир улар... Термиз узоқ жой эмас... Бир кунда учиб бориб, Пал Паличининг қурилишлари билан танишиб келса бўлади... Эҳтимол, жумбоқнинг бир учи мана шу сохта қурилишлардадир... Ҳар не бўлганда ҳам, биродарлар, мен дастлабки фикримдан қайтдим... Яъни, демокриманки, мен сизларга қарши одамлар ёллаш фикридан қайтдим. Бу ёққа келаётиб, кўп режа тузгандим... Истасам, бу ишни қиламан ҳам. Кетса пулим кетар, сиз айтгандай, мухтарам ажримчи, жон фойдага қолади-ку... Тўғри, мен кўп йилдан буён шу соҳадаман. Нима топган бўлсам ишлаб топдим... Фурусат келганда сиз ўзингизни вақил қилиб кўрсатаётган олам вакиллари билан ҳам учрашишга

тўғри келган... Мисол учун, фалончи... - шу ерга келганда Нажмиддин ака ўғрилар орасида машҳур бўлган бир исми тилга олди. - Лекин мен бугун у одамни танишим билан мақтанмоқчи эмасман. Мен, ҳали айтганимдай, сизларга қарши уруш очиб фикридан ҳам қайтдим. Чунки мен бир нарсани тушундим, биродарлар. Мен тушундимки, укамнинг гўрлиги, соддадиллиги, мақтанчоқлиги ҳали бизнинг бошимизга кўп ташвишлар келтиради. Имоним комилки, ўша, кўйнида пичоқ ушлаб юрган, эҳтимолки бизнинг яқин танишимиз ҳали-бери ўзини босиб ололмади. У ўч олишнинг минг бир йўлларини кидиради ва топади ҳам. Бугун Пал Паличдан фойдаланган бўлса, эртага бошқа Иван Ивановичдан фойдаланади. Ишқилиб, бизни тинч қўймайди. Барча ишимни йиғиштириб қўйиб, у билан астойдил олишишга эса менда на хоҳиш бор, на фурусат... Шу сабабли, биродарлар, сизларнинг орангизда ҳеч бўлмаса бир киши ўша асл режиссёрни яхши танир ёки орангизда ҳеч бўлмаса бир киши аслида ўша режиссёрнинг ўзидир, ҳаммангизга эшиттириб айтмоқчи бўлганим шуки, шу бугундан бошлаб менинг укам Тошкентда яшамайди. Шу бугун кечқуруноқ укам қишлоқда бўлади. Майли, хоҳласа қишлоқда мол боқсин, хоҳласа осмонга қараб ётсин, ишқилиб, шаҳарга энди қадам босмайди. Чунки мени йиқитмоқчи бўлганлар укам орқали тезроқ мақсадларига етишишлари мумкинлигини аллақачон англаб олганга ўхшашади. Мен эса ҳар ким билан, ҳар қачон, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жойда очикчасига курашишга, ўзимни, ишимни ҳимоя қилишга тайёрман.

Энди, тўлов масаласига келсак, мен шундай қарорга келдим. Ҳозир мен билан бориб, Пал Палич, ўша тўрт минг долларингизни ва саксон минг сўмингизни оласиз. Сизга етказилган зарарни эса мен бир хонали квартирага тенг деб баҳоладим. Биз уни яқиндагина ичидаги жихозлари билан олти юз минг сўмга олгандик. Мана шу квартира сизга ёки сизнинг орангизда турган режиссёрга. Машиналарнинг пулини эса сиз қачон ўша Термиздан келган йиғирмата машинани менга кўрсатасиз, қачон уларнинг шофёрлари билан ўзим гаплашиб кўраман - ана ўшандан кейин оласиз. Сизлар эса, мухтарам ажримчилар, эртага соат ўнда истаган бировингиз менинг офисимга келинг, мабодо ҳайиксангиз, бирон танишингизни юборинг, ўша одам келиб менга бир оғиз «Алишернинг тўланмаган қарзи» деб айтса бас, мен икки юз минг сўм бериб юбораман. Ва шу билан барча гап-сўзларни, даъволарни бутунлай унутамиз. Акс ҳолда мен ҳам бошқача йўл тутишга мажбур бўламан... Хўш, нима дейсизлар?

Хамма жим эди. Айниқса мен ҳайратда қолган эдим. Ҳа, қоя бу Нажмиддин ака деганлари, ҳатто ичидан дарз кетиб турган чоғда ҳам қоя!

- Ундай бўлса, - дея Нажмиддин ака ўрнидан турди. - юринг, Пал Палич. Афтидан, машиналарингиз ҳали Термиздан чиқмаган кўринади. Шундай экан, доллар билан квартирани иссиғида олиб қўя қолганингиз маъқул. Сен эса, ука, - Нажмиддин ака Алишерга тик қаради, - қолган икки минг долларни менга бер-да, уйга бориб нарсаларингни йиғиштир. Бир соатдан кейин машина сени қишлоққа олиб ташлайди. Борганда кўришамиз.

Алишер кўйин чўнтағидан долларларни олиб бераётиб, аянчли мингирлади:

- Юзини майдалагандим...

Нажмиддин ака эшик томон юрди.

- Хайр, жаноблар. Умид қиламанки, бундан кейин, бундай вазиятларда сира учрашмасмиз.

VI

Орадан бир ойга яқин вақт ўтди.

Ёрлақаб акадан олган қарзимни фоизини кўшиб тўлаб келдим. Қишлоғимиздаги энг олд уйни икки юз эллик мингга сотиб олдим-да, яна шунча пулга тўлик таъмирлаб, ичини нақшли ганч билан безатиб чиқдим. Яна икки юз мингга эса эскироқ бўлса-да, яхши сақланган бир «Москвич» сотиб олдим. Алишернинг бир хонали уйини аммамнинг Тошкентдаги ўқиётган ўғли номига расмийлаштириб олгач... бир кеча ётиб кўрдим. Йўқ, бўлмади. Айниса намозшом... Уйга бир афғон оиласини ижарага қўйдим. Ҳар ой бошида келиб, юз доллар ижара ҳақини ўзим олиб кетадиган бўлдим.

Қолган икки юз-уч юз минг пул фирмамнинг ишини сал жонлантиришга, ота-онамга, ака-сингилларимга кўмак беришга кетди. Қишлоқда бўшаб қолган эски клуб биносини хусусийлаштириб олиб, тикувчилик цехи очдим. Ҳар гал Тошкентга борганимда гулли-гулсиз материаллардан олиб қайтаман, ҳозирча кизлар чокли-чоксиз чойшаблар, ёстик жилдлар тикиб ётишибди. Насиб қилса, уларни ё Россияга жўнатармиз ё бўлмаса шифохона-боғчаларга сотармиз.

Иқтисодий мустақиллик менга... дадиллик бахш этди. Мен энди, мисол учун, бошқаларни кўйиб турайлиг-у, қоядай мустаҳкам ҳисобланиб келганим, аслида эса ичидан дарз кетган Нажмиддин ака билан ҳам бемалол, тенгма-тенг гаплашадиган бўлдим.

... Бугун у кишини ўзим тушликка таклиф қилдим.

Нажмиддин аканинг қадаҳни лабига теккизиб кўйишларига қасдма-қасдигами, ўзи асли ангишвонадай қадаҳимга пайдар-пай коньяк кўйиб ичарканман, ногаҳон суҳбат мавзунини бутунлай бошқа ёққа буриб юбордим.

- Нажмиддин ака, биламан, сиз жуда банд одамсиз. Ҳозир ҳам ичингизни ит таталаб ўтирганига шубҳам йўқ. Лекин, илтимос, ака Нажмиддин, келинг, мен учун ўн дақиқа вақтингизни ажратинг, мен сизга қизиқ бир воқеани айтиб бераман.

Маст бўлиб бораётганим ёқмаган бўлса-да, кулимсираб туришнинг урдасидан чиқаётган Нажмиддин ака ҳомийларча бош ирғади:

- Марҳамат, марҳамат.

Чин сўзим, у кишининг мана шу қилиги ҳам гашимга тегди.

- Хуллас, Нажмиддин ака, қишлоғимизда бир йигит бор. Ўзи мен билан тенгдош қатори. Лекин жуда касалманд. Кўзим яхши кўрмайди. Аввал «минус уч» кўзойнак тақиб юрарди, китоб ўқийвери-ўқийвериб яқиндан бери «минус беш»га ўтган. Энди, ўзингиз тушунасиз, сўлоқмондай йигит кун бўйи уйда қамалиб ётса, ҳар қандай одамнинг ҳам бадига уради-да. Демокчиманки, ундан уйдагиларам, қариндош-уруғларам, кўни-кўшнилларам - ҳамма-ҳамма безор бўлган. Энг қизиги, ака Нажмиддин, у йигит ўзидан ўзи энг кўп безор бўлган.

Энди, айтганимдай, кун бўйи бекор, шифтга термулиб ётгани-ётган ё китоб ўқигани-ўқиган. Уч-тўрт йил бўлиб қолди, кечқурун китоб ўқишдан ҳам кўрқадик, уйдагилардан биронтаси «Чирокнинг пулини ким тўлайди?!» деб ўшқириб қолмасин дея. Шундай бўлганда... Кундузи сал қимирлаб молларга ўт солади, тагини тозалайди, лекин сув беришга кучи етмайди - сув тўла пақирни кўтаролмайди. Шлангни бир амаллаб охурга олиб боради, лекин крандан сув келмайди. Хуллас, дардисар бир жон-да.

Яна бир қизиқ томони, ака Нажмиддин, бу йигитча

ўзига яраша ўжар ҳам. Яъни, балнисага, дўхтирга умуман бормайди. «Бор» деган одамни ўлардай ёмон кўради. Ўзи бу йигитнинг отасиям бир вақтлар «Давлатдан пенса олсам ўлиб қоламан» деб пенсия олмай юриб-юриб ўлиб кетганди. Мана шу девоналик ўғилга ўтган экан-да, қаранг, қон тортган-да. Хуллас, дўхтирга бормайди, яъни инвалидликка чиқмайди. Инвалидликка чиқмагандан кейин бу йигитга бир жойдан бир сўм келмайди. Қорин эса касалда ҳам бор... Гапнинг қисқаси, бутун элнинг қарғишига, мазах-кулгусига учраб юрган бир шўрлик касал.

Бултур бир парча ҳовлига дон экибди, чўмижда сув ташиб парваришлабди, бугдойлари энди етилган маҳал кўшнинг сигири кириб барисини паққос тушириб кетибди. Бунини кўрибди кишлоқ аҳли қорнини ушлаб, қотиб-қотиб кулди-ку. Бизам роса яйрадик. Ўзи ярим жон бўлса, бугдойга бало борми, деб. Егани-ку, бир парча нон. Бундан ортигини ўзим емайди, уйдагиларам бермайди. Ишқилиб, нон-сув, нон-сув, холос-да. Маъракалардан бирон коса шўрва юбориб қолишса бу шўрлик учун байрамдай гап. Ўзим яқинда кўрдим: эти бориб устихонига ёпишибди, қорин деган нарсанинг ўзи умуман йўқ. Юрибди ҳовлида судралиб бир жондор... Рости, ўлиб қолсаям биров ачинмаса керак. Тўғриси, бунақанги ҳаётдан кўра тинчгина жонини топшириб кўя қолганим яхши.

Энди, ака Нажмиддин, тақдир ўйинларини қаранг. Шу ҳолига бу акам ўзларича шигир ёзиб юрарканлар денг. Ўчоқда ёнган гўла қолади-ку, шунинг кўмирини оларкан-да, деворгами, пўстакками, ишқилиб, тўғри келган жойга ёзиб ташлайвераркан-да. Ахир биров бу дарди бедавога қалам-қоғоз берармиди?

Лекин, ака, кўпчилик бари бир кўпчилик-да. Шуларнинг орасидан биронта меҳрибон ҳам чиқиб қолган шекилли, бу «нозик кўнгилли» йигитга қалам-дафтар топиб берибди. Бу акам ҳам ёзганларини нақ газетга юборибдилар. Газетага боса қолибди. Энди денг кишлоқда бунини гапирмаган одам қолмади-ёв. Касал шўрликнинг боши энди бутунлай таънадан чиқмай қолди. Ҳали у даврада «шооир замон» деб масҳара қилишган, ҳали бу даврада «ёзувчи» деб. Хулласи калом, пичинг-кесатикларни эшитавериб жонидан тўйган уйдагилар касал шўрликнинг кўларини боғлаб кўйсақмикин деган режани пиштириб юрган кунларнинг бирида не фалокат босиб касал бечорага шаҳардан икки юз ўн бир сўму саксон тўрт тийин қалам ҳақи келиб қолади. Гонорар-да. Биринчи бўлиб касалнинг қатта опаси қичқиради: «Келган пулига бир кила кампит бермас экан, бунча бизди буйтиб шарманда қилганинг нимаси эди, қокшол?!» Орага кетмон даста кўтарган ака кўшилади: «Шу билан бир уриб миянгнинг қатгини чиқариб қўяйми, ифлос?!» Хуллас, ака Нажмиддин, уйда қиёмат-қойим кўпган, сал бўлмаса йигит бечорани кўчага ҳайдаб солишадиган ё бўлмаса психбалнисага обориб ташлашадиган. Бу орада яқинлардан бири дўхтирхонага бориб, ҳалиги ВКК деганнинг бошлиғига учрашса, у акам ҳам ҳеч иккиланиб ўтирмасдан «бўлмаса бирон йигирма-ўттиз минг ташлаб кетинглари-чи, ҳаракат қилиб кўраимиз», депти. Ана энди уйдаги қирғин баттар авжига чиқади. «Сен дарди бедавони ўттиз минг тўлаб инвалидликка чиқаргандан кўра осибгина кўйиб қўя қолмаймизми?.. Сен ўлмадинг, биз қутулмадик, ноҳўр!..» ва ҳоказо ва ҳоказо.

Ваҳоланки, ака Нажмиддин, мен ўша шеърларни ўқибдим. Ҳатто биттасини ёдлаб ҳам олгандим. Сиз ҳам эшитинг-а.

Мен Нажмиддин аканинг бетоқат тўлғониб

кўяётганини кўрмаётгандай кўзимни юмдим-да, шеърни ўқиб бердим:

*«Ў, агар бўлсайдим унинг ўрнида
Нелар қилмасдим!
Кундуз-ку кундуз, мен ҳаттоки тунда
Тиним билмасдим.*

*Ишлардим қулдайин жон-жаҳдим билан
Терга қўмилиб,
Яшардим шоҳдайин шон, шаҳдим билан
Завққа чўмилиб.*

*Умримни бахшида этардим турли
Тайёраларга,
Фазони тўзгатиб учардим сирли
Сайёраларга.*

*Албатта Заминнинг таянч нуқтасин
Топиб олардим,
Муштира Оролнинг қақраган кўксин
Сувга солардим.*

*Темиртан даҳолар измимда бирдай
Юришар эди,
Пахта экиб-тикиб, минору сарой
Куришар эди.*

*Ўрганиб табиат алифбосини
Тиллашар эдим,
Аниқлаб дардларнинг ибтидосини
Беллашар эдим.*

*Соғлиқнинг қудратин кўрсатар эдим
Ўзим амалда,
Курашиш бахтини исботлар эдим
Биринчи галда.*

*Ў, агар бўлсайдим унинг ўрнида!..»
Маънос, шикаста,
Пичирлаб термулар соғлом одамга
Бемажол хаста.*

*Лаблари титрар. Бир аламли азоб
Кўксин тиглайди,
Пардани ёполмай, юз тубан қулаб,
Хўнграб ийглайди...*

Хўш, қалай? Менга таъсир қилган томони, ака Нажмиддин, шеърга «Мен» деб сарлавҳа қўйилган-да, тагига «Баллада» деб ёзилган.

- Яхши шеър экан, - деди Нажмиддин ака хўрсиниб. - Соғлиқнинг кадрига касал одам етади-да. Ўйлайманки, сиз бу йигитга...

- Асло! - дея қўлимни кўтардим. - Бир тийин ҳам. Чунки бу йигит айнан касаллиги, айнан хўрлангани-хақоратлангани учун ҳаётнинг кадрига кўпроқ етмоқда. Мабодо мен бойиб кетганим сабабли дарров бориб унинг иссиқ-совуғидан хабар ола бошласам, аввало унинг гурурини топтаган бўламан, иккинчидан, уни ўз бахтсизлигидан бағоят самимий лаззатланишидек хузурдан маҳрум қилган бўламан.

Нажмиддин ака суҳбатимиз давомида биринчи бор менга синовчан тикилди:

- Сиз жуда шафқатсиз фикрлар экансиз, Муродилла. Мен яна қўлимни кўтардим.

- Асло. Ва ҳаттоки аксинча. Сиз сал мулоҳаза юритиб кўринг-а... Салгина...

Афтидан, мендан нимадир сўрамоққа чоғланган Нажмиддин ака соатига биров кўз ташлади-ю, безовталаниб, ўрнидан бир кўзгалиб қўйди.

- Айтгандай, Алишер қаерда? - деб сўрадим яна бир қадах коньякни бир кўтаришда ичиб ташлагач, газак-пазак қилиб ўтирмасдан.

Нажмиддин ака жонланиб қолди.

- Шунинг сиздан сўрамоқчи бўлиб келгандим. Муродиллабек. Хабарингиз йўқми, олти кун бурун уйдан чиқиб кетган экан, ҳалигача қайтмапти. Бугун хавотир олиб телефон қилишди.

Мен сихдаги қабоддан бир донасини оғзимга солиб, бахузур чайнай бошладим.

- Ҳар қалай, Алмати яқин жой эмас. Бирон ҳафталардан сўнг етиб келиб қолар.

- Нима?

Нажмиддин аканинг кўзлари олайиб кетди. Мен кизик томоша кўраётган одамдай пиқирлаб қулиб юбордим.

- Шошилманг, дедим-ку, ака Нажмиддин, шошилманг. Шошилмасангиз мендан кўп кизик нарсаларни эшитасиз. Хулласи калом, бир кўхликкина жувон отчоқарда тўрт юз доллар турадиган молларни бир тоғли кишлокқа оборади-да, тасодифан, эътибор беринг-а, тасодифан найнов бир йигитга икки юз берсанг бас деб топширади. Табиийки, найнов анча-мунча фойда кўради. Кейинги ҳафта бу ҳол яна такрорланади. Найнов бу гал ҳам тузуккина фойда кўради. Бундан унинг димоғи шишиб кетади. Ўзича қатта-қатта режалар туза бошлайди. Сулувгина жувонга ҳам айнан шу керак эди. У алдаб-сулдаб найновни ўзи билан Алматига, улгуржи бозорга боришга кўндиради. Икки минг доллар олсанг бўлди, бирга бир қолиши кафолатланган, яъни яна икки минг доллар даромад кўрасан, деб ишонтиради. Довдираб қолган найнов дўст-ёрларидан қарз олади, етмаганига уйда тўйга атаб боғлаб қўйилган ғунажинни сотади, ишқилиб, 2500 долларга етадиган пулни белбоғга тугади-да, Тошкентга, ҳалиги сулув жонон айтган жойга етиб келади. Шундан кейин жувон иккаласи бориб пулни долларга алмаштиришади-да, ҳайё-ҳуйт дея автобусда, эътибор беринг, тижоратчиларнинг буюртма автобусида эмас, оддий, йўналишдаги автобусда, чипта олиб Алматига жўнашади. Хулласи калом, жувон найновни улкан бозорга бошлаб боради-да, икки ярим минг долларни унинг қўлидан қуртдек қилиб санаб олгач, «сиз ўтириб туриш, мен ўзим танлаган молларни шу ерга олдиртириб чиқаман» дейди-да, улкан бозорга шўнғиб кетади.

Шу билан кун кеч бўлади, бозор тугайди ҳамки, жувон қайтиб чиқавермайди. Шунда найнов бир сўмсиз, бир долларсиз, бир тангасиз мутлақо бегона бир мамлакатда, бегона шаҳарда хор-абгор аҳволда қолиб кетганини англаб етади. Эътибор беринг, ака Нажмиддин, воқеа намозшом палла содир бўлмоқда... Борай деса найнов биладиган жойнинг ўзи йўқ, бегона шаҳар эса пулсиз банданинг орқасига телиб кўчага ҳайдаб солишни хўп бошлайди. Бунинг устига денг, қахрамонимиз бировга ялиниб ўрганмаган, бир умр гамхўр акаси даврида егани олдида, емагани орқада яшаб келган: Бундай ялинишни ҳам эпложмагач, ҳайдовчилар ҳам унинг орқасига ўхшатиб тепишади. Хулласи калом, қахрамонимиз пойи пиёда «Қайдасан, Тошкент» дея йўлга равона бўлади.

Алмати дунёнинг нариги чеккасида эмас. Келиб қолар насиб қолса...

Нажмиддин ака газаб билан ўрнидан туриб кетди.

- Демак, демак буларнинг бариси сенинг...

Мен қўлларимни кенг ёздим.

- Иsobтлаб беринг-чи, ака Нажмиддин. Иsobтсиз даъво эса куруқ тухмат бўлиб қолаверади. Ишонасизми, мени ҳатто ўша боскинчилар ҳам, асли касби артистлик бўлган Пал Паличу «Ерөнғок»нинг ўйнаши бўлган сулув жувон ҳам танимайдй. Мен йўқ одамман. Мен кўринмас одамман. Мен «Ерөнғок»ка ўхшаганларга гоё бераман-да, «элликка эллик»ка ўйнайман.

- Лекин... лекин нега ахир... - Нажмиддин ака менга узок тикилиб қолди. - Ҳеч бўлмаса сабабини айт, инсон...

Мен яна кулиб юбордим.

- Дунёда бесабаб дарахтдан бир япроқ узилмас, ака Нажмиддин... Мақсад эса воситани оклайверади...

Нажмиддин ака ёқамга ёпишди.

- Сабабини айт деяпман!

Кулиб юбордим. Тўғриси, яқин орада бунақа маза қилмагандим. Ҳам коньякнинг таъсири денг, ҳам ниҳоят Нажмиддин акани мувозанатдан чиқариб, оддий асабий бандага айлантириб қўйганим лаззати...

- Нажмиддин ака, мен боя бир бечора йигит ҳақида гапириб бердим, эсингиздами. Энди яхшилаб эслаб қолинг: ўша йигит дунёдан бир буйрак билан ўтиб борапти.

Мен ўрнимдан турдим-да, чайқалаётганимни билдирмасликка уриниб, эшик томон юрдим.

Кўз қирим билан кузатиб турибман, энди ортимдан юрган Нажмиддин ака қаршисида официант пайдо бўлди ва, афтидан, ҳисоб-китоб қилиб қўйишни сўради. Нажмиддин ака жаҳл билан қўйнидан бир даста пул чиқариб, санамасдан унинг қўлига ташлади-да, ортимдан чопди.

Мен қаҳвахонадан чиқдим.

Атрофга намозшом қоронғулиги бостириб келмоқда эди. Симёғочлардаги ранг-баранг неон чироқлар, йўлдан зувилаб ўтиб турган машиналар фаралари зиёси ҳам зулматни ҳайдаб солишга ожиз эдилар. Намозшом салтанати дарахтлар ортида бекиниб турган айёр ёғий мисоли аста-секин силжиб келмоқда эди...

Кимдир қўлимдан силтаб тортиди. Ўтирилдим. Кўзлари чўгдай ёнаётган Нажмиддин ака менга еб юборгудай важохатда қараб турарди.

Бир силтов билан қўлимни бўшатдим-да, шошилмасдан бориб машинага ўтирдим. Нажмиддин ака ойнадан бош суқишга уринди.

- Кўп ичдингиз, Муродиллабек, машинани мен ҳайдай қолай.

Мен кулиб юбордим.

- Сизнинг эса, ака Нажмиддин, газабдан қўлларингиз дир-дир титрапти. Раз шундай экан, менга қараганда сизнинг рул бошқаришингиз хавфлироқ.

- Шопиримни чақирай, таштаб келсин бўлмаса.

- Бунақа мулозаматни қўйинг, ака Нажмиддин, - дедим иложи борича қувноқроқ гапиришга уриниб. - Сиз яхшиси дунёдан битта буйрак билан ўтаётганлар ва уларни шу қўйга солганлар ҳақида ўйланг. Мабодо бу жумбоқни ечолмасангиз, омон-эсон етиб келгандан кейин жонажон укангиздан сўраб кўринг. У билади. Жуда яхши билади... Умид қиламанки, ака Нажмиддин, энди биз сиз билан бундай вазиятда қайта кўришмаймиз. Лекин бошқа бир нарсаям бор, ака Нажмиддин, то довдир, мактанчок, шуҳратпараст, қилдай обрў учун

томдан ташлаш у ёқда турсин, бировларнинг буйрагини эзиб ташлайдиган укангиз бор экан, ҳали сиз мен билан кўп учрашасиз. Кўп учрашасиз. Кўп товон тўлайсиз. Истамасангиз мажбур қиламан. Яхши қолинг, ака Нажмиддин. Тез қулларда кўришгунча. Кўришганда олишгунча.

Машинани ўт олдириб газни босдим. «Москвич»им бир қалқиб ўрнидан қўзғалгач, танқдай гувиллаб олдинга интилди.

Ортимга ўгирилиб, Нажмиддин ака қаҳвахона ёнида қокқан қозикдай туриб қолганини кўрдим.

Тезроқ шаҳардан чиқиб кетишим керак эди. Мен вужуд-вужудим билан, ҳар битта хужайрамга қадар атрофга шом қоронғулиги ўз ҳукмини ўтказа бошлашга уринаётганини ҳис қилиб турардим. Тезроқ, тезроқ чиқиб кетиш керак бу бегона шаҳардан.

Мен кўрқаман. Бегона шаҳарнинг намозшомларидан кўрқаман. Мен намозшом палла бегона шаҳардан кўра яйдоқ чўлда, қашқирлар орасида қолиб кетишни авло кўраман.

Тезликни тоборо ошира бордим. Йўл эса сира унай демасди. Ниҳоят олисда Отчопар чироқлари кўрина бошлаган маҳал сал енгил нафас олгандай бўлдим. Ҳар қалай, ундан у ёғи кенглик, инчунин, намозшом мени ўз забтига ололмайди.

Қизик, бугун бир ўрисча газита ўқиб ўтирсам, «асримиз тезлашди, энди ёмонликнинг илоҳий жазоси қирқ йилда эмас, кўпи билан қирқ кунда, баъзан эса қирқ соатда, қирқ дақиқада ҳам қайтади.» деб ёзишибди. Ҳа, нодонлар-а, нодонлар. Агар шундай бўлганда эди, дунёда ёмонлик деган нарсанинг ўзи қолмасди ўша сизлар ваъда бераётган қирқ кун ичида. Ҳолбуки, бу дунёда аксар ҳолларда ёмонлик жазосиз қолади. Ҳолбуки, жазо, интиқомнинг ўткир шамшири айнан ва айнан ўша ёмонликдан воқиф бўлган бандалар қўлида бўлмоғи мақбулроқдир.

Назаримда, Отчопарга сира яқинлашмаётгандай эдим. Яна газни босдим. Ногоҳ кўз олдимда Нажмиддин аканинг менга ҳайратланиб қараб турган сийрати намоен бўлди. Бечора, шубҳаланмаган ҳам экан-да. Ё шунчалик гўлмиди? Майлида-эй, гўл бўлса ўзига зиён.

Ҳа, ака Нажмиддин, биз ҳали сиз билан кўп кўришамиз. Укангиз омон экан, бизнинг йўлларимиз кесишаверади. Ҳали...

Йўқ, мен аввал бегона шаҳарнинг намозшомидан, зулмат салтанатидан, юрагимни сиқиб, нафасимни бўғувчи, мени жонимдан тўйдириб юборувчи намозшом азоб-уқубатларидан қутулиб, кенг йўлга чиқиб олай, ана ундан кейин бафуржа тузавераман ака Нажмиддинга қаратилган янги-янги, теша тегмаган режаларни. Мана шу кўз олдимни, борлиқни қошлаб бораётган намозшом кўланкаси чекилса бас...

Эритилган сақичдай атрофни чирмаб бораётган, машинам ойналарига чапиллаб томаётган, ойнатозалагичга ҳам бўй бермаётган мана шу ёпишқоқ Зулматдан, тубсиз қоронғуликдан қутулиб олсам бас. Қолгани кейин бўлаверади... Газни охиригача босдим. Қутуриб олдинга ингилиши лозим бўлган машинам қилт этмади. Назаримда, бегона шаҳарнинг намозшом салтанати сақичдай ёпишқоқ ва қоп-қора қўллари ила мени ўраб-чирмаб, тубсиз оғушига олмақда эди...

НАВОИНИ АНГЛАШ

Неча юз йиллардан буён Алишер Навоий бадий-илмий мероси инсоният маънавияти йўлида хизмат қилиб келмоқда. Унинг «Эл нешиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам» каби ҳикматли сатрлари эл орасида машҳур бўлиб кетган. Ҳақиқатан ҳам, ЎЗЛИКни - Аллоҳ ва пайгамбаримиз олдидаги, оила ва яқинларимиз, ватанимиз ва миллатимиз, инсоният олдидаги вазифаларимизни англашда Алишер Навоий ҳамisha бизга мададкор. Алишер Навоий руҳий-маънавий дунёимизнинг бир қисмига, шахсимизга, жисмимизга айланиб кетиши керак. Юртбошимиз мустақил фикрлаш - катта бойлик, деб алоҳида таъкидладилар. Бугунги кунда мустақил фикрлайдиган ҳар бир одам Алишер Навоийни теран ва кенгроқ англаши зарурга ўхшайди. Шундай экан, Алишер Навоийни англаш ҳозир қандай мавқеда турибди? Биз шу мавзу атрофида республикамизнинг таниқли кишиларига мурожаат қилдик. Улардан қуйидаги жавобларни олдик.

- Мухтарам устоз, мана, ярим асрдан бери умрингиз Алишер Навоий билан бирга кечаяпти. Улуг шоиримиз оила, Ватан ҳақида ўз мустақил фикри, қарашига эга бўлган. Эътиқодида Халқ, Ватан, юрт манфаатлари биринчи ўринда турган. Бугунги кунда мустақиллик мафқурасини шакллантиришда Навоийнинг ўрнини қандай белгилайсиз?

Абдуқодир ХАЙИТМЕТОВ - филология фанлари доктори, профессор, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Навоий бўлимининг мудир:

- «Садди Искандарий» достонида шундай байт бор:

*Иёлу Ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.*

Бу байтда шоир: «Хар бир инсон, у ҳақиқий инсон бўлса, то тирик экан, ўз Ватани ва оиласи (иёлу) ни имкони борича ёвдан ҳимоя этишга ҳаракат қилади», - демоқчи. Маълум бўладики, Навоий Ватан ва Оилани бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар, деб қараган.

Инсон боласида Ватанга севги туйғуси нақадар чуқур эканини Навоий илк марта ўзининг йигитлик йилларида ёзган машҳур рубойида хас-ҳашак, тиканлардан ясалган ўз ошенини подшоҳларнинг олтин кафасидан ортиқ кўрган булбуд тимсоли орқали гоаят ёрқин ифодалаб берган эди:

*Фурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун кафас ичра гар қизил гул битса
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.*

Шоир ўз асарларида, хусусан, достонларида ватанпарварликни инсонпарварлик, одиллик, маърифатпарварлик, миллий мустақиллик гоая ва тушунчалари билан боғлаб талқин этган. «Садди Искандарий»да у Дорони мустақил Эрон шоҳи, деб таъриф-таъсиф этади:

*Жаҳон мулкида мустақил подшоҳ,
Анга топшуруб шоҳлар тожу гоҳ.*

Бирок у зулмкорликка берилиб, халқи уни қўллаб-қувватлагани учун Искандардан енгилади.

Демак Навоий фикрича, ўз мамлакатининг озодлигини, мустақиллигини сақлаб қолмоқчи бўлсалар, адолатли ва маърифатли бўлишлари шарт.

Навоийнинг шеърӣ ва насрий асарларида эрксеварлик, миллий мустақиллик, халқчиллик, ватанпарварлик масалаларига тасаввуфнинг, хусусан, Баҳоуддин Нақшбанднинг:

*Ватан тарқини бир нафас айлама...
Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл...*

каби кўрсатмалари ҳам катта таъсир кўрсатган. Масалан, бунга Навоийнинг ҳаж сафарига отланиб, боролмай қолгани яққол мисол бўла олади. Маълумки, Навоий ўз даврининг давлатманд кишиларидан бири бўлган. Бинобарин, бу унинг ҳажга боришини тақозо этган. Лекин у икки бор сафарга отланганда ҳар сафар Хусайн Бойқаро унинг мамлакатдан узоклашишини истамаган, бунинг учун қулай шароит йўқлигини, мамлакатда ва қўшни ўлкаларда вазият мураккаблигини айтиб уни бу муборак сафардан қайтарган. Ўз мамлакатини, халқини жондан ортиқ севган Навоий эса подшоҳнинг илтимосини қабул қилган ва ҳаж савобига бошқа хайрли ишлар бажариш билан эришишга қарор қилган.

Хуллас, Навоий ҳаёти ва ижоди бугун ҳам ҳаммамиз учун ибрат бўлиб, биз уни ўқиш билан бирга яхши ўқишимиз, ундан ўзимизга тўғри хулосалар чиқара олмоғимиз керак.

- Домла, Сиз Навоий асарларининг танқидий матни ҳақида гапирсангиз. Ахир, шоир асарларини халқимизга аслидагидек етказиш ҳам ўзлимизни англашга ёрдам беради. Шундай эмасми?

Баҳоудир САРИМСОКОВ - филология фанлари доктори, профессор:

- Ҳақиқатан ҳам, Навоий асарларини халққа етказмай туриб, қандай ўзлик ҳақида сўзлаш мумкин. Тоғилмаганларини ҳам тоғиб ўрганиш керак. Чунки шоир асарларининг матилари, таҳлиллари аниқ бўлсагина, улуг шоиримизни, ўзлимизни тўлароқ англашимиз мумкин. Алишер Навоий «Ғаройиб ус-сиғар» девонига ёзилган «Добоча»да «Бадойиъ ул-

бидоя», «Наводир ун-ниҳоя» девонларида бўлганидек, «Хазойин ул-маоний»ни тузишда ҳам Хусайн Бойқаронинг қимматли маслаҳатлар берганиги ва унга тузатишлар киритганлигини алоҳида адабиётшунослар девонлараро айна бир ғазал ёки бошқа жанрлардаги асарлардаги тахририй тузатишларни Навоидан кўра Хусайн Бойқарога нисбат бериш майлини билдирадилар. Тўғри, Навоий девонларига киритилган асарлар тахририда Хусайн Бойқаронинг хизматлари катта ва буни Навоийнинг ўзи ҳам қайта-қайта эътироф этади. Аммо «Дебоча»да улуғ шоир бир нарсага нозик ишора бериб ўтади, яъни «ул таълимларни ўзумга дастур қилиб, ҳамул дастур била ул забту тартибга шуруъ қилур эрдим». «Бадойин ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларидаги ғазаллар билан «Хазойин ул-маоний» таркибидаги девонларга киритилган ғазаллар матнини бирма-бир солиштириб чиқиш бизга кейинги девонлардаги асарлар матнига уч хил миқёсдаги тахририй тузатишлар киритилганлигидан шаҳодат берди.

Бу хил тузатишларнинг биринчиси алоҳида калом - сўз миқёсидаги тузатишлардир. Масалан, «Наводир ун-ниҳоя»даги 182-ғазалнинг 3-байти қуйидагича:

Қайда бўлсун уйқуқим оқизмиш уйқу хайлини

Тинмайин афгон сиришиқим сайлидин су кечалар.

Мазкур байт «Фавоид ул-қибар» девонидаги 174-ғазалнинг 3-байти сифатида қуйидагича тахрир қилинган ҳолда киритилган:

Қайда бўлсун уйқуқим, оқизмиш уйқу хайлини,

Тинмайин оққан сиришиқим қонидин су кечалар.

Иккинчи хил тахрирлар сўз бирикмаси ва айрим иборалар миқёсида юз берган.

Учинчи хил тахрирлар эса, муайян асар доирасида амалга оширилган. Бунада ҳам бир неча ҳолат кўзга ташланади: биринчиси - байтлар ўрни алмаштирилади, иккинчиси - байтнинг мисралари ўрни алмаштирилади, учинчиси - айрим байтлар чиқариб ташланган, тўртинчиси - ғазалга янги байтлар киритилган, бешинчиси - бир ғазалдаги байт олиниб иккинчи бир ғазал таркибига айнан киритилган.

Хуллас, тилга олинган масала бўйича бизда катта материал тўпланиб, ҳар бир тахририй тузатишнинг сабаблари таҳлил этилган ишимиз ниҳоятга етиб қолди. Уни яқин вақтлар ичида муҳтарам навобийхонлар ҳукмига ҳавола қилиш ниятимиз бор.

- Биз ҳозир ҳуқуқий демократик давлат қуришга азму қарор қилганмиз. Алишер Навоий ҳам умри бўйи адолатли жамият, адолатли давлат қуришга интилди, шунга хизмат этди. Вазир бўлган пайтидаёқ қонун асосида давлатни бошқариб, адолат принципларига риоя қилди. Қонунни бузиб халққа жабр кўрсатганларга жазо берди. Навоийнинг ҳуқуқий қарашлари ҳақидаги фикрларингизни билдирсангиз?

Ҳалимбой БОБОЕВ - Тошкент Давлат-юридик институти ректори, юридик фанлар доктори,

профессор:

- Алишер Навоий ўз даврининг буюк сиёсатчиси сифатида давлатнинг бош вазифасини, яъни мамлакатда қонуничиликни, тартибни ўрнатишни теран тушуниб етган ва унга умрининг сўнгги кунларигача амал қилган давлат арбоби эди. Шоир сиёсат, давлат қонунига оид махсус асарлар ёзиб Туронда сиёсий, ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланишини янги поғонага кўтарди. Асарлари орқали темурийлар давлатини бошқа халқларга танитди. Масалан, унинг биргина «Тарихи мулуки Ажам» асари қадимги Эрон ва Турон ҳудудида давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишига бағишланган. Навоий Ажамда Одам Атодан то ўрта асрларгача ўтган катта тарихий даврда ҳукмронлик қилган шохларнинг исмлари (улар 65 дан ортиқ), сулолалар (пешдодийлар, қайонийлар, ашқонийлар, сосонийлар) ҳақида ҳикоя қилади, ҳарбий саркардаларнинг фаолиятларига баҳо беради.

Навоий мамлакатнинг бойлигини яратувчи дехқонларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишни ўзининг ва давлат аппаратининг вазифаси, деб билади. У вилоятларда, шаҳар ва қишлоқларда давлат солиқларининг турлари ва миқдорининг ниҳоятда ошиб кетганлигидан норози бўлиб, исён кўтарганлар билан бевосита мулоқотда бўлиб, мамлакатни ана шундай оғир иқтисодий шароитларга олиб келган давлат мулозимларини қаттиқ жазолайди. Дехқонлар ва хунармандларнинг зиммасидаги оғир солиқларни енгиллаштиради.

Навоий Хуросон давлатига хизмат қилар экан, мамлакатда ободончилик ишларида катта эътибор беради. Ўзининг жамғармасидан масжид ва мадрасалар, шифохоналар, боғлар, йўллар, кўприклар, қарвонсаройлар қурдиради. Мутафаккирнинг ободонлаштириш борасидаги фаолияти унинг номини халқимиз орасида адолатли вазир сифатида машҳур қилди. Навоий Хуросон ва Мовароуннаҳрда илм-фан таракқиётига алоҳида эътибор берди. Бу соҳа кишиларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатди; уларнинг ҳуқуқларини қўриқлади ва давлатнинг ҳимоясида бўлишини таъминлади. Навоий дунёқаршида келажакда идеал давлат орзуси катта ўрин тутди. У сиёсий қарашларида мавжуд феодал давлатларни танқид қилиб, Искандар давлатидек идеал давлат тимсолини «Садди Искандарий» дostonида яратди. Унда шоир бўлажак идеал давлатни идора қилиш шакли, давлатни бошқаришда фан ва техниканинг аҳамияти, халқаро ҳуқуққа оид масалаларни таърифлайди. Энг муҳими, Алишер Навоий жамиятни давлатсиз, қонунсиз, шохсиз тасаввур қилолмайди. У жамиятда интизом, қонунқоида бўлишини эътироф этади.

Ало, токи шохсиз чу бўлғай жаҳон,

Замон аҳилга бўлмагуси омон, -

дея, марказлашган, мустақкам қонунга асосланган давлатни, унинг тепасида эса маърифатли шох туришини орзу қилади.

- Машхура опа, Алишер Навоийни болаларга

англантиш, ўқитиш муаммолари ҳақидаги фикрларингизни биз билан баҳам кўрсангиз. Табиийки, болалар Навоийни англаш орқали ўзларини англаб боради...

Маишхура САЪДИНОВА - Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 283-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси:

- Бу савол кўпдан бери мени ўйлантираётган дардли савол бўлгани учун ҳам оромимни ўғирлади...

Навоий асарларини тушунмоқ учун аввало Навоийнинг - Алишернинг ким эканлигини англамоқ керак. Уни англамоқ учун эса... мусулмонлик амалларидан огоҳ бўлмоқ лозим...

Дарсликларга Навоий ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилувчи бадиий ва тарихий асарлардан кўпроқ киритиш керак...

Мақтабга бораётган Алишернинг бурро-бурро саволлари, чўлда адашиб қолганда ўзини тутиши, Шарафиддин Яздий билан суҳбат, Лutfийнинг эътирофли, меъморлар билан бирга ишлаётган устод қиёфаси...

Ёшгина Алишернинг кўлидан отаси «Манتيқ ут-тайр» китобини олиб кўйди... Ана энди мақсадга келдик. Гап кичкина Алишернинг бутун асарни ёд олганида эмас... Гап бу асарнинг бўлажак шоир дунёқарашини ўзгартириб юборганида. «Мантик ут-тайр» қандай асар эди? Нима учун ота бу асарни ўқишни ўғлига таъқиқлаб кўйди? «Фаридиддин Атторнинг китоби фалсафий асар эди, отаси ўғлининг жинни бўлиб қолишидан чўчиб уни олиб кўйди», - деган жавоб ўқувчини қаноатлантирмайди.

Менинча, комил инсонликка интилиш туйғуси Алишер Навоийда шу асар туфайли жуда эрта, болалигидаёқ пайдо бўлди. Бугун ҳаёти, ижоди давомида бунга амал қилди. Буни ўқувчига етказиш учун Фаридиддин Аттор асарини ҳам дарсликка киритиш керак.

Хозир ўқувчилар, масалан, 5-синф ўқувчиси тушуниб-тушунмай, тили келишиб-келишмай (русча тарбия-да) Навоий рубоийларини ёд олади.

Биз ўқитувчиларнинг кўпчилигимиз ҳам Навоийни яхши тушунмаймиз, тасаввуф қандай таълимот эканлигини билмаймиз. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга шоир асарларининг туб маъносини етказиб беролмаймиз. Ўқувчиларимизда мен Навоийнинг авлодидан, деган фахр туйғусини уйғотолмаяпмиз!

Навоийни комил инсон сифатида кенг омма таниши керак. Хозир кўпчилик уни шоир сифатида танийди. Аммо «Ҳамса»нинг муаллифи сифатида, умуман «Ҳамса» қандай асар эканлигини билмайди.

Агар Алишер Навоий асарлари экранга кўчсами... Навоийнинг болалиги ҳақида, асарлари асосида мултфильмлар яратилсами...

Телевиденида Ёқубжон Исҳоқовга ўхшаган олимлар «Мантик ут-тайр» ҳақида, Навоийнинг комил инсонлиги ҳақида ўқувчи ва ўқитувчилар учун ўқув кўрсатувларини олиб борсалар аини муддао бўлар эди.

Навоийни болаларимиз боғча ёшиданок танисин. Бунинг учун ота-оналар Навоийни таниши керак.

- Махмуд ака, халқимизнинг Алишер Навоийни англашида матбуотнинг ўрни қатта. Сиз узоқ йиллардан буён газета-журналлар редакцияларида ҳозирги ўзбек адабиёти, ўзбек классик адабиёти, жумладан, Навоий ижоди бўйича ёзилган тадқиқотларни таҳрир этиб, эълон қилгансиз. Навоий ҳақидаги мақолаларни қабул қилаётганингизда нималарга кўпроқ эътибор берасиз?

Махмуд САЪДИЙ - Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:

- Навоий ҳақида, фақат XX асрни назарда тутганда ҳам, кўп нарса ёзилган. Улуғ бобомизнинг 525 йиллиги арафасида навоийшунослик аввалгига нисбатан анча ривожланди. Бинобарин, навоийшунослар ҳам кўпайди. Шубҳасиз, булар орасида ҳақиқий олимлар билан бирга хаваскор даражасидаги адабиётшунослар ҳам кўп. Демак, матбуотда Навоий ҳақида ёзилган барча мақолаларни ҳам эълон қилиш шарт эмас. Бирок, афеуски, ҳамма ўз мақоласини чиқаришни хоҳлайди. Албатта, мазмунан юпун, илмий қиммати паст қораламаларни чиқармаслик газетхоннинг қиммати вақтини тежайди, уни қалғитмайди. Мен қандай йўл тутаман? Аввало, Навоий ижоди ҳақидаги мақолада қандай янги фикр айтилганига эътибор бераман. Менимча, улуғ шоиримиз ҳақида катта-кичикми янги фикр бўлмаса, мақола ёзиб овора бўлишнинг ҳожати йўқ. Чунки Навоий номининг ўзи муаллифларни масъулияга қақирши керак. Хар бир ўзбек, айниқса, олимлик даъво қилувчи кимса улуғ устод шаънига муносиб иш қилишни доимо ёдида тутиши шарт. Мен кўлимдан келганича иш жараёнида халқуранинг йўлини тўсишга, Навоий ҳақида янги фикрларни, асосли янгича қарашларни эълон қилишга кизикаман. Агар бирор мақолада зўр янги фикр бўлса, ўзим ёзгандек қувониб кетаман. Шу сабабдан ҳам янгилик топган навоийшуносларнинг кўпи мақоласини менга келтиришни лозим топади, бундан, тўғриси, мен фахрланаман. Ўйлашимча, хар биримиз халқимизга, халқимизнинг Навоий сингари асл фарзандларига улуғ бир ҳурмат, маърифат ва муҳаббат билан қарашимиз ҳамда шунга яраша иш қилишимиз керак.

- Алишер Навоий ўз даври ҳаётини чуқур билган, асарларида чуқур таҳлил қилган. Иқтисоднинг жамият ҳаётида етакчи ўрин тутишини яхши билган. Бозорда ҳам иқтисодий, ҳам маъмурий усул билан назорат бўлишини қатъий талаб қилган. Ижтимоий ишлаб чиқаришда асосан деҳқонларни назарда тутган. Сиз иқтисодчи олим сифатида улуғ шоирнинг бу фикрларини қандай изоҳлайсиз?

Қудрат ДУСТМУХАМЕДОВ - иқтисодчи, профессор:

- Гапни шоирнинг Бадиуззамон Мирзога ёзган бир мактубидан бошласам. Мактубда «Мухтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидан вуқуф топсалар» деган насиҳати бор. Бу фикр ҳозир ҳам замонавий. Кўриниб турибдики, иқтисод, ишлаб чиқариш тўғрисида улуғ Навоий ўзининг аниқ қарашларига эга бўлган. Ўз қарашларини халқ ҳаётига

татбиқ этишга интилан. Навоий деҳқончилик ҳақида гапирганда ишлаб чиқаришни назарда тутди. Деҳқонларни ниҳоятда улуглайди. «Маҳбуб ул-қулуб»га ёзган сўзбошисида навоийшунос олима Суюма Баниева: «Оддий меҳнаткаш-деҳқонларни Навоийчалик ҳеч ким таърифламаган», - деб жуда тўғри ёзади. Бу фикрга мен ҳам қўшиламан. Ахир, ҳамма деҳқон устида кун кўрган, кун кўраяпмиз. Навоий буни ҳисобга олган. Ўзининг ижтимоий ишлаб чиқариш тарафдори эканлигини ҳам, ижтимоий ишлаб чиқариш жамият тараққиётини белгилашни ҳам деҳқонлар мисолида кўрсатган. У деҳқонларнинг бозорда эркин савдо қилишлари учун ҳаракат қилган. Ҳозир ҳам бу масала долзарбдир. Бугунги кунда ҳукуватимиз ишлаб чиқаришга кўпроқ эътибор бераётти. Бир нарсани ўйлайман. Қадимдан Ўрта Осиё халқлари асосан савдо билан шуғулланган, ижтимоий ишлаб чиқаришдан анча узоклашиш, ҳатто маълум даражада қочиш, чекинишни ҳам сезиш мумкин.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг «Тижорат аҳли закрида», «Шаҳарда олиб сотқувчилар зикрида», «Бозор қосиблари зикрида» номли фаслиларида ва бошқа панд-насихатларининг асосий йўналишида бозорлар фаолиятида ҳам маъмурий, ҳам иқтисодий усул билан давлат томонидан қаттиқ назорат бўлишини истади. Бозордаги тарозилар, нарх-наво, маҳсулотларнинг сифати текшириб борилмаса, шонр наздида, шаръий меъёр бузилади. Тўғри. Чунки бу фаолиятда иқтисодий усул билан назорат бўлмаса, қонундан четга чиқиш рўй беради.

- Алишер Навоийнинг армияни бошқариш борасидаги қарашларини ўрганиш, ҳозирги замон армиясини бошқаришда, ҳарбий хизматчиларнинг миллий онгини ўстиришда муҳим аҳамият қасб этса керак?..

Тоҳир СОАТОВ - ИИВ Ички кўшинлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, полковник.

- Интизомли армияси бўлмаган давлат ўз мустақиллигини сақлаб қола олмайди, халқи тинч яшай олмайди. Булок бобомиз ҳам бутун умри давомида мамлакат яллитлигини ўйлади, шунинг ташвишини чекди. Шунинг учун ҳам унинг бу борадаги ўйлари асарлари руҳига сингиб кетмаслиги мумкин эмас эди.

Бинобарин, асарларида армия - кўшин ҳақидаги қарашлари мавжуд. Ўз миллий ғурурига эга бўлган, эл-юртнинг қувонч ва ташвиши билан яшовчи ҳар бир ҳарбий киши учун Алишер Навоий, унинг улкан мероси қатта аҳамиятга эга. Шоирнинг кўплаб шеърлари бизларни Ватан, оила ва жамият олдидаги муқаддас бурчларимизни - ҳукуват қурган кўшинда хизмат қилиш ҳар бир Ватан ўғлонининг бурчи, айна пайтда бу вазифа диннинг ҳам амри эканлигини англаб этишга чақирган.

Тарихдан маълумки, Навоий дўсти Ҳусайн Бойқарога давлатни, армияни бошқаришда кўмаклашган, маелаҳатлар берган. Мамлакат тинчлигини ўйлаган.

Шоир илғор навкарларга яхши эътибор бериш, иноят ва ҳурматни жойига қўйиш, қонун-қонидани бузган навкарлар эса, жазоланиши кераклигини қўйидагича баён этади: «Мирзо навкарлариким, анда қулшукка машғулдурлар. Мирзо навкарлиги ҳайсиатидин иноят ва ҳурмат алар бобида кам бўлмаса, лекин беқондалиги биринин зоҳир бўлса, базҳост ва сиёсатда маъзур тугулмаса».

Ёки:

Одами эрсанг демагил одами,

Ониким йўқ халқ гамидин гами, -

байтида ифода этилган хислатларни Ҳар бир ҳарбий киши - ҳоҳ у зобит, ҳоҳ у аскар бўлсин, - ўзида намоён қилиши керак, деб ўйлайман. Чунки Ватан ҳимоячиси ана шу хислатларга эга бўлмаса, она-юртини ҳимоя этолмайди ёки ана шу вазифаларни бажаришга ўзини тайёрлай олмайди. Шу бопе улуг бобомиз ижодини ҳарбийлар орасида кенг қўламда тарғиб этиш олий бурчимиздир.

Мана, давра суҳбатимиз қатнашчиларининг Навоий ижодидаги бир мавзу - ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ мавзуи юзасидан қисқача мулоҳазалари билан танишдик. Шубҳасиз, Навоий ижоди улкан бир маънавият, маърифат денгизи. Ундан ҳар ким ўз тушунчасига кўра баҳраманд бўлади.

Суҳбатдош: Робия РАЖАБОВА - филология фанлари номзоди, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходимаси.



Келгуси сонда:

Рауф Субҳон. Алпомиш

Санжар Содик. Улкан маҳорат самараси («Даҳшат»нинг даҳшати)

Тўхтамурад Рустам. Капалаклар ўйини (давоми)

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!**

Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси
ёшларининг "Камолот"
жамғармаси

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Алланазар АБДИЕВ
Ўрол АБИЛОВ
Келдиёр ИСРОИЛОВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Нурмат ОТАБЕКОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Қобил СОЛИХОВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
ШУКРУЛЛО

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:
Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:
Ҳотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КҮЧИМОВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Мухаммад ЮСУФ
Собир ЎНАР
Ғаффор ҲОТАМОВ
Шодикул ХАМРОЕВ

Ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририяти-
нинг компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Саодат ТУЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 4 (168) 1999 й.

Муқоламизда:
2-4-бет. 1999 йил - Аёллар йили.
3-бет. Устоз адиб Иброҳим Раҳим
(А. Жумаев фотолари)

ИЖТИМОЙ ОНГ. ДУНЁҚАРАШ. ЁШЛАР

Иброҳим ХЎЖАМУРОДОВ. Истиклол ва
маънавият 1

ХУКУКҲИЙ ОНГ

Гулчеҳра МАТКАРИМОВА. "Халқаро
муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти" 3

ИЗХОР

Тожи НОРОВ. Мардлар кўриқлайди Ватанни... 6

НАСР

Тўхтамурод РУСТАМ. Қапалақлар ўйини.
Роман 9
МУҲАНДИС. Бегона шаҳарнинг
намозшомлари (Кисса) 50

НАЗМ

Турсун АЛИ. Барибир сен томон кетаман 7
Барнобек ЭШПҮЛАТОВ. Эр изини
пайпаслайди тонг 29
Нуридла ОСТОН. Юракда ёнгани ҳақнинг
амали 35
Исроил СУБҲОНИЙ. Гузаллик номидан
ўқилар фармон 43

АСЛИЯТДАН ТАРЖИМА

Кетрин МЕНСФИЛЬД. Бир пиёла чой.
Ҳикоя 31

МОҲИЯТ

Нашъат ЧИҒАТОЙ. Ваҳҳобийлик 37

МУТОЛАА

Вафо ФАЙЗУЛЛО. Қўлёмалар ёнмайди 45

ГУРУНГ

Навоийни англаш 60

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-уй
Телефон: 133-40-83, 133-44-73

Босишга 15.06.1999 йилда руҳсат берилди. Қоғоз формати
60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2. Нашриёт ҳисоб
тобоғи 12,0 Буюртма № 4400 Индекс 822

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди
деб изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа
концернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси,
41-уй.